ҒАЙРИТАБИИЙ:
Уилльям Бранхамнинг ҳаёти

БЕШИНЧИ КИТОБ:

МУАЛЛИМ
ВА УНИНГ
РАД ЭТИЛИШИ

(1955 — 1960)

Оуэн Жоргенсен

Бу китоб сен ўқиган китобларнинг барчасидан фарқ қилади…

— Билли, сен нима қилаётганингни ўзинг биласан, деб ўйлайман, — деди Меда.
— Ҳа, ўйлайманки...
У гапини тугатишга улгурмади.
Нимадир бир ғалати нарса бўлди. Ўзининг хотинига қараш ўрнига, Билли ўзига қараб тупроқ йўлдан келаётган кўйлаксиз иккита кир-чир болани кузатиб турар эди. Уларнинг яланг оёқлари билан чиқарган чанг булути йиртиқ иштонларига унниқар эди. Иккиси ҳам тўзғиган қора сочли, қора кўз ва буғдойранг терисини офтоб олган эди. Улардан бири ёғоч оёқли аравача тортаётган эди.

— Азизам, — Билли деди, — қара, ким келаяпти.

— Нималар деяпсан? — сўради Меда.

Шу пайтга келиб Билли ваҳийга жуда чуқур кирганидан, унга жавоб беролмади. Кейин хотини хонадан чиқди ва шунда у учун ваҳий ҳамма нарса бўлди-қолди.

Кучли бир нарса уни ўша болакайлар олдидан олиб ўтди...

Ҳадемай олдингизда ғайритабиий сфера очилади...

Мундарижа

Муаллифдан
Бешинчи китоб: муаллим ва унинг рад этилиши

68. **Ўқитувчилик хизматининг бошланиши**
69. **Жиддий огоҳлантириш**
70. **Ҳақиқий ва ёлғон новда**
71. **Швецариядаги қарама-қаршилик**
72. **“Халтачали” қалтироқ**
73. **Швецарияда Фаришта суратга олинди.**
74. **Фаришта балиқ овлашни ўргатади**
75. **Мексикада мўъжиза ва сирлилик**
76. **Америка Исроилга ўхшаб Кадес-Варнида турибди**
77. **Мероснинг тақсимланиши**
78. **Уотерлидаги кўнгил қолиши**
79. **Яхшилик ва ёмонликни билишни тушунтириш**
80. **“Ҳаёт бўлсин!”**
81. **Вақт пардаси ортида**

Изоҳлар ва информация манбалари
Адабиётлар
Мавзу кўрсаткичи
Кейинги китоблар ҳақида маълумотлар.

Муаллифдан

Ҳамма вақтлар ва замонларнинг буюк ўқитувчилари кимлар эди? Афинадан Сукрот, Назарейдан Исо ва Тарсдан Павел, шубҳасиз, бу рўйхатда биринчилардан ҳисобланади. Гарчи бу учала кишининг таълимоти ўз даврида инкор қилинса-да, улар ўқитган принциплар охир оқибат, одамларнинг дунё қарашини ўзгартирди. Уилльям Бранхам таълимотига ҳам худди шу нарса қўлланса бўлади. Унинг таълимоти Масиҳчиларда уларни Библияни ва ҳаётларида Худонинг режасини тушунишларини шиддатли равишда ўзгартириб юборади. Сиз унинг ғояларига қўшиласизми ёки йўқми, бу китоб Сизни қойил қолдиради, руҳингизни кўтаради ва Сизга хитоб қилади.

Мен бу бешинчи китобни *"Муаллим ва унинг рад этилиши"* деб номладим. Чунки бу ном қайсидир маънода Уилльям Бранхамнинг ҳаётининг шу даврини аниқ тасвирлайди. 1954 йил охирида Муқаддас Руҳ уни халқаро имон билан шифоланиш кампаниялари вақтида у анча чуқур Илоҳий принципларни ўргатиши учун етаклаётганини ҳис қилди. Бунинг натижасида гоҳ уни, гоҳ буни, гоҳ у деноминация, гоҳ бу деноминация лидерини хафа қилавериб, токи у хафа қилганларнинг сони шунчалик кўпайиб ва унинг хизматига эҳтиёж анча камайиб кетгунича давом этаверди.

Худди шундай нарса Исо Масиҳ хизматида ҳам бўлган эди. Кўплаб одамлар Исони қачонки У касалларни шифолаганида, уларни нон ва балиқ билан тўйғазганида ва уларни маталлар айтиб ўргатганида, яхши кўрган эдилар. Аммо вақт ўтиши билан У "эмизак ва бутилкачани" бир томонга қўйди ва Хушхабарнинг қаттиқ озиғи таълимотини ваъз қила бошлади. Исо айтди: *"Мени деб васвасага тушмаган бахтлидир!"*[309] Шунга қарамай, кўплаб одамлар У ўргатган, англаб етиш қийин бўлган тушунчаларни эшитиб васвасага тушдилар ва хафа бўлдилар. Масалан, Исо шундай деди: *"Агар Инсон Ўғлининг танасини емасангизлар ва Унинг Қонини ичмасангизлар, у ҳолда сизда ҳаёт бўлмайди"*. Буни эшитиб халқ шундай тез озайиб кетдики, ҳатто Унга яқин юрган етмиш шогирди ҳам Уни ташлаб кетди. Исо Ўзининг ўн икки шогирдига қараб: *"Наҳотки сизлар ҳам кетмоқчи бўлсангизлар?"* — деб сўради. Аммо Симон Пётр Унга шундай жавоб берди: "Раббий, бизлар кимга борайлик? Сен Абадий Ҳаёт Каломига эгасан. Бизлар ишондик ва билдик, Сен Худонинг Азизи — Масиҳсан".[310] Шу вақтдан эътиборан, Исо Исроилда ҳеч қачон машҳурлик қозонмади. Танқидчи ўзича Унинг хизмати ўшандан бошлаб токи ҳатто Исонинг Ўзи хочда: "Тангрим, Тангрим, нега Мени ташлаб қўйдинг?"[311] — деб фарёд қилгунига қадар, сусайиб кетаверди, деб исботлаши мумкин. Бироқ шуни унутмангки, кенг тарқалган фикр ҳақиқат дегани эмас. Гарчи Исонинг жамоатчилик орасидаги довруғи пасаяверса-да, У Уни Ота нима мақсадда ерга юборган бўлса, шу мақсадни, яъни Унинг Исмига ҳамма ишонганларни қутқаришни амалга оширди.

[309] Матто 11:6; Луқо 7:23
[310] Юҳанно 6:47-71
[311] Матто 27:46; Марк 15:34

Мен буни Уилльям Бранхамнинг жамиятдаги обрў-эътиборининг тушиши, библиявий ҳодиса эканлигини кўрсатиш учун эслатдим. Унинг шифоланиш кампанияларида одамлар камаяверган ва уни ваъз қилиши учун борган сари кам таклиф этган бир пайтда, Худо унинг хизматини якунловчи стадияси — Фариштанинг сўзи билан айтганда, унинг "Учинчи Силташи"га тайёрлаб бораверди. Бу "Учинчи Силтов" ҳозиргача бўлган ҳаммасидан ошиб тушди.

Ғайритабиийлик: *"Уилльям Бранхамнинг ҳаёти"* сериясидан бешинчи китоб учун танланган сарловҳа, танганинг фақат бир томонини тушунтиради. Бу китобда бошқа томони ҳам эслатилади, аммо Сизга буни кўришингиз учун, руҳий кўз билан ўқишингизга тўғри келади. Танганинг иккинчи томони олтинчи китобда ёритилади, аниқроғи, жуда яққол бўлиб қолади.

Оуэн Жоргенсен, 2002 й.

68 БОБ
ЎҚИТУВЧИЛИК ХИЗМАТИНИНГ БОШЛАНИШИ
1955

ЎША 1946 ЙИЛ, УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ билан Фаришта учрашганидан бошлаб, унинг ҳаёти умрбод ўзгарди. Унинг шаҳардаги оддийгина хизмати бутунлай йўқолди, ва бутун дунё бирданига нидо қилди, а кейин эса уни бўлиши учун ёлворди. Биринчи вақтлар Уилльям Бранхамнинг имон билан шифоланиш кампаниялари жануби-шарқий штатларда ўтказила бошланди. Аммо тез орада у бутун Шимолий Америка бўйлаб ва вақт ўтиши билан Европа, Африка ва Ҳиндистон бўйлаб миллионлаб одамларга Хушхабар айтиб, сафарлар қила бошлади. Халқаро масштабдаги етти йиллик хушхабарчилигидан кейин унинг ваъзлари оқибатида ҳисобласа, 500 000 га яқин одам Исо Масиҳни ўзининг шахсий Нажоткори сифатида қабул қилган эди; бунинг устига, қанча миллионлаб одамлар унинг ибодатлари туфайли шифоланганлигини билишнинг иложи йўқ эди.

Бундай фавқулотдаги ютуқларга қарамай, 1954 йил охирида Уилльям Бранхам ғалати бир норозиликни ҳис этди. У ўзидаги юрак сирларини ғайритабиий фарқлаш инъоми, деноминацион тўсиқларни бузади ва Масиҳчиларни Масиҳга чуқурроқ ва содиқ хизмат қилиш учун бирлаштиради, деб умид қилди. Бироқ ўртача Масиҳчиликнинг кенг дарёси ўз оқимини бор-йўғи озгина бузиб, тўхтамай пастга оқишида давом этаверди.

Узоқ ибодатлар ва мулоҳазалардан кейин ўзининг бундай муносабати жуда ҳам эҳтиёткорона эканини англаб етди. Уни кампаниялари кўплаб деноминацияларарo одамларни жалб қилгани туфайли,танқидни камайтириш ва кўпроқ тан беришлари умидида, доим у оддийгина ваъзлар қилар эди. Кўп ҳолларда у учта темага асосланар эди: қутқарилиш, имон ва Исо Масиҳ Исмида шифоланиш. Гарчи бу темалар энг зарур, Масиҳчи таълимоти рўйхатининг бошида турса-да, улар олдингидай Исо Масиҳдаги фаровон ҳаётнинг бор-йўғи ибтидоси эканлигини ифодалар эди холос.[312] Худо, Унинг болалари анчайин кўпроқ нарсани билишини ва ўзларида намоён қилишларини истар эди. Ҳаворий Павел ўша Масиҳчилар, Худо Каломининг қаттиқ озиқдан бош тортиб, фақат сут ичганлари, ғўру-тажрибасиз гўдакликларидан таъна қилган эди.[313] Павел шундай деб ёзди: *“Шунинг учун Масиҳ ҳақидаги бошланғич таълимотни қолдириб, камолотга интилайлик”.*[314] Билли ўзининг хизмати Масиҳчи черковини камолотга етишида ёрдам бера олади деб ҳисоблади. У бу вазифани амалга ошириши учун ўз кампаниялари вақтида Худо Каломининг қаттиқ озиғини, агарки ҳатто бунинг оқибатида у айрим одамларни хафа қилиб қўйса ҳам, ваъз қилишга мажбур бўлишини билар эди.

[312] Юҳанно 10:10
[313] Ибронийларга 5:9-14
[314] Ибронийларга 6:1

Худо уни кўпроқ таълим беришига чақираётганини билгач, у 1955 йилги кампанияларида зўр ғайрат билан ваъз қилишга киришди. Январ ойи, ўн бир кун давомида у Иллинойс штати, Чикагодаги “Филадельфия” черковида 13 марта ваъз қилди. Пастор Мэттсон Боузе у истаган темасида бемалол ваъз қилишига қўйиб берди. Билли бундай эркинликдан фойдаланиб, бир неча муаллимлик ваъзларини айтди. Улар ичида “Иегованинг еттита таркибий исмлари”, “Мажусийлар даври бўлагини боши ва охири” ва “Имон учун муҳим асос” — деган ваъзлар бор эди.

Сешанба кечқурун у ўз ҳаёти тарихининг руҳий томонини айтиб берди. У одамларга ўзи кўрган ваҳийларни Масиҳчи хизматчилар шайтондан келаяпти деганида, ўша ёшлик паллаларида қанчалик довдираб, саросимада қолганларини тушунтириб берди. Билли 1946 йилдаги ўша кунни, қачонки у ўз саволларига Худодан жавоб олиши учун ўрмондаги ғорга яшириниб олган кунини сўзлаб берди. Ярим кечалардан кейин тим қоронғуда нур пайдо бўлди ва ундан одам чиқиб келди. Уни бўйи икки метрча, вазни эса ҳеч бўлмаганда юз

килограммга яқин эди. Унинг оппоқ кийимида соқолсиз, текис юзини ўраб турган қора сочлари яққол билиниб турар эди.

Бу одамларга, Чикагонинг иссиқина черковида бемалол ўтирганларга айта туриб, Билли ўша лаҳзада ҳис этган даҳшатни етказишга ҳаракат қилди.

— Чин сўзим, дўстларим, мен ўшанда юрагим ёрилиб кетади, деб ўйладим. Бир тасаввур қилинг-а! Ўзингизни менинг ўрнимга қўйинг. Бунда сиз ҳам худди шундай бўлардингиз. Фаришта менга юз марталаб келганидан кейин ҳам, у менга яқинлашганида мен аввалгидек фалаждай бўлиб, бехол бўлиб қоламан. Баъзида мен ҳушимдан кетишимга сал қолади. Агар мен касаллар учун ибодат қилишда жуда кўп давом этаверсам, мен *албатта* беҳуш бўлиб қоламан.

— Шундай қилиб, мен ўша ерда унга қараганча ўтирдим. У паст овозда шундай деди: “*Қўрқма. Мен Қудратли Худо ҳузуридан юборилганман”*. Қачонки у гапирганида, мен уни уч яшарлигимдан бери эшитган худди ўша овозни танидим. Бу уни ўзи эканини билдим. У шундай деган эди: “*Қўрқма. Мен Қудратли Худо Ҳузуридан сенга, сенинг ўзига хос туғилишингни* (сизлар биласиз, 1909 йил ўша кулбачада туғилган пайтимда нима содир бўлган эди, Кентуккида. Худди ўша Нур мен туғилишимда устимда турган эди) — *ва бу ўзига хос ҳаётинг сени бутун дунё бўйлаб юришинг ва касал одамлар учун ибодат қилишинг лозимлигини билдиради. Уларда қанақа муаммолар бўлмасин, аҳамияти йўқ, агар сен одамларни ўзингга ишонтира олсанг, ва чин юракдан ибодат қилсанг, — сенинг ибодатинг олдида ҳеч нарса туролмайди, ҳатто рак ҳам”*.

— Мен дедим: “Жаноб, мен камбағал одамман, ва камбағал одамлар орасида яшайман. Менинг маълумотим ҳам йўқ. Улар менга қулоқ солишни исташмайди”.

— У шундай жавоб қилди: “*Мусо пайғамбарга, уни хизматини тасдиқлаш учун қандай иккита аломат берилганидек, худди шундай сенга ҳам хизматингни тасдиқлаш учун икки инъом берилади.*[315] *Биринчи инъом сенинг қўлингдаги аломат бўлади; қачонки касал одам учун ибодат қиласан, чап қўлингга уни ўнг қўлини ол. Кейин фақат бемалол тур. Ёвуз руҳ касалликлари сенинг танангга жисмонан таъсир қилишидан, сен уларни аниқлай биласан. Кейин сен ибодат қилишинг керак бўлади. Агар сенинг шишган чап қўлинг ўз ҳолатига қайтса, шунда бу одамни шифолангани эълон қилсанг бўлади, чунки касаллик ундан чиқди. Агар қўлинг илгаригидай шишганича қолаверса, унда бу одам учун дуо сўрагин холос ва яна давом этавер”*.

[315] Чиқиш 4:1-8

— Мен дедим: “Жаноб, улар мени қабул қилишмайди, деб қўрқаман”.

— У жавоб берди: *“Агар улар биринчи аломатга қулоқ солмасалар, шундай бўладики, сен уларнинг юрак сирларини билиб оласан. Ўшанда уларни сенга қулоқ солишларига тўғри келади”*.

— Мен дедим: “Жаноб, айнан мана шу сабабдан ҳам бу кеч мен шу ерданман. Ўша менга келаётган ваҳийларни, хизматчилар менга шайтондан келаётган, ёлғон дейишяпти”.

— У деди: *“Сен бу дунёга шу мақсад учун туғилдинг”*.

Билли гувоҳлигини тугатган эдиямки, унинг олдида, уни қўрқув ва эҳтиром ҳисларга тўлдирган ниманидир ҳозирлиги, борлиги пайдо бўлди; У шунчалик сезилиб турилардики, ундан унинг танаси санчилар эди. У олдида Раббий Фариштаси турганини билиб турар эди. Кейин у Фаришта аудитория бўйлаб кўчиб, ундан узоқлаша бошлаганини сезди. Ҳозир у аниқ кўра олар эди: қаҳрабосимон олов шари фотоаппарат чақнашидай шуъалаланиб турар, у умуман йўқолиб ҳам қолмас эди. Ваҳий қандайдир тарзда бу Нур билан ўзаро боғлиқлигини билиб, Билли олов шарини диққат билан кузатиб турди. Фаришта қора танли аёл устида тўхтади. Билли у аёлнинг имони унинг инъомидан қандай тортаётганини ҳис қилди.

— Бу ерда қора танли аёл, қўлини кўтариб ўтирибди. Сизни кўрсата олишим учун, ўрнингиздан туринг. Мен бор-йўғи инсонман, лекин Исо Масиҳ Худонинг Ўғлидир ва У Ўз Руҳини булар ҳаммасини тасдиқлаш учун юборди. Агар Худо менга, сизда қанақа муаммо эканини айтса (ва сиз биласиз, мен сиз билан ҳеч қандай контактда бўлолмаслигимни ҳам), сиз бутун юрагингиз билан ишонасизми?

— Ҳа, — жавоб берди аёл.

— Худо сизни дуо қилсин. Сизнинг юқори қон босимингиз ҳозиргина йўқ бўлди. Мана, сиз нимадан азият чеккансиз. Шундай эмасми, ахир? Унда ўтиришингиз мумкин. Леди, сизда бошқача кайфият, шундай эмасми? Ҳа. Тўғри.

— Сизни ёнингизда ўтирган паст бўйли леди, у артрит ва аёллар касаллигидан қийналаяпти. Леди, шундай эмасми, ахир? Икки лаҳза турсангиз — қизил кўйлакдаги паст бўйли леди. Сиз Фариштага шунчалик яқин турганингиздан, ҳозир сиз учун ваҳий зоҳир бўлди. Сизда артрит, аёллар касаллиги ва яна нимадир... Сиз эрингиз учун хавотирдасиз. У ароқхўр. У черковга бормайди. Агар бу ҳақиқат бўлса, қўлингизни кўтаринг.

У буни қўл кўтариб тасдиқлади.

— Худо сизни дуо қилсин, леди. Уйингизга бораверинг ва ўз дуоингизни қабул қилинг. Сиз шифоландингиз. Мен сизни атрофингизда нур қандай чақнаганини кўрдим.

Фариштa черковни охирига қараб силжиди. Билли йиғилганларга гапиришда давом этар ва шу вақтнинг ўзида Нур қаерда тўхташини кутар эди.

— Худога имонга эга бўлинг. У ерда, орқада ўтирганлар, сиз бу ҳақида нима деб ўйлайсиз? Сизлар ишонасизларми? Эҳтиром билан бўлинглар.

— У ерда, охирида, шарфли леди ўтирибди. Мен Нурни унинг устида тураётганини кўраяпман. У юрак хасталигидан қийналади. Унинг ёнида у билан эри ўтирибди. Уни ошқозони касалланган. Сэр, шундай эмасми ахир? Агар бу ҳақиат бўлса, қўлингизни кўтаринг.

Бинонинг охирги қаторида ўтирган эркак киши қўлини кўтарди.

— Сэр, сиз, қўлингизни кўтарган, мен ваҳийда сизни чекиш одатингиз борлигини кўряпман. Бунга бархам беринг. Сиз сигара чекасиз. Мана шу сизни касалванд қилади, шундай эмасми? Агар бу тўғри бўлса, қўлингизни бундай силкинг. Мана нима сизни ошқозонингизни бузилишига олиб келади. Бу сизни асабларингизга ёмон таъсир қилади. Бундай жирканч нарсалардан қутулинг ва бошқа бундай қилманг, ва сизда ҳаммаси жойига тушади... ва хотинингизни юрак оғриши ҳам йўқ бўлади. Сиз бунга ишонасизми? Бу ҳақиқат эмасми ахир? Мен бу ердан сизни кўролмайман, буни ўзингиз ҳам биласиз, лекин сиз сигарани олд чўнтагингизда олиб юрасиз. Бу тўппа-тўғри. Сигарани чиқаринг ва хотинингизни бошига қўлингизни қўйинг; Худога чекишни бас қилдим денг, ва шунда сиз иккингиз ҳам уйга соғайиб қайтасиз. Раббий Исо Масиҳнинг Исми дуоли бўлсин!

Аудитория ҳаяжондан шовуллаб қолди. Билли ҳақиқатдан ҳам уларнинг имони қандай кўтарилганини ва ундаги неъматдан ҳар томондан тортқилаётганини сезди. У одамлар боши узра силжиётган Олов Устунидан кўзини узмади.

— Худога имонингиз бўлсин, — деди Билли. — Мен буни ўз кучим билан қилолмайман; бу фақат Унинг мархамати. Сиз шунга ишонасизми? Мен бу нарсаларни У менга қандай кўрсатса, шундай гапира оламан. Буни сизнинг биродарингиз қилмаётганини англаяпсизми? Бу сизнинг имонингиз Илоҳий неъматни ҳаракатга келтираяпти. Сиз Уни Ҳозирлигида турибсиз. Бир дақиқа...

У Нурни ўзига қараб қайтиб келаётганини кузатди ва кейин ёши ўтган одам устида тўхтади.

— Мана бу бурчакда анча қари ва кўзойнакда қора танли одамни ўтирганини кўраяпман. Сэр, бир-икки дақиқага турсангиз. Мен Худонинг хизматкори эканлигимга сиз ишонасизми? Сиз бошқа биров ҳақида ўйлаяпсиз, шундай эмасми? Агар бу тўғри бўлса, қўлингизни силкитинг

У одам қўлини силкитгач, Билли аудиторияга деди:

— Мен унинг устида турган Нурни кўряпман. Бу ҳали ваҳийга ўтмади. Агар Қодир Худо бу одамга унинг муаммосин нимадалигини айтса, сизлар ҳаммаларингиз ўз шифоингизни қабул қиласизларми? Мендан ўн беш метрлар узоқда бошқа бир одам турибди. Мен олдин ҳеч қачон бу одам билан учрашмаганман. Агар Қодир Худо бу одамни муаммосини очиб берса, унда сизларнинг ҳар бирингиз бу ердан соғайиб чиқишингиз керак бўлади. Худо яна бундан ортиқ нима қилиши мумкин?

— Сэр, сизнинг аҳволингиз жуда ҳам ёмон эмас. Сиз беҳолликни ҳис қиласиз ва простота билан озроқ муаммога эгасиз, аммо сизни хавотирлантираётган бу эмас. Сиз ўғлингиз учун қайғуряпсиз, унда шахси қўшалоқ эканидан, у психиатрия касалхонасида ҳозир. Шундай эмасми, ахир? Қўлингизни силкинг, агар бу ҳақиқат бўлса. Кўрдингизми, айни шундай.

— Энди, сизлардан қанчаларингиз Исо Масиҳ, Худонинг Ўғли шу ердалигига ишонасизлар? Келинглар, ўрниларимиздан турамиз, Худога шукроналар айтамиз ва шифоларимизни қабул қиламиз.

Микрофон Биллининг ибодатини халқни шовқини устидан кучайтириб берди: "Қодир Худованд, Ҳаётнинг Муаллифи, ҳар қандай эзгу инъомлар Берувчи, Сен шу ерда бўлиб турибсан, Ўша Раббий Исо Масиҳнинг Ўзи, кеча, бугун ва абадул-абад Ўшанинг Ўзи. Иблис, сен бу одамларни анча узоқ вақт алдадинг. Мен сенга шу ерда Олов Устини кўринишида Ҳозирлиги бор, — тирик Худо номидан буюраман, — мен сенга Исо Масиҳ Исми ҳақи бу одамларни тарк этишингни ва улардан чиқишингни буюраман".

— Энди сизлардан ҳар бирингиз қўлини кўтаради, Худони улуғлайди ва ўз шифосини қабул қилади!

Кўплар шундай қилдилар, аммо ҳамма эмас.

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ ЎЗИНИНГ Чикагодаги январь кампаниясидан кейин жануби-ғарбга, Аризона штати, Финиксга жўнади. Билли Поль Бранхам, Жек Моор ва Янг Браун у билан кетди. Биллини олдида 1955 йил 20 февраль, якшанбадан бошлаб, Финиксдаги "Шрайнер Темпл" черковида ўн иккита кечқурунги йиғилишлар ўтказиши турар эди.

Шанба куни, бу йиғилишлар бошлангунигача бир кун олдин, ибодат қилиш учун овлоқроқ жой излаб, Билли Финикс атрофидаги чўлга жўнаб кетди. Нимадир ҳали ҳам унга унча тинчлик бермас эди. У кампаниялари вақтида оз одам учун шахсан ибодат қилади деб, уни тез-тез танқид қилишар эди. Қатор йиллар давомида қуйидагича шикоят билан юзлаб мактублар олди: "Сен ҳали беш киши учун ибодат қилгунингча, Орал Робертс эллик одам учун ибодат қилади". Бу ҳақиқат эди. Орал Робертс одамларга, улар уни ёнидан ўтган пайтида қўл қўяр ва улар учун ибодат қилар эди. Билли бўлса, бошқа томондан, одамларни навбатга тизар ва ундан кейин ваҳий орқали ҳар бир одамни муҳтожини билиш имкониятига эга бўлиш учун, уларни битта-битта олдинга чиқарар эди. Унинг методи нафақат кўп вақтини олар, балки ваҳийлар, бунинг устига уни ҳаддан ташқари толиқтириб, уни ҳар кечқурун одамлар учун шахсан ибодат қилса бўладиганлар сонини чегаралар эди. Бор-йўғи биргина ваҳийдан Билли, агар у кирка ва курак билан бир соат ариқ қазиса, ундан ҳам кўпроқ чарчаб қолар эди. Ўн бешта кетма-кет ваҳийдан кейин у шундай беҳол бўлар эдики,базўр оёғида тура оларди. Агар бундан оширишга ҳаракат қилса, тинкаси қуриб, ҳеч нарсани сезмай қолиши мумкин эди. Унинг ўғли Билли Поль ва янги администратори Жек Моор, у ҳолдан кетмаганига ишончлари комил бўлиш учун, уни диққат билан кузатиб туришар эди.

Гарчи Билли тингловчиларга доимо бу ҳодисотни тушунтирса-да, кўп одамлар буни олдингидай тушунишмас эди. Ҳатто унинг ҳамкорларига буни тушунишлари қийин эди. Гордон Линдсей бир куни шундай деган эди: "Нима учун энди сен фақат бир ёки икки одамни сирларини билсанг-у, ундан кейин эса орқага кетиб ва ибодат навбатидаги қолганлар учун бизлар каби ибодат қилсанг бўлмайдими?" Қандайдир сабабга кўра сирларни билиш инъоми Биллида умуман бошқача тарзда ҳаракат қилар эди. Қачонки ибодат навбати вақтида Фаришта уни ёнида бўлса, ваҳийлар беихтиёр пайдо бўлаверар эди. У уларни бошқара билмас эди. Биллига неча марталаб, аслида одамлар ўз имонлари билан ундаги сирларни билиш инъомидан тортқилаётгандай туюлар эди.

Ўша шанба куни Финикс атрофидаги чўлда Билли каттакон тош соясида тиз чўкди ва Худодан ҳар бир йиғилиш вақтида кўпроқ одамлар учун ибодат қилишига ёрдам беришини сўраб ибодат қилди. Қуёш қизил тупроқни қиздириб, осмон гумбазида юқорилаверди, натижада, олис-олислардаги тоғлар иссиқлик ҳилини тўлқинларидан хиралашгандай бўлди. Неки қимирлай олса, ҳаммаси ҳар қандай соядан паноҳ излаб қолди. Ўсимликларга бу

жазирамага чидашига тўғри келар эди. Бу ердаги чўл улуғвор цереус-кактуслари, сербута голья-кактуслари, қамчинга ўхшаш окотилло-кактуслари ва тиконли ўсимликларнинг кўплаб бошқа турлари билан тўлиб кетган эди.

Тез орада Билли Раббий Фариштасини яқинлашаётганини сезди. Бирдан чўл кўздан ғойиб бўлди. Билли ўзини қайсидир аудиторияда кафедрада турганини кўрди. У қачон улар учун ибодат бўлади деб навбатда кутиб турган одамларга қараб турган эди. Ўзининг орқасида паст бўйли сочли тўкилган одамни ва унга нотаниш бўлган баланд бўйли ориқ одамни кўрди. Кейин Биллига қараб жигарранг юбка ва костюмда кийинган паст бўйли аёл келди. У қўлида адёлга ўралган болани ушлаб турган эди. У Биллида бир метр ёки икки метр берида тўхтади; шуни ўзи у аёлнинг юзи оқлигини, кўзлари қоралигини ва қора сочларини кўриш учун етарли эди. Аёлнинг қўлларига қараб туриб, у муштдеккина, рангпар болани кўрди, у базўр тирикдай эди. Биллининг ибодатидан сўнг Худо болани шифолади. Кейин Фаришта пайдо бўлди ва деди: ***"Қачонки бу шундай бўлиб ўтишини кўрганингда, сени хизматинг ўзгаради".***

Ҳар кеч Финиксда Билли бу ваҳийни бажарилишини кутаверди. Ўша кампанияда бу нарса бўлмади-ку, бироқ бунинг ўрнига қандайдир ҳайратланарли нарса бўлиб ўтди.

Чоршанба кечқурун, 1955 йил 23 февралида, Биллининг ўзининг ваъзини ярмига етганида, бирдан у ваҳий кўрди. (У ваъз вақтида камдан-кам ваҳий кўрар эди; улар одатда ибодат хизмати вақтида мойланиш остида зоҳир бўлар эди.) У бу ваҳий қандай ривожланаётганини кўра туриб ва унинг мазмун-маъносини ваъзига қўшиб, ваъз қилишда давом этди. Биллининг кўз ўнгида Эдем боғи бутун гўзаллиги билан гуллаб турар эди. У Одамни Момо Ҳавони қучиб ва у билан ёнма-ён бўлиб боғдан чиқаётганини кўрди. Ваҳийда Одам у ёқдан чиқишга мажбур эмаслиги аниқ-равшан кўрсатилган эди, чунки у Ҳаво сингари алданган эмас эди. У ўз ихтиёри билан боғни тарк этди, чунки у Ҳавони севар ва у қувғинликда ҳам бирга бўлишни истар эди. Одам ҳам Ҳаво ҳам қўйтери кийиб олган эди. Бу эса Буюк Қурбон Қўзиси — Қутқарувчи, ҳар Масиҳчини гуноҳларини ювадиган ўша кундан дарак бериб турар эди. Булар ҳозир сўйилган қўйнинг териси эди, чунки Одамни оёғидан қон томчилари оқаётганди. Билли ҳатто ҳали нам қўй териси Одамнинг белига у юриётганида урилиб, шапиллаганини эшита олди.

Кейин воқеалар майдони ўзгарди. Энди Билли эгилиб қолган ва Гўлгота тепалигига Ўз хочи билан қийналиб кўтарилаётган Иккинчи Одам (Худонинг Қўзиси Исо Масиҳ)га қараб турар эди. Унинг орқасида қон кийимига шимиган ва Унинг оёқларига оқиб тушаётган эди. Ваҳийда Исо ўлимга ўз ихтиёри билан бораётгани аниқ-равшан кўрсатилган эди. Чунки У Ўз Черковини, Ўз Келинини севар эди.

Билли шундай деб ваъз қилди:

— Одам айбдор эмас эди. Ҳаво айбдор эди. Бироқ Одам Ҳавони шунчалик яхши кўрганидан, барибир у била бирга кетди. Бу Масиҳ ва Черковнинг тимсолидир. Масиҳ Черковга қараб, унинг адашаётганини тушунди, аммо, шунга қарамай, У биз билан, бизнинг, гуноҳкорнинг жойини эгаллаш учун, бизлар учун ўлиш учун, бизлар учун ўлимнинг нишини суғуриб олиш учун, У бизлар билан кетди. Гуноҳкор, сен қандай қилиб бундай беқиёс муҳаббатни рад этишинг мумкин?

Йиғилиш тугагандан сўнг Билли ва унинг ҳамкорлари бу ваҳий ҳақида кечаси соат биргача суҳбатлашдилар. Пайшанба кечқурун у бу ҳақида аудиториясига эслатди. У бу ваҳий унинг кўпроқ таълим бериши ҳақидаги қарорини тасдиқлади деб ҳисоблади.

Жума кечқурунги йиғилиши вақтида Билли шундай деди:

— Бугун бинодаги неча одамда ибодат карточкаси бор? Қўл кўтариб, менга кўрсатинг. Ана, бу етарли, жуда соз. Хўш энди, мен карточкаси борки, уларни ҳар бири учун ибодат қилмоқчиман. Мен уларни ҳар бирини навбат билан ўтказолмайман. Кўраётганингиздай, бир неча ваҳийдан кейиноқ мени кучим қолмай қолади, шу учун мен ҳар бир одам билан шундай қилолмайман. Бироқ мени мажлисим ҳар бир одам билан контакт қилишга асосланмаган. Улар Раббий Исо Масиҳни улуғланишига ва Каломни ваъз қилиш ва Худо Каломини намоён қилиш орқали Унинг тирилишига асосланган. Ваъз қилинаётган

Сўзни эшита туриб, Рабий Исо Ўзининг тирилтирадиган Қудратида ораларимизда турганига ва У ер юзида бўлганида қилган ишларини Ўзининг абадийлик Қудратини тасдиғи сифатида ҳозир ҳам қилаётганига одамлар ишонишлари лозим. У бу ерда биз билан бирга ва ҳамма вақт бўлади ҳам. Имонли-масиҳчилар, бизлар ҳеч қачон Масиҳсиз қолмаймиз. Бизлар У билан бутун абадийликда мулоқотда бўламиз. Бу ажойиб эмасми, ахир? Исо шундай деди: *"Мен ҳар куни сизлар билан..."*[316] Менинг йиғилишларим имонли киши ҳақиқатга назар солиши ва яшаши керак деган принципига асосланган.[317]

[316] Матто 28:20

[317] У бу ерда имон принципига илова қилаяпти. "Қараш ва яшаш". Сонлар Китобининг 21:4-9га тааллуқли ҳикоя. Қачонки Исроилликларга заҳарли илонлар бостириб келганида, Мусо мис илонни узун таёққа қўйиб кўтарган эди. Худо, ўша мис илонга қараган ҳар бир одам тирик қолади деган эди. Мис илон, ҳукм этилган гуноҳнинг рамзи эди. Бу Эски Аҳддаги воқеа хочдаги Исонинг тимсоли ҳисобланади (Юҳанно 3:14-15). Исо инсонлар гуноҳини хочга кўтарди. Кимки Унга имон билан қараса, абадий яшайди.

Гарчи Биллининг кампанияси 1955 йил 2 март чоршанба кунигача давом этиши керак бўлса-да, 26 февраль шанба кечқурунда Фениксда йиғилиш белгиланмади. Ўша шанба у Сан-Карлос Индеецлар Резервациясида индеец-аппачилар учун битта ибодат йиғилиш ўтказиш учун, 160 километр шарқ томонга жўнаб кетди. У Сан-Карлосда охирги марта 1947 йилда, ўзидаги иккинчи аломат пайдо бўлишидан икки йил бурун ваъз қилган эди. Ўшанда у касалларни фақат қўлидаги аломат орқалигина била олар эди. Ўшанда, 1947 йилда, йиғилиш бошланганида, индеецлар уни ёлғончи бўлса керак деб ўйлаб, ибодат учун олдинга чиқишни исташмадилар. Аппачилардай бир-бирига жуда яқин жамоа, бир-бирларини яхши билган одамлар нотаниш одам биринчи бир неча кишидаги касалларни аниқ айтиб бергач, уларнинг шубҳалари тарқалиб кетди, ва бир зумда навбатда қатор бўлишди. Натижада улар учун Билли ярим тунгача ибодат қилди. Мўъжизалар Оқ тоғнинг баҳорги жилғасидай шунчалар эркин "оқаверди.

Энди, 1955 йилда индеец-аппачилар ўз резервацияларида навбатдаги имон билан шифоланиш хизматини ўтилишини жуда эҳтирос билан исташарди. Билли келиши билан, тол билан ёпилган кулбачадан бир аёл ҳовлисига чиқиб, тиз чўкканча, бошини эгиб, бутун йиғилиш давомида тинмай ибодат қилди.

Янг Браун ва Жек Моор бу сафар вақтида уни кузатиб бордилар, Билли Поль эса Фениксда қолди. Одатда Билли Поль ибодат карточкаларини ҳар бир йиғилиш олдидан тарқатганидан, Билли бу икир-чикир масалага фақат Сан-Карлосда бўлганидагина эътибор берди. Шунда у ибодат навбатида тартибни сақлаш учун ўзида карточкалар йўқлигини англади. Бахтига, бу аппачилар бу методсиз ҳам тартибни бузмадилар. Билли қанча одамга ибодат қилиб билса, шунчага ибодат қилмоқ ниятида эди. Қачонки мажоли қолмай қолганида эса, унинг ҳамкорлари навбатдаги ҳар бир одамга тегмагунларича ибодат қилар эдилар.

Ибодат навбати қўлида боласини кўтариб чиққан аёлдан бошланди. У аёл эгнида оқ нақшлар тўқилган, индеец-аппачиларнинг тўпиғигача тушиб турадиган анъанавий кўйлагида, юбка билан кийинган эди. Билли унинг руҳи билан контактда бўлиш учун у билан бироз гаплашди. У боласи ҳақида қайғурар эди. Биллига ўша оқшом биринчи ваҳийда боланинг кўзлари глаукома[318] натижасида кўрмай қолгани кўрсатилган эди. Оддий ибодат, Қодир Худога айтилган ибодат, табиатнинг қонунини бутунлай ўзгартирди. Билли боланинг юзи олдида бармоқларини қимирлатганида, ўша кўзчалар унга эътибор қилди ва кейин бармоқ ҳаракатини кузата бошлади.

[318] Глаукома — кўз ичидаги босимнинг кўтарилишидан бўладиган кўз касаллиги. (Тарж.)

Бу биринчи мўъжиза бутун қабила бўйлаб тез тарқалаётган имоннинг занжирли реакцияси бўлиб хизмат қилди. Тез орада карлар эшита бошладилар, ногиронлар юра бошладилар, ва кўплаб касалликлар Исо Масиҳ кучи олдида тура олмади. Билли чарчаб бошлаганида, Митчелл деган миссионер кичкинагина индианка қизчани олиб келди. Билли тиз чўкди ва унга савол берди, аммо у унга ҳеч нарса деб жавоб қайтармади.

— Бранхам ака, у инглиз тилида гапирмайди, ва у кўрмайди, — деди жаноб Митчелл.

Билли унинг юзи олдида қўлини силкиди. У озгина ҳам чўчимади. У қизча учун ибодат қилди ва кейин яна шундай қўл силкиди. Унинг ёшгина кўзчалари қоп-қоронғи

келажакка термулар эдилар. Билли бу чиройликкина индианкага қараганида, уни чуқур қайғу қоплади.

Бирдан у одатдан ташқари ваҳий кўрди. У ўзини бу қизчани қўлига олганини, у билан осмонга кўтарилганини ва иккаласи Худонинг тахти турган залга кирганини кўрди. У ерда, тахтда Исонинг Қони бор эди. У Қон бу қизчани шифолай олар эди, агар у бунга ишона олса бас эди, аммо унда етарлича имон йўқ эди. Кейин ваҳий ғалати тус олди. Худо қизчанинг озгина имони ўрнига Биллининг мустаҳкам имонини Исонинг шифоловчи Қонига қабул қилди.

Ўша лаҳзада у яна индеецларнинг резервациясида, ўша принцесса-индианка қизча олдида тиз чўкканича бўлиб қолди. У деди:

— Митчелл ака, ҳозир нимадир бўлиб ўтди. Гўё бу қизчани қўлимда кўтариб осмонга кўтарилгандай бўлдим...

Шу сўзларни айта туриб, у қўлини осмонга силкиди. Мана шу кутилмагандаги кескин қўл ҳаракатидан қизча ҳайрон бўлиб, қўлини оғзига этди. У кўра бошлади!

Жаноб Митчелл ўша заҳотиёқ қизчани индеецлар резервациясидаги врачга олиб борди. У эса уни текширди ва мўъжиза бўлиб ўтганини тасдиқлади. Бу орада Билли навбатдаги одамга келди, у ҳам кўр эди. Ваҳий зоҳир бўлгач, у бу одам ҳозиргина шифоланган қизчанинг отаси эканини кўрди. Ўша оқшом Худонинг мархамати туфайли унинг ҳам кўзи очилди.

Бу вақтга келиб Билли ўзини шунчалик чарчаганини сездики, унинг лаблари гезариб, оёқлари эса резинадай бўлиб қолди. Жек Моор уни ибодат қилишдан тўхташини хохлар эди, бироқ Билли, ўзининг назарида, яна бир ваҳийга чидаб биламан, деди. Шошилиб, олдинга бир қўлида бир жуфт пайпоқ ва бошқа қўлида галстук тутганича ёш индианка аёл чиқди. У бу нарсаларни Биллига тутқазди. У ҳали у аёл учун ибодат қилар экан, аёл бу нарсаларни ушлаб туриш учун берган бўлса керак деб, уни қўлидан олди. Аммо аёлнинг фикрида бошқа бир нарса бор эдики, уни эса ваҳий ўша заҳоти очиб берди. Билли деди:

— Бу пайпоқ сизнинг аёл қариндошингизники, уни оёғи касал, ва сиз қачонки у буни кийганида соғайишини истайсиз. Бу галстук сизни имонда бўлмаган эрингиз учун. Сиз, у бу галстукни боғлаганида, у Муқаддас Руҳни олишини истайсиз.

Аёл бу аниқ унинг истаги эканлигини тасдиқлади. Билли деди:

— Агар сиз бунга ишониб билсангиз, Исо Исми ҳақи нима сўрасангиз, олишингиз мумкин.

Ўша оқшом, кечқурун, орқага Финиксга кетишаётганларида Янг Браун ва Жек Моор апачилар ўртасидаги бу йиғилиш ҳақида тўлиб-тошиб гапирдилар. Янг Браун Билли чарчаб қолгунича шунчалар кўп индеецлар учун ибодат қилганига ҳайрон бўлар эди. Ахир у тахминан ўттизтача одам учун ибодат қилди — одатдагидан икки баробар кўп. Браун Биллини ўша ваҳийларга бунча узоқ муддат чидаганига қойил қолган эди.

Билли ҳам ўзига худди шу саволларни берар эди. У билар эди, айнан шу одамларнинг ўзлари ундаги неъматни ҳаракатга келтиришар эди. Юрак сирларини билиш шифолай билмас эди — у фақат уларга Исо Масиҳ шу ерда борлигини, шифолашни исташини ва шифолашини кўрсатиб, уларни имонини кўтара олар эди, холос. Биллига топшириқнинг энг бошида Фаришта унга шундай деган эди: *“Агар сен одамларни ўзингга ишонтира олсанг,сенинг ибодатинг қаршисида ҳеч нарса, ҳатто рак ҳам туролмайди”.* Унинг хизматидан ҳар бир одамнинг оладигани, ўша одамнинг имонига боғлиқ эди. Эҳтимол, бу апачиларда бошқа ўпчилик америкаликлардан кўра имон кучли эди, холос.у эса ўз навбатида Билли учун қийинчиликни камайтирар эди. Худди у Жанубий Африка ва Ҳиндистоннинг жойли аҳолиси ўртасида ҳам шу нарсани кузатган эди. Гўё ғарбнинг маданиятини маълумотга ва интеллектуал фикрга кўпроқ урғу бериши одамларнинг Худо Каломига ишонишига кўмаклашмай, балки қаршилик қилаётгандай туюлар эди.

Жек Моор ва Янг Браун бу йиғилишни муҳокама қилишар экан, бу пайтда Билли галстук ва бир жуфт пайпоқ учун ибодат қилишни истаган аёл ҳақида ўйлаб қолди. Эртаси эрталаби уйғонганида ҳам ўша пайпоқлар унинг фикрида “айланар” эди. Ниҳоят Муқаддас Руҳ унга деди: *“Ваҳийлар ёзиб қўйган китобингни ол”.* Ёзув дафтарини олиб, охирги

ёзгандан бошлаб, орқага ўзининг ваҳийларининг ёзувларини токи излаган нарсасини топмагунича қидира бошлади. 1954 йил 3 декабрида, Нью-Йорк штати, Бингемтонда, эрталаб соат еттида Худо унга апачиларда ўтган кечқурунги йиғилишни қўлида пайпоқ ва галстук тутган аёл билан бирга, бошидан охиригача ваҳийда кўрсатган эди.

Ўша якшанбада (1955 йил 27 февралида) Билли черковга шундай деди:

— Мен Америка ерида ўтказган энг дуоли йиғилиш, ўтган кечқурун индеецлар резервациясида бўлиб ўтди. Мен 15 ёки 18 минг киши учун ваъз қилишга одатланганман, ўтган оқшомда эса бор-йўғи 500 ёки шунга яқин одам бор эди, аммо мен ҳали ҳеч қачон Америкада Муқаддас Руҳ бунчалик эркин ҳаракат қилганини кўрган эмасман.

Ваъзини бошлашидан олдин, Билли тушунмовчиликни барҳам бермоқчи бўлди. Ўтган ҳафтанинг бошларида у Одам айбдор эмас эди, балки Ҳаво айбдор эди, деганди. Кўринишидан, баъзи одамлар (хизматчиларни ҳам қўшиб) Жек Моорга, Бранхам ака Одам Эдем боғида гуноҳ қилмаганига ишонадими, деб сўраб, қўнғироқ қилдилар. Ҳозир Билли, ўшанда нимани назарда тутганини тушунтиришга ҳаракат қилди.

— Сизлардан баъзиларингиз гўё мен Одам гуноҳ қилмади деб айтдим, деб ўйладингиз. Одам *ҳақиқатдан ҳам* гуноҳ қилди ва Ҳаво каби махкум бўлганди. Буни қўй териси тасдиқлаб турар эди. Қўйтери уни гуноҳидан ўтиш сифатида кийилган эди. Бироқ Момо Ҳаво ўзин ҳақ деб ўйлаб, нотўғри иш қилиб қўйди. У алданган эди. Одам эса алданган эмас эди.[319] У қилинадиган ишини аниқ била туриб, онгли равишда гуноҳ қилди. У билиб туриб хотини билан бир позицияни олди, чунки у уни яхши кўрар эди. Худди шундай Исо ҳам Ўзи нима қилаётганини била туриб, онгли равишда гуноҳкор-черков билан, Черковни гуноҳини сотиб олиш орқали Ўзига қайтариш учун, гуноҳкор билан бир позицияни эгаллади. Тушунаяпсизларми? Одам тимсол эди. Биринчи Одамда ҳамма ўлди, а Иккичи Одамда ҳамма тирилди.[320] Одам Момо Ҳавони севганидан, унинг гуноҳини ўз ихтиёри билан ўзига олди ва мана шу учун жазоланди. Масиҳ Ўз Черковини севганлиги туфайли, У Ўз ихтиёри билан Ўзига бизнинг гуноҳларимизни олди, жазоланди, ўлди ва дўзахга кетди. Тўғри. Худо Уни бенуқсон ҳолида дўзахга юбормас эди. У ҳукм этилди. У гуноҳкор сингари ўлди. Масиҳнинг Ўзи умуман гуноҳ қилмади, аммо У Ўзига бизларнинг гуноҳларимизни олди ва учинчи куни ўлим устидан ғалаба қилиб, ва Унга ишонган ҳар бир кишига Абадий Ҳаётни таклиф қилиб, Худо Уни тирилтирди.

[319] 1-Тимофей 2:14 га илова

[320] 1-Коринфликларга 15:20-22

Билли бу тушунтиришлари унинг олдинги фикрларини ойдинлаштиради, деб умид қилди. Бу биринчи марта уни тушунмасликлари эмас эди. У қанча кўп “гўштли” қилиб таълим бермасин, шунча тез-тез шундай тушунмовчиликлар бўлиб ўтар эди. Бу уни янги мақсадига эришишида довдиратмади ҳам, фикридан қайтармади ҳам. Унинг Биринчи Одам ва Иккинчи Одам ҳақидаги ваҳийси, у ўқитувчилик хизматини қилишига чақирилган деган унинг эътиқодини тасдиқлади. Билли унга Худо томонидан берилган нарсадан одамларни библиявий ҳақиқатга астойдил, ишонтириш учун фойдаланмоқчи бўлди. У, агар Масиҳчилар бир кун келиб, ўзлари орасида бор бўлиб турган — тирилган Исо Масиҳ ҳақида ваҳийга — очиқликка эришсалар, унда ҳаммаси ўзгаради, деб ҳисоблар эди.

69 БОБ
ЖИДДИЙ ОГОҲЛАНТИРИШ
1955

УИЛЛЯМ БРАНХАМНИНГ ФИНИКСДАГИ кампанияси 1955 йил, 2 март, чоршанба куни тугади. Кейинги куни у Калифорния штати, Лос-Анжелесга, у ердаги Фаришта Маъбадида беш кунлик кампанияни бошлаш учун жўнаб кетди. Бу черковни 1920 йилларда машҳур бўлган Эйми Сэмил МакФерсон ташкил қилган эди. Кейин Билли Лос-Анжелеснинг катта биносига, у ерда Тўлиқ Инжилчи Тадбиркорлари Халқаро Жамияти (Т.И.Т.Х.Ж.) томонидан молиялаштирилган иккита йиғилиш ўтказиш учун ўтди. Бу жамиятнинг вице-президенти Майнер Арганбрайн 11 ва 12 мартда, кечки йиғилишларни ўтказиш учун "Сток Арену"ни ижарага олди.

Билли бу икки кампания у ўтган йил ёзда ўтказганидан анча муваффақиятли бўлади деб умид қилди. 1954 йил августида у Лос-Анжелесда, Гўлгота Маъбадида ваъз қилганида,ҳар оқшом тингловчилар улар кутганларидан анча оз бўлган эди. Кейинчалик Билли, кўпчилик одамлар уни йиғилишлари ўтаётган черков уларга ёқмаган эканини билиб олди. Гарчи у ҳеч қайси деноминация билан боғлиқ бўлмаса-да, деноминациялар ўртасидаги келишмовчиликлар унинг йиғилишларига таъсир этиб турди.

У 1947 йилдан бери ғарбий соҳилда мунтазам бўлиб келди. Биллининг Калифорниядаги энг биринчи йиғилишлари имон ва мўъжизалардан "портлар" ва йил сайин у ўша ерга қайтиб келганида, тингловчилар олдинги йилгидан кўпроқ бўлар эди. Охирги пайтларда эса бу традиция қарама-қарши томонга ўзгарди. Ориндж округидаги Масиҳчиларни гўё ундаги ғайритабиий инъомга қизиқиши йўқолгандай бўлди. Шак-шубҳасиз, кўплаб одамларни фильм ва телекўрсатувлар Худодан айириб, ўзи билан олиб кетмоқчи эди. Кўринишидан, Голливуд ўз илмозияси, хом ҳаёлларига ҳатто баъзи бир Масиҳчиларни, уларнинг ўз ораларида бўлиб турган Масиҳ аломатини таниб билиш учун руҳий сезгиларини ўтмаслаштириб, ўз домига тортаётган эди; ёки бўлмаса, эҳтимол, деноминациялар ўртасидаги ҳасад ва рақобатчилик туфайли кўплаб черков раҳбарлари ўзаро ҳамкорлик қилишни хохламас эдилар. Қандай сабаб бўлмасин, Биллининг Калифорниядаги кампаниясига қатнашувчиларнинг сони охирги уч йил ичида кескин камайди.

Билли 1947 йилда биринчи марта Лос-Анжелесга келганида, ўша баптистлар воизи билан бўлган суҳбатини эслади. Ўша хизматчи уни бундай деб огоҳлантирган эди:

— Бранхам ака, мана сен ғарбий соҳилда экансан, сен ваъз қилаётган нарсангга жуда эҳтиёт бўлсанг яхши бўлар эди.

У буни ўйлантириб қўйди.

— Мен Илоҳий шифоланишни ваъз қиламан. Буни нимаси нотўғри?

— О-о, мен ҳам Илоҳий шифоланишга ишонаман, — хизматчи жавоб берди, — аммо бу ерда, Калифорнияда умуман бошқача. Шанба кунги газетани олда, буни ўзинг шоҳиди бўл. Бу ерда Илоҳий шифоланиш билан боғлиқ энг ёмон фанатизм бор, қайсики ғалати одамлар ҳар турли назариялар ва ўзгача сезгилар билан ва буни улар Худодан аломатлар деб аташади. Агар сен хушёр бўлмасанг, бунинг натижасида бунақа бемаъни гаплар янада кўпроқ тарқалиб кетади.

Ўшанди Билли жавоб берган эди:

— Сэр, менга қулоқ сол, мендаги инъом Худодан. Бу Масиҳчиларга дуо олиб келади ва мен бунга ишонаман. Мен орзуим — бу тарқоқ эллигинчилар гуруҳлари бир жон бўлиб бирлашсалар. Уларда дунёда эга бўлса бўладиган энг олий нарса — Муқаддас Руҳга чўмилиш бор. Албатта, мен нима қилмоқчи эканимни ўша одамлар, руҳий ақллари билан кўрадилар ва тушунадилар.

Баптист хизматчи жавоб қилди:

— Сендаги инъомга ва ёки сенинг далилларинггга шубҳа қилмайман, аммо, Бранхам ака, сенга Худо ёр бўлсин.

У бу сўзларни жиддий айтди — дуо қилиб эмас, балки кўпроқ огоҳлантириш каби айтди. Ўшанда Билли бу хизматчи нимани кўзда тутганини билмаган эди. Тез орада унинг олдида буни билиб олиш турган эди.

1955 йил 7 март, душанба, Били саҳар соат учда уйғониб кетди. Шундан кейин ухлаёлмагач, ибодат қилиш учун ўрнидан турди

Тез орада у хонада Раббий Фариштасини борлигини ҳис қилди. Бир неча сония ўтиб, у ваҳий "сафарига" кетди.

Энди Билли қоя устида турар, у ердан Лос-Анжелеснинг бутун манзараси кўриниб турар эди. Тўппа-тўғри унинг пастида кўча бўлиб, ундан бор бўйига пальма дарахтлари ўтқазилган эди. Ҳамма жойда қаттиқ қичқириб, калхатлар париллаб учиб юришар эди: айримлари бўлса йўлда ётган ҳайвон мурдаси атрофида тўпланишган эди. У ерда калхатларнинг барча турлари кўрсатилган эди. Дарахтнинг учида ўтирган бир калхат йўлда ўликни чўқилаётганлар тўдасига қараб қичқирди: "Мен буни олдим!" Йўлдаги калхатлардан бири овқатдан бошини кўтарди ва унга жавоб бериб қичқирди: "Мен ҳам буни олдим!" Бундан ҳаддан ташқари шовқин-сурон кўтарилди, чунки ҳар бир калхат бошқа яқинидагига: "Мен буни олдим! Мен буни олдим!" — деб қичқира кетди.

Билли бундай шовқинли, ғалати ваҳий нимани англатишига ақли етмади. Бирдан чўққида, унинг ёнида худди ўша, унинг Лос-Анжелесга биринчи сафари вақтда ўша жиддий огоҳлантиришни берган, баптистлар воизи пайдо бўлди. Хизматчи Биллининг кўзларига тик қаради ва қатъий деди:

— А мен сенга нима деган эдим, Бранхам ака, саккиз йил бурун?

— Сэр, мен узр сўрайман. Мен, улар мени тушунарлар, деб ўйлагандим.

Кейин чўққининг четига, Биллининг ўнг томонига Раббий Фариштаси келди ва деди:

— Худди шундай Мусо ҳам Исроилликлар ҳақиқатдан ҳам уни тушунар деб ўйлаган эди.[321]

[321] Чиқиш 2:11-15; Ҳаворийлар 7:22-25га илова

Шундан кейин ваҳий тугади ва Билли яна ўз хонасида пайдо бўлди.

ЖУМА ОҚШОМИДА "Сток Арена" залида ўз тингловчиларига бу ваҳийни айтиб берди ва ўша баптист воизи олдида, унинг огоҳлантиришига эътибор бермагани учун ошкора равишда халқ олдида кечирим сўради. Кейин яна у бунинг барчасини яхшилаб тушунтиришга ҳаракат қилди. Икки оқшом давомида у имонлилардаги Худонинг муҳри билан имонсизлардаги дажжолнинг муҳри ўртасидаги фарқни тушунтирди. У Масиҳчини Худонинг Сўзини ҳаммасини руҳланган деб қабул қилишига ундайдиган Муқаддас Руҳдан чўмдирилиш бу Худонинг муҳри ҳисобланади, деб таълим берди. Дажжолнинг руҳи ҳам Худони севаман деб айтади, аммо бу руҳ Библиянинг ҳаммасини ҳақиқат деб қабул қила олмайди.

Билли деди:

— Дажжол руҳидаги одамлар эса четлаб юрувчи илиқ ишонувчи одамлар бўлиб, улар тўппа-тўғри Муқаддас Руҳга келадилар, кейин бўлса: — "Мен бунақа сафсатага ишонмайман", — дейдилар. Улар ўз раҳномалари, Искариотлик Яҳуда қанчалик сурилган бўлса, шунчалик олдинга силжишлари мумкин, — таълимотда улар жуда пухта, жиддий, бироқ, қачонки гап Муқаддас Руҳга тўлишгача борса, улар: — "О-о, бу фанатиклик; бундан ҳеч қандай иш чиқмайди!" — дейдилар. Улар Каломга интеллектуал равишда, ақлий жиҳатдан ишонишлари мумкин, аммо улар Унга ўз юраклари тубидан ишона олмайдилар.

— Дажжолнинг руҳи диний руҳ бўлади. Исо, бу ҳақиқатга шунчалик яқин бўладики, агар иложи бўлса танланганларни ўзини ҳам йўлдан оздирган бўлар эдилар, деб айтган эди.[332] Энди бу умуман бошқа нуқтаи-назардан кўринаяпти, шундай эмасми? Бу диний руҳ; бу ўша, ўйнаб биладиган, хитоб қилиб биладиган, жинларни қувиб биладиган, мўъжизалар кўрсата оладиган — ва олдингидай дажжол ҳисобланади. Исо, Уни "Раббий" деганларнинг барчаси ҳам Осмон Шоҳлигига киравермайди, деб ўргатди. Ҳукм Кунида Унга кўп одамлар: "Ё Раббий, ё Раббий, бизлар Сенинг номинг билан жинларни қувмадикми? Сенинг номинг билан кўпгина мўъжизалар яратмадикми?" — дейдилар. Ўша вақтда Исо уларнинг юзига

қараб: — “Мен сизларни ҳеч қачон таниган эмасман. Эй, бадкирдорлар, Менинг олдимдан кетинглар!”[323] — дейди.

[322] Матто 24-24га илова

[323] Матто 7:21-23га илова.

— Сизлар ўз нажотингизни эмоцияга, ҳиссиётга асослай олмайсизлар. Мен Ҳиндистонда одамлар овози борича бақираверiб-бақираверiб, ўзларини шунчалик жазавага солар эди-да, кейин бўлса, яланг оёқ чўғлар билан тўла хумдондан ҳеч қандай куймай ўтишар эди, — ва шунда ҳам улар қачонлардир Исо Масиҳ деган одам бўлганини инкор этадилар. Шундай қилиб, эмоция ҳеч нарсани англатмайди.[324] Муқаддас Руҳнинг самараси: муҳаббат, севинч, хотиржамлик, сабр-тоқат, лутфкорлик ва хайрихохлик — ҳисобга олинади.[325] Тўғри. Мен сизларни хафа қилмоқчи эмасман, аммо бу нарсани айтиб ўтиш лозим. Менинг хизматимда фикрларни фарқлаш инъоми орқали Муқаддас Руҳ қандай ҳаракатланишини сизлар кўргансиз. Энди ҳаммаси шу нарсага етиб келдики, мен сизларга бошқа нарсалар тўғрисида ҳам ҳақиқатни айтишни истайман.

[324] Матто 7:13-20га илова

[325] Галатияликларга 5:22га илова

Бир неча дақиқадан сўнг Билли ўлимтикни еган ва шунда ҳам биз ҳақиқатга эгамиз деб айтаётган калхатлар ҳақидаги ваҳийни сўзлаб берди. Билли деди:

— Биродарлар, менинг хизматим нимадалигини сизлар тушунмайсизлар. Самовий Худо сизларни бирлаштиришга ҳаракат қилаяпти. Бироқ ҳар сафар, мен бу ёққа келганимда, одамлар, гуруҳлар борган сари камаявераяпти. Мен нима қилмоқчи бўлганимда ҳам, аҳамияти йўқ, баъзи одамлар мени хизматимни ҳали-бери худди бир диний маросим каби қораламоқдалар, тамғаламоқдалар. Биродарлар ва опалар, бу буюк элликчилик ҳаракати, ҳали сиз ўзингизнинг бидъатларингизни йўқ қилмас ва юракларингизни ягона руҳга бирлаштирмас экансиз, ҳеч қачон муваффақият қозонмайди. Агар сизлар буни инкор қилишда давом этаверсангиз — эсингизда бўлсин, Лаодикия, черковнинг охирги даври, илиқ бўлиб қолади, ва Худо уни Ўз оғзидан чиқариб ташлайди.[326] Раббий Сўзига қулоқ солинглар!

[326] Ваҳий 3:14-22га илова

— Элликчилар черкови совияпти ва жуда ҳам расмиятчи бўлиб бораяпти. Мана нима учун сизлар бир-бирингиз билан ҳамкорлик қила олмайсиз — сизлар Исо Масиҳдан кўра ўз ташкилотингизга кўпроқ эътибор берасизлар. Ҳар бир черков шаҳарда энг ҳашаматли бино қуриб, бошқалардан устун бўлишга ҳаракат қилади. Наҳотки Худо черков биноларига қизиқади? Агар сизлар Исони тезда келишига ишонсангиз, унда нима учун энди сизлар миллионлаб долларларни ўз биноларингизга сарфлайсизлар? Бу пулларни Хушхабарни ҳеч қачон эшитмаганлар учун тарқатиб, ўша соҳада ишлатиш лозим.

— Сизлар, элликчилар, ўз стандартларингизни пасайтириб, черковларингизга гуноҳни киришига йўл бердингизлар. Олдинлари элликчилар аёлларини узун сочлари бўлар ва одоб билан кийинишардилар. Энди бўлса уларнинг кўплари сочларини кесадилар, касметикани ишлатади ва калта, ёпишиб турадиган кўйлак киядилар — ва шу билан бирга бизлар Муқаддас Руҳга тўлганмиз, дейдилар?! Мен Муқаддас Руҳ сизни одобли кийинишга ва тўғри яшашга ундашига ишонаман. Агар Муқаддас Руҳ бу нарсаларни энг бошида айблаган бўлса, бу оқшом ҳам У ҳали бери ўша Муқаддас Руҳдир. У ўзгаргани йўқ.

— Нимадир энг бошида нотўғри бўлганди, деб қўрқаман. Омин. О-о, мен буни гапиришни ҳеч ҳам истамайман, аммо мен қандай жим тура оламан, қачонки бу нарса бор кучи билан менинг оғзимдан чиқишга интилаётган бўлса?

— Бугун оқшом Масиҳчи тадбиркорлар мени шу ёққа, бу улкан аренага, бизлар ҳар қандай деноминация ёрлиғидан эркин бўлишимиз учун олиб келдилар. Бу иморат бир-бирининг қўлини қисадиган ва Худони уларга уйғониш олиб келгани учун улуғлайдиган хизматкорларга лиқ тўла бўлиши керак. Аммо жуда ҳам кўплаб хизматчилар ўз йиғилишларида: — “У ёққа борманглар, чунки у бизнинг гуруҳимизга тегишли эмас”, — дедилар. Менинг биродарларим, ахир бу шайтон сизнинг ораларингизда туриб, сизларни булиб ва айириб ташлаяпти. Наҳотки сизлар мени нимани кўзда тутаётганимни тушунмайсиз?

— Шундай қилиб, агар ўша баптист хизматчиси шу оқшом шу ерда бўлса, мен яна бир бор узр сўрайман. Калифорниядаги Масиҳчиларни бирлаштириш, жипслаштириш ўрнига, менинг хизматим янада кўпроқ фанатизм уйғотди. Ахир ҳар бир одам иблисни ҳидини билишни ёки жинларни топташни истайди. О-о, биродарлар, агар сизлар мен Худонинг хизматкори эканимга ишонсангиз, унда бугун менинг сўзларимни диққат билан эшитинг. Хушхабарга қайтинглар. Муқаддас Руҳ барча бу бидъатлардан озод бўлиш учун сизга етарлича муҳаббат бериши учун, ибодатлар қилинг. Бўйсунинг, камтар бўлинг ва Худо сизни Ўз сиймосидай ясаши учун ибодатлар қилинг. Ўшанда сизлар Худонинг ҳақиқий неъматига тақлид қилмоқчи бўлган бу сохта, ёлғон новдаларнинг ҳеч биттасига алданиб қолмайсизлар.

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ ундаги инъом кўплаб одамларга ғайритабиий туюлаётганини билар эди. У тез-тез ўз тингловчиларига ваҳийлар қандай бўлишини, бунақа тушунтиришлар Масиҳчиларни тушунмовчиликдан сақлайди, деган умидда тушунтиришга ҳаракат қилар эди. Шунга қарамай, баъзи бир одамлар барибир уни нотўғри тушундилар.

Бир куни ёшроқ элликчи йигит Биллининг олдига ўзининг никоҳидаги муаммосини ечишда ёрдам сўраб келди. У одам деди:

— Менинг хотиним қаттиқ лютеранка, ва мен унга Муқаддас Руҳга чўмдирилиш нима эканини тушунишга мажбур қилолмайман. Мен сизни йиғилишларингизда қандай қилиб жинларни қувганингизни кўрганман, шу учун, қачонки хотиним менинг устимдан кулса, мен ўша жинга Исо Исми ҳақи чиқишни буюраман. Мен қанча куч сарфламай, мен ўша жинни ундан чиқишга мажбур қилолмайман. Энди бизларда ажрашиш билан тугайдиганга ўхшайди.

— Ака, сен буни нотўғри қилаяпсан, — жавоб берди Билли. — Қачонки у сени устингдан мана шундай кула бошласа, сен айт: “Азизам, Худо сенинг юраккинангни дуо қилсин.мен сени севаман”. Ва ҳақиқатдан ҳам унга муомалали бўлгин. У учун бирор-бир ёқимли нарса қил ва ҳар доим юрагингда у учун жимгина ибодат қилишда давом этавер. Қолган ҳаммаси тўғрисида Худонинг Ўзи ғамхўрлик қилади.

Уч кундан кейин бу одам Биллига қўнғироқ қилди ва хабар берди:

— Оиламда тубдан ўзгариш бўлди. Рафиқам умуман бошқача бўлиб қолди.

Билли сўради:

— Хўш, нима кучли экан: бақириш ва жанжаллашишми, ёки бўлмаса уни меҳр билан қучишми? Ҳеч қачон Худо бу — муҳаббат эканини эсингдан чиқарма. Мана мен ўз йиғилишларим вақтида ўша жинларни қандай қуваман, — муҳаббат кучи билан.

Кўпчилик тушунмовчиликларни тузатиш унчалик осон кечмасди. Энг ёмон муаммолар воизлардан келиб чиқар эди, қайсики улар Биллидаги инъом тўғрисида кўришган ёки эшитишган бўлиб,Масиҳчилар ўртасида катта парокандалик, саросималик солиб, шахсий манфаатлари йўлида унга тақлид қилишга ҳаракат қилишар эдилар. Бу воизларнинг айримлари ҳалол одамларнинг соддалигидан, аммо руҳий жиҳатдан унча билмаслигидан уларни ўйинчоқдай ўйнатадиган уччига чиққан муттаҳамлар эди. Бошқа воизлар бўлса, Муқаддас Руҳнинг инъомларини самимий қабул қилардилар-у, бироқ, улар бу инъомларни Ёзувга мувофиқ ишлатмасдан, эътиборсиз эдилар. Шу сабабдан улар ҳам сал кам ўша алдамчилар қатори зарар етказишар эди.

Билли битта чалғиб қолган воизни билар эди. У мен *фикрларни билиш инъомига* эгаман дея, бундай деди: “Бу аёлда учта жин жойлашган. Уларнинг бирини исми Жефф, бошқасиники эса — Сиф. Уларнинг бариси бошқа-бошқа рангда. Битта жин яшил, иккинчиси кўк, охиргиси эса қизғиш”. Билли буни эшитганида ибодат қила бошлади: “О Худойим, мен бирор вақт бир нима дегандимки, ундан одамларда бунақа ғоялар пайдо бўлсин? Худойим, бунақа бўлишлигига йўл берма. Улардан кўплари Осмон Шоҳлигини кўриш истагида бор кучини сарфлашяпти. Улар қандай қилиб шунақа сафсатани эшитиш учун юз-юзлаб тўпланишяптилар? Уларга бунақа бегона овозларга эргашиб кетмасликлари учун, Буюк Чўпон овозини эшитишларига йўл бер.”

Инъом ҳақидаги ҳақиқат, қайсики Билли ўша орқали юрак сирларидан воқиф бўлар эди, у ҳар қандай тақлид қилувчилар тасаввур қила олишидан кўра жуда кучли ва ҳайратланарли эди. Ибодат хизмати вақтида Биллига муқаддас мойланиш келганида, бу худди деразадан пардани очганга ўхшар, ва бунинг натижасида у ўзга бир руҳий дунёга қарай олар эди. У Раббий Фариштасини ўзидан ўнг томонда, бир метр яқинида борлигини сезар ва кўпинча унга Раббий Фариштасини ҳавода муаллақ турган Олов Устуни кўринишида кўришига тўғри келган эди. Одамлар ибодат учун навбатдаликларида, улар Фариштa бор жойга келган пайтда, Билли улар имонлими ёки йўқлигини аниқлай олар эди. Чунки Масиҳчиларни кичикроқ Нур чамбари ўраб турар ва уларда ёқимли руҳ бўлар эди. Агар Масиҳчини ишончсизлик, шубҳа қийнаётган бўлса, Билли буни унинг орқасидан эргашаётган қоронғу соя кўринишида кўриб турар эди. Агар имонли одам жин туфайли азобланаётган бўлса, Биллининг кўз олдида у одамни боши устида қора тўлқинли соя бўлиб кўринар эди.

Асосан жинлар, ёвуз руҳлар, қора “булутчалар” — қора, совуқ ва бефарқ кўринишда пайдо бўлишар эди. Ўзини ўлдирмоқни ният қилган одам устида,уни бу кўйга солмоқчи бўлган, ёвуз руҳларнинг қора тумани ўраб турар эди. Агар кимдир ўлим ёқасида бўлган бўлса, Билли уни кўпинча ўлаётган одам боши қоронғи сояга бурканганидан кўриб, билар эди. Кейин у ўша одам устида ўлим шарпаси бор деб айтар эди. Бир неча бор, қачонки маълум бир касалликни чақираётган ўша ёвуз руҳ платформада фош бўлганида, у шу яқиндаги бошқа бир одамларда худди шу касалликни чақираётган жинларни ёрдамга чақирар эди. Билли буни платформадаги одамдан аудиториядаги бошқа бир одамга қараб шиддат билан йўналаётган қоронғу чизиқ йўл кўринишида кўрар эди. Шунда у бир йўла иккала жинни ҳам бирданига фош қилар эди. Унинг ташхиси доимо бехато бўлар эди.

Муқаддас Руҳдан мойланиш вақтида Билли ҳақиқатдан ҳам одамлар ундаги инъомдан имон билан тортаётганларини ҳис эта олар эди. Уни умуман нима учун ибодат навбати қилишини асосий сабаби, у ибодат қиладиган ўша одамларнинг имонини ажратиб олиш эди. Ундаги инъом ҳар бир одамдаги имон орқали ҳаракат қилишлигини билар эди. Қачонки одамлар ибодат учун олдинга чиққанларида, ваҳий пайдо бўлиши учун билан суҳбат вақтида, бор-йўғи бир неча сўз керак бўларди, холос. Агар Билли суҳбатни давом эттираверса, ваҳий унинг жисмоний кучи тугай бошлаганича давом этаверар эди. Шу мақаррар бўладиган нарсани олдини олиш учун, у ҳар бир одамнинг имонини, у Исо Масиҳдан ғайритабиий шифоланишни ола билиши учун қанчалик даражага кўтариш керак бўлса, худди ўшанча у билан гаплашишга ҳаракат қилар эди. Билли ҳатто, ваҳийсиз ҳам Масиҳчи қачон шифоланганини ҳам тез-тез аниқлай олар эди. Чунки у одам атрофида нур чамбари тўсатдан ёрқин бўлиб кетар эди. Кўп марталаб эса Раббий Фариштаси платформани қолдириб, аудитория бўйлаб кўчиб юрар эди. Шундай пайтларда Биллининг қилиши керак бўлган иши — бу Олов Устуни қаерда тўхтаганини кузатиб туриш эди; ўша Нур остида ҳар доим ваҳий пайдо бўлар эди. Баъзида йиғилиш вақтида Масиҳчилар имони шунчалик кучли бўлар эдики, шунда Билли уни одамлар устида сузиб юрган сутдай оппоқ туман кўринишида кўра олар эди. Шундай бўлган вақтда, унинг инъомидан бирданига кўплаб одамлар тортар эдики, шу учун у одамларнинг муаммоларини алоҳида-алоҳида билишга қийналиб қолар эди. Шундай пайтда у одатда ибодат навбатидаги одамларни жойларига юборар ва бутун бинодаги ҳамма касалларни шифоланиши учун умумий ибодат қилар эди.

Билли ўзидаги неъматнинг руҳий томонини бир неча бор тушунтиришга ҳаракат қилишига қарамай, кўпчилик одамлар буни тушуниб етолмасдилар. Буни ҳеч бир қўрқадиган жойи йўқ эди. Унинг инъомни тушунтиришини одамлар, унинг хизматига тақлид қилиш учун фойдаланган кезларида зарар келтирар эди. Бу нарса, бир кун эрталаб унинг уйига ўрта ёшлардаги аёл ундан ёрдам сўраб келганида, жуда аниқ бўлди-қолди. У аёлни меҳмонхонага таклиф қилди. Меда нонушта тайёрлаган эди. Аёл ёстиқчали креслога ўтирди, оёқ кийимини, пайпоғини ечди, оёқларини тагига олди ва ундан кейин қўлларини бир-бирига асабий ишқалай бошлади. У силласи қуригандай бир алфозда эди. Билли ундан муаммо нимадалигини сўраганида, у фақат унда ғалати ҳис-туйғу бўлганлигини айтди, холос. У

аёлдан кўпроқ тафсилотларни тортиб олмоқчи бўлди, аммо у дудмол ва сирлилигича қолаверди.

Кейин бу сирнинг таг-тубига етиб, ваҳий пайдо бўлди.

— Леди, сиз Сент-Луисдансиз. Эрингиз у ерда полициячи бўлиб ишлайди.

— Ҳа, бу тўғри. Қандай билдингиз?

Билли унинг саволига жавоб бермади. У ҳали-бери ваҳийни кузатиб турарди.

— Олдин сиз ажойиб уй бекаси эдингиз, аммо кейинги пайтларда сизни уйингиз молхонага ўхшайди. Катта қизингиз ҳозир ўша ерда ва эрингизга ғамхўрлик қилади.

— Бу ҳақиқат. Ким сизга буни айтди?

— Сиз ўзингизда ғалати ҳис пайдо бўлганида, врачга бордингиз. У сизга гормон укол қилди. Ундан кейин сиз маълум бир черковга бордингиз, у ерда хизматчи сизга жинларга чалингинсан деди. У сизни Калифорниядаги воизга юборди,у эса сизда еттита ёвуз руҳ бор деди. Сиз унинг сўзларига ишондингиз, чунки сиз ўзингиздаги ғалати ҳисларни сири, сабаби шунда бўлса керак деб ўйладингиз. Кейин сиз воиз аёлга қулоқ солдингиз,у сизга бешта жин бор деди. У сизга Жефферсонвиллига келишни ва бу хусусда менга учрашишни буюрди.

— Ҳа, бу ҳаммаси ҳақиқат. Қандай қилиб билдингиз? Сизга қизим қизим қўнғироқ қилдими?

Шу ерда ваҳий тугади ва Билли яна ўз меҳмонхонасига қайтди. Энди у аёлнинг саволларига жавоб беролар эди.

— Муқаддас Руҳ буни ҳаммасини ваҳийда кўрсатди.

Аёл қаддини ростлади ва оёқларини одатдаги ҳолига сурди.

— Мана, энди мен бунинг тагига етаман. Мен бир неча кундан бери ҳеч нарса емовдим; ва мен ўша иккита жинга нима бўлганини билмагунимча ҳеч нарса емоқчи эмасман. Агар мен ўша икки жин нима учун мендан чиқиб кетганлигини билиб олсам, мен худди шу тарзда қолган ҳаммасини чиқиб кетишга мажбур қиламан.

— Леди, сизда умуман ҳеч қанақа жин бўлмаган.

— Бўлмаган?

— Ҳа, мадам. Наҳотки сиз онангизни ўтиш даврида қандай бўлганини кўрмагансиз? Худди шу нарса сиз билан ҳам бўлаяпти. Нима учун ўша гармон укол қилинган эди, нима деб ўйлайсиз?

— Билмайман.

— Улар менопауза сабабидан қилинган эди, мана нима учун.

— Мен учун ибодат қилишга ва буларни қувишга ниятингиз борми?

— Ҳеч нарсани қувишни кераги йўқ. Сизнинг ғалати бўлиб қолишлигингиз жинлар сабабли эмас. Бу ҳаётнинг табиий ҳолати холос.

Унинг юз ифодаси анча ўзига келди. Гўштнинг қовурилганини ҳидидан у ошхона томонга қаради.

— Озгина очқолгандирсиз? — Билли жилмайиб сўради.

Тез орада аёл чўчқани гўштини, қовурилган тухум ва нонни пок-покиза тушурганча, ошхона столида ўтирар эди. У иккинчи чашка кофени ичиб бўлган эди, Билли деди:

— Ҳозир уйингизга боринг, уйингизни тартибга келтиринг ва ундан кейин эрингизга ажойиб олма пирогини пиширинг. Қачонки у кечқурун уйга қайтганида, уни қучоқ очиб кутиб олинг ва уни севишингизни унга айтинг. Шу кундан эътиборан ва бундан кейин Масиҳчига хос умр кечиринг.

У кетаётганида, унга қараб туриб, Билли Калифорниядаги, ўша ишонувчан аёлга унга жинлар бор деб айтган, ўша икки воиз ҳақида ўйлаб қолди. Ўша воизлар бирор вақт унинг йиғилишларида бўлганмикинлар, деб ҳайрон бўлиб қолди. Улар ўз хизматларини уникига мосламоқчи бўлмагандирлар, деб умид қилди. Билли яна бир бор ўша баптист воизи ва унинг: “Худо сенга ёр бўлсин”, деб уни жиддий огоҳлантиргани ҳақида ўйлаб қолди.

Шу пайт Биллининг уйига “Шевроле” моделли эски пикапда ёшроқ одам келиб тўхтади. Билли пешайвонда ўтирди ва нотаниш одамнинг муаммосини эшита бошлади.

— Бранхам ака, мен Минниаполисдаги ишлатилган, эски машиналар турадиган манзилгоҳнинг эгасиман. Икки йилча олдин мени хотиним элликчилар черковига борди ва Руҳни олди. У мени ҳам ўзи билан боришимни хохлади, аммо мен унга: “Йўқ, мен диндор ҳислатли одам эмасман” — дедим. Кейин, бир неча ой олдин, мени ҳаяжонга солган нимадир бўлди. Бир кекса аёлга машинани сотганимдан кейин ва курткамни илмоққа илаётган пайтда, мен у аёлга иккала набор калитларни бердимми – йўқми, деб ҳайрон бўла бошладим. Курткам чўнтакларини текшира туриб, бир бўлак қоғоз топдим. Унда: “Сен абадийликни қаерда ўтказасан?” деб ёзилган эди. Бу савол менга шунчалик чуқур таъсир қилдики, мен бизнесимни ходимим жавобгарлигига топширдимда, уйимга, Худони излаш учун қайтдим. Мен Билли Грэхемнинг йиғилишларидан бирига бордим. У менга: агар мен қўлларимни кўтарсам ва Масиҳни ўзимнинг шахсий Нажоткорим деб қабул қилсам, унда иш ҳал бўлгани ва мен абадийликни Исо билан бирга ўтказишимни айтди. Мен қўлларимни кўтардим, бироқ шунда ҳам савол ечилмаганини ҳис қилдим. Шундай қилиб, мен назарейлар черковига жўнадим. Назарейлар айтдики, мен шунчалик бахтиёр бўлишим ва шу сабаб ҳайқира бошламагунимча, қутқарилмас эканман. Шу учун мен ҳайқира бошламагунимгача, ибодат қилавердим-қилавердим, аммо ҳали ҳам муаммо ҳал бўлмаганлигини ҳис этиб турдим. Кейин мен эллигинчилар черковига бордим. У ерда одамлар менга, агар мен ўзга тилларда гапирсам, мени абадийликдаги жойим ҳал бўлади, дейишди. Улар мен билан мен ўзга тилларда гапирмагунимча, ярим кечагача ибодат қилдилар. Аммо мен ҳамишадагидай муаммо ечилмаганини ҳис этиб турдим. Кейинроқ мен “Шифоланишлар Овози” журнали вакиллари билан учрашдим. Улар менга, сизни пайғамбар эканингизни ва агар мен шу ёққа келсам, сиз мен нимани билишим кераклигини айта олишингизни айтдилар. Бранхам ака, мен қандай билсам бўлади, мен абадийликни қаерда ўтказаман.

— Нима десам, биродар, биринчидан, мен пайғамбар эмаслигимни айтмоқчиман. Мен Унинг хизматкори холос. Бироқ сенга, сени ишларингни ҳал қилиш учун пайғамбар керак эмас — сенга бор-йўғи бир нарса — Худонинг Каломи керак. Мистер Грэхем, назарейлар ва элликчилар сенга ҳақиқатни айтганлар ва шу вақтнинг ўзида бу ҳали бутунлай ҳақиқат ҳам эмас. Қўлни кўтариш, ҳайқириш ва ўзга тилларда гапириш Масиҳни қабул қилиш дегани эмас. Масиҳни қабул қилиш — бу Раббий Исо Масиҳ Шахсини қабул қилишдир.

Ёш одам буни тушунгандай бош ирғади, аммо юз ифодасидан у ҳали-бери саросимада эканлиги шундоқ кўриниб турар эди.

— Исо Масиҳни мен қаердан тополаман?

— Сен айтишингча, сен ўша ёзувни ўқиган пайтингда, ўша заҳоти, нимадир сенда жўш урди, ва сен Худони истадинг. Ўша вақтгача сен Ундан узоқлашдинг, кейин эса сен 180º га бурилдинг. Нима у ўзи, сени ақлингда ўзгариш қилиб қўйди?

— Билмайман.

— Худо сени юрагингга худди ўшанда, сен ўша қоғоздаги ёзувга қараган пайтингда кирди.

— Сиз бу билан, бу нарса шу вақтгача мен билан бўлган демоқчимисиз?

— Албатта, биродар. Худди мана шу муносабатингни ўзи ҳам — бутунлай тескари бурилишни англатади.

— Бранхам ака, сиз мен учун ибодат қилоласизми?

Билли жилмайди ва бош чайқади.

— Сенга ибодат керак эмас. Ҳақиқат сени озод қилди. Бу Муқаддас Руҳнинг меҳнати — Шахснинг, фикрларнинг эмас. Муқаддас Руҳ Раббий Исо Масиҳ Шахсидир, Қайсиники бизлар юракларимизга қабул қиламиз, Қайсики бизларга ҳаётда ҳамма нарсага янги ва мутлақо бошқача муносабатни беради.[327]

[327] Юҳанно 8:30-36, 14:15-19; Ҳаворийлар 3:19-21 га илова.

70 БОБ
ҲАҚИҚИЙ ВА ЁЛҒОН НОВДА
1955

ИНДИАНА ШТАТИДА баҳор об-ҳавоси қизиққон “улфат” бўлиши ҳам мумкин. Баъзан қуёш кукуруз ёвонларни бир ёки икки ҳафта давомида ёқимли ҳидли, шамолсиз кунлар билан қиздиради. Ундан кейин эса об-ҳаво кескин ёмонлашади, ва гаризонт устида қора булутлар тўплана бошлайди. Чўққилари ҳурпайган улкан оппоқ булутлар, марказида кулранг доғлари ва атрофлари қорамтир-кўкиш тусли булутлар осмонда худди гражданлар урушидаги тўплар қалдираши ва портлашлар чақинлари билан бораётган армиядай кўчиб юрар ва тозалайдиган ёмғирлари билан қоп-қора заминни суғорар эди.

1955 йил майида Уилльям Бранхам ҳаётида ҳам бир неча жўшқинли кунлар бўлди. Меда ўзининг учинчи хомиладорлигининг охирига келган пайтида, Биллига қарши совуқ шамоллар унинг оиласини йўқотишга таҳдид қилиб, токи ўзини бўронларини билдирмагунича эса бошлади. Бир аёл Медани туғруқ вақтида ўлади, деб башорат қила бошлади. Худо уни Уилльям Бранхамни етаклаш учун юборди, деб даъво қилди, ва Бранхам уни рахбарлигини рад этгани сабабли Худо унга бўйсунмагани учун бундан қасд олиш мақсадида, уни хотинини ўлдириш ниятида деди. У аёл бу башоратни откриткаларга ёзди ва уларни бутун мамлакат бўйлаб тарқатди.

Афсуски, Меда бу башорат ҳақида билиб қолди ва бундан батарроқ хафа бўлди, чунки у шунгача ҳам асабийлашиб юрган эди. 1946 йилда уни биринчи туғишида қизи Ривқони врачлар операция йўли билан олган эдилар. Беш йилдан кейин иккинчи қизи Сора ҳам жарроҳлик йўли билан туғилди. Икки марта ҳам Меда билан Биллини уларни учинчи фарзанди туғилиши Медага зиён қилиши ёки уни умрига зомин бўлиши мумкин деб огоҳлантирди. Ва энди мана бу даҳшатли башорат пайдо бўлди. Бир неча вақт у бунга эътиборсиз юришга ҳаракат қилди, аммо операция яқинлашган сайин руҳи чўка бошлади.

1955 йил, 18 май куни, Медани учинчи жарроҳлик операциясига бир кун қолганида, Билли хотинини кўз ёш қилиб тургани устидан чиқди. У хотинини тинчлантиришга ҳаракат қилиб кўрди.

— Билли, мен билан Марджи ҳам боришини хохлайман; касалхонага бир ўзим боргим келмаяпти.

Меда Бранхам билан Марджи Морган яқин дугона эдилар. Медани болалари туғилганида Марджи палатада бўлган эди, аммо бу сафар уни кутилмаган воқеа туфайли чақиришган эди, ва шундан у келолмади.

Били жавоб берди:

— Менга қулоқ сол, севгилим, бизлар Марджини яхши кўрамиз, бироқ Марджи бизни Худомиз эмас. Марджи — бизни опамиз. Бизлар Марджига боғлиқ эмасмиз; бизлар Раббий Исога боғлиқмиз, тобемиз бизлар.

— Билли, нима деб ўйлайсан, мен ўламанми?

— Мен билмайман, аммо бола туғилади. Бизда Юсуф бўлади.

— Бу ўшами?

— Азизам, мен билмайман. Мени айтишим қийин, аммо Худо бизда Юсуф бўлади деди. Мен учун ким нима дейди, муҳим эмас, — бизда барибир Юсуф бўлади. Менга шу ваҳийларни айтган Ўша Худо, буни ҳам айтди. У бошқа очиқликларни бажарилишида мени ҳеч қачон алдамаган, ва У бу сафар ҳам панд бермайди.

Билли кучи етганича уни юпатмоқчи бўлди-ю, аммо у шунчалик хафа эдики, бу нарса уларни иккаласини ҳам хафа қилиб қўйди. Билли машинасига ўтирди-да, Гринс Милл томонга — ўзини ғорига, у ерда ибодат қилиш учун жўнади. Унга Худо қарийб беш йил бурун унда яна бир ўғил бўлишини айтганлигини билар эди...

1950 ЙИЛ ИЮЛИДА Билли Миннесота штати, Миннеаполисда, чодирда шифоланиш кампаниясини ўтказди. Ўзининг меҳмонхона номерида, Библияда патриарх Юсуф ҳақида ўқиган пайтда у шод-хуррам бўлди. Билли кийимлар осиғлик кичкина омборхонага кирди, ортидан эшикни ёпти ва қувонишда ва ҳўнграб йиғлашда давом этди.

У Иброҳим сайланиш тимсоли эканини, сайланишни билдиришини кўрди; Исҳоқ — оқланиш ва севги; Ёқуб — иноят, марҳамат, Юсуф эса — баркамоллик эканидир. У Масиҳнинг мукаммал образи эди. Юсуф ўз ота-онасининг яхши кўргани ва ўз биродарларининг жуда ёмон кўрган одами эди, чунки унга руҳий тушлар кирар эди. Худди Искариотлик Яҳуда Исони 30 кумуш тангага сотгани каби, уни 20 кумуш тангага биродарлари қулликка сотиб юбордилар. Кўплаб азоб-уқубатлар ва зиндонбандликдан кейин, Юсуф Миср ҳукмдори лавозимига кўтарилди, фақат фиравннинг ўзи ҳокимиятда ундан баланд турар эди. Ўша вазиятда бўлиб, Юсуф ўз оиласини очарчилик даврида ўлимдан қутқариб қололди. Худди шундай тарзда Исо синалган, ҳукм қилинган ва дўзах зиндонига юборилган эди, аммо У ўликлардан тирилди ва Отанинг ўнг томонида ўтирди, ва осмон ва ердаги бутун ҳокимият Унинг ихтиёрида бўлди. Энди Исо ер юзидаги Ўз оиласини абадий ўлимдан қутқара билди.[328]

[328] Ибтидо Китобининг 30-50 боблари (айниқса 37:28); Матто 26:15; Ҳаворийлар 2:36; 1-Коринфликларга 15:4; Ибронийларга 12:2 ва бошқаларга илова.

“О-о! — Билли қувониб кетди, — бир кун келиб ўша томонга ўтканимда Юсуф билан учрашиб ва уни қўлини қисганимда, мен жуда бахтиёр бўламан. Дониёр билан учрашаман ва ундан, қачонки Олов Устуни у ерда турганида, ва ўша шерларни бир кечаси билан ушлаб турганида, у ўзини қандай ҳис қилганини сўрайман. Мен ўша яҳудий ўспиринларни қиздирилган печдан ўша эллигинчилар шабадаси билан қандай чиқиб келганларини кўраман. Қандай ажойиб пайтлар!”

“Худойим, — ибодат қилди Билли, — мен Сенга Юсуфдай одам учун миннатдорчилик билдирмоқчиман; бир кунлар ер юзида яшаган ўша одам учун; менга ўхшаб танада яшаган ўша одам учун; Сенга ишона билган ва Сени Сўзингни қабул қила олган одам учун. Сенга раҳмат, Раббим, шундай одам учун Сенга шукур”.

Билли патриарх Юсуфни ёқтирди, уни жуда хуш кўрди. У руҳий Юсуф юзидаги нарса билан ҳеч нима қилолмай қолди. У ваҳийлар кўрди, тушларни таъбирлади. Бу учун уни ҳамма ёмон кўрди. У ўзини шундайлиги учун, ҳеч нарса қилолмади ҳам. Ибодат қилаётиб, Билли деди: “О Худойим, агар Сен қачондир менга ўғил берсанг, мен уни Юсуф деб атайман”.

Билли одамлар яшайдиган учта сферани билар эди. Улардан биринчиси ким учундир эзгу мақсадда ибодат қилиш, масалан: “Мен умид қиламанки, сен соғайиб кетасан. Мен имоним етгунича, бор имоним билан сен билан бирга ишонаман”. Бу инсоний сфера. Иккинчи сфера — бу Илоҳий очиқлик, аён бўлишлик, қачонки нимадир аён бўлади. Сиз ўз қалбингизда биласиз, бу нарса бўлади деб; бироқ бундан бошқа ҳеч нарса йўқ — бор-йўғи очиқлик, аён бўлишлик. Учинчи сфера — бу ваҳий, қачонки у “РАББЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ” дегани бўлиб, у мукаммал ва шак-шубҳасиздир.

Қачонки Билли ибодат қилган ва қаттиқ ҳўнграган пайтида, Нимадир унга деди (бу ваҳий эмас эди): “Сенда ўғил бўлади ва сен уни Юсуф деб атайсан”. Билли ўйлаб қолди: “Ундай бўлса, бу ажойиб-ку. Раббим, Сенга рахмат”. У бахтиёр, шод-хуррам бўлиб, яйраб чиқиб келди ва ҳаммага бу ҳақида айта бошлади.

1950 йил ёзида Меда хомиладор бўлди. Бу уларнинг Юсуфи бўлармикан деб, Билли ҳайрон эди. 1951 йил майида бола туғилганида, у қизча экан. Улар уни Сарра деб аташди.жарроҳлик операциясидан кейин врач тушунтирди:

— Мистер Бранхам, хотинингизнинг тос суяклари кенгаймайди,нормал туғиш вақтида у кенгаяди; улар эркаклардагидек қимирламайди. Гап шундаки, у энди бошқа бола туғмаслиги керак,чунки унинг қорни жуда ҳам юпқа. Яхшиси менга рухсат беринг, уни фаллапиев трубаларини боғлай.

— Йўқ, доктор, мен сизга бундай қилишга қўёлмайман.

— У бошқа бола туғмаслиги керак. Агар у яна бир болага ҳомилали бўлса, ундан хотинингиз нобуд бўлиши мумкин. Биз бу ерда озмунча тер тўкмадик. У базўр бундан ўтиб олди.

— Мен барибир ўша трубаларни боғлашга қўёлмайман. Худо менга ўғил бўлади, деб айтди.

— Нима ҳам дердик, мумкин, сиз яна уйланарсиз, ва сизда ўша ўғил туғилар.

— Йўқ, — Билли бош чайқаб жавоб берди. — Худо айтди, менда Меда орқали ўғил бўлади.

Гарчи буни у ваҳийда кўрмаган бўлса-да, бу нарса унинг юрагида аён бўлишлик орқали имони билан ёзилган эди.

Унинг имонига ҳамма ҳам қўшилавермади. Сарра туғилганидан кейин бир одам Биллига кўнғироқ қилди ва унинг устидан кула бошлади:

— Менга қулоқ солда, ахир сен Жозефинани кўзда тутган экансанку.

— Сэр, Худо менга ўғил бўлади деди ва мен уни Юсуф деб атайман.

Ўша одам тез орада ўлди.

Биллининг черковидан уч киши (маълум бир черковидан чиққанлар) у сохта пайғамбар деган хулосага келдилар.

“Бир дақиқа, — жавоб берди Билли, — мен умуман айтмадим, *қачон* бу бўлиб ўтади деб, Худо ҳам айтмади *қачонлигини*. Худо Иброҳимга айтди, унда Исҳоқ бўлади деб, аммо бу ваҳий ичида Исмоил туғилди. Бу ваъдани бекор қилмади. Бир кун келиб Меда орқали мени ўғлим бўлади ва биз уни Юсуф деб атаймиз, Худо худди қандай деган бўлса.

Шундан бери тўрт йил ўтди ва ҳозир Медага навбатдаги болани туғиши керак бўлиб турибди...

БИЛЛИ ШОССЕДАН МАШИНАНИ БУРДИ ва Гринс Милл деган жойга қараб кетди. У машинасини тўхтатди ва ибодат қилиш учун ғорга қараб юра бошлади. Эгри-бугри бурилишдан кета туриб, у иккита дарахт ўртасидаги бутанинг тагида муаллақ турган ўша Нурни кўрди, ва у ёқ – бу ёққа ўзини ташлаб... Овоз деди: *“Орқангга қайт ва машинангга бор. Сенинг Библиянг очилиб ётади”.*

Қачонки Билли машинасига қайтганида ва Библиясини олганида, у қараса, шамол саҳифаларни ўша лаҳзада, пайғамбар Натан Довудга: “Юрагингда бор ҳаммасини қил, зеро Худо сен билан” — деган жойда очиб қўйди. Кейин ўша кечасиёқ Раббий Нафанга кўринди ва деди: “Бориб, Мени қулим Довудга айт: Мен сени яйловлардаги қўй суруви орасидан танлаб олдим ва сенинг номингни оламдаги улуғ одамларнинг номи сингари машҳур қилдим. Қаерга борсанг, сен билан бўлдим, ҳужум қилганингда, ҳамма ғанимларингни йўқ қилдим...” “Мен сенга Мен учун уй қуришингга йўл қўйолмайман, аммо сендан кейин уруғинг, ўғилларингдан бири...” “Сени ўғилларинг” деб Буни айтиши заҳоти, о-о, ҳамма гап шунда-да! Билли деди: “Юсуф?” Бу чин ҳақиқат эди. У ҳавотирланмаслиги учун Раббий унга нимани кўрсатганини тушунди. Кейин у ҳўнграб юборди.

Билли машинасига ўтирди ва уйига жўнади. Машинасини тўхтатганида у Медани ахлат ташлаш учун бораётганини кўрди. У базўр ҳаракатланар, уни қорни жуда катталашган, юзи рангпар; у йиғлар ва жуда асабий эди. Билли унга югуриб борди ва қучиб, деди:

— Азизам сен дадил бўлишингни истайман.

— Нима учун?

— Сен биласанми, мен қаерда бўлдим?

— Фаҳмлаяпман.

— Менда “РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ” бор. Севгилим, Юсуф дунёга келади. У йўлда. Хавотир олма; энди ҳаммаси жойида.

Бу сўзлардан Меда шу заҳотиёқ тинчланди

Кейинги куни эрталаб соат еттида (19 май 1955 йил) Билли хотинини касалхонага этди. Врач кечаси давомида бола анча пастга тушганини кўрди ва Билли ҳайқириб юборди: “О Худойим-меҳрибоним!” Билли хотинини ўпиб, деди:

— Севгилим, озроқ вақт ўтиб, Юсуф шу ерда бўлади.

Медани шошилинч туғриқхонага ўтказишди. Билли ҳавотирдаги бошқа оталар билан гиламда у ёқдан – бу ёққа юриб, кута бошлади. Қанчадир дақиқа ўтиб, кейин эса қабулхонага ҳамшира қайтиб келиб шундай деди:

— Жаноб Бранхам?

— Ҳа, хоним.

— Сизда ажойиб ўғил туғилди, 3 килограмм ва 260 грамм вазн билан.

— Юсуф, кичкинтойим, сен бу ёққа анча узоқ вақтда етиб келдинг. Отажонинг сени кўришдан хурсанд.

— Сиз уни Юсуф деб атадингизми? — деди ҳамшира.

— Ҳа, унинг исми айнан шундай.

ЮСУФ ТУҒИЛГАНИДАН бир неча кун ўтиб, Майнер Арганбрайт Биллиникига меҳмон бўлиб келди. Майнер баландбўй одам эмасди. Билли бир куни ҳазиллашиб, келишган қадди-қоматли одам бўлиши учун, уни хотини билан бирлаштириш керак бўлади, деган эди. Дўстининг кичкина жуссасига қарамай, Билли Майнер Арганбрайтни имонида баҳодир деб ҳисоблар эди. У Тўлиқ Инжилчи Халқаро Тадбиркорлар Жамиятининг вице-президенти эди. Бунинг устига, у ўша ташкилотнинг *“Тўлиқ Инжилчи Тадбиркорлар Овози”* журналида муҳаррирлик қилар, унда Уилльям Бранхам кампаниялари ҳақида мақолалар мунтазам эълон қилинар эди. Билли бир неча йиллардан бери Майнер билан таниш эди ва ундаги Масиҳчига хос камтарлигини, хушмуомалалигини, саҳийлиги ва доимо Муқаддас Руҳ раҳномалигини ҳис этиб туришини ҳурмат қилар эди.

Ўз креслоси четгинасида ўтириб, Арганбрайт шундай деди:

— Бранхам ака, менда Раббийдан ажойиб бир очиқлик бор.

— Ҳа, сэр, мен сени эшитаман, — деди Билли олдинга эгилиброқ.

— Раббий мени Швецарияга, Цюрихга боришимни истайди. Сен мен билан боришни истармидинг?

Креслоси ёстиқчасига бўшашиб ўзини суяганича, Билли жавоб берди:

— Менда Денверда битта кечқурунги мажлис тайинланган. Кейин мен Жоржия, Мейконда бир ҳафта бўламан. Бу ҳақида ўйлаб кўришимга қўй.

У Швецарияга сафар тўғрисида ибодат қилганида, аралаш-қуралаш туйғулар билан қолди. Худо унга бориши кераклигини тўғридан-тўғри гапирмади. Шунга қарамай, Билли бу ҳақида қанча кўп ўйласа, агар Майнер Арганбрайт бу сафар хусусида ваҳий олган бўлса, бу Худонинг иродаси бўлса керак деб, шунга кўп ҳис қила бошлади.

БИЛЛИ ПОЛЬ БРАНХАМ отасининг меҳмонхона номери эшигини эринмай тақиллатаверди. Ҳеч қандай жавоб эшитилмас эди — ҳаттоки эшик ортидан салгина ҳаракат ҳам. Билли Поль отасини кечки хизматдан олдин чуқур ибодатда эканини биларди. Ҳар қандай бошқа оқшомлари Билли Поль қайтиб кетар ва ўн беш дақиқадан сўнг яна келиб тақиллатар эди — аммо бу оқшом бундан мустасно эди. У секин тақиллатишда ва чақиришда давом этаверди:

— Дада, яхшиси шошилгин, бугун яна сени ваъз қилишингга тўғри келади. Жек ака ҳали келмади.

Жек Моор Биллининг ҳозирги администратори, Жоржия штати, Мейкондаги йиғилиш 3 июнь, жума куни бошланишига ва бирин-кетин ўн оқшом давом этишига келишиб олган эди. Йиғилишлар жадвалидаги зиддиятлар туфайли у ердаги биринчи учта йиғилишларда қатнашолмади, аммо у душанбада пайдо бўлишини ваъда берди. Энди бўлса, сешанбадаги кечқурунги йиғилишни ўтказиш вақти келди, Жек Моор эса ҳали ҳам келмади. Бу дегани, Биллига касаллар учун ибодат қилишдан олдин яна ўзи ваъз қилиши керак эди. У одамлар имонини кўтариш учун дастлабки ваъзни администратори қилишини афзал кўрар эди. Шундай қилиб Билли ибодат хизматига диққатини қаратган бўлар, шунда Уни кучини эҳтиёт қилиб туришига ёрдам бўлар эди. Ваъз қилишда руҳланиш ва ваҳийларни идрок қилиш учун

руҳланиш мутлақо фарқ қилади: иккинчи ҳолда Билли биринчи ҳолидагидан кўра кўпроқ зўриқишда бўлар эди. Бир нарсага руҳланишдан бошқасига ўтаётиб, у қўшимча нагрузка олар эди, бироқ эҳтиёт бўлганда, у буни уддалар эди.

Мейкондаги бу кампания футбол стадионида очиқ ҳавода ўтказилди. Йиғиштириладиган стуллар бутун футбол майдони бўйлаб қатор-қатор қўйилган эди. Одамлар тўрт оқшом мўъжизаларни кузатганларидан сўнг, уларнинг иштиёқи ҳатто ёмғир ёғиши хавфидан ҳам сўндиролмади — стадиондаги ҳар бир йиғиладиган стул, трибунадаги кўплаб бошқа ўтириладиган жойларни ҳам айтсак, банд эди. Футбол дарвозаси линиясини бири ёнида платформа кўтарилган эди. Билли зиналардан подиумга чиққанида ҳам, у қайси мавзуда ваъз қилишини ҳали-бери билмас эди. У одамлар билан саломлашганидан кейингина ваъзини мавзуси келди.

У Библиясидаги, Исроил еридаги ҳар бир мева дарахти ва узум новдасини емирган ҳашаротларни босиб келиши ҳақида пайғамбар айтган, Иоил Китобини очди. Аввал у Иоил 1:4ни ўқиди. *“Личинкадан қолганини чигиртка еди, чигирткадан қолганини қурт еди, қуртдан қолганини капалак қурт еб битирди”*. Кейин у Иоил 2:25ни ўқиди: *“Мен ўша, сизларга юборган буюк лашкарларим — чигиртка, қурт, капалак ва личинка еган ўша йилларни сизларга тиклайман”*.[329]

[329] Қирол Иаковнинг инглизча Библиясидан таржимаси. Рус синодаль таржимасида: “Капалак қуртидан қолганини чигиртка еди, қуртлардан қолганларини эса қўнғизлар еб битирди”. “Мен ўша, Менинг буюк лашкарларим — чигиртка, қурт, қўнғиз ва капалак қуртлари еган ўша йиллар учун ҳақини қайтараман...” Изоҳ: личинка, капалак қурт, қурт ва чигиртка битта ҳашаротнинг ўзини ўсишидаги тўртта стадиясидир. (Тарж.)

Унинг овози бутун футбол стадиони бўйлаб прожектор столбаларига осилган ўнлаб карнайлар товуши оралиғида акс-садо бўлиб такрорланар эди.

— Худо Ўз черковини узум новдасига ўхшатади. Исо деди: “Мен токман, сизлар эса новдаларсиз”.[330] Шу учун Масиҳда бўлган ҳаёт, ҳар бир новдада бўлиш керак. Шундай қилиб, агар Масиҳ Осмон Шоҳлигини касалларни шифолаб, ваъз қилган бўлса, унда ҳар бир ўсаётган новдалар ҳам худди шуни қилиши керак, чунки улардан ҳам токда бўлган ҳаёт мавжуд бўлади.

[330] Юҳанно 15:1-6

Шу пайтгача Билли ҳамма маълум бўлган материалларни айтиб юрган бўлса, аммо шу вақтдан эътиборан у “янги сўқмоқни боса бошлади” ва янги уруғ сепа бошлади. Ер юзида иккита руҳий ток мавжуд: бири ҳақиқий, бошқаси эса сохта. Иккала ток ҳам ёнма-ён ўсаверди, шу учун уларнинг новдалари бир-бирига чирмашиб кетадики, натижада баъзан қайси шох қайси дарахтга тегишлилигини аниқлаш қийин бўлиб қолади, — деди у. Аммо Исо: “Уларнинг меваларига қараб билиб оласизлар”,[331] — деди.

[331] Матто 7: 15-23

— Эсингизда бўлсин, — Билли таъкидлади, — дажжол руҳи диндор, художўй. Охирги вақтларда бу ҳақиқатга шунчалик яқин бўладики, агар иложини топсалар ҳатто танланганларни ҳам йўлдан оздирган бўлар эди, — деган эди Исо.

Ибтидо Китобидан далил қилиб, Билли Қобил ва Хобилни диндор эканини кўрсатди: иккиси ҳам ишонувчи эдилар,иккаласи ҳам қурбонгоҳ қурди, ва иккиси ҳам Худога қурбонлик келтирди. Қобил Хобил каби шундай сидқидилдан сиғинди. Ҳақиқатда, Қобилнинг қурбонлиги укасиникидан анча чиройли эди. Қобил ер-замин мевалари ва гулларини келтирди. Хобил бўлса, қурбонгоҳга сўйилган қўзини келтирди. Худо унинг қурбонлигини рад этиб, ва укасиникини қабул қилганидан ғазабланди. Ҳобилда дунёга гуноҳни келтирган ер-юзи мевалари эмаслигига; гуноҳ қон орқали келганига руҳий очиқлик, ваҳий бор эди. Ҳобил гуноҳни фақат ягона бир усул — қон тўкиш орқали қувиш мумкинлигини англаган эди. У ўша, қачонки Худонинг Қўзиси Ўз Қонини ҳалок бўладиган одам гуноҳлари учун тўккан куннинг нишонаси, белгиси бўлиб хизмат қилди.[332]

[332] Ибтидо 4:2-8

Билли бу икки жонни Ибтидо Китобидан токи Сонлар Китобининг 23-бобигача, Мўабликлар Исроил қабилалари билан курашган жойгача кузатиб, текшириб келди. Бу Мўаб халқи Иброҳимнинг жияни Лут авлодларидан бўлиб, Исроил сиғинадиган Худога сиғинар эдилар. Исроил Мусо шахсида пайғамбарга эга бўлганидек, Мўаб ҳам Балом шахсида

пайғамбарни топди. Мўаб шоҳ Балоқ Баломга у Худодан Исроилни лаънатлашини сўраши учун кўп пул таклиф қилди. Балом Балоқнинг таклифини қабул қилди. Худога йўл очилиш учун, Балом етти қурбонгоҳга еттита буқа ва еттита қўчқорни қурбонлик қилди. Левит қонунларига кўра бу асосан тўғри эди.[333] Шу пайт Билли:

[333] Сахрода 23:1, 29; 1-Паралипоменон 15:26; 2-Паралипаменон 29:21; Аюб 42:7-8; Иезикиил 45:23

— Сиз шундай беҳисоб муҳим ва анъанавий урф-одатчи бўлишингиз мумкин ва шунда ҳам барибир тўппа-тўғри дўзахга бораверасиз, — деб айрим тингловчиларни хижолатга солди.

У шундай тушунтирди:

— Гарчи бу иккала жон ёнма-ён ўссаларда — иккиси ҳам муҳим, фундаментал ва диндор, — уларни фақат меваларига қараб билиб олиш мумкин. Яҳудони бошқа шогирдлар билан таққосланглар. Кўп йиллар давомида Яҳудо ҳам худди қолганлардек жуда муҳим, фундаментал эди, аммо эллик кун байрами олдидан ўз мевасини кўрсатди — у ҳосил байрамига ва янгидан, юқоридан туғилишга эришолмади. Улар ўйлайдики, буларнинг ҳаммаси онгимизда бўлиб ўтади. Йўқ, дўстлар, бу бизнинг жонимизда содир бўлади.

— Исони фарзийлар билан таққосланг. Исо ҳам, улар ҳам Яшуа-Худога ва Қонуннинг асосий таълимотига ишонишар эди, аммо ғайритабиий аломат ва мўъжизалар. Исони тасдиқлади. Ҳаворийлар ҳам ўшандай тасдиққа эга эдилар. Унга бошланғич, биринчи черков ҳам эга эди. Ва шу тарзда ҳар бир даврдаги ҳақиқий ток тасдиқланади. Исо: “Менинг номим билан жинларни қувасиз, касалларга қўл қўясиз ва улар соғаядилар”,[334] — деди. Ўша иккала ток орасидаги фарқ ҳам шундада. Уларни иккиси ҳам асосий таълимотга ишонадилар, аммо фақат ҳақиқий токда Руҳ бор, ва фақат у ўзини кунидаги нурни кўра олиши мумкин. Эсингизда бўлсин, Павел: *ҳарф ўлдиради, Руҳ ҳаёт бағишлайди,*[335] деган.

[334] Марк 16:15-18

[335] 2-Коринфликларга 3:6

Бу нарса унинг имонини кучайтириш, кўтаришга мўлжалланган одатдаги ваъзларидан ниҳоятда қаттиқ чекланиши эканлигини билар эди; аммо бу унинг янги вазифаси — ҳар бир кампаниясида фундаментал библиявий таълимотни ваъз қилишга кўпроқ вақт ажратиш вазифаси эди. Шу оқшом у фундаментал таълимотларнинг ҳаммасидан энг муҳимини таъкидлади: “ Сиз юқоридан туғилишингиз керак”.[336] Шак-шубҳасиз, унинг бундай сўзларидан айрим одамлар ноқулай аҳволга тушишди. Билли бошқача қилаолмасди. У фақат, қачонки одамлар ибодат навбатида ғайритабиий равишда юрак сирларини билишни кўрганларида, уларга ваъз қилинаётган таълимот ҳақиқат эканлигини англайдилар, деб умид қилар эди холос.

[336] Юҳанно 3:1-8

Кейинроқ, шу оқшом Билли хизматни боришини ўзгартирганида, яъни касаллар учун ибодат қилишга ўтганида,ваҳийлар бирини орқасидан бошқаси “ёпирилиб” келаверди, ва ҳар сафар сирларни билиш кимнингдир муҳтожини таг-тубигача айтиб бораверди. Ибодат навбатидаги иккинчи аёл Биллининг олдида турди. Аёл бирор нарса дейишидан олдин, у:

— Бир дақиқа, — деди.

У юзини ўтирганларга ўгирди ва кузатиб ва аудиториядагиларни эшита бошлади.

— Бу ёвуз руҳ бошқаларни ёрдамга чақира бошлади. Мен ёнимда турган леди билан у ерда оёқлари стулга кўтариб қўйилган аёл орасида қоронғу полосани кўраяпман. Уларни иккаласи ҳам рак. Бу ерда турган ледини томоғини рак емирган.

У ёнида турган аёлга гапира бошлади:

— Леди, ишонинг. Сиз асабийлашаяпсиз. Врачлар сизни операция қилишмоқчи бўлишди ва ҳозир сизни товушингиз томоғингиздаги тешикдан чиқаяпти. Сиз Жоржиядан эмассиз. Сиз Флорида штати, Мелроуз шаҳридансиз. Сизни исмингиз миссис Е.М. Робинсон.

Бутун стадион бўйлаб ғўнғир-ғўнғир бўлиб кетди. Билли миссис Робинсонга қўл қўйди ва ўша рак, иблисни Исо Исми билан лаънатлади. Кейин у одамлар орасида ўтирган бошқа аёлга мурожаат қилди:

— Опа, сизда кўкрак раки. Ваҳийда мен врачни сизни текшираётганини кўраяпман.

Билли бу рак ёвуз руҳини ҳам Исо Исми билан лаънатлади.

Ёш методистлар воизи баланд трибунада ўтирганича, бу ҳаммасини кузатиб турар эди. Уиллард Коллинз ўйлаб қўйди: “Бу методистлар черковидек эмас. Бунга ўхшаган бирор нарса олдин мен кўрмаган эдим. Мен жуда узоқда ўтирибман ва кўпроқ кўра олмайман. Эртага мен яқинроқ ўтиришим лозим бўлади”.

Кейинги оқшом Уиллард Коллинз платформа яқинроғида бўш стул излади. У уни тополмади. Ҳатто платформа билан биринчи қатор орасидаги жой ҳам ногиронлар аравачаларида ўтирган ва раскладушкаларда ётган одамлар билан тўлиб кетган эди. Уиллард тўхтади ва кекса қора танли одамдан, у қанчалик узоқ вақт касаллигини сўради.

— Мен ўн етти йилдан бери тўшакдан туролмайман, — одамгина жавоб берди.

Бу одамлар қанчалар қуриб кетганини кўриб, Уиллард унинг сўзларига ишонди. Платформа ёнида бўш стул тополмай, Уиллард яна трибунадан жой эгаллади.

Ўша оқшомги хизмати вақтида Уилльям Бранхам ибодат навбатидаги бир аёлга деди:

— Сиз рак дейиладиган қўрқинчли касалликдан қийналаяпсиз. Сизни ёнингизда ўлим руҳи муаллақ осилиб турибди. Аммо шифоланишдан ташқари сизга жонингизни қутқарилиши керак. Сиз гуноҳкорсиз. Агар сиз ҳозир товба қиласиз ва ҳаётингизни Исо Масиҳга топширасиз, У сизни шифолайди.

У товба қилганидан кейин, шифоланди ҳам. Билли уни зиналардан шитоб билан футбол майдонидаги ўтларга тушиб бораётганини кузатиб турди. Фаришта унинг кетидан бораверди. Ҳали аёл йўлакдан стуллар орасидан борар экан, Фаришта эса ундан кетди ва ногиронлар аравачалари ва раскладушкалардаги одамлар томонга силжиди. Бирдан Билли ўша, олдинроқ Уиллард Коллинз гаплашган қора танли қария одамни кўрсатди.

— Сиз, сэр, ака, у раскладушкадаги... Сиз менга Худонинг пайғамбари деб ишонасизми? Сизда ибодат карточкаси йўқ, шундай эмасми? Сизга у керак ҳам эмас. Сиз мени ўз пайғамбарингиздай қабул қиласизми ва менга қулоқ осасизми? Унда ўша раскладушкадан туринг, уйингизга боринг ва кечки овқатни енг. Исо Масиҳ сизни соғайтирди. Омин.

Қари одам озғин оёқларини раскладушкасидан ошириб туширди ва турди. Кимдир уни бир неча сония ушлаброқ турди. Кейин у ўзгалар ёрдамисиз футбол майдонини бир томони бўйлаб ўтиб борди ва стадионни тарк этди.

Уиллард Коллинз уйқу артерияларида қон урушини ҳис этиб турди. “Бу чиндан ҳам шундай-ку! — ўйлади у. — Мен ўша ибодат навбатига тушишни истайман”. Кўп йиллар давомида Уиллард ошқозон ярасидан азият чекар, шундан у қатъий диетага амал қилар, енгил овқатланар эди. Кўп йиллардан бери у бугун биринчи марта соғайишига ишонди... агар у Уилльям Бранхамдан ўзи учун ибодат қилишини сўрай билса.

Ибодат навбатига тушиш унчалар осон иш эмасди. Ҳар кечқурун фақат юзта карточка тарқатилар ва ўша гуруҳдан фақат 15-30 одамни навбатга тизиш учун айириб олинар эди. Ҳар кечқурун юзлаб одамлар карточка олиш учун стадионга олдинроқ келишарди.пайшанба кечқурун Уиллард уни олмади. Хафа бўлганича, у бир неча вақт платформага иложи борича яқинроқ, бўш жой излаб шу атрофларда юрди. Олдинда нафақат ногирон аравачалар ва раскладушкалар, балки хизматни магнитофон тасмасига ёзиб оладиган одамлар учун ҳам жой ажратилган эди. Уиллард иккита магнитофон орасида кичикроқ бўш жойни пайқаб қолди. Пикапига чопиб бориб, йиғма стулни олди, стадионга келди ва ўша магнитофонлар орасига суқулиб кирди.

Ибодат навбатидаги ўнталар одам учун ибодат қилиб, Уилльям Бранхам зинадан майдонга тушди ва раскладушкалар ва ногиронлар аравачалари оралаб, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда айрим одамлар учун ибодат қилиб юра бошлади. Кейин у Уиллард ёнида ҳам тўхтади, уни елкасига қўлини қўйди ва ибодат қилди: “Ота, у ҳам касал. Шифола уни”. Платформага зиналардан чиқди ва микрофонга келиб деди:

— Сиз, аниқроғи, буни кўролмадингиз, аммо Раббий Фариштаси мени борган ҳар бир одамга этган эди.

Уиллард Коллинз Фариштани кўролмади, аммо Уни ўша ердалгини ҳис қилди. Хушхабарчи унга тегиб ва ибодат қилганидан кейин, Уиллард танасида ғалати бир туйғуни

ҳис этди. Бу худди совуқ сув уни устидан ва у орқали оқиб ўтганга ўхшаш эди. Унда энди ошқозони билан бошқа муаммо бўлмади.

Кампаниянинг охирги оқшомида ибодат навбатидан қандайдир аёл ўтди. Билли унинг муаммосини ва уни неча марта операция қилганларини аниқлик билан айтди. Кейин у аёлга, уни Мейкон эмас, балки Жоржия штати, Огастеда яшашини, гарчи уни айтиши бўйича у аёлни кўрмаган бўлса ҳам, унинг исмини ва уйини манзилини ҳам айтди. Уиллард бу кампания вақтида Уилльям Бранхам юзлаб одамларнинг юрак сирларини билганиникузатди ва бу фактдан унинг ҳайрати бу сафар ҳам камаймади. Кейин бир нарса бўлиб ўтдики, шундан у жуда хавотирга тушди. Унинг орқасида ўтирган аёл ёнидаги аёлга шундай деди: “Бранхам ака, шубҳасиз, бу сафар хато қилди. Мен бу аёлни биламан ва бу аёл у ерда яшамайди”.

Шубҳа Уилларднинг имонини ўзининг ёвуз тиғи билан жароҳатлади. У Уилльям Бранхамнинг: “Агар мен сирларни билиш вақтида бирор-нимани нотўғри айтсам, унда мен гапирганларнинг ҳеч қайсига умуман ишонманглар, чунки бу мен бошқа энди Муқаддас Руҳ билан етакланмаяпман, дегани”. Уиллард Коллинз бундай дейишидаги мантиқни кўрди. Агар Бранхам юрак сирларини билишда хатога йўл қўйолганида, у таълимотда ҳам хато қилиши мумкин эди. Гап мана нимада эди: у ҳақиқатдан ҳам хатога йўл қўйдимикан? Коллинз бу ҳақида билиши лозим эди. Сўнгги бир неча кун давомида у айрим одамлардан сўраб-сўраб, токи, ниҳоят, ҳақиқатни билмагунича, айғоқчи ролини ўйнади. Маълум бўлишича, ўша, гап ким ҳақида бораётган аёл, қайсики пайшанба оқшомида ибодат навбатидан ўтишидан икки кун олдин, Огаста шаҳридаги янги уйига кўчиб ўтган экан. Йиғилиш вақтида одамлар орасида ўтирган унинг таниши уни кўчиб кетганини билмас эди. Шундай қилиб, у ҳақиқатдан ҳам Уилльям Бранхам айтган манзилда яшар эди.

71 БОБ
ШВЕЦАРИЯДАГИ ЗИДДИЯТ
ИЮНЬ 1955

ФРАНЦИЯ УСТИДАН УЧИБ ЎТАЁТИБ, Уилльям Бранхам пастга, майдонларга қаради. Улар худди ҳар турли яшил рангларга бўялган "қийқимлардан тикилган чойшабга" ўхшаб кўринар эди. Тепаликлар орасидан дарёлар эгри-бугри бўлиб оқар эди. Пастдаги манзара бўйигаям, энигаям йўллар блан кесилган бўлиб, улар айрим жойларда қишлоқчалардан ўтар, бошқа ерларда эса катта шаҳарларнинг чалкаш-чулкаш йўлларига қўшилиб, йўқолиб қолар эди. Юмшоқ оппоқ булутлар ерга "хол-хол" кашта кўринишида соя ташлар эди. Тепаликлар бу орада токи баланд тоғларга айлангунича, йириклашаверди. Ниҳоят, Билли Альпнинг ўткир чўққилари орасидаги узун эгри-бугри водийсида ётган, яшил-кулранг илонга ўхшаган Цюрих кўлини кўрди. Кўлнинг шимоли-ғарбий томонида катта шаҳар ястаниб ётар эди. Тез орада кўз ўнгида аэропорт пайдо бўлди. Самолёт, гўё тинч, особишта водийга қўна бошлади. Аслида эса Билли қарама-қаршиликлар ва келишмовчиликлар бўронига тушиб келаётган эди.

У Швецария, Цюрихга 1955 йил 8 июн; шанба куни қўнди. Бу сафарда Биллига Билли Поль Бранхам, Флоридадан Фред Босворт, Калифорния, Лос-Анжелосдан Майнер Арганбрайн ва Нью-Йорк штати, Бирменгемдан Жорж Гарднер ҳамроҳ бўлдилар. Арганбрайн ва Гарднер бу йиғилишларни Халқаро Тўлиқ Инжилчи Тадбиркорлар Жамиятининг ёрдами туфайли ташкиллаштирдилар(ХТИТЖ). Жадвалга асосан, Биллига Цюрихдаги йирик стадионда тўққиз кун давомида ваъз қилиши турган эди. Доктор Адольф Гуггенбул — швецариялик адвокат, меҳмонхона эгаси ва ХТИТЖ раҳбари — Швецариядаги тадбиркорлар ва йиғилишлар ташкил этишни бошқараётган эди, шу билар бирга, америкалик хушхабарчилар кампанияси аъзолари учун таржимонлик сифатида ҳам хизмат қилаётган эди. **(№1 Сурат)**

Аслида, ундан олдинроқ, бошқа бир америкалик хушхабарчи, Билли Грэхамнинг ўтган ҳафта келиши зиддиятларнинг боши бўлди. У Билли келган куни Цюрихнинг охирги хизматида ваъз қилган эди. Билли ўша оқшом Билли Грэхамни ваъзини эшитиш истагида эди. Аммо узоқ учишдан чарчагани туфайли у меҳмонхона номерида кўзи юмилди ва жуда кеч, Грэхамни йиғилиши бошлангачгина уйғонди. Бахтига, у уни номеридаги радиодан эшита билди. Билли Грэхам, Исо Масиҳ одам танасида намоён бўлган Худонинг Ўзи эди деганида, Билли бор товуши билан "Омин!" деб қичқирди. Чунки унинг мактуби ҳам шундай эди.

Ўша оқшом Билли ҳайратланарли ваҳий кўрди. У, гўё, Ернинг улкан глобуси устидан қараб, ҳавода турар эди. Пастда Европа ва Африка материклари жойлашган бўлиб, улардан глобус масштабига мос равишда тоғлар ва тепаликлар кўтарилиб турар эди. Альп тоғлари занжирининг энг баланд чўққисида, Германия ва Швецария ўртасидаги чегара ёнида немис бургути ўтирган эди. Бу қуш отда кетаётган одамга қаттиқ тикилиб, кузатиб турди. Чавандоз отда юриш учун кийиладиган британларнинг анъанавий қизил пиджак, қизил шапка, оқ брижа ва баланд чарм этикдан иборат кийимида эди. Бургут Европа ва Африкадан ўтиб, Яхши Умидлар бурнига қараб кетаётган ўша одамдан ўткир кўзларини узмай тураверди. Билли Раббий Фариштасининг сўзларини эшитди: ***"Ҳамма гуноҳ қилди ва Худонинг улуғворлигидан маҳрумдир".***[337]

[337] Римликларга 3:23

Ваҳий Биллини чарчатиб, донг қотириб, қалдироқ солиб, ғойиб бўлди.

Якшанба эрталаб уни черков қўнғироқлари жаранги уйғотди. Уни жарангидан бутун водий акс-садога тўлди. Цюрихда бирданига бунча кўп қўнғироқлар чалинганидан, Билли ҳазиллашиб, Мингйиллик Шоҳлик бошланган бўлиши керак, деди. Нонушта вақтида доктор Гуггенбул унга Билли Грэхамнинг Швецарияда тугай деб қолган кампанияси ҳақидаги захархандали газета мақоласини кўрсатди. Муҳтарам Грэхам ҳақида бу мақолада ҳеч қандай

нарса дейилмаган эди. Танқидчиларнинг фикрича, унинг костюми жуда ҳам қиммат эди, одекалони ўта ўткир ҳидли эди, сочлари бўлса жуда жингалак эдики, гўё унга бунақа причёска қилган косметика салонида соатлаб бўлган эди. Репортёрга унинг ваъз қилиш услуби ҳам ёқмабди. У мистер Грэхам совунларини сотмоқчи бўлган савдогарга ўхшаб, қўлларини тартибсиз силкитди ва қичқирди, деб ёзган эди.

Биллини оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан биринчи марта ҳужум қилиниши эмас эди, аммо унга ҳеч қачон олдин кимнидир бундай майда-чуйдалар учун бунчалар ғазаб билан танқид қилганларини кўришига тўғри келмаган эди. Доктор Гуггенбул аслида танқидчиларнинг зарбаси Грэхамнинг ташқи кўриниши ва муаммосига қаратилган эмас деб тушунтирди. Билли Грэхамнинг Исо Масиҳни энг олий Илоҳийлиги ваъз қилиши, Швецариядаги энг қадимги, йирик ва эътиборли Масиҳчи деноминация — Швецария Реформаторлари черкови доктринасига зид эди. Реформаторлар черковлари Швецариядаги Протестант Реформацияси даврларидаги энг муҳим реформатор, Хулдрейх Цвинглининг таълимотига риоя қилар эди. Цвингли Масиҳни қиз боладан туғилишини инкор этар, бунинг ўрнига Исо Юсуфнинг табиий ўғли ва бор-йўғи Худонинг Ўғли деб *номланган* дер эди.

Билли ўйлаб қолди: “Агар улар Билли Грэхамдай сайқалланган одамни танқид қилсалар, мен ҳақимда нима дер эканлар?”

Душанба кечқурун, кампаниянинг биринчи кечки йиғилишида Билли йиғилганларга, уларнинг имонини кўтариш ва уларни ибодат йиғилишига тайёрлаш учун ярим соат гапирди.

— Мен шифокорман, деб айтмайман. Исо Масиҳ ягона Шифокордир. Мен врачларни, касалхона ва тиббиётни ёмонламайман — бу ҳаммаси бизлар учун Илоҳий неъматдир. Бунинг устига, мен врачлар ўрнига талабгор ҳам эмасман. Бироқ, анча нарсалар борки, уларни врачлар қилолмайди. Бу шунақа эканидан, бизлар Исодан ёрдам сўрашга ҳаққимиз бор. Мен Уни ёрдам беришига ишонаман. Мана, қарийб ўн йилки, мен Унинг мени хизматим орқали ўн минглаб одамларни: кўрлар, чўлоқлар, мажруҳлар, шикасталар ва ногиронларни шифолаганини гувоҳидирман. Мен Уни учта одамни ўликдан тирилтирганини кўрганман: улардан иккитаси Қўшма Штатларда ва бири Финляндияда. Бугун ҳам У ер юзида юрганида қандай бўлган бўлса, худди Ўшандай Раббий Исо.

— Исо ерда юрганидаги хизмати вақтида худди шундай учта одамни тирилтирди: Иаирни қизини, Наин шаҳридаги бева аёлни ўғлини ва Лазарни.[338] Агарла Ота Унга кўпроқ кўрсатса эди, У кўплаб одамларни тирилтирган бўлар эди.

[338] Луқо 8: 40-56; 7:11-18; Юҳанно 11:1-43 шу тартибда.

— Унутманглар, Исо Байт-Хасдадаги ҳовуз ёнига борганида, У тўшакчада ётган одам олдида тўхтади. У одам 38 йилдан бери касал эди, шу сабабли у касаллик у учун ўлимга этадиган эмас эди. Ўша жой ундан ҳам оғир аҳволдаги одамларга тўла эди. Исо эса фақат ўша одамни шифолади. Нима учун? У уни шифолади, чунки уни ваҳийда кўрди. Қачонки Ундан фарзийлар бу ҳақида сўраганларида, У деди: “Сизларга ростини айтаман: Ўғил Отанинг қилган ишларини кўрмагунча, Ўзи ҳеч нарса қила олмайди. Ота нималарни қилса, Ўғил худди шуларни қилади”.[339]

[339] Юҳанно 5:1-19

— Шундай қилиб, келинглар, Раббий Исога тўғри муносабатда ва эҳтиромли бўламиз. Ундан оладиган натижа сизларнинг ҳар қандай Илоҳий неъматларга бўлган муносабатингизга боғлиқ бўлади. Исонинг кийимини барига теккан касалманд аёл, Унинг қудратини ҳис қилди, Уни кўзини бекитиб ва Уни юзига уриб: “Агар сен пайғамбар бўлсанг, сен бизга айт, сени ким урганини”, деган аскар ҳеч нарсани ҳис қилмади.[340] Ҳамма нарса сизни Унга қандай муносабат билан келаётганингизга боғлиқ.

[340] Луқо 22:63-65

Билли мана шундай руҳда ўзининг ғайриоддий хизматини Янги Аҳддан мисоллар билан тушунтиришга ҳаракат қилиб, давом этди. У одамларни ибодат учун навбатга чақирганида, биринчи бўлиб ёш аёл олдинга чиқди. Билли деди:

— Сиз ҳаммангиз биласизки, бу мўъжизаларни одамзод қила олмайди. Мен аминманки, сизлар, Масиҳчилар, менинг бу ердаги позициямни тушунасизлар. Мен сизнинг Раббингиз ва Нажоткорингиз, Исо Масиҳни ифода этаман.

— Шундай қилиб, мана ёш аёл турибди. Мен ҳаётимда ҳеч қачон уни кўрмаганман. Бизларни минглаб километрлар ажратиб туради, аммо Худо у ҳақида ҳаммасини билади. Бу худди ўша вақтдагидек, Исо Самариядаги қудуқ олдида тўхтагандаги ва у аёл билан, токи уни руҳини топиб олмагунича гаплашгандагидек. У аёлнинг муҳтожи ҳақида ваҳий кўрди ва кейин деди: "Сенинг беш нафар эринг бўлган, ҳозиргиси ҳам эринг эмас". У жавоб берди: "Ҳазрат, кўриб турибманки, Сен пайғамбарсан. Қачон Масиҳ келса, У ҳам бизга шундай нарсани айтади". Исо деди: "Мен Ўшаман".[341] Кўряпсизларми, ўша кўнгилда тутилган сирларнинг очилиши, Масиҳнинг аломатини ўзи эди. У бугун ҳам ўшандай.

[341] Юҳанно 4:1-26

Билли бу ёш аёл билан қисқача гаплашди. Кейин у аёлни ўлчамини кичраётганини ва ваҳийга ўтганини кўрди, ваҳийда унинг сири очилди. У деди:

— *Бу аёл Масиҳчи. Унинг муаммоси томоғида — тонзиллит. Мен унга врачнинг бу гландини кесиш керак, деганини эшитяпман. Уни ичакларидан ҳам қон кетади. Сиз инглизчада гапирасиз. Сиз Швецариядан эмассиз; сиз Германиядан. Сиз бу ёққа поездда келдингиз ва бугун кечқурун қайтишингиз керак. Уйда бувингиз бор ва у ракдан ўлаяпти ва сиз уни ҳам шифоланишини истайсиз. Агар бу тўғри ҳақиқат бўлса, аудиториядаги ҳамма кўриши учун қўлларингизни кўтаринг.*

У қўлларини кўтарганидан кейин Билли шундай деди:

— *Уйингизга боринг, бувингизга қўлларингизни қўйинг, зеро, МУҚАДДАС РУҲ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: "Сен соғайишинг учун уйингга кетасан, Раббий Исо Масиҳ Исми ҳақи".*

Бунинг кетидан кўплаб ваҳий ва мўъжизалар бўлди.

Кейинги кун Цюрих газеталари Билли Бранхамни Билли Грэхамдан ҳам аччиқроқ танқид қилди. Реформатор черковлари унинг самимийлиги ва ниятларига шубҳа уйғоттириб, уни ёлғончи ва лўттибоз деб ҳақорат қилди. Платформада, у бир одамда фикрини жалб қилганида, ундаги инъом бемалол ҳаракат қилди, бироқ у аудиториядаги одамлар орасида кераклича ҳаракат қилмади. Бу Биллининг кампаниясини вақтида тўсиқлик бўлди. Чунки ундаги юрак сирларини билиш неъмати, шифога муҳтож ҳар қайси одам, уни, шифони Исо Масиҳдан олиши учун хизмат қилар эди.

Ўша оқшом, қачонки Биллининг олдида навбатда биринчи одам турганида, Билли деди: "Бу одам мендан узоқлаша бошлади", — а бу дегани, у нотаниш, бегона одам кичрайиб бориб, ваҳийга ўтаётганини у кузатиб турган эди.

— *Унда рак, биқинида бошланган, ва у ҳозир жигарни емирган. Агар Худо уни шифоламаса, у яқинда ўлади.*

Бир онда ваҳийдан чиқиб, Билли стадиондаги ҳаммага деди:

— Энди сизлар ҳеч нарсани яшира билмайсиз. Бир неча сония олдин гапирган ўша овоз мендан эмас эди. Мен фақат сизнинг биродарингиз холос. Бу менинг овозимни ишлатган Исо Масиҳ эди. Энди нима бўлиши, бу одамнинг муносабатига боғлиқ; у нимани олиши, унинг бу ҳақдаги фикрига боғлиқ.

Бу одам, кўринишидан, Исо Масиҳ ўша ердалигига ишонган ва уни шифолай олишига ишонган эди, чунки у учун Билли ибодат қилганидан кейин, у ўзини бошқача ҳис қилди.

Навбатдаги одам аёл киши эди. Билли деди:

— *Бу леди ҳақида менга ҳеч нарса маълум эмас. Мен у билан қанча узоқ гаплашсам, Раббий Исо у ҳақида шунча кўп нарсани ваҳий орқали очади. Агар Худо менга, сиз бу ёққа нима учун келганингизни айтса, сиз Уни ўз Шифокорингиз деб қабул қиласизми? Мен сизни врач қандай текшираётганини кўраяпман, ва у сизга ўт пуфагини олиб талаш керак деяпти. Сиз операция қилишларини истамаяпсиз ва мана худди шу сабабдан сиз шу ердасиз. Мен сизни хонангизда шу имконият учун ибодат қилаётганингизни кўряпман. Бу ҳақиқат. Имонингиз сизни қутқарди. Исо Масиҳ Исми ҳақи соғ бўлинг.*

Билли бутун стадиондан ўзига қаратилган шубҳалар тўлқинини ҳис қилди. Кўпчилик одамларда, гўё, футбол ўйини вақтидагидек муносабат бўлганди.

— Илтимос, дўстларим, турманглар ва юрманглар ҳам, — деди Билли. — Бу жуда ҳурматсизлик. Сиз Муқаддас Руҳни безовта қиласиз.

У навбатда турган яна бир неча одамни муаммоларини очди ва кейин яна аудиторияга бурилди. Қўли билан ўтирганларнинг маълум секторини кўрсата туриб, Билли деди:

— А сизлар, у ердагилар, нима дейсиз? Сизлар бутун юрагингиз билан ишонасизми? Бу сиз учун сирли нарса, чунки сизга ғайритабиийлик тўғрисида ҳеч қачон ўргатмадилар. Сиз буни тушунмайсиз. Мени мойлаб турган худди ўша Нур, мен шу ердалигимдан бери аудиторияни ўша қисмида уч маротоба айланди — ва сиз унга яқинлашишни истамайсиз. Ҳозирнинг ўзида сизлардан ҳар бирингиз оёқларингизда шифоланиб туришингиз керак. У шу ерда ахир! Сизга бор-йўғи буни қабул қилишингиз керак.

Аста-секин ишончсизлик ёйилиб, имон эса кучайди. Стадиондаги юзлаб одамлар Исо Исми ҳақи ўз шифоларини олдилар. Билли меҳробга чақирган вақтда, ўз ҳаётларини Исо Масиҳга ишонишлари учун 10 000 одам оёққа турди. Шу манзара ҳар оқшом такрорланди, шу учун ҳафтанинг охирида Биллининг ҳомийларининг тахминий ҳисоблари бўйича, 50 000 одам бу кампания даврида Исо Масиҳни ўз Нажоткори деб қабул қилдилар. Бу одамларнинг ҳаммаси ҳам Швецариядан эмас эди. Ҳафта давомида минглаб одамлар марказий Европанинг барча бурчакларидан Цюрихга, Биллининг ваъзларини эшитиш учун оқиб келдилар. Майнер Арганбрайт стадион автотураргоҳидаги 180 та немис автобусларини санади. Кундузи шаҳарга шундай кўп одам келганидан, ҳар бир жамоат биноларида мўрча уясидек иш қайнади. У борлигидан бирор бир муаммо бўлмасин деб, Билли бўш вақтининг кўп қисмини меҳмонхона номерида ўтказди. Бундан ҳафтанинг охиридаги бир эрталаб мустасно бўлди. Шунда Раббий Фариштаси унга тўппа-тўғри шундай деди: *“Кўчага чиқ ва кўлга қараб туш”.*

Билли ўғлни бирга боришини сўради. Билли Полга бу бемаъниликдай туюлди.

— Дада, ахир сени кимдир таниб қолади. Унда халқ сени қисиб ташлайди, ва биз у ерга сени у ёқдан чиқариб олиш учун полицияни чақиришимизга тўғри келади.

— Нимаям дейман, Раббий менга кўлга боришни буюрди, шу учун мен борай.

Билли Поль отасининг ортидан истар-истамас кетди. Швецария иккинчи жаҳон уруши вақтида бомбардировка қилинмаганлигидан, Цюрихнинг тарихий обидалари яхши сақланган эди: унда узоқ йиллардан бери турган чиройли ғишт иморатли кўчалар кўп эди. Кўл соҳили майсазорлар ва дарахтлар, гуллар ва фавворалар, меҳмонхона ёнидаги хиёбон жойлари ва яхшилаб тозаланган йўлаклари билан, сайёҳлар паркига айланган эди. Билли соҳил бўйлаб қуёш нуридан ҳамда атрофдаги чиройли манзарадан завқланар эди. У очиқ ҳавога чиққани ва оёқларини ёзганидан димоғи чоғ эди. Билли Поль соҳилдаги юзлаб бошқа одамлардан ҳавотирда эди: уларнинг айримлари скамейкада ўтирган, ёки чойшабларида ёпинган бўлса, бошқалари бўлса қирғоқдан пастга ва юқорига одимлашар эди. Тез орада, уларни ҳеч ким билмаганидан, Билли Поль тинчланди.

Ота-бола бирга анчагина юриб қўйишди. Ниҳоят, улар скамейкада ўтирган ва Библиядай кўринган китобга эгилиб турган кексароқ одамга яқинлашдилар. Қариянинг юзларидан, эрталабки қуёшда ялтирайдиган шудрингдек кўз ёшлари оқар эди.

Билли Фариштанинг ҳозирлигини ҳис қилди. Яна бир қадам — ва у мутлақо бошқа мамлакатга кўчиб ўтди, у ерда ўша қари одамни ёшроқ аёлни қуриб қолган қўлидан рўмолча олганини кўрди. Бу аёлнинг юбкасига бешта ёш бола тирмашди. Ваҳий янада кўпроқ тафсилотларни очиб, давом этди ва ундан кейин Билли яна Цюрих кўли қирғоғи ёнидаги пиёдалар йўлакчасида пайдо бўлди.

— Мана бу одам, Худо мени у билан учрашиш учун юборди бу ёққа, — деди Билли ўғлига.

— Дада, сен унга бориб гаплашмассан, ахир а?

— Йўқ, у ўзи менга қараб келади, гапиради. У жуда олисдан. Мана кўрасан — унда мен учун бир нимаси бор; бир аёлнинг қўлига муносабати бор бир нарсаси бор.

— Сен буни қандай билдинг?

— Мен ҳозиргина ваҳий кўрдим. Хўб, кетдик. Фақат кўлга қара-да, ўша одам ёнидан ўтиб кетавер.

Билли кўм-кўк сув кенгликларига нигоҳини қададди. Кўл узоқлардаги четларини улкан тоғлар ортига яшириб, эгри-бугри бўлиб кетган эди. Тоғ эса сувдан сал-сал чиқиб турар эди.

Тоғ этаги дарахтлар ва буталар билан ясаниб ётар, тик қоялардан эса бир неча шаршара оқиб турар эди. Қирғоққа яқинроқдан сузиб ўтган катердан тўлқин уриб келаётган эди.

— Дада, бу одам ортимиздан келаяпти, — деди Билли Поль.

— Биламан. Биз кейинги бурилишда кўприкдан ўтамиз ва у худди ўша кўприкчада бизга етиб келади.

— Олдиндаги йўлча кичикроқ дарахтзор билан ўралган бино атрофидан айланиб кетган эди. Бурилишга етгач, улар кўлга тушиб борадиган кичиккина ариқча устидаги кўприкчага келишди. Билли ўғли билан кўприкчани ўртасига келганларида, бу нотаниш одам уларга етиб олди.

— Бранхам ака, — деди у кучли чет эл акценти билан инглиз тилида.

Билли унга юзини ўгирди. Қария ўзини таништирди ва Россиядан келганини айтди. Бир неча юз россияликларга Цюрихдаги бу йиғилишларга келиш учун виза олиш мўъжиза бўлди. Сумкасидан оппоқ рўмолчани чиқариб, россиялик қария уни Биллига тутқазди. У ватанида, ёш аёл қўлини қаттиқ шикастланганидан, у ҳеч яхши бўлмаяпти, деди. Энди уни қўли қуриди, ва ҳеч нарсага ярамаяпти, ва бунинг натижасида унинг бешта боласига қараши қийинлашганини айтди. Қария Биллини бу рўмолча устида ибодат қилишини ва уни олтита бўлакчага йиртиб беришини истар эди. У қачон Россияга қайтганида, Худо бу олтита мойланган латтани ўша касал аёлни шифоланиши ва бешта болани дуо қилиш учун ишлатишига ишонар эди.

Билли рўмолча учун ибодат қилди, уни бўлаклади ва уларни нотаниш одамга берди. Кейин у сўради:

— Мен Швецариядалигимни қандай билдингиз?

— Биз буни Швецария радиосидан эшитдик.

— Сиз мени йиғилишларим ҳақида олдин эшитганмисиз?

— Ҳа. Сиз бир куни Финляндияда ўлган бола учун ибодат қилгансиз ва Худо уни тирилтирган эди. Бу хабар ҳатто Россияни бурчакларигача етиб борди. Кўп йиллар давомида мен сизни учратишни хохлар эдим, аммо мен қандай қилиб темир парда чегарасидан ўта олар эдим? Коммунистлар менга ҳеч қачон Америкага боришимга қўймас эди. Кейин мен сизни Швецарияга келишингизни эшитдим. Ушбу кун— бу мўъжиза бўлди.

Билли Байт-Хасда ҳовузи ёнидаги одам ва Исони этагига теккан аёл ҳақида ўйлаб қолди.[342] Бир неча юз йил муқаддам ўша икки шахс каби, бу россиялик қария ҳам Илоҳий ваъдаларга тўғри муносабатда мурожаат қилди.

[342] Юҳанно 5:1-19; Матто 9:20-22

72 БОБ
“ХАЛТАЧАЛИ” ҚАЛТИРОҚ
1955

ШВЕЦАРИЯДАН ҚАЙТИБ, Уилльям Бранхам Жефферсонвиллидаги офисида тоғ бўлиб кетган хатларни кўрди. Бу кутилмаган сюрприз эмас эди. Ҳар сафар, Билли сафарда бўлса, унга келган хатлар тинмай ёғаётган қорга ўхшаб, тўпланаверар эди. Унинг ёрдамчи секретарлари, мистер ва миссис Кокс, бу хатларнинг кўпларини Биллининг аралашувисиз уддалашар эди. Бу хатларнинг кўплари ибодат қилинган газлама сўраган одамлардан келган эди. Билли Туннель Миллдаги ўзининг ғорига борди ва тушдан кейин вақтини бутунлай оқ лента ғалтаги устидан ибодат қилиб ўтказди. Кейин мистер ва миссис Кокс бу ленталарни ўн беш сантиметрли қилиб кесдилар ва шуни илтимос қилиб сўраган ҳар бир одамга почта орқали текин жўнатдилар. Кўплаб хатларда шифоланиш кампаниялари ёки ибодат қилинган материал олгандан кейин соғайганлик ва мўъжизалар ҳақида гувоҳликлар билдирилган эди.

Бошқа хатлар бор эдики, уни Биллини ўзи шахсан кўриб чиқиши керак эди. Ҳозирда бутун дунёнинг 400 та йирик шаҳарларидан унга хат ва телеграммалар келган бўлиб, уларда одамлар ундан ўзларининг жойларида шифоланиш кампанияларини ўтказишини сўрагандилар. Албатта, у бу илтимосларнинг бор-йўғи бир қисминигина қаноатлантира олар эди. Билли бу илтимосларнинг ҳар бирини ўз ибодатига қўшар ва Худодан кейинги сафар бориши керак бўлса, раҳбарлик қилишини илтижо қилар эди. Унинг бу методлари туфайли, уни администраторларига кампанияларни режалаштиришлари мушкул эди. Улар уни йиғилишларини ҳеч бўлмаганда, олти ой олдин режалаштиришни афзал кўрар эдилар. Билли эса, у Муқаддас Руҳ раҳбарлиги бўйича юриши учун, анча ўзгарувчан графикка эга бўлишни истар эди. Августнинг биринчи дам олиш кунларида, Биллига Кентукки штати, Кэмпбеллсвиллида йиғилиш белгиланган эди. Кейин унда Германия сафарига тайёрланиши учун бир ҳафта бўш вақти бор эди. Унинг Германиянинг Карлсруэдаги кампанияси 15 августда бошланиши керак эди.

Ҳар ҳафта одамлардан ўнлаб телефон қўнғироқлари, мактублар ва телеграммалар ҳам олар эди. Уларда ундан келиб ўзлари учун шахсан ибодат қилишини илтимос қилардилар. Агар улар мактуб жўнатишса, улар кўпинча конвертга ўз муҳтожлари билан бирга бу ёққа ва орқага самолётга билет солиб юборишар эди. Биллининг бу одамларни ҳаммаси учун шахсан ибодат қилишини ҳам, сафарлар қилишини ҳам ҳеч иложи йўқ эди. Агар у қилмоқчи бўлса, унда бор ҳамма вақтида фақат шу билан шуғулланишига тўғри келар эди. Шунда ҳам, уларни мактуб ва телеграммаларини ўқиганида, бу одамларни ҳар бири учун ибодат қилар эди ва у ҳар доим, Худо баъзан унга алоҳида, махсус сафарга чорлаши мумкинлиги имкониятига очиқ эди. Доим рози бўлар эди.

Бир куни хонасида Библияни ўрганар экан, тўсатдан деворлар йўқолиб қолди, ва у ўзини кўчадаги йўлакда турганини кўрди. Атрофидаги барча уйлар унга нотаниш эди. Кейин бир оқ уйнинг эшиги очилди, ва у ёқдан қўлида портфели билан бир одам чиқди. Нотаниш одам йўлакчадан юра бошлади, эшикчани очди, тратуардан Биллини олдидан ўтди, ўзининг кулранг машинасига ўтирди ва жўнаб кетди.

Қаёқдандир, орқа томондан, Биллининг ўнг елкаси ортидан, Раббий Фариштаси деди:

— Эшикчани у томонига қара.

Боғ эшикчасини очиб, Билли сарамжон-саришта қилинган тўғарак гулзорча ёнида ётган кетмончани кўрди. Фаришта деди:

— Эшикка бор. У ерда сен жигарранг пальто кийган аёл билан учрашасан, у йиғлаётган бўлади, чунки у ўзининг касал ўғли учун жуда қаттиқ ҳавотирланади. Сен ундан уни ўғлини кўришни илтимос қил. У сени ётоқхонага олиб боради. Сен шляпангни кроватга қўйганингда, у уни олиб телевизорни устига қўяди. Сен, токи ётоқхонага қизил свитер кийган аёл келиб, кроватга ўтирмагунича кутиб тур. Хонада иккита аёл

бўлганидан кейин, болага қўл қўй ва: “РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: сен шифоландинг”, — дегин.

Бирдан атроф муҳит ўзгариб кетди. Энди Билли гўё, кўчада турар ва деразадан, деворларида катта-катта, ўзига хос соатлар осиб қўйилган универсал магазинга қараб турганди. Билли бир маромда ғижирлаётган товушни эшитди. Бу товуш қаёқдан келаётганини билиш учун қайрилиб, у олдида ғижирлаётган ғилдиракли ногиронлар аравачасида бир одамни суриб бораётган ҳамширани кўрди. У одамни тиззаларида Библия ётган эди. Фаришта деди:

— Вақтга эътибор бер.

Билли яна соатига қаради ва соат миллари ўн минут кам учни кўрсатаётганини кўрди. Кейин Фаришта қўшиб қўйди:

— Бу одамга айт, у турсин ва юрсин.

Шу оннинг ўзида ваҳий тугади ва Билли яна ўз хонасида пайдо бўлди.

Бошқа кўплаб ваҳийлар сингари, бу ваҳий ҳам Биллининг онгида аниқ-равшан таассуротлар қолдирди. Бошқа шунга ўхшаш хотиралари каби бу таассуроти ҳам вақт ўтиши билан унутилиб кетиши мумкинлигини у билар эди, шу учун унинг биринчи иши, шуларнинг ҳар бирини ваҳийлар китобига ёзиб қўйиш эди.

Уч кун ўтиб, Билли хатларни ўқиётганида, улардан бири унинг юрагига бошқаларидан кўра ўзгача таъсир қилди. Колорадо штати, Денвердан бир одам туберкулёздан ўлим ёқасида экан. У Биллини Денверга келишини ва у учун дарҳол ибодат қилишини илтимос қилган эди. Гарчи бу мактуб Билли охирги уч кун ичида ўқиган ўнлаб мактублардан фарқ қилмаса-да, бу сафар Муқаддас Руҳ унинг ичида: *“Ўша ёққа жўна!”* — деди.

Денверга учиб келиб, у таксида ўша одамнинг уйига келди ва ибодат қилди. Биллида Луисвиллига учадиган самолёт рейсигача бир неча соат қолганлиги сабабли, у шаҳар марказига бормоқчи бўлди. У шошилмай, ўнлаб турар жой кварталларидан ўтиб, эшик очилганини эшитди, ва қўлида портфели бор бир одамни оқ уйдан чиққанини кўрди. Ўша унда яшайдиган аёл, деди: “Учрашгунча, доктор”, — деди.

“Қанчалар ғалати! — ўйлади Билли. — Гўё мен уни қаердадир кўргандайман”. Врач оқ девордаги эшикчадан ўтди, ўзининг “Форд” моделли кулранг седанига ўтирди ва жўнаб кетди. Бундан Биллининг миясида нейронларнинг занжирли реакцияси бошланиб кетди[343] ва у бу врачни олдин қаерда кўрганини бирдан эслади. У деворга борди ва эшикчани очди. Ерда, тўгарак гулзорча ёнида кетмонча ётар эди: худди икки кун аввал ўша ваҳийда кўрганидек, аниқ ўшандай кўрди. Эшикка борди-да, Билли тақиллатди. Ёш аёл у ерда кимлигини кўриш учун, уни қия очди. Унинг устида худди Фаришта айтганидек, жигарранг пальтоси бор эди. Унинг кўзлари ёшдан қизариб кетганди.

[343] Нейрон — асаб импульслари ишлаб чиқара биладиган ва бошқа тўқималарга узатишга қодир бўлган мия тўқимаси. (Тарж.)

— Ассалому алайкум, — деди Билли, шляпасини еча туриб. — Сизда бетоб бола борми?

Аёлни беихтиёр афти буришди, айниқса битта қоши қизиқ бўлиб кўтарилди.

— Ҳа. А сиз врачми?

— Йўқ, хоним. Мен хизматчиман. Бранхам менинг фамилиям.

— Мен сизни танимасам керак, мистер Бранхам.

— Мен шу шаҳардан эмасман. Менинг хизматим — касаллар учун ибодат қилиш ва Раббий мени сизни уйингизга жўнатди. Мен бир ўғлингизга қарасам мумкинми?

У бир-икки сонияга ўйланди ва кейин, гўё: “А нима учун энди мумкин эмас экан?” — деяётгандай, елкаларини қисди ва эшикни ланг очиб юборди. Унинг ортидан Билли одеялларга ўралган, қалтираб ётган ёш бола бор ётоқхонага кирди. Билли шляпасини чойшабни устига, боланинг оёғидан пастроққа отиб юборди. Шляпани телевизор устига қўйиш ўрнига, болани онаси уни олди-да, кроват ёнидаги стулга қўйди. Билли фикр қилди: “Мен у ваҳий тўғрисида бир сўз ҳам дейишим мумкин эмас. Мен токи ҳаммаси ўз жойида бўлмагунича, тўхтаб туришим лозим, холос”. Шу учун у аёлдан сўради:

— А-а, сизни ўғлингизга нима бўлган?

— Уни ўпкаси яллиғланган. Врач буни жуда жиддий деди.

Бир неча дақиқа улар болани аҳволини муҳокама қилдилар, ва ундан кейин аёл Биллини шляпасини олди ва уни телевизор устига қўйди. Билли ўйлади: “Хўш, у ваҳийнинг бу қисми бажо бўлди, аммо мен ҳалиям бола учун ибодат қилолмайман”. Тез орада хонага қизил свитерда қари аёл кирди ва стулга ўтирди. Худди мана шу оннинг ўзида боланинг онаси турди ва хонадан чиқди! Билли сабр-тоқат қилиб турди ва боланинг бувиси билан, токи, ниҳоят, боланинг онаси ётоқхонага қайтмагунича ва ҳаммаси ваҳийга асосан ўз жойида бўлмагунига қадар гаплашиб турди.

Билли иккала аёлга деди:

— Турингглар, илтимос.

У ҳам турди ва кроватнинг бош қисмига борди ва болага қўлини қўйиб, деди:

— РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Сен шифоландинг”.

Бола онасини чақирди ва унга қўлларини чўзди. Аёл кроват четига ўтирди ва қўллари билан боланинг қўлларини ушлаб туриб, юзи билан унинг пешонасига ёпишди. Кейин у ҳайрон бўлиб кўзларини кўтарди ва:

— Уни иситмаси йўқ, — деди.

Билли кўчага қайтгач, уни такси излашдан фойда бўлмади. У самолётига кечикиши мумкинлигидан озроқ ҳаяжонлана бошлади, шу учун у шаҳар марказига, такси ушлаш учун анча гавжум кўча томон илдам юриб кетди. Ниҳоят у бутун бир дўконлар растасига келиб қолди. Бу жой унга такси тўхтатишга жуда боп жой бўлиб кўринди. Билли ширинликлар харид қилиш учун аралаш моллар дўконига кирди. У кассада турган ва кассирга тўлаган вақтида, у деворда ўзига хос соатлар осиғлигини кўриб қолди. Соат миллари ўн дақиқа кам учни кўрсатиб турганди. У керакли вақтда лозим жойда эканлигини тушунди. У дўкондан чиққан ҳам эдики, худди ўзи кутганидек, ғичир-ғичир товушни эшитди. Йўлакда ҳамшира эркак киши ўтирган ногиронлар аравачасини итариб бораётган эди. Билли ваҳийда кўрганидек, аниқ ўшандай, бу одам аравачада ўтирган, тиззаларида Библияни қўйган эди.

Ногирон одамга келиб, Билли сўради:

— Сиз бу Китобга ишонасизми?

— Ҳа, сэр, мен ишонаман, — нотаниш киши ишонч билан жавоб берди.

— Жуда соз, чунки бу Китобда Абадий Ҳаёт каломлари бор. Сиз бирор вақт ўқиганмисиз, Исо касалларни қандай шифолаганини?

— Кўп марта.

— Сиз ишонасизми, Уни бугун ҳам ўшандай иш қилиб билишига?

— Ҳа, сэр, ишонаман.

— Унда Раббий Исо Масиҳ Исми ҳақи туринг, чунки РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Сен шифоландинг”.

Бутун танаси билан олдинга эгилиб ва аравачанинг тирсак қўйгичидан ушлаганича, у одам туришга уринди. Ҳавотирланган ҳамшира қўлини унинг елкасига қўйди ва уни яна аравачага ўтирғизишга ҳаракат қилиб, боса бошлади ва:

— Сизни туришингиз мумкин эмас. Сиз йиқиласиз ва шикастланасиз, ахир, — деб эътироз билдирди.

— Ўрнингиздан туринг, — Билли ундади. — Мени сўзларимга ишонинг.

— Сиз ким? — касал киши сўради.

— Буни аҳамияти йўқ. Туринг, сэр, Раббий Исми ҳақи.

Эркак ҳамширани қўлини елкасидан силтаб олди-да, ўрнидан турди. Кейин у нафақат юрди — югуриб кетди! Шу онда бурчакдан такси пайдо бўлди ва улар томонга юрди. Билли уни тўхтатди ва тез орада аэропортга қараб елди.

Кейинги куни у Жефферсонвиллидаги кутубхонага денвер газетасини ўқиш учун кирди. У ўзи қидирга ўша мақолани топди. Уни сарлавҳаси бундай эди: “ОДАМНИНГ КЎЧАДА СИРЛИ ШИФОЛАНИШИ”. Денверда ҳеч ким ўзи нима бўлиб ўтганини билмас эди. Билли уларга бу ҳақида гапириш зарурлиятини кўрмади.

1955 ЙИЛНИНГ ИЮНИДАГИ Швецария кампаниясидан кейин Уилльям Бранхам қарийб олти ҳафтасини уйида, ўз оиласи билан ўтказди. Бу вақт ичида у жуда кўп ваъз қилмади: у бир хил дам олиш кунлари Кентукки штати, Кэмпбеллсвиллида шифоланиш кампаниясини ўтказди ва кейин ўзини черковида бир неча якшанбалик ваъзларини айтди. Бранхам Чодирида сопастори — Орман Невилл **(№2 Сурат)** Билли йиғилишга сўз айтиши учун бажонидил жой берди. Гарчи Билли ўзини 1946 йилдан хушхабарчилик меҳнатига бутунлай бағишлаган пайтида, пастор лавозимидан кетишга ҳаракат қилганида, уни ибодатхонаси аъзолари унга бундай қилишига қўйишмади. Гарчи у Жефферсонвиллида унча кўп воизлик қилмаса-да, улар уни ҳали ҳам ўз пасторлари деб ҳисоблашарди. Йиллар ўтиб, бу шартланишни, уларни ўзини ҳурмати ва муҳаббати натижаси деб қабул қилди. Ҳозирги моментда, унинг диққат маркази кўпроқ таълимот воизлигига ўтар экан, бу дегани, унда Каломни чуқурроқ ўргата биладиган, кафедраси бор эди. Гарчи у ҳозир кўпроқ таълимотни ваъз қилганида ҳам, ўз шифоланиш кампаниялари вақтида у ҳали бери гапира оладиганларида ва маълум мавзуларни қанчалик чуқур тушунтира олишида ҳам, чекланганликни ҳис этиб турар эди. Уйида эса, Бранхам Чодирида у қанча вақти етса, таълимотни шунча батафсил ваъз қила олар эди.

1955 йил 24 июлида, якшанба куни Билли демонология ҳақида ўргатди. У инсон ҳаётига иблис руҳлари қандай таъсир қилиши мумкинлигини тушунтириш учун Каломдан кўплаб жойлардан фойдаланди ва у ибодат йиғилишлари пайтида жинлар билан курашган вақтларида ўзининг шахсий тажрибасидан олиб, бу пунктларни яққол мисоллар билан тушунтирди. У ушбу ваъзини “Ўзига тортадиган руҳлар” деб номлади.

Ўз мавзусини тушунтиришга киришишдан олдин, бир неча болалар учун ибодат қилиб ва уларни Раббийга бағишлаб, Билли қисқагина болаларни бағишлов хизматини ўтказди. У ёш болаларни сувда чўқинтиришларига ишонмас эди. Бунинг ўрнига у болаларнинг жонлари, улар токи ўз шахсий қарорлари ва танлашлари учун жавобгарликни биладиган ўша ёшгача, улар Масиҳда бехавотир бўладилар, деб ўргатар эди. Ҳаворий Павел: *“Тавба қилинглар, ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масиҳ номидан сувга тушиб имон келтиринглар”* — деб айтган эди.[344] Сувда чўмилиш — бу тушуниб туриб қилинадиган ҳаракатки, буни янги имонга кирганлар ўзга одамларни кўз ўнгида бу билан ўз гуноҳларини инкор этганлари ва Исо Масиҳ ортидан эргашиш учун бошқа томонга бурилганлари ҳақида гувоҳлик бериб амалга оширадилар. Ёш болалар тавба қилолмас эканлигидан, унда уларни сувда чўмдириб чўқинтириш ҳам керак эмас. Аммо Билли Масиҳчи оилаларни, улар болалари билан черковга келишларини ва хизматчига бу болалар ҳаётини Худо дуо қилиши учун ибодат қилишга рухсат беришларини рағбатлантирар эди. У Марк баён этган Хушхабардан 10:13-16 да, Исо: *“Болаларга йўл қўйинглар. Менинг олдимга келишига тўсқинлик қилманглар! Мана, Худонинг Шоҳлиги бундайларникидир... Кейин болаларни қучиб, уларни пешонасини силаб дуо қилди”*, — деган жойни цитата келтирар эди. Ўша эрталаб Билли Раббийга бағишлаган болалардан бири, Иосиф эди.

[344] Ҳаворийлар 2:38

ГАРЧИ Уилльям Бранхам ўзининг тиғиз хушхабарчилик жадвалидан дам олиш учун ёзги таътил олган бўлса-да, бу уни уйида ўтказаётган вақти умуман дам олишга ўхшамас эди. Келувчи одамлар ўзлари учун у ибодат қилиши учун, сутканинг исталган вақтида уни уйига кириб келишарди. Билли ваҳийлар кўрганлиги туфайли, кўплаб одамлар уни пайғамбар деб ҳисоблашар ва агар уларда унинг меҳмонхонасида ўтиришларига ва у билан ўз муаммолари ҳақида гаплашсалар, унда Худо Ўз пайғамбарига бевосита улар учун “РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ”ни беради, деб ишонишарди. Улар ҳақ эдилар, аммо, Худодан хабар эшитишни сабрсизлик билан кутиб, улар ушбу суҳбатлардан элчидан қуввати қанчалар кўп кетишини англамас эдилар.

Биллининг йиғилишидан кўпчилик одамлар буни тушунишар ва унинг юкини қандайдир қилиб енгиллатиш учун, улардан айримлари ўз пасторига ҳар қандай йўл билан ёрдам беришга урунишар эди. Июлнинг ажойиб кунларидан бирида **(№3 Сурат)**, ҳамсоя

яшайдиган Бэнкс Вуд Биллининг майсазорида ўт ўрар эди. Кейинги куни эрталаб саҳарда Биллининг ҳовлисидаги ўрилган ўтларни, қуёш жазирамасигача тирноғичлаб йиғиш учун, хотини билан ўз участкасидан уникига ўтди. Эрталабки ўнларга яқин Билли ҳамсояларига ёрдамлари учун миннатдорчилик билдириш мақсадида кўчага чиқди. Уларнинг суҳбатлари вақтида уйга Лео Мерсер ва Джин Гоудлар машинада келишди. Билли, ҳазил қилиб, Лео ва Джинни ўзининг "шогирдлари" деб атар эди. Бэнкс Вуд ва Уиллард Коллинзга ўхшаб, Лео ва Джин Уилльям Бранхам ва унинг хизмати билан ёнма-ён туриш учун Жефферсонвиллига кўчиб келишган эди. Билли сафарлар қилганида, Лео, Джин ва Бэнкс унинг хизматини тасмага ёзиб олиш учун, кўпинча унга ҳамроҳ бўлишар эди. Кейин улар бу ёзилганларни кўпайтиришар ва бу тасмалардан нусхага эга бўлишни хохловчи кўпайиб бораётган одамларга энг арзон нархларда сотишарди.

Лео, Джин ва миссис Вуд ҳовлида, Билли билан гаплашиб турган эдилар. Шу орада Бэнкс тирноғични ерга қўйди-да, уларнинг суҳбатига қўшилди. Уларнинг суҳбати бир неча кун олдин бўлган, шу жойдаги қотиллик ҳақидаги мавзуга ўтди. Ёш аёл ўз болачасини адёл билан бўғиб, уни ўлик танасини сим билан тугунча қилиб боғлабди ва уни Огайо дарёсига кўприкдан ташлабди. Билли бутун Шимолий Америка континенти бўйлаб сафарларда кузатган ахлоқий қадриятларнинг тушкунликка кетаётганини кўрсатиш учун бу трагедияни яққол мисол сифатида ишлатди. Ҳар бир йил ўтиши билан, бу янада кўпроқ ёмонлашгандай эди гўё. Афсуски, бу маънавий бузилиш черковга ҳам сездирмай кириб кела бошлади.

Ушбу маънавий тушкунлик ҳаммадан кўпроқ аёллар орасида кўзга ташланди. Қанча Масиҳчи аёллар ўзларининг аёллик меросларидан юз ўгирганларига ва эркакларнинг соч олдиришлари, шим кийишлари ва ҳатто кафедра ортидан Хушхабар ваъз қилишлари каби эркаклар феъл-атворига тақлид қилишларидан Билли ёқа ушларди холос — бу ҳаммаси Худо Каломига хилоф эди.[345] Ҳар йили борган сари кўпроқ Масиҳчи аёллар нотўғри томонга оғиб кетаётган эди. Улар дунёвий ёмон, расво, дидли стил ва модага эргашиб ва юзларига пардоз-андоз суриб ва уятсиз, беодоб кийим кийиб, масалан: ёпишиб турадиган, тор куйлаклар ёки калта кийим, шим ва ҳатто чўмилиш костюмлари, қайсики улар рангли ич кийимдан фарқ қилмайди ва шу тарзда гўзал кўринишга ҳаракат қилаётган эдилар. Маънавий қадриятлар сферасидаги бу ўзгаришлар болаларга ҳам ўз таъсирини ўтказаётган эди. Оналар болаларини художўйлик ва одобга ўргатиш ўрнига, уларга ўзларининг худосизлиги ва уятсизлиги билан ўрнак бўлишар эди. Аммо, ҳаммасидан ёмони, кўплаб Масиҳчилар бу нарсалар Муқаддас Руҳни ҳақорат қилишини билишмас эди.

[345] 1Коринфликларга 11:1-15; Қонунлар 22:5 ва 1Тимофейга 2:9-15 кўрсатилган тартибда.

Яқин-яқинларгача Билли ўз келувчиларини кузатиш пасторларнинг мажбуриятига киради деб, ўз ваъзларида бунақа нарсалар ҳақида кўп гапирмас эди. Аммо жуда кўп пасторлар дунёвий ва танавий бекорчи нарсаларга қарши ваъз қилмасди. Билли буни кимдир қилиши керак ахир, деб ҳисоблар эди. Агар пасторлар бунга қарши ваъз қилмасалар, унда у қилади. Одамларга ҳақиқат ва хатолик, гумроҳлик орасидаги фарқни билишлари лозим эди. Модомики Масиҳчилар Исо Масиҳ Келини бўлишни истар экан, черков стандартларини, мезонларини ҳимоя қилиш зарур эди.

Суҳбат чоғида Билли опоссум[346] эшикча орқали ўтганини ва унинг уйига гровий тошли йўлакдан оқсоқланиб юра бошлаганини кўриб қолди. Бу жуда ҳам одатдан ташқари ҳолат эди. Гарчи Индиана штати жанубида опоссумларни ҳеч қизиқ ери бўлмаса-да, улар кечалари изғиб юришар, кундузи эса фақат бирор нима уларни тинчини бузгандагина кўринар эди. Кундузги ёруғликда аслида улар кўринмасдилар. Унда нима учун бу халтали каламуш бу ерга келиб қолди? Опоссумлар одатда одамлардан қочар эди. Балки, бу опоссум қутургандир? Билли диққат билан қарай бошлади. Узоқдан жонивор нормал кўринар эди. Опоссум размер бўйича мушукдан озгина каттароқ эди ва унинг танаси дағал кулранг-оқ юнглар билан қопланган эди; боши оқ тусда, узунчоқ тумшуғи ва кичикроқ жунсиз қулоқлари билан; думи ҳам яп-ялонғоч ва каламушлардагидек қамчисимон эди.

[346] Опоссум — Америкада учрайдиган узун сезгир думли ва овчилик объектини ташкил этувчи, қарамтир-кулранг юнгли ҳайвонлар оиласи. (Тарж.)

Опоссум яқинроқ келганида, Билли уни олд оёғини судраб, оқсоқланаётганини пайқади. У халтали каламушга, уни яхшироқ кўриш учун яқинлашди. Жонивор у яқинроқ келганида ҳам тўхтаб қолмади, аммо у шунчалик секин судралганидан, Билли унга қийналмай яхшилаб қараб олди. Опоссумнинг Билли узоқдан кўрмаган жароҳати, шундоқ биқинидан яққол кўринди. Эҳтимол, халтачали каламушни машина дуртиб кетган ёки ит талаган эди. Нима бўлганида ҳам, унинг елкаси майиб бўлган ва жароҳати туфайли қулоғига қадар қонга беланган эди. Оёғи, аниқроғи, синган эди. Кўриниб турган яраси атрофида яшил чивинлар ғинғиллашар, унинг қизарган танасида бўлса уларни личинкалари кириб-чиқаётган эди.

Билли хаскашнини олди ва уни дастаси билан опоссумни, уни ҳамма ярасини кўриш учун ёнбошга ағдарди. Одатда бундай пайтларда халтачали каламуш ерга ўзини ташлар ва ўзини ўликка солар эди, аммо бу каламуш тишларини оқини кўрсатиб ириллади ва хаскашни дастасини тишлай бошлади. Айнан шунда Билли уни болаларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилаётган она каламуш эканлигини кўрди. Халтачали каламуш кенгуру каби ўз болаларини қорнидаги халтачасида олиб юради. Бу она шунчалик чарчаган эдики, унинг қорин мускуллари халтачасини ёпиқ ушлай олмас эди. Билли унинг халтачасида саккизда майда-майда каламушчаларни тўлғанаётганини кўрди.

— Джин, Лео, бу ёққа келинглар, ва мен сизларга ўрнак кўрсатаман. Мана бу онага, халтачали каламушга қаранглар. Гарчи у тилсиз жонивор бўлса-да, аммо, менинг назаримда, у ҳақиқий ледидир. Унда ҳозирги кўпчилик аёллардагидан кўра кўпроқ оналик бор, айниқса, ана у ўз боласини дарёга ташлаган аёлдан кўра. У аёлга боласи ортиқча ташвиш бўлиб кўринди, ва у барларга чопиш ва хуррамлик қилиш учун имкониятга эга бўлиш мақсадида уни ўлдирди. Энди бўлса, бу онага, халтачали каламушга эътибор беринг. Эҳтимол, унинг бир неча соат умри қолгандир, ва шунга қарамай, у ўз болаларини ҳимоя қилиш учун курашда, ўзини охирги кучини бахшида қилади.

Билли хаскашни дастасини қимирлатишни бас қилиши билан, урғочи опоссум зўрға оёғида турди ва Биллининг уйи томон қолган йўлни каловланиб ўтди, бу ерда у супа зинаси ёнида холсизликдан йиқилди.

Миссис Вуд деди:

— Бранхам ака, сен уни ўлдиришинг ва уни қийналишига нуқта қўйишинг керак. Сенга унинг болаларини ҳам ўлдиришингга тўғри келади. Улар шунчалик кичкинагинаки, сен уларни ўзинг озиқлантиролмайсан.

Билли бош чайқади.

— Вуд опа, мен бундай қилолмайман.

— Нима учун? — сўради у. — Сен овчисан-ку, ахир. Сен кўплаб қушларни ўлдиргансан.

— Ҳа, мен овчиман, аммо мен фақат еб бўладиган ёки қандайдир бошқача фойдаланадиган ҳайвонни ўлдирганман. Бошқа пайтларда мен бошқа ҳайвонларни нобуд қиладиган ҳайвонларни ўлдирганман. Мен ҳеч қачон ҳайвонларни фақат ўлдирса бўлади экан деб, ўлдиравермаганман.

— Аммо бунда беъмани ўлдириш бўлмайди-ку, ахир. Бу халтачали каламуш барибир яшаб кетмайди ва ундан кейин ўша каламушчалар очликдан ўладилар. Уларни ўлдириш одамгарчиликдан бўлади.

— Биламан, сен ҳақсан, Вуд опа, аммо мен нимагадир ўзимни бундай қилишга мажбур қилолмайман.

— Унда Бэнксга уларни бу ердан олиб кетиб, ўлдиришига қўйгин.

— Йўқ, — деди Билли, — фақат уларни ҳозир қаерда бўлса, ўша ерда қолдираверинг.

Бутун кун бўйи опоссум-она зина ёнида ётди ва июль қуёши жазирамасида қоврилди. Суҳбатлашиш ва ибодат учун Биллига келаётган барча кишилар, уни кўришар ва ундан каламуш ҳақида сўрашар эдилар. Кундузи Билли бир неча бор уни, ҳали у тирикмикан дея, ходача билан тегиб кўрди. Халтачали каламуш ҳар сафар базўр ириллар эди, бироқ умуман ҳаракат қилишга уринмас эди, ҳаттоки Билли уни олдига овқат ва сув қўйганида ҳам. Бир

марта у уни ярасига чивинларни қувиш учун сув тўкди, аммо улар барибир уни ҳамма ёғига ёпишиб олганди.

Ўша кечқурун Бэнкс Вуд Биллини эшигини тақиллатди ва деди:

— Бранхам ака, бугун сен одамларга етарлича хизмат қилдинг. Сен озроқ ҳордиқ чиқаришинг учун, менга сени олиб юришимга рухсат бер.

Билли бу таклифни хурсанд бўлиб қабул қилди.

Бир неча соат давомида улар қишлоқ жойлари бўйлаб, ўрмон ва жўхори ёвонлардан, ферма ва омборлардан, завқланиб ва ҳамма вақт Худонинг меҳрибонлиги ҳақида гапириб, машинада кездилар. 11ларда уйга қайтиб, Билли яна халтачали каламушни, у ҳали ҳам тириклигини билиш учун дуртди. У шикоятли ингради ва қалтиради.

Бу ингроқ бутун оқшом унга тинчлик бермади. У соатлаб опоссум ҳақида ўйлаб, у ёқдан – бу ёққа юриб чиқди. Кейинроқ бу шикоятли ингроқ, ҳатто унинг тушига ҳам кирди. Кейинги эрталаб саҳарда Билли оёғи билан халтачали каламушни яна қимирлатиш учун айвонга чиқди. Бу сафар унинг орқа оёқлари қимирлади, аммо бутун танаси қимирламай қолди. Опоссум-она ҳатто кўзларини ҳам очмади. Билли тушундики, уни озгина умри қолган. У уйига кирди ва ўзининг ишчи кабинетида ўтирди. Қўллари билан юзини ишқаб туриб, у ўйлади: “Ҳар ҳолда, бугун менга бу халтачали каламушни нимадир қилишимга тўғри келади. Мен нима қилсам экан?

Унга қаёқданлиги номаълум овоз унга деди:

— Кеча сен уни леди деб атадинг ва уни ўз ваъзингда мисол сифатида айтиб ўтдинг. Сен уни, у ҳақиқий оналиги учун мақтадинг.

— Ҳа, бу тўғри, — жавоб берди Билли. — А нима бўпти?

— Бу барча вақт ичида у сени пойгагингда леди каби, ўзини навбатини сабр билан, у учун қачон ибодат қилинади, дея кутиб ётибди.

— Хўп, мен билмабман ҳам. Мен...

Ўтирганича Билли ноўнғай тўғриланди. “Бу ерда нима бўлаяпти? Мен ким билан ўзи гаплашяпман? Мен кимгадир жавоб бердим-ку, ахир”, — дея, тушунолмай, у бутун хонага кўз ташлай бошлади.

У яна овознинг аниқ айтганларини эшитди:

— Мен уни сенинг уйингга, у учун ибодат айтилиши учун юбордим. Ва мана, у қарийб бир суткадан бери сенинг эшигингда ётипди, сен бўлсанг, ҳали у учун ибодат қилмадинг.

Бошини эгиб, Билли ибодат қила бошлади:

— Азиз Худовандим, бу Сен уни менга юборганмидинг? Сени нодон қулингни, буни тушунмагани учун, кечир.

Энди у буни очиқ кўрди. Халтачали каламуш фақат ана у ўрмончадан, бу ердан кўча бўйлаб бир юз эллик метрлар юқоридан келиши мумкин. Биллининг уйига етиб келиши учун, у аввало, йўлга уникидан яқинроқ бўлган, бошқа тўртта уй ёнидан қийналиб судралиши керак эди ва уларнинг ҳаммаси деворсиз эди. Бу квартал бўйича ҳамма ҳовлилар ичида уни уйи девор билан ўралган эди, бироқ халтачали каламуш уни уйига етмагунича, тўхтамай, уни подъезд йўлагидан оқсоқланиб судралаверди. Худо, шак-шубҳасиз, уни бошқараётган эди.

Ҳовлига чиқиб, Билли она-опоссум ёнида тўхтади, қўлларини осмонга кўтарди ва ибодат қила бошлади: “Самовий Ота, биламан, Сен Ўз болаларингни, уларни касал бўлганларида, улар учун ибодат кўтарилсин дея, Ўзинг етаклайсан. Мен яна биламанки, сен ҳатто чумчуқлар ҳақида ҳам ғамхўрлик қиласан.[347] Агар Сен Ўз Муқаддас Руҳинг билан, бу тилсиз жониворни, у учун ибодат кўтарилиш учун олиб келган бўлсанг, буни тушунишим учун жуда ҳам нодонлигим учун кечир, мени. Мен Сендан, Самовий Ота, Исо Исми ҳақи, бу жасоратли онани шифолашингни сўрайман”.

[347] Матто 10:29-31; Луқо 12:6-7

Билли “Исо” деб айтиши билан у она, халтачали каламуш бошини кўтарди ва тўппа-тўғри Биллининг кўзига қаради. Икки лаҳзадан сўнг у ағдарилди, ҳамма болаларини йиғди ва уларни сумкасига тиқди. Кейин у оёққа турди ва гандираклаб бир неча қадам ташлади. У ҳар

бир қадамидан кейин, қачонки у подъезд йўлакчасидан шошилиб чопаётганида, борган сари бақуватлашаётгандай эди. Энди унда озгина ҳам чўлоқланиш ва гандираклаш белгиси йўқ эди. Эшиккача етиб, халтачали каламуш пирамида устунларини бири ёнида тўхтади ва худди: “Миннатдорман, ҳурматли сэр” дейишни истагандай Биллига қаради. Кейин чап томонга бурилди ва кўча бўйлаб юқорига, ўзи хавфсизликка эришадиган тўппа-тўғри ўша ўрмончага қараб югурди.

Кейинроқ бу ҳикояни айта туриб, Билли йиғилганларга қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилди: “Агар Худо бир тилсиз халтачали каламуш ҳақида етарлича ғамхўр бўлса, унда ўйлаб кўринг, У қанчалар кўп Ўз ўғил-қизлари ҳақида, улар муҳтож бўлганларида, ғамхўрлик қилади. Иблиснинг кучи чегараланган, Худонинг қудрат бепоёндир”.

73 БОБ
ШВЕЦАРИЯДА ФАРИШТА СУРАТГА ОЛИНДИ
1955

ДОКТОР АДОЛЬФ ГУГГЕНБУЛ Уилльям Бранхамнинг Швецариядаги кампаниялари жуда катта муваффақиятларга эга деб ҳисоблади. У одамлар сонини кўплигидан ҳам, уларнинг юзидаги ҳаяжон ва улар ғайритабиий равишда юрак сирларини фарқлаш ва Исо Масиҳ касалларни шифолашини ва бошқа мўъжизалар қилганини кўриб, дуоли бўлганидан ғоят таъсирланган эди. Цюрих кампанияси тугаши биланоқ, доктор Гуггенбул Уилльям Бранхамдан ёзда Европага такрорий кампанияни унга ташкил қилишга рухсат сўради. Билли қайтиб келишга рози бўлгач, доктор Гуггенбул 1955 йил августи ўрталарида икки ҳафтали йиғилишлар даврини режалаштирди; биринчи ҳафтада Германияда, Карлсруэда, иккинчисини бўлса – Лозаннеда, Швецария. Лекин бу режалар ҳақида билиб қолиб, Швецария Реформаторлар Черкови раҳбарлари бу йиғилишлар бўлишига йўл қўймаслик учун ҳар хил ишларни йўлга солиб кўрди. Уларни Швецариядаги уринишлари бекор кетганидан кейин, улар немис парламентини шикоятлар билан кўмиб ташлади ва ҳукуматни Уилльям Бранхамни Германия ҳудудига киришини ман қилишга мажбур қила бошлади. Доктор Гуггенбул шикоят қилиш учун Боннга жўнади. Бу ҳам иш бермади. Швецария Реформатор Черкови эшикни ёпган, махкамлаган эди. Доктор Гуггенбул энди қандай иш қилиши ва Худо бу эшик қулфига “очқич”ни кўрсатиши учун, ибодат қила бошлади.

Германия иккинчи жаҳон урушида мағлуб бўлганидан сўнг, мамлакат тўртта секторга бўлинган эди. Бу секторларидан ҳар бири иттифоқчи давлатлар: Америка, Англия, Франция ва Россиянинг қайси биринидир армияси назорати остида турган эди. Карлсруэ америкалар оккупацияси ҳудуди жойлашаган эди. Доктор Гуггенбул бу ишни шу округ учун жавобгар бўлган америкалик полковникка ўзи кўриб чиқиши учун топширишга қарор қилди.

Секретар доктор Гуггенбулни бош қўмондон кабинетига олиб кирди. Полковник уни мулойим қарши олди ва кейин уни эшитиш учун столга ўтиб ўтирди. Доктор Гуггенбул унга ҳаммасини тушунтира бошлади:

— Мен америкалик хушхабарчининг вакилиман. Худо уни Германияда мана шу ой ваъз қилишини хохлаётганига, у ишонади. Аммо реформатор черковлари унинг таълимотига қаршилар, шу сабабли улар ҳукуматни уни чегарадан ўтказмасликка ишонтирдилар. Менинг асосим мана бундай: Агар улар Билли Грэхам келишига ва ваъз қилишига ижозат берган бўлсалар, унда нима учун энди бу хизматчи ҳам худди шу нарсани қила олмайди?

Полковник стули суянчиғига ўзини ташлаб, сўради:

— Улар бу одамга қанақа ўзи қаршиликлари бор?

— У касаллар учун ибодат қилади ва натижаларга эга бўлади... ақл бовар қилмайдиган натижалар... мўъжизали натижалар. Менинг ўйлашимча, Реформатор Черковлари ғайритабиий Худо ҳақидаги фикрни, қайсики одамлар Уни амалда кўра олаётганига улар кўниколмаяптилар.

— У касаллар учун ибодат қилади дедингизми? Бу хушхабарчи ўзи ким?

— Унинг исми Уилльям Бранхам.

— Бранхам ака! — стулидан олдинга эгилиб, полковник қичқириб юборди. — Менинг онам Бранхамнинг Виргиниядаги йиғилишларининг бирида шифоланган эди. У ногиронлар аравачасидан туриб кетди. Бранхам акага айтинг, у келаверсин. Мен уни ўтказишлари учун шахсан ғамхўрлик қиламан.

Гарчи Реформаторлар Черкови Биллини Германияга келишига тўсқинлик қилолмаган бўлса-да, ҳар қалай, улар давлат ихтиёридаги Карлсруэ стадионига уни келишига йўл бермадилар. Доктор Гуггенбул бунақа тўсқинлик олдида ҳам тўхтаб қолмади. У фермерлар ерини ижарага олди ва у ерда ёғоч тахталардан катта қилиб тўғри бурчакли ховоза қурди; кейин у бу конструкцияни оқиш нур ўтказадиган брезент билан ёпди. Бундай қўлбола

“кафедраль собор”да минглаб одамлар қуёшдан ва ёмғирдан паноҳ топиши мумкин эди-ю, аммо у бўронга чидай олармиди, мана шуниси номаълум эди.

1955 йил 11 август, пайшанба куни Билли, Билли Поль Бранхам, Фред Босворт ва Майнер Арганбрайт Нью-Йоркда самолётга ўтирдилар ва Германиянинг Карлсруэга учишди. Уларни шифолашлар кампанияси жума оқшомидан бошланди. Кўп минглаб одамлар бу брезент “собор”ни тўлдирди, ундан ҳам кўп минглаб одамлар чодирни ичига кўтарилиб қўядиган жойларидан қараб, ташқарида туришарди. Тўхтайдиган майдонда юзлаб енгил машиналардан ташқари, етмиш еттита автобус турганча, ўз йўловчиларини кутар эди. Охирги икки кун ичида Германия аҳолисини ғайритабиийликка кўзи очилди. Якшанба куни Билли одамларга, уларни гуноҳларини олиш учун тўкилган Исо Масиҳ қурбонлигини қабул қилган ҳар бир эркакка, аёлга ва ёш болага абадийликни таклиф этди. Минглаб одамлар буни қабул қилишди. Ўша оқшом Исо яна бир бор, У тирик эканини исботлади: биринчидан, Ўзининг юрак сирларини фарқлаши орқали, ва иккинчидан, Ўзининг буюк мўъжизалари орқали.

Хизмат тугагач, Билли ва Билли Полни машиналарига немис ҳарбий полицияси кузатиб борди. Коммунистик террорчилар америкалик хушхабарчини ўлдиришга таҳдид қилгани сабабли, ҳукумат бу полициячилар гуруҳига уни ҳимоя қилишни топширди. Билли йиғилишга келиб кетаётган қора седанга келган пайтида, кўчадан бошқа бир машина чиқди ва автотураргоҳ томонга, тўппа-тўғри хушхабарчи ва уни ўғлига қараб тезлик билан кела бошлади. Билли машинасини орқа ўриндиғига сакради, аммо Билли Поль ҳали-бери тўппа-тўғри ўша фанатикни йўлида турган эди. Билли ўғлини ўз вақтида хавф-хатардан тортиб олди.

Кейинги куни эрталаб спиритизмга ишонувчилар раҳбари америкалик хушхабарчи билан учрашишни сўради. Доктор Гуггенбул бундай интервью беришдан бош тортгач, хафа бўлган спиритчилар раҳбари унга бундай деди: “Бугун мен издошларим билан бирга Бранхам йиғилишига ланъат ёғдираман. Биз шундай кучли бўрон чақирамизки, у бутун чодирларни ер билан яксон қилади. Биз унга кучимизни кўрсатамиз”. Доктор Гуггенбул Биллига бу таҳдид ҳақида сўзлаб берди, Билли бундан хавотирланмади, чунки у Исо Масиҳнинг кучи душманнинг ҳар қандай афсунидан устун бўла олишини билар эди.

Ўша оқшом Фред Босворт Исо Исми ҳақи шифоланиш ва имон ҳақида ваъз қилиб, будан кейин бўладиган ибодат навбати учун пойдевор қўяётган эди. Бутун кун бўйи енгил шабада осмондаги тўп-тўп булутларни қуёш юзини гоҳ очиб, гоҳ ёпиб, кўчириб юрди. Билли платформага зиналардан чиқди ва одамлар билан саломлашганидан кўп ўтмай, чодир материалини уни ёғоч каркасига тортиб, кейин эса брезентни, елканни кўтариб, ғувиллашига ухшаб ташқарига шиширib, кучайгандан-кучаяверди. Чодир елканларининг ичкарига ва ташқарига йўналган бундай ҳаракати, гўё каттакон ўпкани нафас олишини эслатар эди. Узоқлардаги момоқалдироқ овозлари одамларни ёмон об-ҳаво яқинлашаётганидан огоҳлантираётганди. Билли Иерихон йўлида ўтирган ва Исодан унга тўхтаб, уни шифолагани сўраган кўзи кўр Вартимей ҳақидаги ҳикояни айтиб бериб, шифоланиш ва имон мавзусида ваъз қилишда давом этаверди.[348] Тез орада тингловчиларга Биллининг овозини ҳатто карнайлардан эшитиш ҳам қийин бўлиб қолди. Момоқалдироқли булутлар бостириб келаётган армиянинг отаётган тўплари ва портлаётган снарядлари каби ғўлдираб яқинлашаверди. Шамол брезент билан қопланган хавозани бурдаламоқчидай эди, қайсики, бундай шиддатга дош беролмас эди; у ташлаб қўйиладиган матолар четларидан, қурилмани кўтаришга таҳдид қилиб, ҳаво илонидек гир айланар эди.

[348] Марк 10:46-52

Билли бу одатдан ташқари бўрон эканлигини билар эди. Биринчи момоқалдироқ эшитилганидан, у Раббийдан нима қилишини кўрсатишини сўраб, ибодат қилди. Энди бўлса, у бир неча минг одам устидан оҳиста сузаётган кичикроқ қоронғу сояни кўрди. Уни кузатиб туриб, Билли уни бир қаторда ўтирган ўн беш одам устида тўхтаганини кўрди. Улар унга қўлларидаги парларни тўғрилаб ва у тушунмаган сўзларни айтишар эдилар (Кейинчалик у уларни: “Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ исми ҳақи биз сени йўқотиш учун бўрон чақирамиз”, — деб тинмай тўнғиллаганларини билди.). Кейин Билли улардан бир қатор наридаги

одамларнинг яна бир сафини кўрдики, улар ҳам худди шундай қилишаётган эди. Эҳтимол, парларни силкитаётган ва лаънат айтаётганлар ҳаммаси бўлиб ўттизталар одам эди. Бу одамларни ва уларнинг ғалати ҳаракатларини диққат билан кузата туриб, Билли олдида ваҳийни пайдо бўлганини ва у ўлчовлараро "пардани" суриб юбориб ва бундай сиғинувчилар раҳбарларини, ўзини атрофидаги боғланмаган жинларга сиғинаётганини кўрди.

Таржимонга бурилиб, Билли деди:

— Лоустер ака, буни таржима қилма.

Кейин у бошини эгди ва ибодат қила бошлади: "Раббий Худойим, ер-осмон Тангриси, мен Исо Масиҳ Исми ҳақи немис ерида турибман. Сен мени бу ерга бу одамларни қутқарилиши учун юбординг. Иблис мен сенга Исо Исми ҳақи буюраман, бу ердан чиқиб кет". Бошини кўтариб, ўша сиғинувчилар раҳбарига қаради ва паст овозда:

— Сен, Шайтон ўғли, Ианний ва Иамврий Мусога қаршилик қилганидек, сен ҳам мўъжиза кўрсатишга қудратга эгасан.[349] Аммо сен ғайритабиий Худога қаршилик қилолмайсан. Сен бу хизматни бузмоқчи бўлганинг сабабли, сенга бу учун жазоланишингга тўғри келади.

[349] Чиқиш 7:11-12 ва 22; 2-Тимофейга 3:8

Бирданига Билли ўз олдида, шундоққина платформа четида, тез ёрдам машинасида олиб келинган носилкага маҳкам боғлаб қўйилган аёл устида муаллақ тургани Олов Устунини кўрди. Ваҳийда у мўъжизакор бир нимани кўрди.

— Мана, — деди Билли, қўли билан кўрсатиб, — ана у раскладушкага боғланган, аёл ётибди. У туберкулёз ва уни умуртқаси тамоман емирилган. Бирор киши уни ечсин.

Олдинги қаторда ўтирган басавлат одам туриб, инкор қила бошлади:

— Ҳеч ҳам бундай қила кўрманг! Мен уни врачиман. Унга умуман қимирлаш мумкин эмас, бўлмаса у ўлиши мумкин.

— Уни ечинглар, — Билли ўз гапини ўтказди, — зеро РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: "У шифоланди".

Кимдир аёлни носилкага боғлаб қўйилган тасмаларини ечди. Имон билан тураётиб, у оёғига турди. Уни қатор ораларидаги йўлакдан, ёғоч қириндилари устидан яланг оёқ бўлиб юраётганини кўрганларида, ўша ердаги ўтирганларнинг барчасини бир йўла оғзи очилиб қолди. Карлсруэдаги бу кампания вақтидаги бу биринчи мўъжизадан минглаб одамларнинг қалбида ҳаяжон билан кутган олов лоп этиб ёнди ва кўпчилик шубҳаланувчилар "ўзларига келди", лекин ҳаммаси эмас...

Билли ўзини сеҳрлари билан ўша бўронни чақирган, ўша спиритчилар раҳбарини махкум қилганидан ўн дақиқа ўтди. Шу вақт ичида шамол бутунлай тинчланди, булутлар тарқалиб кетди, ва ғарбда ботаётган қуёш кўринди. У ҳаммага хайрли оқшом тилаб, брезент чодирни "ўпар" эди. Билли ваъзини тамомлади ва кейин ибодат карточкаларни ўн бешта номерини чақирди. Ҳали бу ўн беш одам унинг ўнг томонида тизилишар экан, унга қарши чиққан нотаниш одамни, энди олдинга эгилиб турган ҳолда кўрди.

— Лоустер ака, мана у ердаги одамга қара. Уни боши эгилиб, қўллари эса шалпайиб қолганини кўряпсанми? Унга нимадир бўлди. Ҳаммасини билиш учун у ерга бирор кишини юбор.

Бу ҳақида сўраб-суриштириб, ўша сеҳргарлар раҳбари қимирлаёлмай қолганини аниқладилар. Ёрдамчилар гуруҳига уни у ерда кўтариб чиқишларига тўғри келди. Унга нима бўлганини Билли билмади ҳам.

Платформадаги барча одам бу кичикроқ драманинг ниҳоясини кузатиб тураркан, ёрдамчилардан бири платформа зинасига кўзи кўрмайдиган қизни олиб келди ва уни бир ўзини ўша ерда қолдирди. Бу унинг томонидан қилинган хатолик эди. Ҳавотирланиб, кўр қизча америкалик хушхабарчини излаб, юра бошлади. Билли уни платформадан йиқилишига озгина қолган пайтида кўриб қолди. У қизчани ушлаб қолди ва орқага олиб келди:

Қизча немис тилида:

— Мен учун ибодат қиладиган жаноб билан учрашмоқчиман, — деди.

— У сени қўлингдан ушлаб турибди, — деди мистер Лоустер.

Қизча Биллини қаттиқ, жон-жаҳди билан қучоқладики, унга раҳми келганидан Биллининг юраги ёрилаёзди. Қиз ўзини гулдор кўйлагида шундай бокира кўринар эди; унинг сочларининг ўртасидан тўғри фарқ очилган ва иккита кокил узун қилиб ўриб қўйилган эди. Кўринишидан Биллининг қизи, Ривқонинг ёши — саккиз ёшларда эди.

Бирдан ваҳий пайдо бўлди ва бу қизча кичрая бошлади, то янги туғилган чақалоқ бўлмагунча. Билли уни онаси қўлларида кўрди. Она баланд бўйли, озғин ва оч-сариқ сочли, отаси бўлса қора сочли ва йирик гавдали эди. Кейин Билли, врачни бу чақалоққа эгилганини, уни кўзларини қараб кўрганини ва уни кўр эканини айтганини кўрди.

Ваҳий ғойиб бўлди ва Билли йиғилганларга ҳамма кўрганларини, ҳатто у бу қизчани ота-онасини излаб, уларни юзларига термулиб қараган вақтида ҳам, айтиб берди. У олдинги қаторлардан бирида ўтирган қизчанинг онасини кўриб қолди ва шундай деди:

— Уни шифолаш учун, албатта, менда куч-қудрат йўқ. Исо Масиҳ — ягона Шифокор.

Билли кўзи ожиз қизга қаради. У ҳали ҳам мушкул аҳволда Биллига тирмашиб турган эди. Қизчадан кўзини узмай туриб, уни қандай иккита қизчага бўлинганини кўрди; унинг "эгизи" ундан соя каби ажралди, сакраб-сакраб ва ҳар хил предметларни кўрсатиб, платформа четига келди.

Энди Билли, ҳозир, мана ҳозир нима бўлишлигини тушунди. У ибодат қила бошлади: "Самовий Ота, бу ерга келишим ва бу қизча учун ибодат қилишим учун, мен уйимда мени соғиниб йиғлаётган қизим Ривқони қолдириб келдим. Илтимос, Исо Исми ҳақи, уни шифола". Сўнгра Билли унинг юзини елкасидан оҳистагина олди. У уни ён томонроғига қаради ва шифтга термулиб турди. Тез орада у немисчада нимадир деди, ва мистер Лоустер таржима қилди:

— Бранхам ака, у устимиздаги айлана нарсалар ҳақида сўраяпти.

Қизча боши устидаги электр чироқларини кўра олди. Билли уни юзи олдида иккита бармоғини тутди.

— Мен нечта бармоғимни кўрсатаяпман? — сўради у, таржимон орқали ундан.

— Иккита, — жавоб берди у, худди Билли каби иккита бармоғини кўтариб.

Қизчанинг онаси қичқириб юборди ва платформага шундай тез чопганидан, зиналарда туфлисини қолдирди. Тез орада у қизчасини ўпичга тўлдирди. Қизча сўради:

— Менинг онам сизми?

— Ҳа, жонгинам, — жавоб берди у.

Қўлчалари билан онасини юзини сийпалаб,қизча:

— О, онажон, сиз шундай чиройли... шундай чиройли, —деди.

Сал кейинроқ ёрдамчилардан бири платформага эллик ёшлардаги одамни олиб келди. Билли немис таржимони орқали бу нотаниш одамга савол берганида, пациент унга имо-ишора билан жавоб қайтарди. Имо-ишорани таржима қила оладиган одамни топишга бир неча дақиқа кетди. Билли бу одамни туғма кар ва сақов эканлигини англади. Уни шифоланиши учун ибодат қилиб, бир вақтлар кар-соқов бўлган пациент, энди эшитишини ҳам, гапиришини ҳам тушунди. У ҳеч қачон олдин эшитмагани ва бирорта сўз ҳам айтмаганидан, уни шифоланганини текшириб кўриш учун инглиз тили ҳам, ҳозирги ҳолда немис тили билан баробар эди. Билли немис таржимонига, ундан кар-соқовлар таржимонига, у пациентдан Биллидан нима эшитса шуни такрорлашини, айтишини сўраб, астагина шивирлади. Кейин Билли деди:

— Она.

Нотаниш одам "она"га ўхшаш бир нима деб ғўлдиради.

— Мен Исони севаман, — деди Билли. У киши: "мен...авам...Исо" деб эшитиладиган товушларнинг ноаниқ йиғиндисини айтди.

Кейин Билли айтди:

— Раббийга Шукур!

Пациент анча аниқроқ такрорлади: "Раббийга... Шукур".

Гарчи ташқарида момоқалдироқли булутлар йўқолиб кетган бўлса-да, улкан чодир ичидаги ҳаво одамларнинг Исо Масиҳга айтаётган шукроналаридан титрар ҳамда ғовуллар

эди. Ўша оқшом Худо нафақат бўронни тинчитди, балки У бир талай танқидчиларни ҳам жим бўлишга мажбур қилди.

Германияда ўн кун бўлгач, Уилльям Бранхам ва уни кузатиб борувчилар Карлсруэдан жанубга, Швецариянинг Лозаннасига 320 километрлик сафар қилдилар. Бу шаҳар Женева кўлининг шимолий соҳилида, Франция билан шарқий чегара яқинларида жойлашган эди. Минглаб фрацуз тилли одамлар, касаллар учун ибодат қилганида, Худонинг Фариштаси ёнида бўлишини айтган одамни тинглаш учун, улкан аренани тўлдиришган эди. Бу ҳафтанинг охирида, ҳатто давлат черковининг баъзи хизматчилари буни ҳақиқатлигига қарийб амин бўлдилар.

1955 йил, 27 август, шанба эрталабида, ҳар турли деноминациялардан қирққа яқин хизматчилар Лозанна меҳмонхонасининг ҳашаматли банкетлар залида Америкадан келган хушхабарчи билан нонушта қилиш учун тўпландилар. Билли столнинг бошида Гуггенбул, Босворт, Арганбрайт ва яна бир одам билан ўтирди. У одам Швецариялик хизматчилар гуруҳидан таржимон ва сўз олиб борувчи эди.

Нонуштадан кейин эълон қилувчи деди:

— Сизнинг йиғилишларингиз вақтида қандайдир ғайритабиий бир нарса бўлиши бизларга маълум, бироқ уни бундай эканлигига иккиланаяпмиз. Бизлар сизни қандай қилиб ваҳий кўришингизга тушунмаймиз. Сиз бизларга илмий тушунча беролмасмидингиз, бу қандай содир бўлади?

— Мен буни тушунтиролмайман, чунки бу Худодан, Худони бўлса тушунтиришнинг иложи йўқ. Унга ишониш керак. Мен ваҳийлар ҳақида Ёзувнинг кўп жойларини келтиришим мумкин эди, аммо улардан кўпини сизлар биласиз. Илмий тушунтиришга келсак, менда улар йўқ. Биргина, бунга қандайдир яқинроқ келадигани — бу Раббий Фариштаси олинган сурат, фотография бўлиб, шугина Уни илмий жиҳатдан реал, ҳақиқатан ҳам мавжудлигини исботлайди.

— Жаноб Бранхам, орамизда бугун шу ерда профессионал фотограф бор. Агар бу Фаришта шу эрталаб бу ёққа келса, бизга уни суратга олишга уруниб кўришимиз мумкин бўладими?

— Мумкин, фақат, агар сиз фотоаппарат чақнаш чироғини ишлатмасангиз. Мен руҳ таъсири остида — мойланиш остида бўлганимда, мен Раббий Фариштасини ёрқин нур кўринишида кўраман. Агар мен Фариштага қарасам, кимнингдир шу пайт фотоаппарати чақнаса, мен гангиб қоламан, ва бу чақин туфайли ваҳий ҳатто узилиб қолиши ҳам мумкин. Айнан мана шу учун мен йиғилишларим вақтида одамларга чақнашли фотоаппаратлар билан сурат тушуришларига рухсат бермайман.

Фотограф Биллини, чақин ишлатишга зарурият йўқ деб ишонтирди, чунки баланд деразалар орқали банкет залига кўплаб қуёш нури тушаяпти, деди. Фотограф ўз фотоаппаратини уч оёқлига ўрнатар экан, олиб борувчи деди:

— Жаноб Бранхам, агар сиз Фариштани кўрсангиз, фотографга белги беришни унутманг.

— Агар У келса, мен сизга айтаман.

— Миннатдорман. Бизлардан айримларимиз сизни мактубингизни, агар фақат сиз буни сеҳргарлик эмас эканини исботлай билсангиз, черковларига келтириш тўғрисида ўйлаб турибдилар.

— Сеҳргарлик?! — деди Билли; бу уни лол қолдирди. — Биродарлар, эшитинглар! Бу ерда қанақа сеҳргарлик бўлиши мумкин? Бу бемаънилик холос. Жин, ёвуз руҳ Илоҳий Шифоланиш билан бирор умумийлик борлиги, умуман, мутлақо мумкин эмас, буни иложи йўқ. Ёзувнинг ҳар бир жойи бунга қарши. Исони Ўзи айтди: “Агарда шайтон ўз-ўзига қарши чиқиб бўлинган бўлса, у тура олмайди, балки унинг куни битади”.[350] Тушуняпсизми? У бундай қилолмайди. Шифоланиш фақат Исо Масиҳдан келади.

[350] Марк 3:22-30

— Ҳа, мана, айнан шу сизни сирларни билишингиз бизларни саросимага солади-да. Бизларнинг раҳбарларимиздан айримлари буни алдаш дейишяпти. Улар сизни кундузи шаҳарда юриб, одамлар билан гаплашасиз; кейин сиз уларга ибодат карточкасини берасиз ва

ўша кечқурун уларга қўнғироқ қиласиз, шу учун улар тўғрисида аввалдан биласиз, деб ўйлайдилар.

— Буни кейинроқ одамлардан сўранглар. Улар сизга айтади. Мен уларни олдин, умрим бўйи ҳеч қачон кўрмаганман.

— Эҳтимол, сиз уларнинг фикрларини ўқийсиз.

— Қандай қилиб энди мен уларнинг фикрларини ўқий оларканман? Мен ахир ҳатто уларни тилини ҳам билмайман-ку. Мен ваҳийни айтиб бераётган вақтларда, баъзан менга уларни исмларини ҳарфлаб айтишимга тўғри келади, чунки мен уни талаффуз қилолмайманда.

— Балки, сиз уларни ибодат карточкаларида нима ёзганларини ўқишингиз учун ақлий телепатиядан фойдаланарсиз?

— Ақлий телепатия кўрни кўзларини очиб биладими? Биродарлар, ақл билан иш тутинглар. Ким ўзи касални шифолаб ва келажакни олдиндан айта олади? Сизлар ҳамма нарсани биладиган ва ҳар нарсага қодир Худога умуман ишонасизларми, ўзи?

— О-о, биз Худога ишонамиз... аммо бу бизларга ўргатилгандан шунчалар фарқ қиладики.

Уларнинг суюқ далиллари, аргументлари ва фикрлари жуда жонига тега бошлади. У деди:

— Биродарлар, сизнинг муаммонгиз, сизнинг руҳий кўрлигингизда, бу эса жисмонан кўрликдан кўра анча ёмондир. Сизнинг кўзларингиз, пайғамбарлар, буюк инсонлар кўришни орзу қилган нарсага қарайдилар-у, ва шунга қарамай, сиз аввалгидай бунга ишонмайсизлар. Ишайё сиз ҳақингизда яхши айтган: “Кўзларингиз билан қарайсиз-у, кўрмайсизлар; қулоқларингиз билан эшитасизлар-у ва англамайсизлар”.[351]

[351] Матто 13:11-17; Ишайё 6:9-10

Билли бу қаттиқ сўзларни мулойим оҳангда айтганидан, уни сўзлари меҳрибонлик билан қилинган огоҳлантиришдай эшитилди ва гўё уни эшитувчиларига ҳам меҳрибонлик билан қабул қилингандек эди. Яна бир мунча вақт давомида саволлар ёғилаверди. Ниҳоят, Билли ҳаммадан туришларини ва у билан ибодатига қўшилишларини илтимос қилди. Бирдан у Раббий Фариштасини борлигини сезди.

— Бир дақиқа, жентельменлар. Мен Ким ҳақида гапиряпман, У ҳозир айнан шу ерда.

Бундай ишорали гапдан профессионал фотограф тезда бир неча кетма-кет сурат олди. Худди шу вақтни ўзида хушхабарчига ваҳий аъён бўлиш деразасини “очиб юборди”. Билли деди:

— *Менинг тўғримда ўтирган оқсоч одам, Италияликдир. Сэр, сиз олдин 32 000 коммунистлар раҳбари эдингиз. Сизни католикларда тарбиялаганлар, аммо кейинчалик сиз Библияни олдингиз ва Исо Масиҳ, Худонинг Ўғли сизнинг гуноҳларингиздан қутқариш учун ўлганлигини ўқидингиз... ва сиз буни қабул қилдингиз. Энди сиз баланд тоғлар қўйнидаги етимхона ва мактабни бошқарасиз. Сиз нонуштангизга умуман қўл урмадингиз, чунки ошқозонингизда яра бор, мана ўша учун ҳеч нарсани айтгандай еб билмайсиз.*

Италиялик қария ҳар бир сўзнинг ҳақиқатлигини тасдиқлади.

Билли деди:

— *РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ:”Боринг ва нонуштани енг. Ошқозонингиз шифоланди”.*

Нотаниш одам эҳтиёткорона қовурилган тухумни татиб кўрди. У ютган порция ошқозонида яхши кутиб олингач, у ҳозиргина қамоқдан чиққан одамдай овқатга ташланди. Билли банкет залидаги хизматчилардан сўради:

— Бу одам қанақа ибодат карточка ақлий телепатиясидан фойдаланди экан?

Профессионал-фотограф бу негативларни кўринадиган қилгач, у шу заҳотиёқ уларни Гуггенбулга кўрсатди, у эса ўз навбатида, бу суратлардан тўрттасини Босворт ва Бранхамга топширди. Доктор Гуггенбул базўр ҳаяжонини босиб турар эди. Бу тўртта кетма-кет суратда Раббий Фариштасининг банкетлар залига тушиб келаётгани аниқ тушурилган эди.

Биринчи сурат одатдагидай кўринар эди. Унда ўз столларида ибодат учун турган қирқта хизматчи кўриниб турган эди. Меҳмонхона персонали аъзолари бу столларни

бирлаштириб, тўғри тўртбурчак формасида шундай қўйгандики, столларни иккита энг узун қаторлари шимолга ва жанубга қаратилган эди. Хизматчилар столларини икки томонидан бир-бирини тўғрисида бош экканча турган эдилар. Фотоаппарат залнинг жануб томон охиридан ўртада ўрнатилган баланд уч оёққа махкамланган эди. Билли залнинг шимолий охиридаги столни ўртасидан тўппа-тўғри фотоаппаратга қараб турганидан, суратда узоқдан тушиб қолди, аммо боши аниқ кўриниб қолган эди. Уни орқасида дераза ва эшиклардан иборат буткул девор турган эди. У девор меҳмонхона вестибюлига қараб турган эди. Кўчага қараган дераза суратда ўнг томонда турган эди, шу учун қуёшнинг эрталабки нурлари залдаги ҳамма нарсани шарқ томондан ёритиб турган эди, шу пайтни ўзида бинонинг ғарбий қисми сояда эди. **(№4 Сурат)**

Иккинчи суратда соялар осилиб турган лампаларнинг нуридан эмас (суратда улар ўгирилгани кўриниб турибди), балки ҳавода пол билан баланд шифт ўрталиғида, ҳавода осиғлиқ,муаллақ турган одатдан ташқари олов шари билан тарқаб кетган ва кўчириб юборилган эди. Бу нур дастаси, афтидан, тўппа-тўғри Билли ибодат қилаётган ўша жойни устидан тушиб келган эди. Ғайритабиий олов шарини диаметри бир метрдан сал каттароқ, ва, гўё шунчалик тез пульсланар эдики, фотоаппарат объекти унинг ташқи кўриниши — контурини суратда мустаҳкамлаёлмас, ололмас эди. Шу учун суратда бу шарнинг четлари чаплашиб кетган ва ноаниқ кўриниб турган эди. **(№5 Сурат)**

Учинчи суратда сутдай оқ шар нури Биллини бошини бутунлай ўраб олиб, уни кўрсатмай қўйган эди. **(№6 Сурат)**

Тўртинчи суратда Билли ва унинг таржимонидан бошқа барча хизматчилар ўтиришганди. Нур чамбари ҳозир диаметри ярим метргача кичрайган ва гарчи у унинг ўнг елкасига кўпроқ сурилган бўлса-да, ҳозир у Биллининг боши ортида худди гардиш каби кўриниб турган эди. Билли гапи орасидаги бирор нимага урғу бериб, чап қўлини кўзлари баландлигида кўтариб турган эди. **(№7 Сурат)**

Доктор Гуггенбул деди:

— фотограф дунёдаги энг яхшилардан бири бўлган, немисларда ишлаб чиқарилган фотоаппаратдан фойдаланди. У ушбу суратларни қилишигача, банкет залида ўндан ортиқ фотография қилди, ва ундан кейин ҳам яна шундан ҳам кўпроқ суратлар олди, — ва уларнинг барчаси яхши чиқди, шу сабабдан фотоаппаратни нимасидир нобок бўлишлиги мумкин эмас.

Бидди бу суратларни диққат билан қараб кўрди.

— Ҳа, бу, шак-шубҳасиз, Раббий Фариштаси. Биринчи суратга қаранглар, ҳамма турган пайт, — айнан ўшанда мен Фаришта борлигини илк сездим. Кейин мана бу ерда, иккинчи суратда, Фаришта менга пасаётган олов шари бўлиб кўринаяпти. Учинчи суратда Уни менинг бошимни тўлиқ ёпиб, турганини кўришингиз мумкин. Айнан ўша моментда мен ваҳий кўрдим. Мана бу охирги суратда эса мени У қолдириб кетаётганини кўрасиз. Эътибор беринг, У мени ўнг томонимда ҳаракатланган. Фаришта ҳар доим мендан ўнг томонда туради. Мана мен нима учун йиғилишларим вақтида ибодат учун одамларни ўнг томонимда тиздираман, улар Фаришта ёнида бўла олишлари учун.

— Нима деб ўйлайсан, бу ўша хизматчиларни ишонтирадими?

— Агар улар Худога чиндан ҳам ишонишса, унда бу уларни ишонтиради. Аммо улар ҳақиқий имонли бўлмасалар унда уларни ҳеч нарса ишонтиролмайди.

Бундан икки ой олдин Цюрихда бўлганидек, 1955 йилда ушбу Европадаги иккинчи кампания ҳайратланарли ютуққа эга бўлди. Уилльям Бранхамни кузатиб борганларнинг тахминий ҳисоб-китоблари бўйича, бу икки ҳафталик йиғилишлар вақтида 100 000 га яқин одам ё ўз ҳаётини Исо Масиҳга топширдилар, ё Ундан шифоландилар.

Ўзининг Лозаннадаги охирги йиғилиши вақтида Билли Швецария Реформаторлар Черковининг Исо қиз боладан туғилмаган деб ишонишлари хусусида яна бир бор фикр билдирди. Ваъзида у бундай деди:

— Яқинда менга Америкада бир аёл бундай деди: “Бранхам ака, сен жуда ҳам Исони, у ерда бўлган вақтларини мақтайсан. Сен Уни Худо қилаяпсан”. Мен жавоб бердим: “У Худо

эди”. Аёл деди: “У буюк пайғамбар бўлган эди ва шунга қарамай, у бор-йўғи одам эди, ва мен буни Библия бўйича исботлайман”. Мен айтдим: “Мен сизни бу уринишингизни кўришни истар эдим”. У Юҳанно 11-бобни очди ва менга Исо Лазарни қабри устида қандай йиғлагани ҳақида айтилган лавҳани ўқиб берди. У деди: “Ахир фақат инсон кўз ёш қила олади-ку”. Мен дедим: “Лэди, у Лазар қабрида йиғлаганида у инсон эди. Аммо У қачонки тўрт кундан бери ўлган бўлган одамга, Лазарга у ердан чиқишни буюрганида, у ўрнидан турди ва тирилди, буни қилган одамдан кўра ортиғи, буни қилган пайғамбардан ҳам зиёди эди — бу Худо эди!”

— Исо одам эди, қачонки У қайиқда ухлаганида. У кун бўйи ваъз қилиб ва касаллар учун ибодат қилиб, шунчалар чарчаганидан, Уни бўрон ҳам уйғотолмади. Ўша улкан тўлқинлар, ўша балиқчилар қайиқчасини пўкакдек у ёқдан – бу ёққа ташлар эди. Денгизнинг ўн минг жинлари Уни чўктириб юбориш учун ўша кечаси бас бойлаб, ўзини урарди. Уни шогирдлари силкитиб, уйғотганларида — у инсон эди; Аммо, қачонки У нигоҳини осмонга қаратиб ва: “Бас қил, тинчлан”, деганида, бўрон Унга бўйсунди,[352] бу одамдан ортиқроғи эди, бу Худо эди!

[352] Марк 4:36-41; Матто 8:23-27; Луқо 8:22-25

— У хочга осилган ва гуноҳларимиз учун ўлганида, буюк қурбонлик бўлганида, У одам эди. Бироқ, пасха эрталабида, Уни қабридан тош думалаб очилганида ва У у ёқдан чиққанида, У Худо эканини исботлади! У Худо эди![353]

[353] Матто 28:1-15; Марк 16:1-14; Луқо 24:1-49; Юҳанно 20:1-23

74 БОБ
ФАРИШТА БАЛИҚ ОВЛАШНИ ЎРГАТАДИ
1955

ЕВРОПАДАГИ ЁЗГИ КАМПАНИЯЛАРИДАН КЕЙИН Уилльям Бранхам 1955 йилнинг қолган кварталида фақат иккита узоқ чўзиладиган кампания ўтказишни режалаштирди. Октябрнинг биринчи ярмида, у айни ўзининг одатдаги кузги Колорадо штатининг Серқоя тоғларига ов сафари олдидан, Чикагода саккиз оқшом давомида ваъз қилди.

Ноябрда Майнер Арганбрайт Калифорния штати, Сан-Фернандога ўн бир кунлик кампанияни уюштирди. Калифорнияда бу йиғилишлар Тўлиқ Инжилчи Тадбиркорлар Жамияти вакиллари томонидан Ориндж округида охирги икки йил давомида халақит берган, деноминациялараро бўлинишни бартараф этади, деган умидда нейтрал территорияда, майдонликда ўрнатилган цирк брезентли чодирда ўтказилди. “Нейтрал зона” ҳечқандай ёрдам бермади. Кампаниянинг биринчи оқшомида одамлар катта чодирни ярмидан кам ўринларини тўлдирдилар. Тўғри, бу чоршанба кечқурун бўлган эди, бироқ ҳафта ўртасида ўтказилган йиғилишлар туфайли, Биллининг кампаниясига келувчилар сони, Американинг бошқа регионларида камаймади. Эшитувчилар сони кам бўлишига қарамай, Билли бир неча юз одамга чодирда, худди агар у минглаб одамларга ваъз қилаётганидай, сидқидилдан ваъз қилди. Гарчи унинг йиғилишлари деноминациялараро характерда бўлса-да, унинг ҳомийларидан кўпчилиги элликчилардан эди, чунки элликчилар ўзга тилларда сўзлаш, башоратгўйлик, Илоҳий Шифоланиш ва мўъжизакорлик сингари Муқаддас Руҳ инъомларига қаттиқ ишонар эдилар. Жума оқшомида Билли “Қаерда, менимча элликчилар муваффақиятсизликка учрадилар”, деб номланган ваъзини айтди. У черковни орқага буришни истар эди. У деди:

— Агар биз, ўз хатомизни қаерда қилганимизни билсак, айнан ўша ёққа қайтсак ва ҳаммасини ўша ердан бошқатдан бошласак, энг яхши иш бўлар эди.

Билли икки хил Христианлар — фундаменталистлар ва элликчилар ҳақида гапирди, — фундаменталистлар Библияда ўз позицияларини биладилар, аммо уларни билимларига эргашадиган етарлича имон йўқ. Элликчилар бошқа томондан кучли имонга эгалар, аммо жуда ҳам кўп ҳолатларда улар Ёзувда нимада турганликларини билишмайди. Бу иккита одамга ўхшайди: улардан бирида, банкда пули бор, аммо у чек ёзиб олишни билмайди; бошқаси эса чек ёзишни билади-ю, аммо уни банкдаги ҳисобида пули йўқ. Агарда бу иккала одам бирлашса эди, улар бирор нима сотиб ола билар эдилар. Худди шундй тарзда, агар фундаментал таълимот ва элликчилар имони янада кўпроқ одамлар юракларида бирлаша олса эди, буюк уйғониш ўт олар эди.

У ваъзи вақтида шундай деди:

— Агарда сиз, Христианлар, *ҳозир* (ҳозирги замонда) сиз ўзингизни Худонинг ўғиллар ва қизлари эканлигингизни, фақат англаб ололсангизлар эди, унда сиз Худо ваъда қилган ҳар қандай ваъдага чек ёзиб билган бўлар эдингиз.[354] Бунинг ўрнига сиз дуоларни қаёққадир, узоқ келажакка итариб қўясизлар. Минг йиллик Шоҳликда сизларга шифоланиш керак бўлмайди. Ҳозир сиз Худонинг фарзандлари ва Исонинг ворисдошларидирсиз.[355] Исо Гўлготада нима учун ўлган бўлса, уни барчаси сизга тегишлидир. Сиз буни англашингизни, билиб қолишингизни Иблис истамайди, аммо сиз фақат Худони Уни Сўзи бўйича қабул қилсангиз, сизнинг руҳий бойликларингизни чеки бўлмайди.

[354] 1-Юҳанно 3:2

[355] Римликларга 8:16-17

Билли бундайин кўпчилик Христианлар ҳаётида етишмайдиган нарсани яққол кўрсатиш учун, мисол сифатида бир воқеани айтди. Муҳтарам Билли Грэхам Луисвиллида, Кентукки штати, хушхабарчилик кампаниясини ўтказган вақтида, 30 мингдан кўп одам Исо Масиҳ учун яшаймиз деб, ўз қарорларини ёзиб, карточка тўлдирган эдилар. Бир неча

ойлардан кейин Билли Грэхам бу “имонга кирганларни” текшириш учун қайтди. Уни ҳамроҳлари бор-йўғи икки юзтача ҳали ҳам Раббий Исо учун яшаётган одамни топа олганидан, у ҳайрон бўлиб қолди. Гап ўзи нимада эди? Билли Масиҳга турли икки усул билан келиш мумкин, деб тушунтирди: интеллектуал, ақлий қарор ёки “юқоридан туғилганлик”ни бошидан кечириш орқали. Бу муносабатлардан биринчиси — ақл-идрокдаги танлаш; иккинчиси эса — юракдан, қалбдаги ўзгариш. *“Сизлар юқоридан туғилишингиз керак”,*[356] — деган эди Исо. Бу ақлий-интеллектуал тушунча эмас, балки руҳий туғулишдир.

[356] Юҳанно 3:7

Кейин Билли элликчилар қаерда йўлдан адашганлиги ҳақидаги ўз фикрини қисқача айтиб берди. У барча деноминацияларга дўстлари борлигини айтиб, ўзини турли ташкилотлардаги одамларга ҳеч қандай қаршилиги йўқлигини таъкидлади. Уни норозилигини, ташкил этилган диннинг асосий тушунчаси қўзғатар эди.

Билли рим-католик черкови Христианликни биринчи бўлиб организация рамкасига қамади ва асрлар давомида миллионлаб саводсиз одамларга ўз фикрини мажбуран ўтказиб келди, деб тушунтирди. Мартин Лютер[357] Олов Устуни ортидан бориб, католицизмдан ажралиб чиқди. У, одамлар нажотга хизматлари билан сазовор бўла олмаслиги ҳақида ваъз қилди; умуман, — у Худодан инъомдир. Лютер Ёзувнинг қуйидаги жойига алоҳида урғу берди: “Солиҳ одам имони билан ҳаёт бўлур”.[358] Афсуски, Лютернинг издошлари ўз деноминацияларини яратиб, уюшдилар. Бу орада Олов Устуни ўз йўлида янада кўпроқ Нур таратиб, олдинга илдамлашда давом этаверди, бироқ лютеранлар Нур билан баробар юра олмадилар, чунки улар аллақачон ҳужжатлар тузишган ва уларда ўзларининг таълимотлари баён этилган эди. Натижада Жон Веслей[359] Олов Устуни ортидан борди, У эса уни муқаддасланиш ва солиҳлик ҳақидаги мактубга етаклади; у буни Худо марҳаматининг иккинчи амали, ҳаракати деб номлади. Унинг ваъзлари Англиядаги уйғонишни бошланишига хизмат қилдики, у эса бутун дунёни қамраб олди. Афсус, уни издошлари методистлар черковини ташкил қилдилар ва тошдан ўз таълимотларини ўйиб олдилар. Шундай бўлса ҳам, Олов Устуни олдинга кетаверди, аммо методистлар У билан баравар юра билмадилар, чунки улар аллақачон ўз таълимотлари атрофида уюшдилар. 1906 йилда Олов Устуни ўзга тилларда гапириш ва башоратгўйлик каби Руҳ неъматларини намоён қилиб, Муқаддас Руҳдан чўмдирилишга янада кўпроқ Нурини солди. Бу Нурни қабул қилган одамлар, элликчилар деб атала бошланди. Бу бутун дунёда энг тез ўсадиган Христианлар ҳаракати бўлди. Ва энди шайтон нима қилди? У элликчиларни уюшишларига кўндирди, ишонтирди, унинг оқибатида улар чегаралар қурдилар ва “деворлар билан” ўралиб олдилар. Худди олдинги ҳаракатларнинг давом эттирувчилари қилганларидек, улар ҳам тошдан ўз таълимотларини ўйиб олдилар.

[357] Мартин Лютер (Martin Luther, 1483—1546) — Германияда Реформация арбоби, Лютернинг (1517 й.) Виттенбергдаги католицизмнинг асосий диний ақидаларини инкор қиладиган 95 та тезиси билан қилган нутқи Реформацияни бошланиш бўлди. Умумнемис адабиёти тили нормаларинижорий этиб, Библияни немис тилига таржима қилди. (Тарж.)

[358] Аввакум 2:4; Римликларга 1:17; Галатияликларга 3:11; Ибронийларга 10:38.

[359] Джон Веслей (John Wesley, 1703—1791) — английский церковный деятель, основатель учения об освящении, которое позже стало называться методизмом. (Пер.)

Билли тингловчиларини огоҳлантирди:

— Олов Устуни янгидан олдинга юраяпти, элликчилар бўлса шунчалик уюшиб олганларидан, У билан бирга юра олмайдилар. Илоҳий Олов, У ҳар бир даврда қандай силжиган бўлса, яна олға ҳаракатланишда давом этаверди, шу учун чегаралар ўтказаман, деб ўйламанглар. “Мен бунга ишонаман” дейишни ҳеч қандай зарари йўқ, аммо шу ерда нуқта қўйманг — вергуль қўйинг, бу эса: “Мен бунга ишонаман плюс Худо мени юрагимга неки очадиган бўлса ҳаммасига”, — деганидир.

Сан-Фернандодаги бу кампаниянинг қолган қисми давомида одамлар Исо Масиҳни шахсий Нажоткори ва Шифокори деб қабул қилишга илҳомлантириш учун имонни кучайтирувчи ваъзлар қилди. Ҳар кечқурун ибодат навбатларида мўъжизалар юз берди. Одатда бунинг натижасида бу ҳақидаги янгиликлар оғиздан-оғизга ўтган пайтларда, келувчилар сони кескин кўпаяр эди. Афсуски, Калифорниянинг Сан-Фернандосида бу нарса кузатилмади: келувчилар аввалгидек озлигича қолаверди. Кампаниянинг бешинчи куни

Майнер Арганбрайт Биллига сарф-ҳаражатлар хайр-эҳсонлардан анча кўплигини эслатди. У Биллидан унга, ҳар оқшом хайр-эҳсон йиғадиган тарелкани аудитория қаторларидан ўтказаётганида, кўпроқ пул қўйишларини сўрашга рухсат беришини илтимос қилди. У бошқа хушхабарчиларни тингловчилардан тиришиб, кўпроқ эҳсон қилишларини сўрашини билар эди. Билли бундай тактика ишончни йўқотади деб ҳисоблар эди. Уни хизмати бошланганида, у ҳеч қачон пул сўраб олмайман деб, Раббийга ваъда берган эди ва ўз ваъдасида қатъий қолган эди. Охирги хизмат тугагач, 20 ноябрда Майнер Арганбрайт Сан-Фернандодаги кампания уларни 15 000 доллар қарзга ботирганини Биллига айтди.

Билли хотини, ўғли ва ўзи турган меҳмонхона номерига қайтди. Соат тунги икки эди. Гарчи улар уйга 4:30 да қайтмоқчи бўлсаларда, Биллини битта кўзига ҳам уйқу келмади. Бориб ухлаш ўрнига, у меҳмонхонадан чиқди, ёлғизроқ жой топди ва ибодат учун тиз чўкди. Ойнинг ёрқин нуридан юлдузлар хира кўринар эди. Тез орада оқшомнинг совуғи Биллининг шимини юпқа матосидан “сизиб ўтганидан”, Билли беихтиёр сескана бошлади. Аммо бундай ноқулайликка эътибор қилиш даргумон эди.

У ўзининг тўққиз йил бурун ушбу имон билан шифоланиш кампанияларини эндигина бошлаган пайтлари, Худога берган ваъдаси ҳақида ўйлади. Қачонки унга Раббий Фариштаси бутун дунё одамларини шифоланиши учун Илоҳий неъматни намоён қилишни буюрганида, Билли бундай ҳаддан ташқари катта топшириқ туфайли у жуда қаттиқ васвасаларга солинишини англаган эди. Библияни ўргана туриб, хизматни буза оладиган учта хавфни билди: пул, аёллар ва машҳурлик. Болом пулга ўчлигидан мағлуб бўлди; Самсон Далидага хохиши туфайли йиқилди, шох Шоулнинг йиқилишига эса мағрурлик сабаб бўлди, у халқи орасида машҳур бўлиши учун, Худога қулоқ солмади.[360] Билли ўзини на аёллар ва на машҳурлик у қадар васвасага сололмас деб ўйлар, аммо у пул масаласида унчалар ўзига қатъий ишонмас эди. У бутун дунё бўйлаб катта-катта кампаниялар ўтказиш учун минглаб долларлар керак бўлишини тушуниб турган эди. Шу молиявий муҳтожликдан, унинг учун тўсиқтош қилишда шайтон фойдаланиши мумкинмикин? Шундай бўлмаслиги учун у Худога унинг муҳтожларини У қониқтирар экан ва унга ҳеч қачон пул сўрашига тўғри келмайди, у хушхабарчилик соҳасида қолавераман, деб ваъда берди. Тўққиз ярим йил давомида, мана шу ҳафтадан бошқа, Худо унга зарур бўлган пул маблағларини бериб турди.

[360] Сонлар 22:24; Қозилар 16 ва 1-Шоҳлар 15 кўрсатилган тартибда.

Ибодати вақтида Билли бир қарорга келишда қийналди. Худо уни бу меҳнатга конкрет чақирганини билар, ва у бу топшириқни, токи У унга зарур маблағ юборар экан, у буни бажаришини ваъда берган эди. Худо буни шу ҳафтага қадар бажарди. Энди эса Билли нима қилиши керак экан? У Худо буюрганидай меҳнат қилишида давом этаверсинми, ёки бўлмаса, у Худога берган ваъдасига содиқ бўлиб, хушхабарчилик соҳасидан кетсинми? Икки соатча Билли калласига келган бор имкониятлар билан курашиб, раҳбарликни, етакланишни сўраб ибодат қилди. Соат бешга қараб бир неча дақиқа ўтар экан у ўрнидан турди, тиззасидан чанг, тупроқни қоқди-да, меҳмонхонага қараб лўкиллади. Уни қарори гўё аниқ эди: у Худога берган ваъдасида туриши ва хушхабарчилик меҳнатини тўхтатиши керак.

Ғарбда ой ботди, шарқда эса тонг яқинлашганидан, уфқ оқарди. Меда билан Билли Поль нарсаларни машинага жойлаштиришди. Эрини кўзларидаги ёшларини кўриб, табиийки, Меда сўради:

— Билли, нима бўлди?

— Ҳеч қиси йўқ, ўзим шундай. Мен Раббий билан гаплашдим холос.

У ўзини бу соҳани тарк этиши қарори ҳақида айтиш учун ўзида куч топмади. У буни Аризонада оиласи билан бўлишмоққа қарор қилди. Улар Аризона штати сарҳадларига кирганларида, Билли ҳали ҳам бу ҳақида сўз очишга ўзида куч тополмади. Техас штати... Ҳа, у бу ҳақида уларга Техасда айтмоқчи бўлди. “Сковород дастаси” деб айтиладиган, Техаснинг “новдачаси” ортга қолди, Билли чуқур ўйловда, жим туришда давом этаверди...

Худо нима демоқчи эканийкин унга? У Сан-Фернандодаги тингловчиларнинг камлигидангина ҳайрон эмас эди — охирги бир неча ой у бутун мамлакат бўйлаб ўзгаришлар бўлганини кузатди. Агар олдин ҳар ҳафта минглаб мактублар олган бўлса, ҳозир эса унга юзлаб хат келар эди. Албатта, бундан унинг молиявий ҳолати ўзгармади. Камдан-кам

ҳолатларда бу хатлардан бирида пул топса бўлар эди, чунки Билли ибодат қилинган матоларни текин жўнатар эди. Одамларнинг унинг хизматига қизиқиши кескин тушганлиги — мана, уни нима ташвишлантирар эди. Бу унинг Библиявий таълимотини кўпроқ ваъз қилиш қарори билан боғлиқ бўлиши мумкинмиди?

Билли ҳозир нима қилиши кераклигини ўйлаб бош қотирар эди. У энди хотини ва болаларини қандай қилиб таъминлай олади? Биллининг аҳволи чорасиздай туюлар эди: 46 ёшда у айтарли маълумотга эга эмасди, тадбиркорликка тажрибаси йўқ ҳисоб ва коммерцияга қобилияти жуда оз эди. У Индиана Коммунал Кампаниясидаги олдинги ишига қайтиб биламан, деб умид қилди. Мумкин, у Бэнкс Вуд билан уйлар қуриш бўйича биргаликдаги бизнесини бошлай олар? Бэнкс ажойиб дурадгор эди. У қанча тезроқ ишга қайтса, шунча тезроқ 15 000 доллар қарзини қайтариб билишини фаҳмлади.

Четдан қараганда, унинг тўсатдан қарзга ботиб қолиши кулгули эди. Одамларни шахсан уни ўзига олиб келган ўша пулларни юздан бир қисмини сақлаб қолганида эди, ҳозирга келиб у мультимиллионер бўлган бўлар эди. Билли бўлса, ҳар доим бунақа ҳадяларни олишдан бош тортар эди. У, агар унда улкан банк ҳисоби бўлса, эҳтимол, у Худони ўрнига пулига ишониб қоламан, деб ҳисоблар эди. Уни черкови унга кўп бўлмаган 100 долларлик ҳафталик маош тўлар эди. Унинг кампаниялари вақтида йиғилган пулнинг катта қисми шу кампания ҳаражатларини тўлашга ишлатилар эди. Агар қанчалик пул қолса, Билли уни Христиан хушхабарчиларга ёки хайрия мақсадлари учун бериб юборар эди. Шундай муносабат туфайли “Бранхам Кампанияси”нинг жорий ҳисоби салкам полда эди. Мумкин, бу унинг хизматини юритишда фойдали метод эмасдир, аммо ўша пайтларда Билли қойил-мақом тадбиркор бўлишга умуман ҳаракат қилмади — у фақат ажойиб хушхабарчи бўлишга интилди.

Умуман яқингинада АҚШнинг солиқ бошқармаси вакиллари унинг хушхабарчилик кампаниясининг пул маблағларини тафтиш ўтказмоқчи эканлигини хабар қилишди. Бу тафтиш масаласида Билли умуман хавотирланмади — Солиқ бошқармаси назоратчиларининг унинг хизматини молиявий фаолиятини айнан ҳозир тафтиш қилишлари унга ғалати туюлди. Раббий бу орқали унга нима демоқчи экан? Ҳали ҳам унинг хизматида бир нарса нотўғримикин? Яна бирор нимани ўзгартириш керакми экан?

Биллининг Христиан черковларига охирги ўн йил ичида кўрсатган фавқулодда ҳаддан ташқари кучли таъсирини ҳеч ким инкор қилолмайди.юз минглаб одамлар нажот топганлари ва унинг кампаниялари вақтида шифоланганлардан ташқари, у шунга ўхшаш юзлаб хизматларга кўтаринки руҳ бағишлади, илҳомлантирди. Бунга киришганларнинг кўплари Муқаддас Руҳга тўлган, ҳақиқий эрлар эдилар — аммо ҳаммаси ҳам шундай эмасди, ва эҳтимол, муаммо ҳам шунда эди. Бу маҳмадоналардан баъзилари ўзлари умуман тушунмаган хизматга тақлид қилишга уринишар, ва бунингнатижасида улар одамлар орасида руҳий парокандалик экар эдилар.

Билли яқинда уйига шахсан суҳбатлашиш учун келган ўн олти яшар қизча ҳақида ўйлай бошлади. У жуда ҳам қўрқитилган эди, чунки Калифорниядан ўзида юрак сирларини билиш қобилияти бор дегувчи қайсидир воиз унга рак бўлгансан деган эди. Қизни ўнг қўлини чап қўлига олиб, Билли шу заҳотиёқ унда ҳеч қанақа рак йўқлигини айтди. У уйдан юраги енгил тортиб чиқиб кетди. Билли бўлса, ўша воиз яна қанча одамларни алдаганини ўйлаб, алланечук бўлди.

Бир куни Билли бир йиғилишда бўлди. У ерда бир воиз ўзини ўнг қўлида шифолаш қобилияти бор деб айтаётган эди. Ҳар сафар у ибодат қилиш учун бирор кишига текканида, у: “Буни сезяпсизми? Сиз буни сезяпсизми?” — деб қичқирар эди. Йиғилишдан кейин Билли у билан чодирнинг орқасида учрашиб, шундай деди:

— Ахир бу ёлғонку, буни ўзинг ҳам биласан. Албатта, сен бу билан кўплаб одамларни алдай оласан, аммо бир кун келиб сенга Худо олдида жавоб беришингга тўғри келади. Унда нима бўлади экан?

Бошқа сафар Билли бир йиғилишда бўлди, унда бир аёл юрак сирларини биламан, деди. У қуйидагиларни айтди: “Раббий менга мана шу аудиторияда имондан қайтган

борлигини айтди”, ёки “Раббий менга кимнидир буйраги касаллигини айтди. Қўлингизни кўтаринг, илтимос, агар сиз ўша бўлсангиз”. Билли ўйлади: “Ҳар қандай кўп одамлар орасида имондан қайтган ва буйраги касал одамлар албатта топилади. Бу юрак сирларини билиш эмаску! У одамларга психология билан таъсир ўтказаяпти”.

Бошқа бир черков хизмати вақти, Билли хизматкорни, юраги хаста одам учун, уни ҳар томонга силтаётганини ва шу пайтда, ўша хизматкорнинг хотини таёқ билан полга ураётганини ва “Йўқол бу ердан! Ундан чиқ, шайтон! Кет бу ердан! Кетиб қол!” — деб қичқираётганини кузатиб турди. Бундан ҳам ёмонроғи, хушхабарчи мушти билан пациентларини қорнига уриб, шу тарзда улардан жинларни қуваяпман, дер эди. Бошқа бир сафар қандайдир бир кишини, касалликлар ва жинларни ҳидларини ҳис қилоламан, деганини эшитди. Нима учун энди одамлар, Ёзувга умуман тўғри келмайдиган сафсатага қулоқ соладилар?! Илоҳий шифоланиш ғоясининг ўзини устидан дунёни менсимаган ва кулганига ажабланмаса бўлади. Шунчалар кўплаб Христианлар руҳий неъматлар хусусида саросимадаликлари, табиий. Ҳамма жойларда шундай кўп ёлғон ва алдовлар ўралашиб кетгани ҳақиқатга соя солаётган эди.

Яна бир кун ўтди, бу вақтни ичида у Оклохома, Миссури, Иллинойс штатларидан ўтиб ва ниҳоят, Индианага кирганида, Биллини машинаси ғилдираклари остидан километрлар ўтиб кетди. Уйига озроқ қолганида, Билли оиласига ўзини хушхабарчилик билан шуғулланишини бас қилиши ҳақидаги қарорини айтди. Билли Поль деди:

— Дада, сен яхшиси хушёр бўлсанг бўлар эди. Ҳаворий Павел: “Агар Инжилни тарғиб қилмасам, ҳолимга вой”,[361] — демаганмиди?

[361] 1-Коринфликларга 9:16

— Мен Хушхабарни айтишни бас қиламан деб, асло гапирмадим. Мен бу хушхабарчилик кампанияларини ўтказишни тўхтатишни назарда тутаяпман. Мен черковда олдингидек ваъзлар қиламан. Эҳтимол, Невилл ака хизматни якшанба эрталаб, мен эса — якшанба кечқурун ўтказишим мумкин. Мумкин, мен баъзан ҳатто халқаро йиғилиш учун катта зални ижарага оламан, ўша вақтда мен касаллар учун ибодат қиларман.

Кечаси бўлди, аммо, автомобилнинг приборлар шитининг хира шуъласи Меданинг юзидаги ташвишни кўрсатиб турар эди. У деди:

— Билли, сени уйда бўлишингдан биз жуда хурсанд бўлишимизни ўзинг биласан-ку, ахир. Аммо қара, сени хизматинг нималар қилди. Ундан бутун дунё бўйлаб уйғониш бошланди. Мен фақат тушунмайман, нима учун Худо сени буни ҳаммасини шундай тўхтатишингни истар экан. Умид қиламанки, сен қилаётган ишингни ўзинг биласан.

— Ҳа, бир нарсани биламан: мен ўзимнинг Худога берган сўзимда туришим керак.

— Худо умуман сенга бу фаолиятингдан кет деб буюрмади, — деди Билли Поль. — Бу ахир ҳеч нарса, сен Худога нимадир деганинг

— Сен ҳақсан, ўғлим. Худо бизга берган Ўз ваъдасини бажаришига бизлар ишонамиз. Шу учун бизлар ҳам Унга берган ваъдамизни бажаришга ҳаракат қилишимиз лозим.

— Дада, менинг ўйлашимча, сен хато қилаяпсан.

— Агар мен адашаётган бўлсам, унда Раббий мени тўғрилаши учун, келинг ибодат қилайлик.

Улар уйга тўртларга яқин кириб келдилар. Билли ухлашдан олди, Худо унга эндиликда нима қилишини кўрсатиши учун яна бир бор ибодат қилди. Кейин ҳаёли паришон бўлса ҳам, ишига қарамай ухлаб қолди.

Меда Ривқони мактабга тайёрлаш учун соат олтида турди. Билли унинг ҳаракатлари, хонадаги қадам товушларидан уйғониб кетди. У кровати четида ўтириб, уйқули кўзларини ишқалай бошлади.

— Азизам, шу эрталаб мен коммунал хизматлар кампаниясига қўнғироқ қиламан, олдинги ишимга қайтиб биламанми, йўқми, сўраб биламан. Агар бундан ҳеч нарса чиқмаса, унда қарайман, Бэнкс ака мен билан қурилиш ишларида бирга шуғулланишимни истармикин. Мен ҳеч бўлмаса, ўша қарзларимни тўлашни бошлашим учун бир озроқ бўлса ҳам пул ишлашим керак.

— Билли, сен менга Калифорниядаги баъзи биродарлар бу кампанияни строхавания қилган, дегандинг. Шундай қилиб, қарз ўзи ёпилган чиқади.

— Бу тўғри, аммо Худога менинг ваъдам бунда эмас. Меним назаримда, мен ҳозир ўша биродарларимга 15 000 доллар қарзман.

— Билли, умид қиламан, сен нима қилаётганингни биласан, — деди Меда.

— Ҳа, ўйлайманки...

У гапини тугатишга улгурмади.

Ғалати бир нарса бўлди. Билли ўз хотинига қараш ўрнига, у ўзига қараб лой йўлдан иккита бекўйлак, кир-чир болани келаётганини кузатиб турар эди. Яланг оёқларидан чиқаётган чанг булути уларнинг увадаси чиққан иштонларига қўнар эди. Иккисини ҳам қора сочлари ҳурпайган, кўзлари қоп-қора, ва териси офтобдан жигарранг бўлиб кетган эди. Улардан бири ёғоч ғилдиракли аравача тортаётган эди.

— Азизам, — деди Билли, — қара, ким келаяпти.

— Нималар деяпсан? — сўради Меда

Бу вақтда Билли ваҳийга жуда ҳам чуқур шўнғидики, шу учун унга жавоб қайтаролмади. Кейин хотини хонадан чиқиб кетди ва уни борлиғи ваҳийга айланди.

Қудратли бир нарса уни ўша болаларни ёнидан олиб ўтди... Кейин у ваҳийда Майнер Арганбрайтни ёнига келди, у эса унга кулиб туриб шундай деди:

— Бранхам ака, ҳаммаси тайёр. Бизлар ҳамма ибодат карточкаларини тарқатдик, ва бизда сени қандай қилиб у ерга ўтказадиган ва олиб чиқадиган усулимиз бор. Йиғилиш аллақачон бошланди, шу учун сен борадиган вақт бўлди.

— Миннатдорман, Арганбрайт ака.

Билли дўстини ёнидан минглаб жигарранг одамлар билан тўлган очиқ ҳаводаги аренага ўтиб борди. Омма арена ўртасида ўрнатилган платформадан гапирган воизни тинглади. Билли хизматчилар гуруҳидан сўради:

— Бу одам ким?

Оқ сочли хизматчи деди:

— Улар уни ўша ерга қўйишди.

— Ким бу, ***улар?***

Ҳеч қандай жавобсиз, ўша оқсочли хизматчидан бошқа ҳамма хизматчилар кетиб қолишди. Мана шу вақти платформада турган воиз:

— "Энди сизлар ҳаммангиз тарқалишингиз мумкин", — деди. Одамлар аренани тарк эта бошлашди.

— У бундай қилмаслиги керак эди! — Билли эътироз билдирди. — У алтарга тавбага чақирмадику, ахир.

— Ҳаммаси жойида, — пул солинган қопни кўтарган, ундаги тангаларни товушини Биллига эшитадиган қилиб силкитиб, ўша оқ сочли одам жавоб берди. — Биз хайр-эҳсон йиғиб олиб бўлдик.

— Қачондан бери бу қурбонликлар, Масиҳга жонларни қутқаришдан ҳам муҳимроқ бўлиб қолди? — деди Билли қаттиқ жеркиниб.

Саволни назар-писанд қилмай, нотаниш одам жавоб берди:

— Сиз бугун сал кейинроқ ваъз қиласиз.

Бу вақтга келиб арена, қарийб бўшаб қолди, ва ёмғир майдалай бошлади.

— Агар бугун кундузи, ҳеч бўлмаса ўн киши келса ҳам, омадимиз келгани бўлар эди, — деди Билли масхараомуз кулим сираб.

У одам елкасини қисди ва:

— Ахир Исо билан ҳам, У одамларга ҳақиқатни айтганидан кейин, бор-йўғи ўн икки киши қолмаганмиди?[362]

[362] *Юҳанно 6:28-69*

Қаердандир орқадан Биллининг ўнг томонидан Раббий Фариштаси деди:

*— **Мана шундан келиб чиқиб, сен мана буларни биласан...***

Кейин Фаришта Биллини ваҳийга янада чуқурроқ олиб ўтди. Билли ўзига ҳали келиб улгурмай, қараса, бир қўлида ёш болалар ботинкачаси, бошқа қўлида эса — ботинка ипини

ушлаб турибди. У бу қалин боғични ботинкачанинг кичкинагина кўзчасидан ўтказмоқчи бўлар эди. У бани ҳеч уддасидан чиқолмас эди. Уни боғични тешикдан ўтказмоқчи бўлиб ҳар бир уринганида, боғич янада кўпроқ ичидан очилиб кетавериб, тешикдан ўтгани қўймас эди. Боғични учини янада зичроқ товлаб, Билли уни ўтказишга уринишида давом этаверди, бироқ у қанча кўп уринса, боғич шунча кўп очилиб кетаверди. Худди қўлдан келмайдиган вазифадай эди, гўё. Боғичнинг қалинлиги, ботинкачанинг кичкинагина тешикни диаметридан анча катта эди.

Раббий Фариштаси сўради:

— Нима қилаяпсан?

— *Мен бу ботинкачадан ип ўтказмоқчиман, аммо мени барча уринишларим беҳуда кетаяпти.*

— Сен буни нотўғри қилаяпсан. Боғичнинг бошқа учини ишлат.

Билли бу болалар ботинкачасини боғичлашга жуда муккасидан ктганидан, у умуман боғични узунлигини пайқамадиям, у эса полга тушиб, чувалашиб ётган эди. Боғичнинг иккинчи учини топиб, қараса, у ботинкачани тешигидан ўтадиган даражада ингичка экан.

Фаришта деди:

— Наҳотки сен ҳали ҳам тушунмаяпсан? Элликчи гўдакларга ғайритабиий нарсаларни ўргатиш сени қўлингдан келмайди. Агар буни қилишга уринсанг, сен фақатгина танавий тақлидларга сабабчи бўласан.

Кейин Фаришта Биллини ваҳийга янада чуқурроқ олиб кирди. Энди Билли ям-яшил дарахтлар билан ўралган чиройли кўлга келди. Сув худди биллурдай тоза эди. Билли соҳил яқинларида сузаётган балиқчалар тўдасини кўрди, узоқроқда эса, чуқурда, у бир нечта йирик рангдор форелларни кўрди. Қирғоқда кўплаб балиқчилар туришган бўлиб, улар ўз қармоқларини ташлашар, аммо уларнинг қармоқларига фақат майда балиқчалар тушар эди. Билли ўйлади: "Мен яхши балиқчиман, ахир. Мен мана у ердаги ўша катта-катта форелларни ушлаб билсам керак"

Бирдан ваҳийдаги боғич балиқ ушлайдиган қармоқ ипига, болалар ботинкачаси эса қармоқ ва ундаги хўракка айланди. Ерда, Биллининг оёғи ёнида қармоқ ётган эди. У уни кўтарди ва қармоқ ипини ғалтакка ўради. Орқасидан унга Фаришта деди:

— Мен сенга балиқ овлашни ўргатаман, аммо мен, буни қандай қилишни ҳеч кимга айтмаслигингни хохлайман. Буни фақат ўзингда ушла.

— *Тушунарли.*

— Биринчидан, хўракни ипни учига боғла, ва уни қармоқ илгагига ўтказ. Кейин ипни узоққа, чуқурга от. Қармоқ озроқ чўксин, кейин бўлса секингина торт. Бу қармоққа кичкина балиқчаларни жалб қилади. Қачонки улардан бири хўракни ураётганини сезсанг, ипни тағин торт, аммо биринчи сафаргидан бироз кучлироқ бўлсин. Бундан майда балиқлар тўда бўлиб ташланадилар, бу эса ўз навбатида йирик балиқни жалб қилади. Қачонки ўша катта балиқлардан бирини чўқилаётганини сезсанг, илмоқ унинг чакагига ишончли санчилиши учун, қаттиқ торт. Кейин балиқни қирғоққа тортишинг мумкин.

Билли Фаришта унга нима деган бўлса, шуни қилишга тушди. У хўракка қармоқни тиқар экан, уни кўриш учун бошқа балиқчалар келишди. Бу ҳамма балиқчилар Христиан хизматчилар бўлиб ва униш у ерда кўриб:

— Раббийга шукур! Бу Бранхам ака-ку. Ҳа, у ҳақиқий балиқчи. Келинглар, у қандай қилишини кўрамиз. У бизга қандай қилиб кўп балиқ ушлашни кўрсатиши мумкин, — дейишди қувонишиб.

Бунақа эътиборнинг нурларидан исиниб, Билли деди:

— Албатта, мен сизларга буни қандай қилиш кераклигини кўрсатаман.

У ипни кўлнинг узоқроғига отди ва хўракни етарлича чўкишига қўйиб берди.

— Хўш мана, биродарлар, бу кичик балиқчалар яхши, аммо бизга катта балиқларни ҳам тутишимиз керак. Мана, уни қандай қилишимиз керак. Биринчидан, ипни астагина тортинг. Бу кичик балиқчаларни жалб қилади. Қачонки балиқчалардан бири ура бошласа,

ипни яна тортинг, фақат сал кучлироқ, аммо жуда ҳам кучли эмас. Майда балиқчалар тўзиб кетади ва ўшанда, у ерда нималар бўлаётганини кўриш учун йирик балиқлар сузиб келади. Ўша катта балиқлардан бири албатта хўракка ташланади.

Билли биринчи енгил силтам билан, бу балиқ овлаш тактикасини намойиш қилди. Худди кутилганидай, кичкина балиқчалар галаси унинг лип этган хўрагига қараб сузиб келди. Бундан хизматчилар ҳаяжонга тушдилар ва бир-бирларининг орқаларига уриб қўйиб:

— Аллилуйя! Раббийга шукур! Бу жуда соз! — дея гап сота бошлашди.

Уларнинг ҳаяжони Биллига ўтди. Ўша пайт, қачонки у балиқ ураётганини сезгани вақти, у балиқни ушлаш истагида шунчалар ёнганидан, у жуда ҳам қаттиқ силтади, унинг натижасида ип хўрак билан бирга сувдан учиб чиқди ва ҳаттоки қирғоққа бориб тушди. Ип Биллининг оёғи остида яхлит бир "ёл" бўлиб чувалашиб кетди. У ҳақиқатдан ҳам балиқни ушлади, аммо у шунчалик майда эдики, шунга у бу балиқча умуман қандай қилиб хўракни оғзига сиғдирганига ҳайрон бўлди. Бу орада бунга хизматчиларнинг қизиқиши йўқолди, ва кетиб қолишди.

Энди Биллининг олдида Раббий Фариштаси ҳозир бўлди. Унинг қора сочлари ва сариқ-жигарранг териси, унинг оқ кийимини ва салласини яққол кўрсатиб турарди. У қўлларини кўксида қовуштирди ва чимирилди.

— Сен ахир, мен сенга нимани қилмасликни буюрган бўлсам, гирт шуни қилдинг-ку.

Билли қилган ишидан уятли бўлди.

— Биламан, мен нотўғри иш қилдим, — деди у йиғлаб, ва шу орада ёнидаги ип тўдасини очишга уринди. — Иккинчи сафар мен жуда ҳам қаттиқ тортдим.

— Бу сафар ипни чигаллаштирмасликка ҳаракат қил, — Фариштa унга ўргатди. — бу балиқ овлаш дарси сени хизматингни билдиради. Биринчи силтам — бу қачонки сен одамларни қўлларидан ушладинг ва улардаги касаллик тебранишларини сеза билдинг. Иккинчи силтам — бу фарқлаш, унинг орқали сен уларнинг юрак сирларини била олдинг. Сенга бундай қилмаслик керак эди. Сен ғайритабиий инъомни олдинг ва ундан жамоатчилик томошасини қилдинг. Сен шундай қилганинг туфайли, кўплаб танавий тақлидчилар пайдо бўлдики, қайсики улар ҳар ерда парокандалик келтириб чиқардилар.

— Мен бундан жуда пушаймонман. Бундан кейин мен анча эътиборли бўлишга ҳаракат қиламан.

Билли, ниҳоят, ипни чигалини ечиб, жуда енгил тортди. Ипни осилиб турган қисмини ўраб, у навбатдаги отиш учун қўлини орқага этди. Билли ипни отишга улгурмади, чунки Фариштa уни янада чуқурроқ ваҳийга олиб ўтди.

Энди у баландда, ҳавода турар — шу билан бирга ташқарида эмас эди. Унинг боши узра худди кафедраль собор ёки улкан чодирдагидек гумбазсимон шифт чўзилиб кетган эди. Олдин ҳеч қачон Биллига бундай улкан чодирни кўришига тўғри келмаганди. Пастда, Биллини остида, палаткани охирида, юзи платформага қараб турган минглаб одамлар қаторларда ўтиргандилар. Улардан юзлаби шу платформада тиз чўкишиб, жимгина йиғлаб ва Исо Масиҳга сиғиниб тургандилар. Бу хушхабарчилик йиғилишига ўхшар эди ва воиз ҳозиргина алтарга чақирди. "Мана, бу энди анча ҳақиқатнамо", — деди Билли.

Кўринишидан илтифотли бир одам платформага келди ва тинчлантирувчи оҳангда деди:

— Ҳозирча Бранхам ака дам олаяпти, келинглар, ибодат навбатини тузамиз. Ҳамма, қўлида ибодат карточкалари борлар, мана бу ерда, менинг ўнг томонимда тизилинглар.

Билли одамлар каби кафедра томонга қараб турган эди. Ҳавода туриб ва ҳамма бўлаётган ишлар яхши кўриниб турганидан, Билли одамларни ибодат карточкалари билан туриб, чап томонга қараб ҳаракатланганларини кузатиб турди. Улар ибодат навбатини ташкил қилиб, чодирни охиригача ва ташқаригача чўзилиб кетди. Бу Билли ҳозирги вақтда ўтказаётган йиғилишларидан жуда фарқ қилар эди. Бу навбатда одатдагидан кўра одамлар нафақат кўп эди, балки ибодат навбатини ўзини тузилиши ҳам умуман бошқача эди. Ибодат навбати олдида худди елканникидай қалин матодан парда полда ўтирганлардан

платформани пана қилиб осиб қўйилган эди. Платформада ҳамма нарса худди шундай бошқача эди. Ибодат навбати билан платформа орасида узунасига 6 метр ва энига 4 метр келадиган тўғритўртбурчакли иморат бор эди. Бу хонанинг ҳар томонида эшиги бор эди. Ибодат навбатига қараб турган эшик олдида қўлида ёзув китобчаси билан аёл турар эди. Яна битта аёл кафедра олдида, бошқа эшикда турган эди.

Буларнинг ҳаммасига боши қотганча, Билли Раббий Фариштасидан буни тушунтириб беришни сўраш учун, Уни ҳар томонга аланглаб қидира бошлади. Фаришта ҳавода унинг ўнгроғида муаллақ турган эди. Фаришта устида ўша Нур алангали тилларини чиқазиб ва пульсланаётган товуш билан ғуриллаб, айланар эди. Кейин бир шундай нарса бўлдики, буни Биллига аввал ҳеч қачон кўришига тўғри келмаган эди. Олов Устуни Раббий Фариштасини тарк этди ва платформадаги ўша қурилмагача яқинлашгунича, аудиториядан аста-секин ҳаракатлана бошлади. Нур бир неча сония ўша хона устида осилиб турди ва кейин пастда турган хона ичига томи орқали кирди.

Олов Устуни кўринмай қолиши билан Раббий Фариштаси деди:

— Мен сен билан у ерда учрашаман. Бу учинчи силтов.

Бу орада ибодат навбати олдинга сурила бошлади. Касалхона замбилида ётган аёл навбатнинг бошида эди. Иккита одам уни пардадан кўтариб олиб ўтдилар, зиналардан кўтарилишди ва платформадан ўша кичкина уйга боришди. Навбатга яқин турган эшикдаги аёл блокнотига касал аёлнинг исми ва фамилиясини, шу билан бирга унинг касалини ёзиб олди. Кейин ўша икки одам аёлни зимбилда хонага олиб киришди. Бутун бинога жимлик ҳукм сурди, чунки ҳамма одам бутун диққатини платформадаги хонага қаратганди. Бирдан кафедрага яқин турган эшик очилди ва у ёқдан ўша аёл чиқди ва энди у олдида ғилдиракли замбилни итариб борар ва бор овози билан Худони улуғлар эди.

Орқа эшикда турган қора сочли аёл мухбирга ўхшар эди. У ҳозиргина шифоланган аёлдан сўради:

— У ерда нима воқеа бўлди?

— Нима бўлганини билмайман, — аёл жавоб берди. — Мен йигирма йил давомида фалаж эдим. Энди менга қарангчи. Мен ўзимни худди ҳеч қачон, умуман мажруҳ бўлмагандай ҳис қиляпман.

Ибодат навбатидаги иккинчи киши ҳассаларда эди. Оқсоқланиб, у ўша хонага кирди, аммо тез орада ундан орқа эшик орқали қичқириб ва боши устида ҳассаларини силкитиб, югуриб чиқди. Корреспондент-аёл яна ўша саволни берди:

— У ерда нима содир бўлди?

Эркак киши жавоб берди:

— Билмайман. Лекин сиз бир қарангда менга: мен юра оламан-ку, ахир!

Билли Раббий Фариштасига деди:

— Мен буни тушунолмаяпман. У кичкина хонада ўзи нималар бўлаяпти?

— Раббимиз: “Ибодат қилаётганингизда, одамларга кўриниш учун ибодатхоналарда ва кўча бурчакларида туриб ибодат қилишни яхши кўрадиган иккиюзламачиларга ўхшаманглар... Сен эса ибодат қилаётганингда ўз ҳужрангга кир ва эшикни беркитиб, яширин бўлган Отангга ибодат қил. Шунда яширин бўлганларни кўрувчи Отанг сени аниқ тақдирлайди”,[363] — деб айтмаганмиди?

[363] *Матто 6:5-6*

— Ҳа, Раббимиз айнан шундай қилишни буюрган.

— Мен сен билан ўша хонада кўришаман. Сенинг учинчи силтовинг ҳам шу. Бу ҳамманинг кўз ўнгида бўлмайди.

— Тушунарли.

Фаришта Биллини ўша хонага олиб ўтди ва унга учинчи сафар нима қилишни айтди. Кейин Фаришта у билан ўша сирни ўртоқлашди.

Ўша суҳбатни далил қилиб, Билли шундай деди:

— Христиан-дўстларим, қачонки мен бу дунёни тарк этаман, бу сир менинг юрагимда қолаверади. Лекин менинг сўзларим ёдингизда бўлсин: кейин нима бўлишини кузатиб боринг.

75 БОБ
МЕКСИКАДАГИ СИРЛИЛИК ВА МЎЪЖИЗА
1956

ҲОВЛИДАГИ ЎТЛАР қор кўрпаси остида “қалтирар” экан, Уилльям Бранхам эса бу вақтда, ўзи кўришига тўғри келган энг кучли ваҳий тўғрисида фикрлар эди. Сирли равишда бекор қилинган йиғилиш, болалар ботинкасини боғичлашга беҳуда уриниш, балиқ овлаш дарси ва улкан чодирдаги баландда, платформада турган сирли хона, — бу ҳамма эпизодлар Биллининг хотирасидан кетмас ва уларнинг сирли маъноси унга тинчлик бермасди. У узоқ вақт бу ваҳий ҳақидаги фикрларга шўнғиб юрди. Гарчи у “Фаришта ўша хонада унга айтган сирни итоаткорона асраса-да, у Библияда ўқиганларига ва охирги ойларда айтган ваъзларига бу сирнинг таъсири чуқур из қолдирди. Бир куни кечқурун, 1955 йилнинг декабри эди, у тўлқинланиб кетганидан, ҳеч ҳам ухлай олмади. 22:30да у хотинини уйғотди ва ундан сўради:

— Азизам, сенга озроқ ваъз қилсам, майлими?

Меда эрига қараб туриш учун, бошқа ён бошига ағдарилди. У кўзларини ишқалади, жилмайди ва:

— Албатта, Билли. Ваъз қил, мен эшитаман, — деди.

Билли хотинига ярим кечагача ваъз қилди:

— Христианлик имони бус-бутун осойишталикка асосланади. Христианин оёғи куйган товуқдай зир югурмайди. Христианин ўзини у ёқдан – бу ёққа урмайди. Христианин бетартиб югуриб-елмайди, ғазабдан қайнамайди ва хавотирланмайди. Христианин тинчланади. Ишонадиган одам учун ҳаммаси Гўлготада якун топган. О-о, хафагарчилик келиши мумкин, бироқ Христианин Худо Ўз ваъдасини бажаришга қодирлигини била туриб, ҳар доимгидай тинчланади. Биз, Христианлар қандай муаммо — очликми, касалликми ёки ҳатто ўлимми — пайдо бўлмасин, аҳамияти йўқ, ҳеч нарса Раббимиз Исо Масиҳ шахсидаги Худо севгисидан бизни жудо қилишга қодир эмаслигин биламиз.[364] Биз хотиржаммиз. Гарчи бу эски кема ҳар томонга ташланади ва ҳаётий мусибатлар билан таъқиб этилади, бизнинг лангар бизларни ўз жойига мустаҳкам тутиб туради. Бизларнинг имонимиз ўзимизни қобилиятимизга ёки черковимизга, ёкида дўстларимизга таянмайди. Бизнинг имонимиз бутунлай Исо Масиҳнинг поёнига етказган заҳматига, меҳнатига асосланади. Албатта, ҳар турли бўронлар ва ташвишлар келади, аммо бизнинг кемамиз чўка олмайди, чунки бизлар Худо Каломига лангарланганмиз.

[364] Римликларга 8:38-39

1956 йилнинг биринчи ярмида Билли, “Нима учун одамлар бундай серташвиш?” — деган ваъзида бу мавзуда анча батафсил тўхтади. У ҳаётий ташвишлар билан доим чопиб юрадиган Христианлар ҳақида гапирди. Бундай Христианларда гоҳ парвозлар, гоҳ йиқилишлар бўлади. Бир куни у ўзини енгилмас ҳис қилади, кейинги кун эса умидсизликка тушади. Бир куни у Худога сиғинади, кейинги кун эса у дунёвий ҳаёт тарзига қайтиши мумкин. Нима учун энди шундай бўлади? Чунки унда Худо Сўзига бор-йўғи ақлий тушунча. У Исога ўз жонида ғайритабиий бошдан кечириш орқали эмас, балки интеллектуал билим орқали келди.

Ўз фикрини тушунтириш учун Билли Исроилликларни Мисрдан Ваъда Этилган Ерга сафари тарихидан фойдаланди. Исроилликлар ўзлари билан ҳеч қандай озиқ овқат олмаганликларидан, Худо уларга ҳар куни ғайритабиий нон бериб турдики, уни улар манна деб атадилар. Исроилликларга бу маннани ғамламаслик буюрилган эди. Агар улар уни асраб олиб қолишга уринсалар, кейинги куни у бузилар эди. Ҳар куни улар, ўша куни қанча еб билсалар, шунча манна йиғишлари керак эди.[365] Худди шундай Христианлар ҳам Ҳаёт Нони — Исо Масиҳдан ҳар куни озиқланишлари керак.[366]

[365] Чиқиш 16:11-21; Саҳрода 11:7-9 (Тарж.)

[366] Юҳанно ::31-35; 46:51 (Тарж.)

Гарчи бу манна яхши ҳолатда бир кундан ортиқ сақланолмаса-да, бироқ бундан айрим истиснолар бор эди. Худо Исроилликларга ҳафтада олти кун ишлашни буюрган экан, улар олтинчи кун йиғган манналари ҳар доим еттинчи куннинг охиригача ўзгариб кетмас эди. Бунинг устига, Худо Мусога Аҳд Сандиғига бир қанча маннани қўйишни топширди. Аҳд Сандиғи тўғри бурчакли қутти бўлиб, у "Муқаддаслар Муқаддаси" деб номланган жойда жойлашган ва ичидаги манна умуман бузулмадиям ва қотиб қолмадиям; авлоддан-авлодга худди янги ёпилган нон каби ёқимли ҳид таратиб турди.[367] Руҳий нуқтаи назардан, бундай доимий янгилик, тозалик Христианинга ҳам хос эди.

[367] Чиқиш 16:22-35 (Тарж.)

У ўйлаган нарсаларини тушунтира туриб, Билли Христианлик ҳаётини Худо Мусога чўлда қуришни буюрган чодирга таққослади. Чодирда учта бўлим бор эди: ташқи ҳоали, ибодатхона ва Муқаддаслар Муқаддаси. (1) *Ташқи ҳовли.* Чодирга келган одам, аввало очиқ ҳавода ўраб қўйилган ҳовлига кириши керак эди. У ерда ҳайвонларни қурбонлик қилиш учун қурбонгоҳ ва руҳонийлар чодирга киришларидан олдин қўлларини ювишлари учун бронза ҳовуз бор эди. (2) *Муқаддас хона.* Чодирни ўзи парда билан икки бўлимга ажратиб қўйилган эди. Чодирга киришга яқин томондаги хона Муқаддас хона деб аталар ва унда еттита шохларда еттита ёнаётган чироқ учун етти чироқпоялар бор эди. Бундан ташқари Муқаддас хонада хушбўй тутатқилар тутатиладиган тутатқи қурбонгоҳи ва муқаддас нонлар қўйиладиган олтин хонтахта бўлиб, улар Илоҳий Ҳозирликни билдириб турар эди. (3) *Муқаддаслар Муқаддаси.* Энг ичкари хона энг Муқаддас Макон ёки Муқаддаслар Муқаддаси деб аталар эди. Чодирнинг бу муқаддас ички бўлимида инвентарнинг фақат битта предмети жойлашган эди: Аҳд Сандиғи. Бу сандиқнинг қопқоғи "Раҳм-шафқат Тахти" деб аталар эди. Чодирнинг бу учта бўлими қутқарилишнинг учта стадиясини символи эди: (1) оқланиш, (2) табаррукланиш-муқаддасланиш ва (3) Муқаддас Руҳга тўлиш. **(№8 Сурат)**

Чўлдаги чодирда фақат битта кириш жойи бор эди ва фақатгина кимки Иеговага ишонса, ўшалар у орқали ўта билар ва қурбонгоҳни кўра билар эдилар. Бизларни давримизда одам нажотга фақат агар Исо Масиҳга ишонсагина эришиши мумкин, У эса Абадий Ҳаётга ягона эшикдир.[368] Шунга қарамай, бу бор-йўғи фақат биринча қадамдир. Исога тўла ишониш чодирнинг ташқи ҳовлисига киришга ўхшаб кетади. Ташқи ҳовлига кирган одам, уни гуноҳларидан қутқариш учун Исо ўлганига ишонади. Бу уни имони орқали оқлайди.[369] Бунинг ҳаммаси ажойиб, аммо у ҳали олдингидай очиқ ҳавода турибди ва об-ҳавонинг ҳар турли ўзгаришларига гирифтор. Кунлар қуёшли бўлса, бу одамнинг кайфияти жуда соз, қачонки ҳовлида совуқ ва бўрон бўлса, у умидсизликда ғамга чўкади. Бунинг устига, қора булутлар сабабли қуёш нури порлаши ва юлдузлар ёғдуси доимо ўзгариб туради.

[368] Юҳанно 10:7; 14:6 (Тарж.)

[369] Римликларга 5:1 (Тарж.)

Муқаддасланиш, табаррукланиш — марҳаматнинг иккинчи стадияси. Исо Масиҳ Қони билан тозаланган одам, ўша оқланишда тўхтаб қолган одамдан кўра яхшироқ аҳволда бўлади. Тозаланган одам чекиш, ичкилик, ёлғон гапириш, ўғрилаш ва бошқа шу кабиларни тўхтатади. У одамларга тўғри муносабатда ва Худонинг олдида муқаддас яшайди. Уни чодирнинг муқаддас жойига кирган руҳонийга таққослаш мумкин. Муқаддас жойда ташқи ҳовлидан кўра шинам, қулайроқ, сарамжон-саришта — у руҳонийни шамоллар ва ёмғирлардан ҳимоя қилади. У ерда у самовий ёритқичларнинг ўзгарувчан нурига суянмайди, чунки муқаддас макон олтин шамдоннинг еттита ёниб турган чироғи билан ёритилади. Аммо бу еттита олов тўла ёритиб беролмайди. Бу чироқларга ҳар кун қараб, тузатиб туриш керак. Баъзан уларнинг тиликлари аланганинг учларини ўчириб ва хонани тутунга тўлдириб, куйиб қолар эди. Вақти-вақти билан чироқлардан бирови умуман ўчиб қолар ва уни яна ёқиб қўйиш зарур бўлар эди.

Қутқарилишнинг охирги стадияси — бу Муқаддас Руҳга чўмдирилиш. Мана, қачонки Христианин парда орқасидаги Муқаддаслар муқаддасига киради ва ўз ҳаётини шон-шуҳратҳозирлигига ўтказади.[370] Шон-шуҳрат Ҳозирлиги сирли, мулойим нур таратадиган ва доимий Нурки, у бутунлай ишончли. Худонинг Ўзи бу Нурнинг ўчоғи, шу учун Муқаддаслар Муқаддасида ҳеч қачон бирон-бир янгилик ёки ўзгариш бўлмайди.

[370] Яҳудийларча “шакон” – “яшамоқ” — Худони халқи орасида кўриниб, ҳозир бўлиб туриши. (Тарж.)

Билли аудиторияга деди:

— Шунга қарамай, эркагу-аёллар тартибли ҳаёт кечиришлари ва Худони ақлий тушунча билан севишлари мумкин. Аммо Масиҳда яширинган ҳақиқий пана жой юракда жойлашган. Қачонки Масиҳ, Муқаддас Руҳ сизни юрагингизга киради, У сизни характерингиз билан бирга сизда бўлади, ва У Ўз иродаси бўйича сиз орқали Ўз ҳаёти билан яшайди. Сиз шу қадар Унга ишондингизки, шундан Масиҳ, қанақа сўзларни гапирган бўлар эди, шу сўзларни сиз орқали гапиради, қандай У фикрларни ўйласа, У шу фикрларни сиз орқали ўйлайди. У қандай ишлар қилса эди, шу ишларни сиз орқали қилади. Сиз ишониб, ўзингизни топширдингиз ва бехавотир бўлдингиз.

— Ўзини бағишлаган, ўзини ишониб топширган Христиан — қандай ажойиб намуна, қайсики, у орқали Масиҳ иш қилади! Павел айтди: “Зеро мен учун ҳаёт — Масиҳдир, ўлим эса – ютуқдир. Энди яшаётган мен эмас, балки Масиҳ менинг ичимда яшаяпти”.[371] Масиҳ бўйсунган, итоат этган одамнинг жонида яшайди. У оғзи орқали гапиради, ақли билан ўйлайди, кўзлари билан кўради ва характери орқали амал қилади. Кейин барча дунёвий нарсалар нари кетади. Қандай энди бу доимий хушмуомалалик ва дилкашликдан бошқа бирор нарса бўлиши мумкин? Ҳаммасини Масиҳ идора қилади, бошқаради. Омин.

[371] Филиппиликларга 1: 21 ва Галатияликларга 2:20 кўрсатилган тартибда.

— Сиз буни тушуняпсизми? Масиҳ сизда, шу учун сизнинг барча борлиғингиз — бу Масиҳ. Сизни муносабатингиз, хохишингиз, сизнинг иштиёқингиз, нимаики сизда бор, бариси бу Масиҳ; шу учун сиз ўзингизни ишониб топширдингиз ва бехавотирсиз, сиздаги ҳаммаси баркамол. Бу қанчалик ақлсизлик бўлиб туюлмасин, ёки қандайдир қоп-қора бўлиб кўринмасин, аҳамияти йўқ, бу ҳамишагидек доимий, ўзгармас — сизда Масиҳ жойлашган.Агар У шу ерда ер юзида бўлганида қандай ўйлаган бўлар эди, худди шундай У сизнинг ақлингиз билан ўйлайди. Сиз энди бошқа ўзингизга эга бўлмайсиз, чунки сиз Унга ўзингизни топширдингиз.

— Йилда бир марта Ҳорун – олийруҳоний, чодирнинг муқаддас хонасига кирар эди.[372] Халқ уни ортидан кузатиб турар эди. Ҳорун тўғри мойланган, тўғри кийинган бўлиши ва тўғри бориши керак эди. У ўз кийимида қўнғироқчалар осган ва қачонки у юрса, ўша қўнғироқчалар: “Муқаддас, муқаддас, муқаддас Раббий учун!” — деб жаранглар эди. У ўзи билан гуноҳлар учун бағишланган қурбонлик қонини олиб кирар эди. У Шарон гулига мойланган ва бу мой унинг соқолидан ҳаттоки кийими этакларигача оқиб тушар эди.[373] У ички ҳовлига Илоҳий Борлиққа кирар, унинг орқасидан парда ёпилар ва у ташқи дунё учун кўринмай қолар эди.

[372] Чиқиш 30:10; Левитлар 16; Ибронийларга 9:7-14; 25-26

[373] Забур 132:2 (Тарж.)

— Худога шукур, ҳимояланадиган жой, маскан борлиги учун! Сиз Илоҳий Мавжудликка киришингиз ва дунёнинг нарсаларидан яширинишингиз мумкин. Сиз энди бошқа уларни эшитмайсиз, чунки бу товуш ўтмайдиган жой. Дунёвий одамлар ташқарида бўлади ва оғзини лонг очиб қарайдилар. Сиз эса ичкарида, Абадий Худо Ҳузурида бу маннани ейсиз, қайсики ҳеч қачон айнимайди ва бузилмайди.

— Инсон қачонки Шоҳ Ҳузурида яшаса, ҳар бир кун ажойиб. У ўша ҳужрасини топди.[374] У парда ортига ўтди, ва у уни ортидан ёпилди. У дунёвий нарсани кўрмайди. Муқаддас макон қўй ва эчкиларнинг товуш ўтказмайдиган териларидан қилинган, а бу яшинин ҳужра Муқаддас Руҳга чўмдирилиш орқали товуш ўтказмайдиган қилинган. Қайсики инсонни Масиҳда яширади. У ерда у янги ижод бўлади ва ҳар куни Худо олдида шундай тарзда иш тутади.[375]

[374] Забур 26:4-5; Забур 90:1; Матто 6:6

[375] 2-Коринфликларга 5:17; Галатияликларга 6:15-16

— Имонли одамни Худо Ҳузурида кўриш қандай яхши. Ҳаммаси Масиҳга берилган эди. Худо Ким бўлган бўлса, ҳаммасини Масиҳга қўйди, Масиҳ Ким бўлган бўлса, ҳаммасини У Черковга қўйди. Исо деди: “Мен Отамда, сизлар Менда ва Мен сизларда Ҳозир эканимни ўша кунда фаҳмлайсизлар”.[376] О-о, имонлиларга қанақанги имтиёз, агарда улар буни фақат қабул қилолсалар!

[376] Юҳанно 14:20

Охирида Билли деди:

— Ўша парда ортига ўтган одам ўзини барча дунёвий нарсалардан асрайди, эҳтиёт қилади. У ўз учлари билан тегиб турган, корублар қаноти остида ўтиради,[377] ва уни Худонинг Ҳозирлиги Шуҳрати ўраб туради. Ўша Нур ҳеч қачон хиралашмайди, ҳеч қачон ўчмайди. Имонли одам Аҳд Сандиғи олдида тинчланади ва олтин идишдан доимо янги маннадан ейди. Унга умуман хавотирланишни кераги йўқ. Ҳаммаси тўғрилаб қўйилган. Худо уни устида туради, уни ибодатларини эшитади ва уларга жавоб беради. Бунинг устига, бу имонли инсон Шаҳоншоҳнинг айни Ҳузурида, Унинг Шуҳрати Ҳозирлигида Худо билан бирга яшайди! У ерда унга муаммолар етиб боролмайди. У уларни эшитмайди. Дунёнинг фарёди, бақириши ташқарида қолди.

[377] Чиқиш 25:20-22; 37:7-9. (Тарж.)

— Дўстлар, агар сиз мана шундай Масиҳга кирсангиз, агар сиз шундай ҳолатга, аҳволга кира олсангиз, қачонки дунё сиз учун ўлади ва сиз фақат Шон-шуҳрат Ҳузурида яшайсиз, Шоҳнинг Ҳузурида яшайсиз, ўшанда ҳар бир кун сизнинг жонингиз учун ширин, ёқимли бўлади. О-о, ана буниси қойил! Ҳаммаси жойида! Ҳеч нарса сизга зиён қилолмайди. О-о, бу қандай жой!

Ўз фикрларини тасдиқлаш учун Билли Ибронийларга мактубнинг 10:19-22 оятларидан парча келтирди:

> *Шунинг учун, эй биродарлар, Исо Масиҳнинг Қони туфайли муқаддас маконга киришга жасоратимиз бор.*
>
> *Исо Маъбаддаги парда орқали, яъни Ўз бадани орқали бизга янги, тирик кириш йўлини очиб берди.*
>
> *У Худо хонадони устидан маъсул бўлган буюк Руҳонийимиздир.*
>
> *Шундай қилиб, дилларимиз ёмон виждондан покланган, баданимиз эса тоза сув билан ювилган бўлиб, биз энди тўла ишонч ва эътиқод билан чин қалбдан Худога яқинлашайлик.*

Ҳаворий Павел таълим берганидай, у ҳам 1956 йида ўз ваъзларида ушбу мавзуни, эски аҳддаги чодир самовий ҳақиқатнинг ердаги тасвири эканини ўрганиб, бир неча бор такрорлади. Ҳаворий Павел: “Худо Мусога: “Эҳтиёт бўл, ҳар бир нарсани тоғда сенга кўрсатилган намунага мувофиқ қилгин” — деб буюрганди. Демак, руҳонийлар хизмат қиладиган макон фақат осмондаги мавжудоднинг намунаси ва соясигинадир”, — деган эди.[378]

[378] Ибронийларга 8:5

Чодирнинг учта қисми кўп нарсаларнинг рамзи эди. Илоҳий номерлашда уч сони камолотни, баркамолликни англатади. Худо инсониятга Ўзини учта ҳар турли усулда намоён этади: Ота каби, Ўғил каби ва Муқаддас Руҳ каби. Инсон учта қисмдан тузилган: тана, руҳ ва жон. Қутқарилиш ўзида учта стадияни, даврни ўз ичига олади: оқланиш, табаррукланиш-муқаддасланиш ва Муқаддас Руҳга тўлиш. Мусонинг чодирида учта бўлим бор эди: ташқи ҳовли, муқаддас хона ва Муқаддаслар Муқаддаси. Биллини ўзини хизмати ҳам учта этапдан иборат эканлигини билар эди: худди ваҳийда кўрсатилган ўша балиқ овлаш ипининг биринчи, иккинчи ва учинчи силтови. Ваҳий якунидаги ўша улкан чодир ҳам худди шундай учта қисмга бўлинган эди: охирда ўтирган йиғилиш аҳли, бошқа томонда баландга кўтариб қўйилган платформа ва платформадаги ўша кичикроқ қурилган хона. Биллига биринчи ва иккинчи силтовлар унинг хизматининг икки даврини ифодалаши маълум эди: унинг қўлидаги аломат ва ваҳий орқали юрак сирларини фарқлай билиш. У ҳали учинчи силтовдан нима англанишини билмас эди, бироқ Фаришта унга учинчи силтов қандай тарзда платформадаги ўша — Шон-шуҳрат Борлиги мавжуд ўша хона билан боғлиқ бўлишини аниқ кўрсатди. Фаришта деди: *“Мен сен билан ўша хонада учрашаман. Мана шу сенинг учинчи силташинг. Бу ҳаммага кўз-кўз қилиш учун бўлмайди”.*

Ўша ваҳийдаги барча эпизодлардан “учинчи силтови” ягона “қаттиқ ёнғоқ” эмас эдики, унга Биллини ҳеч ҳам “тиши ўтмасди”. Ваҳийнинг қайси қисми рамзий маънода ва

қайсилари тўғридан-тўғри бажарилиши керак эди, у тушуниб етмади. Нима учун ўша хушмуомала кўринишли одам: “Бранхам ака дам олаяпти” — деди? Нимага энди ибодат навбати олдида парда осилган эди? Ва нима ўзи бўлаётган эди ўша сирли хонада?

Ўша ваҳийни қайси эпизодлари рамзий маънода, қайсилари эса бундай эмас эканини билишнинг иложи йўқлигидан, Билли ўзини администраторларига қўнғироқ қилди (ҳозирда улар Жек Моор ва Майнер Арганбрайт эдилар) ва улардан топишлари мумкин бўлган энг катта чодирни ижарага олиш ёки харид қилиш масаласида шуғилланишларини сўради. Майнер Арганбрайт чодирни бутун бир ойга Финиксда жойлаштиришни таклиф қилди. Бу ғоя Биллига маъқул бўлди. Чунки ўша жойларда у йиғилиш ўтказганларида, унинг кампанияси кўпинча кундан-кунга кучаяр эдики, у бир жойда кўп вақт бўлишдан руҳий уйғониш бўлиб кетмасмикан деб ўйлаб қолар эди. Аммо бу режа бошқа хушхабарчи А.А.Аллей ўша ойда Финиксда давомли кампанияни белгилаганидан, барбод бўлди. Финиксда бир вақтнинг ўзида иккита имон билан шифоланиш кампаниясини ўтказишнинг иложи йўқлигидан, Билли йиғилишларни бекор қилди.

Шунда Майнер Арганбрайт бошқа режани таклиф қилди. Христиан бўлган Мексика армиясининг бош қўмондони, Генерал Нарцисо Медина Эстрада Майнер Арганбрайтдан Бранхам Кампанияси билан Мехикога келишини илтимос қилди. Энди ҳаммаси Биллига боғлиқ эди: у Мексикада бир неча йиғилиш ўтказишни хохлайдимикан?

Билли бу ҳақида ибодат қилганида, Раббий Фаришстаси унга келиб: *“Мен ахир сенга умуман Финиксга боришни буюрмовдим-ку. Мен сенга Мексикага боришни айтгандим”,* — деди. Бу сўзлар орқали Билли ўтган йил ноябрда унга кўрсатилган ваҳийнинг яна бир неча фрагментларига тушунча олди. Ўша ваҳийнинг бошқа кўрган ўша икки жўлдурвоқи болакайлар, худди шундай у ваъз қилишидан олдин тарқатиб юборилган барча одамлар ҳам мексикалик эдилар.

Билли ўша ваҳийни батафсил айтиб бериб, Майнер Арганбрайтдан Мексикага кампания уюштиришини сўради. Бир неча ҳафта ўтиб, Арганбрайт Биллига қўнғироқ қилди ва:

— Биз Мехикода коррида[379] аренасини резерв қилиб қўйдик. У 60 000 томошабинга мўлжалланган. Биринчи йиғилиш 16 мартда ўтказилади. Ўша эрталаб мен сени ва Жек Моорни Мехикодаги “Регас Хоутэл” меҳмонхонасида кутиб оламан.

[379]Коррида — тореадорни ҳўкиз билан жангчи, Испания ва бошқа айрим мамлакатлардаги традицион оммавий томоша. (Тарж.)

Арганбрайт ўз ҳаяжонини яшира олмади:

— Бранхам ака, биз билан ҳеч бўлмаганида йигирмадан кўпроқ деноминациядан юзта хизматчи ҳамкорлик қилади. Бунинг устига, уларнинг ҳукумати Мексиканинг бутун тарихида биринчи марта ўз давлатларига протестант хушхабарчисини келишини маъқуллади. Мен ажойиб воқеалар бўлишини сезиб, ҳузур қилаяпман.

1956 йилнинг биринчи икки ойида Билли Қўшма Штатларининг ҳамма бурчакларига учди ва ҳар турли жойларда бир нечталаб кечки йиғилишлар ўтказди. Бу шифоланиш кампаниялари эмас эди. Мексикага келгунича уни касаллар учун ибодат қилишга хохиши йўқроқ эди, чунки у ўзининг янги хизматини ўша ерда бошланишини орзиқиб кутаётган эди.

16 мартда Билли Билли Поль, Жек Моор ва Янг Браун ҳамроҳлигида Мехикога учди. Унга мексикано-америкалик хизматчи Роберто Эспиноза ҳам қўшилди. У ушбу кампанияда таржимонлик қилиши керак эди. “Регас Хоутэл” меҳмонхонасида рўйхатдан ўтиб, Билли коррида аренасига бориш учун такси чақирди. Осмонда булутлар тўпланиб ва ёмғир майдалай бошлади.

Таксичи деди:

— Йилнинг бу пайтида бизда камдан-кам ёмғир ёғади.

Билли администраторининг биқинига тирсаги билан туртти-да:

— Мен сенга шуни айтмаганмидим? Мана кўрасан, биз у ерга борганимизда, қанақадир муаммо чиқади. Арена бутунлай бўм-бўш бўлади, — деди

— Бранхам ака, бу қандай бўлиши мумкин!

— Билмайман, аммо мен ўтган йили ваҳийда айнан шуни кўрган эдим.

Улар коррида стадионига келганида, Жек Моор ҳайрон бўлиб, 60 000 ўриндиқдан иборат айлана аренага назар ташлади. Бу жойларнинг битта қолмай ҳаммаси бўш эди.

— Бранхам ака, агар мен ҳозиргача сендаги иноятга ишонмаган бўлсам, унда мен ҳозир аниқ ишонган бўлар эдим, — деди у.

Кейинроқ улар ўша куни эрталаб кечки ибодат хизматини кутиб минглаб одамлар коррида аренасида йиғилганликларини билишди. Кундузи эса, ёмғир ёғаётган пайтда кимдир товуш кучайтиргич аппаратидан фойдаланган ва ҳамма одамларни уйларига тарқатиб юборган. Бу кампаниянинг асосий ташкилотчиларидан бири муҳтарам Эйбел Медина Биллига, ким халқни тарқатганини билмаслигини айтди. Ундан ҳам ёмони, коррида стадионини ижара шартномасини кутилмаганда бекор қилдилар. Ўша моментда на жаноб Медина, на генерал Эстрада ғанимларининг шахсини аниқлай олмадилар, гарчи улар ўша ярамасни қайси ташкилотга ишлаётганини билишларига амин бўлсаларда. Жек Моор тишларини ғичирлатиб онт ичди:

— Мен бу муваффақиятсизликнинг айбдорини албатта излаб топаман.

Билли елкаларини қисиб жавоб берди:

— Майли, уриниб кўр, лекин сен билиб ололмайсан. Сен ким билан учрашмагин, бу ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса маълум бўлмайди.

Билли ва Билли Поль уйга, Жефферсонвиллига учишди, Моор ва Арганбрайт бу чалкашликни тўғрилаш умидида бу вақтда Мехикода қолди. Икки кун давомида Жек Моор йиғилишни ким бекор қилганини ва халқни жавоб бериб юборганини суруштирди. Ҳукумат амалдорлари билан гаплашиб, у турли кабинет ва офисларда юрди. Бу орада уни чакаги ҳам оғриб кетди. Ҳеч ким, у ким билан гаплашмасин, бу воқеа ҳақида билмас эди. Бу орада Арганбрайт генерал Эстрада ва жаноб Медина кўмагида кампаниянинг тўлиқ барбод бўлишидан сақлаб қолиш учун бор кучини сарфлади. Коррида стадиони ижара шартномалари бекор қилинганлиги туфайли, улар йиғилиш ўтказиш учун бошқа тўғри келадиган жойни топишга мажбур эдилар. Улар уни Мехико шаҳри яқинидаги Такубайядан топдилар.

Шанба куни Майнер Арганбрайт Биллига қўнғироқ қилди ва ундан Мехикога келишини сўради. Билли бу ҳақида ибодат қилиш учун ўзини ғорига жўнади. Якшанба куни каллайи- саҳарлаб, у ваҳийда ерда ташланган ўлик балиқни кўрди. Раббий Фариштаси деди: *“Мексикага қайт. Бу жуда қулай вақт эмас, бироқ мен сен билан бирга бўламан”.*

Шундай қилиб, 19 март, Мексикадан учиб келганидан бор-йўғи бир неча кун ўтиб, Билли ўғли билан яна ўша ёққа учиб келди. Генерал Эстрада Такубайядаги футбол майдонини икки ҳафтага ижарага олди. Ундан кейин мистер Эйбел Медина кампанияни ўша жойли, маҳаллий хушхабарчилар билан давом эттиришни ният қилиб қўйди.

Душанба куни, эрталаб тўққиздан одамлар футбол майдонида тўплана бошлади. Бу ерда на томошабинлар трибуналари, на одатдаги арзон жойлари бўлмаганлигидан, улар бутун кун бўйи кечқурунги йиғилишни кутиб, бевосита ўтни устига ўтиравериш ди. Келадиганлар сони соат сайин кўпаяверди. Кечки соат олтида Билли Поль Бранхам ибодат карточкаларини аралаштирди-да ва уларни мексикалик одамларга берди, у эса тарқата бошлади. Кейин Билли Поль ўша одамни ортидан одамлар орасидан, у бирорта карточкани сотмаганига ишонч ҳосил қилиш учун кузатиб борди. Билли у ерга келган вақтда, соат саккизда, 10 000 га яқин одам уни ваъзини кутиб турар эди. Билли қандай қилиб платформагача етиб борар эканман, деб ўйланиб қолди. Бироқ унинг ҳомийлари аллақачон буни ечимини топишди. Платформа стадионни кўчадан чегараланган баланд деворга ёпиштириб қурилган эди. Биллини шу деворнинг ташқари томонидан, тротуардан олиб келишди. Кейин у деворга норвондан кўтарилди, у ерда икки одам уни қўлтиғидан арқон ўтказиб, платформага бошқа томондан тушурдилар.

Одамларга салом бериб, Биллли Яҳуданинг мактубини 3-оятидан: “азизларга умрбод омонатга топширилган имон йўлида жонкуярлик билан курашишга ундамоқни лозим кўрдим”, — деган сўзларига алоҳида урғу бериб ўқиди. Кейин у самариялик аёл ҳақида сўзлаб, уни Исо олдин кўрмаганини, аммо унинг ҳаётида бўлган ҳамма нарсани айтиб

берганини тушунтирди.[380] Шундан кейин Билли Нафанаил ҳақидаги ҳикояни сўзлаб берди. Филипп Натаньилга деди: “Мен Масиҳни топдим”. Натаньил бунга шубҳаланиб: “Сени қандай исботинг бор?” — деди. Филипп жавоб берди: “Бориб кўргин”. Қачонки Натанъил Насрога келган вақтида, Исо деди: “Мана, ҳеч ҳийлани билмайди, ҳақиқий Исроиллик”. Натанъил сўради: “Сен мени қаердан биласан?” “Филипп сени чақирмасидан олдин, сен анжир дарахтининг тагида эдинг. Мен сени ўша ерда кўрган эдим”, — деб жавоб берди Исо.[381] Исо қандай қилиб уни кўрди экан? У уни ваҳийда кўрди. Худонинг Руҳи ҳамма нарсани билади, ва худди шундай Худонинг танада намоён бўлиши — Исо ҳам, биз тўғримизда ҳамма нарсани билади.

[380] Юҳанно 4:5-39

[381] Юҳанно 1:43-51

Билли деди:

— Бу оқшом Раббий мўъжизалар қилиш учун шу ерда турибди. Мен мўъжиза қилмайман. Мен мана шу олдимда турган микрофондай гап. Агар мен гапирмасам, микрофон ўзича бирор бир товуш чиқаролмайди. Худди шундай тарзда мен ҳам — Худонинг қўлида бор-йўғи бир восита, қуролдирман. Айнан Раббий Исо Масиҳ шифолайди, мен бўлсам фақат Худо шифолашини намоён қиладиган бир восита. Мен Унинг Муқаддас Каломи ваъдаларига асосан иш тутаман, чунки мен У Ўз Сўзида нималар ваъда қилган бўлса, шуларга ишонаман.

Ибодат навбатидаги йигирма беш кишидан биринчиси Энрикета Ареллано деган аёл экан. У платформага зиналардан чиқди ва америкалик хушхабарчи олдида турди. Билли деди:

— Исога самариялик аёл қанчалик нотаниш бўлса, бу аёл ҳам менга шунчалик нотаниш. Аммо мен унинг муаммоси нимада эканлигини айта оламан. Мен касалхонада уни қандай операция қилаётганларини кўраяпман. Чандиқлар айтгандай яхши бўлиб кетмади ва у буни рак ўсмаси бўлиши мумкин деб қўрқаяпти. Ахир шундай эмасми?

Аёл ҳаммага кўз ёши қилиб, бу ҳаммаси ҳақиқатлигини айтди. Қисқагина ибодат қилиб, Билли деди:

— Қувонинг! Раббий сизни шифолади!

Энрикета платформадан мутлақо бошқа аёл бўлиб тушди.

Ибодат навбати орқали бир неча одам ўтди, ва уларни шифоланиши учун қилинган ибодатлар натижаси бир хил даражада ҳайратланарли эди. Кейин хушхабарчига Мариано Сантъяго деган одам келди.

Билли тингловчиларга деди:

— Агар Худо менга, бу одам нима сабабдан шу ерда эканлигини айтса, сизлар ҳаммангиз Исо Масиҳга ишонасизми?

Сантъягога бурилиб, Билли деди:

— Сиз бу ерга мендан грижангизни тузалиши учун ибодат қилишни сўраб келдингиз. Лекин, яна бошқа сабаб ҳам бор. Сиз Хушхабар хизматчисисиз; сиз Веракус шаҳридансиз, ва сизнинг черковингиз “Гўлгота” деб аталади. Сиз бир неча дастрўмол устидан ибодат қилишимни ва уларни черковингиздаги касал одамларга беришни истайсиз.

Ҳали бу ҳаммаси бўлиб ўтар экан, ёрдамчилардан бири жаноб Мединага, ибодат навбатида, қўлида аёллар исми ёзилган карточка ушлаганча, ақлдан озган ёшроқ одам ўтирганини айтди. Буни ҳаммасини текшириб кўрган Медина, бу йигит чиндан ҳам ақлдан озган кўринса-да, аммо у ўзича ҳеч қандай хавфли одам эмаслигини билди. Кейин халқ орасидан бу одамни онаси чиқиб келди. Уни ўзи касал бўлса ҳам, у энг аввало ўғлини шифоланишини истагани учун унга карточкасини берди. Жаноб Медина унинг истагини тўғри тушунди, аммо у ерда карточка олиб билмаган кўплаб касал одамлар бор эдики, шу туфайли Медина эълон қилинган тартибдан ҳар қандай чекиниш тўс-тўполонга олиб келиши мумкинлигидан хавотирланди. У шу онадан ибодат навбатида жойларини алмашишларини сўради, у она эса шу айтганидай қилди ҳам.

Ниҳоят она платформада бўлганида, Билли унга шундай деди:

— Сиз католиксиз, ва сиз тасбеҳга қараб ибодат қиласиз. Сиз бу ёққа келдингиз, чунки яқинларингиздан бири шифоланишини истайсиз ва бу сизни ўғлингиз. Худо аллақачон буни ҳаммаси учун ғамхўрлик қилиб қўйди. Тинчлик билан боринг.

Шу оқшом Мексикада ҳам худди ўша Африкада, Ҳиндистон ва аппачи индеецлар резервациясида бўлган нарсалар кузатилди. Бу мексикаликларнинг оддийгина имони юрак сирларини билишни қандай бўлса – шундай қабул қилдики, улар Исо Ўзини уларнинг ўртасида чиндан ҳам намоён қилганига ишондилар. Мўъжизалар худди баҳор ёмғиридан кейинги дашт гулларидай мўл-кўл бўлиб "шоналади".

Бу регионнинг об-ҳавоси шароитига ҳали ҳам бўронли фронт таъсир қилаётган эди. Бутун кун давомида ёмғирли булутлар тўда-тўда бўлиб, тоғлар устида сузиб юрди. Биринчи оқшом шамол бўлди-ю, аммо ёмғир ёғмади. Аммо иккинчи кун тушдан кейин ёмғир тинмай ёғиб турди. Бу одамларни йиғилишга келишларига тўсқинлик қилолмади. Кечқурунги соат саккизда, Билли касаллар учун ибодат қилишга келганида, халқ 25 000 тагача кўпайди.

Ибодат навбатидаги бешинчи одамнинг кўзлари ожиз эди. Уни оёқларини олдинга судраб босиб, мексикалик ёрдамчилардан бирини қўлидан ушлаганча келаётганини Билли кузатиб турди. Қария тинмай ёрдамчига қандайдир савол берар эди. Мистер Эспиноза Билли учун таржима қилди: "У америкалик хушхабарчига келдими-йўқми деб сўраяпти. У сенга қўл тегизишни истаяпти".

Икки лаҳза ўтиб, ёрдамчи кўр одамни қалтираётган қўлини Биллининг костюмини қайтарма жойига ушлатиб қўйди. Тиззасига йиқилганча, қария чўнтагидан тасбеҳини чиқарди ва ибодатини такрорлай бошлади: "Қувонгин, Мария, дуолисан сен, шафқатлисан сен..." Билли шу ерда у одамни тўхтатди ва унга:

— Отахон, бу ерда бундай қилишингизни кераги йўқ, — деб уни туришига кўндирди.

Қария йиртилган, кейин ип билан боғлаб қўйилган эски сомон шляпа кийиб олган эди. Шляпасини тагидан тўзиган оқ сочлари осилиб турар, баландги лаби эса устара тегмаган оқ мўйлови тагида қолиб, кўринмасди ҳам. Уни шими йиртилиб ва чанг босиб кетган, костюми тагида эса унда кўйлаги йўқ эди. Бу одамни кўринишига раҳми келганидан Биллининг юраги эзилиб кетди. У ўйлаб қолди: "Агар мени отам ҳаёт бўлганида, у қарийб шу одам билан тенгқур бўлар эди. Ҳаёт бу одамга қанчалар шафқатсиз, бераҳм бўлган бўлса керак. Эҳтимол, у бутун умри бўйи ҳеч қачон тўйиб овқат емаган, дурустроқ костюм ёки бир жуфт туфлига эга бўлмагандир. Бу ҳаммаси етишмагандай, ҳозир у бутунлай ногирон аҳволда, қоронғуда чайқалиб юради".

Билли қариянинг яланг оёқларига қаради. Улар чангга ботган ва қўпол, тирноқлари узайиб, бурилиб кетган эди. Билли бир-икки лаҳзада унга ўзини туфлисини берсаммикин, деб ўйлади. Кейин у унга тўғри келмаслигини англади, чунки мексикаликни оёғи уникидан анча катта эди. Костюмини бермоқчи бўлиб, Билли кўр одамнинг елкаларига қаради, бироқ бу нотаниш одамнинг елкалари жуда ҳам кенг эди, ва Билли костюми ҳам унга торлик қилишини тушунди.

Кўр одам шляпасини ечди, бошини Биллини елкаларига қўйди-да, ҳўнграб юборди. Билли бу одамни нафақат дардини ҳис қилди, балки унинг ичида нимадир унинг азоб-уқубатларига, аламига шерик бўладиган — у одамга ачинишдан ҳам олийроқ, меҳр-муҳаббат доирасидаги нарса орқали беқиёс самимийлик билан ибодат қилиш мумкин бўлар эди.

Бирдан Биллининг олдида ваҳий худди кактус гулчаларидай "очилди", ва унда бу одамни қувонганидан, ирғишлаб, сакраб юрганини кўрди. Шунда Билли унинг кўзи очилиши муаммоси ечилганини тушунди. У қариянинг бошини оҳиста кўтарди. Мексикалик одам икки бор кўзларини пирпиратди-да, кейин қичқириб юборди: "Глориа а Диос! Вео! Вео!", яъни "Худога Шукур! Кўряпман! Кўряпман!" — дея бошлади. У тиз чўкиб, кўзи очилган қария Биллини туфлисини ўпишга уринди, аммо Билли уни туришга кўндирди. Шунда у Биллини маҳкам қучоқлади, Арганбрайт, Браун ва бошқа хизматчиларни қучоқлаб, ва тинмай, "Глориа а Диос!" дея қичқириб платформада югура бошлади. Минглаб одамлар "Глориа а Диос!" деган сўзларга жўр бўлдилар.

Католиклар черкови таъсири остида бўлган оммавий ахбарот органлари ходимларини бунақа эсни оғдирадиган мўъжизани яширишга қудрати етмади. Минглаб мексикаликлар бу ҳақида кейинги эрталаб эшитдилар. Уларни орасида ёш она бор эди, уни чақалоғини ўпкачаси яллиғланишидан шикастланган ва шу учун базўр нафас олар эди. Худди шу эрталаб, бу аёл ҳали врач қабулида навбатини кутар экан, уни боласи охирги нафасини олди ва шу билан нафас олишдан тўхтади. Врач ундан ўлган боласини кабинетида қолдиришини жуда жиддий сўради ва унга дафн қилиш бюросига қўнғироқ қилишини айтди.

Аммо бу ёш онага нимадир бундай фикрга кўникишига қўймас эди. У Худо бу қарияни кўзини очишга қодир бўлса, У унинг боласини ҳаётга қайтариб ҳам билади, деб ўйлади. У врачга ўлган боласини мурдасини ўзи билан олиб кетишини айтди ва у врачни кабинетидан тўппа-тўғри футбол майдонига борди, у ерда америкалик хушхабарчи ўша оқшом касаллар учун ибодат қилиш ниятида эди. Аёл у ёққа туш вақтида етиб келди ва футбол майдонини учдан икки қисми аллақачон одамлар билан тўлган эди. Ёмғир майдалар эди. Ибодат карточкалари тарқатиладиган вақтини кутиб турган одамларни узун навбатининг охиридан жойини олди.

Ўша оқшом Биллини деворга олиб чиқиб ва уни платформага арқон билан туширганларида, олдида рўмоллар ва костюмларнинг катта тўдасини кўриб, у ҳайрон қолди. Майнер Арганбрайт ибодат карточкасини ололмаган кўплаб одамлар, Билли уларни устидан ибодат қилиши учун, шу ерга йиғганликларини тушунтирди. Ўша одамлар, у ибодат қилган кийимларга бор-йўғи тегилсалар ҳам шифоланиб қолишларига ишонишарди. Билли Павелни Ефесда рўмоллар ва камарлар уюми устидан ибодат қилган библиявий даврни эслаб, буни хурсанд бўлиб бажо этди.[382] Билли бу нарса ўша даврдагидай ҳозир ҳам амал қилишини билар эди. Бу мексикаликлар имон тушунчасини ўзлаштириб олди. Ҳар доимгидек, Билли уларни имонини ягона Шифокор бўлган, Исо Масиҳга қаттиқ йўналтирилиши фактини улар учун яна таъкидлаб ўтди.

[382] Ҳаворийлар 19:11-12

Ибодат хизмати бошланганидан бироз вақт ўтгач, Билли ибодат навбатидаги қандайдир қий-чувни пайқади. Навбатнинг охиридаги аёл ёрдамчиларни айланиб ўтмоқчи бўлаётганга ўхшар эди. Билли ўша аёлни уларни бошларидан ўтиб ва платформага интилаётганини кузатиб турди. Аёлни атрофидагилар шовқин-сурон кўтардилар. Бошқа одамлар уни ушлаб, навбатнинг энг охирига судраб этиб қўйишди. Бир-икки лаҳза ўтиб, у оёқларни ораларидан ўтиб, яна платформага қараб ташланди. Уни яна ушлаб олдилар ва орқага тортиб этишди, аммо у умуман кўнмасди.

Тез орада платформага Билли Поль кўтарилди:

— Дада, биз бу навбатда энди бошқа тартиб сақлаёлмаймиз. У ерда аёл қўлида ўлик боласини олиб олган ва у сени боласи учун ибодат қилишингни жуда қаттиқ истайди. Муаммо, уни қўлида карточкаси йўқлиги. Ибодат навбатидаги одамлар сахар эрталабдан бери шу ерда кутишяпти. Агар мен бу аёлга карточкасиз бу ерга ўтгани қўйсам, бундан ғалаён чиқиши мумкин. Аммо уни жазаваси тушмаяпти, ёрдамчилар ҳам уни ушлаб туролмаяптилар. Биз нима қилсак экан? — деди.

Билли бурилиб администраторларига қаради. Жек Моор Билли каби жуссаси кичикроқ одам эди. Улар қарийб тенгдош бўлиб, иккаласини ҳам бошида сочлари сийраклашган эди. Билли деди:

— Жек ака, у мени қандай кўринишимни билмайди. Ўша ерга боргинда, уни ўлган боласи учун ибодат қилган. Бу уни қаноатлантириши ва тинчлантириши керак.

Жек Моор розиман дегандай бош силкиди ва зиналардан ўтларни устига тушди.

Билли микрофонга бурилди ва энди одамларга гапиришга чоғланганди ҳамки, бирдан ўз кўзи олдида ҳавода ҳаракатланаётган, тишлари йўқ мексикалик чақалоқни кўрди. Болача хурсанд бўлганида қиладиган ҳаракатларни қилиб, эркаланиб, қиқирлаб ва қўлчаларини силкиб, кўрпачада ўтирар эди.

Билли деди:

— Жек ака, шошма-да. Яхшиси, буни ўзим қиламан. Ёрдамчиларга айт, аёлни ўтишига қўйсинлар.

Билли Поль бош ирғаб, эътироз билдирди:

— Дада, мен бунга йўл қўйолмайман. Бу ғалаёнга олиб келиши мумкин, ахир.

— Билли, мен ваҳий кўрдим.

— Ваҳий?! Унда бу бошқа гап.

Билли Поль ваҳийга шубҳа қилолмади.

— Мен бориб буни ёрдамчиларга хабар қиламан, — деди Эспиноза.

Бироздан кейин ёрдамчилар бир томонга сурилишди ва аёлни ўтишига қўйишди. У ацтеклар чопаридай платформага қараб отилди[383]. Америкалик хушхабарчи оёғига ўзини ташлаб, у қичқириб юборди:

— Падре! Падре!

Билли билан Эспиноза уни турғазишди. У йигирма ёшдан каттароқ бир чиройли аёл эди. Кун бўйи йиғлаганидан, уни қовоқлари шишиб кетган эди. Эҳтимол, ғамгинлик билан раҳм-шафқат сўраганча, қўлларида ушлаб турган ўлик боласи, унинг биринчи норасидаси эди. Билли болани кўролмади, фақат ёмғирдан ҳўл бўлиб кетган кўрпачаси остидаги қотиб қолган танасини қиёфасини кўрди холос.

— Бола қачон ўлган? — сўради Билли.

Она боласи шу эрталаб врач кабинетида ўлганини айтди. Билли деди:

— Эспиноза ака, бу ибодатни таржима қилма.

У ҳўл кўрпачага қўлини қўйди ва ибодат қила бошлади: “Самовий Ота, бу ҳаммаси нима дегани билмайман, аммо, бор-йўғи бир неча сония олдин мен ўзимни кўзим ўнгида болани эркаланаётганини ва ўйнаётганини кўрдим. Агар ўша ваҳийда шу ўлик бола кўрсатилган бўлса, унда унга Исо Исми ҳақи ҳаёти қайтсин”. Шу лаҳзадаёқ гўдак қичқириб юборди ва кўрпача остида оёқчаларини ура бошлади. Онаси қаттиқ қичқирди ва тўлғанаётган боласини бағрига босди.

Билли қаттиқ талаб қилиб деди:

— Эспиноза ака, ҳозирча бу ҳақида эълон қилма. Шу аёл билан уни врачига боргин. Мен уни врачидан бола ўлганлиги ҳақида далил бўладиган ёзма равишдаги кўрсатмага эга бўлишни истайман.

Ибодат хизматининг охирида Билли одамлардан қанчаси мана шу ҳамма кўрганларидан кейин, қўлларини кўтаришни ва ўз ҳаётларини Исо Масиҳга топширишни исташини сўради. Минглаб қўллар кўтарилди. Ҳайрон бўлганидан, Билли Эспинозага бурилди ва шундай деди:

— Уларга айт, мен католикларни ва протестантларни қўл кўтаришларини истамайман. Мен фақат олдин ҳеч қачон Исо Масиҳни қабул қилмаганларни қўл кўтаришларини истайман.

Эспиноза бу сўзларини халқ учун алоҳида таъкидлаб айтди, аммо қўл кўтарганларнинг сони ўзгармагандай туюлди.

Кейинги куни Роберто Эспиноза ўша аёлнинг боласини текширган ва уни ўлганлигини эътироф этган врачнинг имзоси қўйилган ёзма кўрсатмасини олди. Фақат шундагина, Билли бу воқеани босиб чиқишларига рухсат берди: аввал маҳаллий газеталарда, ундан кейин *“Шифоланиш Овози”* журналида.

Билли Мексикадан кетишга ҳозирланаётгани вақтида, ундан интервью олиш учун унга католик репортёр келди. Биллидан охирги беш кун ичида бўлиб ўтган кўплаб мўъжизалар ҳақида суриштириб, ундан сўради:

— Сиз бизнинг католик муқаддас кишиларимиз мўъжизалар қилишига ишонасизми?

— Агар улар тирик бўлсалар, унда қила оладилар, — усталик билан жавоб берди Билли.

— Католик черковида фақат ўлганидан сўнггина муқаддас бўлиши мумкин, — эътироз билдирди репортёр.

— Эҳтимол, католик черковида бундай дейдилар, аммо Библияда Павел “Эфесдаги Худо азизларига” деб мактуб ёзган. Улар албатта ўша пайтлар тирик эдилар.

— Бизлар ҳам Библияни ўқиймиз. Аммо, агар бирор бир савол туғилса, бизлар Библия эмас, балки черков нима дейишига ишонишни афзал кўрамиз. Чунки Рим папаси тўппа-тўғри Худодан эшитади.

Билли қошларини чимирди. Корреспондент деди:

— Менинг тушунишимча, сиз католик эмассиз.

— Ҳа, мен протестант ва бу дегани, мен католик черковига қарши норозилик билдираман — черковдаги одамларга қарши эмас, чунки у одамлар — Исо улар учун ўлган жонлар саналади, — аммо мен католик системасига қарши норозилик билдираман, қайсики ўша одамларни бошқаради ва уларни Библиядан узоқлаштиради, олиб кетади.

Бу мексикалик репортёр бундай ошкора гапдан ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Мистер Бранхам, сиз қайси черковга тегишлисиз?

— Раббий Исонинг черковига.

— Бунақа деноминацияни эшитмаган бўлсам керак.

— Эшитмаганингиз, бу деноминация эмаслиги туфайлидир. Бу Масиҳнинг танаси. Библияда айтилган: “Зеро бизлар ҳаммамиз бир бадан бўлиш учун ўша битта Руҳга чўмганмиз”.[384] Ташкилот ҳисобга ўтмайди. Фақат Исо Масиҳга бўлган имон, Библияга бўлган имон орқалигина келади.

[384] 1-Коринфликларга 12:13

— Мистер Бранхам, Библия — бу бор-йўғи католик черковининг қадимги тарихи эканини тан оласизми?

— Шу ерда мен сизга қўшилмайман. Мен кўплаб тарихий китобларни ўқиб чиқдим ва қанчалик мен тушунаман, католик черкови фақат Константин даврида пайдо бўлди, охирги ҳаворий ўлганидан қарийб уч юз йил ўтгач.

— Мистер Бранхам, католик черкови ҳақида сизнинг умумий фикрингиз қандай?

— Мендан уни сўрамассиз деб умид қилган эдим, аммо сиз сўраган экансиз, унда мен сизга ўз фикримни айтаман. Католик черкови — бу спиритизмнинг энг юқори формаси.

Бундай жавоб репортёрни ҳижолатга солди.

— Бунақа ғояни сиз умуман қаерда эшитгансиз?

— Ўликлар билан гаплашмоқчи бўлаётган ҳар қандай одам спирист ҳисобланади. Сиз, католиклар бўлсангиз, ҳар доим ўлиб кетган азизларингиздан ўзингиз учун ҳомийлик сўраб, улар билан гаплашмоқчи бўласизлар.

— Мистер Бранхам, аммо сиз Исо билан гаплашасизку, ахир, У ҳам ўлган бўлса.

— Бироқ Исо ўлганича қолмади. У тирилди, қабрдан чиқди ва бугунгача яшаяпти. Агар менинг Мексикадаги кампаниям бирор нарсани исботласа ҳам, у ҳам бўлса, Исо Масиҳни тирик эканидир!

76 БОБ
АМЕРИКА, ИСРОИЛГА ЎХШАБ, КАДЕС-ВАРНИДА ТУРИБДИ
1956-1957

ГЕРМАНИЯ ВА ШВЕЙЦАРИЯ кампаниялари каби, Уилльям Бранхамнинг Мексика кампанияси ҳам ғоят зўр муваффақият билан тугади. Тахминий ҳисобларга кўра, 20 000 одам унинг Такубайядаги беш кун кечқурунги йиғилишлари вақтида ўз ҳаётларини Исо Масиҳга топширдилар. Билли Мексика кампаниясида унга 1955 йил декабрида кўрсатилган ваҳийнинг биринчи қисмини бажарилганини қийинчиликсиз кўрди, аммо у ҳаммасини бажармади. Болалар ботинкачаси ва балиқ овлашни ўргатишлар, у осонгина тушуна оладиган шама эди, аммо ўша ваҳийдаги чодир ҳақида кўринишни тушуниб етиш унчалик ҳам осон иш эмас эди. Бу нарса унинг хизматини “учинчи силтови”нинг бор йўқ

тимсоли эдими, ёкида унга ҳақиқатдан ҳам жуда йирик чодир ёки кафедраль соборда ваъз қилиш керакмиди? Билли бу ҳақида ҳеч нарса билмади. Аммо ўша воқеа, агар бу асл маъносида бажарилиши керак бўлса, у ўз администраторларидан сотиб олса ёки ижарага олса бўладиган энг катта чодирни топишларини илтимос қилди. Бу ваҳийдан ҳозир унга бир нарса аён бўлди — Худо унинг хушхабарчилик хизматини давом эттиришини хохлайди.

Майнер Арганбрайт Биллини июлда ё Европага, ё Африкага қайтишини хохлар эди. Бу иккала таклиф хусусида ибодат қилиб, Билли бу иккала континентга сафар уюштиришни рад қилди. Муқаддас Руҳ уни Америка заминида қолишга мажбур қилди. У Америкада мана шу йил Хушхабар учун ҳал қилувчи йилдек, ўзида ҳар қачонгидан ҳам ниҳоятда заруратни ҳис этди. 1956 йил давомида бир неча бор шундай деди: “Мен олдиндан айтаман, Америка Қўшма Штатлари ё Масиҳни қабул қилади, ё шу йилдан Худонинг марҳаматидан айрила бошлайди. Мана қаранг, менга буни Раббий айтмади. Шунга қарамай, ишонаманки, Америка ё Масиҳни қабул қилади, ё бўлмаса, Уни мана шу йил узил-кесил инкор қилади — ва мен олдиндан у Уни рад этишини айтиб қўяман”.

Январь ойида Билли Жефферсонвиллида “Замонлар туташган жойда” деб номланган ваъзини қилди. Ўша ерда у Қудратли Худо воқеалар ривожини ўзгартиргани ва қандайдир бошқа янгисини бошлагани ҳақида тарихда бўлиб ўтган еттита асосий моментларга тўхталди. Бу кескин бурилишлар бўлакчаларининг ҳар бирида Худо ерга ўзига хос тарзда келди. “Туташиш” деган сўзнинг ўзи “иккита уч, иккита охир ёки ниманингдир йўналишининг боғланадиган жойи” деган маънони англатади, ва Биллининг ваъзида бу сўз табиий ҳодисаларга ҳам алоқадор эди. У бу туташиш жойлари Нуҳ, Мусо, Иброҳим, Илёс ва Исо даврларида бўлганини кўрсатди. Мана шу бешинчи буюк даврда Билли батафсил тўхтади. У шундай деди:

— Яхё Чўмдирувчи пайғамбар эди. Жаброил фариштa эди. Улар даврларнинг туташишигача тахминан 33 йил олдин пайдо бўлишди. Худо одамларни даврлар туташиш умуман яқинлигидан огоҳлантирди. Қаранг, нима бўлди. Биз Яхёни Иордан дарёсида турганини ва ваъз қилиб, одамларга Ўша Буюк, Келиши керак бўлган Ўша ҳақида гапираётганини кўрамиз. Буюк Иегова-Худо Ўзини Ўз Ўғли Исо Масиҳда кўрсатди. Бир куни кечқурун Исо кичикроқ қайиқда ухлар эди. Қайиқ Уни бўрон вақтида у ёқдан – бу ёққа ташлар эди. У бунга эътибор бермади. У жуда чарчаган эди. Аммо вақт туташишга келди ва нимадир бўлиши керак эди. У қайиқнинг бортига оёғини қўйди ва деди: “Тинчлан, бас қил”. Сизни ишонтираманки, ер-осмонни Яратганни Ўзи ўша қайиқда ётган эди, ва табиат бўйсуниши керак эди. Қачонки Буюк Худо гапирса, ажойиб нарсалар бўлади. Омин.

Ўзининг даври хусусида Билли қуйидагиларни деди:

— Мен ишонаман, бизлар Раббий Исо Масиҳнинг Иккинчи Келиши олдида яшаяпмиз. Биринчи марта У чақалоқдай келди. Бу сафар У Худо Каломига итоат этмаганлардан ўч олиш учун шон-шухрат Шоҳи каби келади...[385] Калом Таълимоти жуда ажойиб.биз биламизки, имон Каломни эшитишдан келади. Аммо Қудратли Худо ҳали ҳам яшаётгани ва ҳокимлик қилаётганини тасдиқлаш учун доим ғайритабиийлик талаб қилинади. Бизда ғайритабиийлик бўлиши лозим. Ва мен ишонаман ҳам, Черков ҳозир ҳали дунёга маълум бўлмаган қудратлиликни жуда бир муҳим бир тасдиқланиши арафасида турибди... Биз туташиш жойида. Ундан кейин нима бўларкин? Исо Масиҳ Масиҳда ўлган ва Худода тирик бўлган ўша ҳаммани қабул қилиш учун иккинчи марта шухратида келади. Худо уларнинг ҳар бирини ўзи билан олади, беозорлар ер юзига эга бўлади,[386] ва буюк Мингйиллик Шоҳлик бошланади. Бошқа урушлар бўлмайди, касалликлар ҳам, кулфат ва руҳий азоб-укубатлар ҳам бўлмайди. Бизлар бу ерда Унинг Борлигида абадий яшаймиз. Ва бу барча аломатлар ва нарсалар биз туташган жойдалигимизни кўрсатади.

[385] 2-Фесолоникаликларга 1:8 (Тарж.)

[386] Матто 5:5; Забур 36:11 (Тарж.)

Мексика кампаниясидан кейин Билли ўз йиғилишларида касаллар учун ибодат қилишини давом эттираверди, аммо у борган сари кўпроқ таълимот ваъз қилди. Фариштa унга, Илоҳий шифоланиш қармоқдаги “хўрак”, қайсики у одамларни диққатини тортади деб тушунтирди. Қармоқ эса Худо Каломи эди, ва ҳамма муҳимлик Ўшанда эди-да.

Христианларга уларнинг имони беҳудага бўлмаслиги учун, ўз имонларининг фундаментал принципларида тасдиқланиши зарур эди.

Мичиган штати, Стургис шаҳрида Билли яна Христианларга Муқаддас Руҳга чўмишнинг рамзи бўлган парда ортига — Муқаддаслар Муқаддасига кириш қанчалик муҳим эканлигини таъкидлаб, Мусонинг чодирини уч бўлмаси ҳақида таълим берди. У деди:

— Кўпларда, ўзини Христиан деб эътироф этадиганларда, ҳар доим қийинчиликлар бўлиб туради, улар кучлари етгунча ўзларини ушлаб туришга ҳаракат қиладилар. Мен буни уларда тўғри библиявий таълимни етмаслигидан бўлади, деб ҳисоблайман. Аслида, "ушлаб туриладиган" Христианин деган нарсани ўзи йўқ. Масиҳ — У сизни ушлаб туради. Христианликнинг барча принциплари тинчлик, оромга асосланади. Исо деди: "Эй, оғир юк остида қийналиб, ҳориб-толган ҳаммаларингиз! Менинг ҳузуримга келинг. Мен сизга ором бераман".[387] Эътибор беринг, бу, сиз қилаётганингиз эмас, бу бошқа нарса; ором Масиҳ айнан сиз учун қилган ишидан келади. Кимдир менга, у Худони изладим, деди. Бу хато. Инсон ҳеч қачон Худони изламаган — Худо одамни излаган. Одам Ато Адан Боғида гуноҳ қилганидан кейин, айнан у боғда югуриши ва: "Ота! Ота! Қаердасан?" — деб қичқириши керак эди. Бунинг ўрнига, Худо боғда юрди ва: "Одам! Одам! Сен қаерда?" — деб чақирди.[388] Одам яширинди. Шунақа инсон табиати.

[387] Матто 11:28

[388] Ибтидо 3:9

Билли ўз кампаниялари вақтида ҳам, Бранхам Чодирида бўлганида ҳам кўпроқ таълимотдан тушунтира бошлади. Ҳар сафар, қачон у Жефферсонвиллидаги мунтазам черков хизматларида бўлганида, муҳтарам Орман Невилл Билли йиғилишга гапира олиши учун қувониб кафедрани берар эди. Бу Жефферсонвиллилик ваъзлар у бошқа жойда айтган ваъзларининг бор-йўғи бошқача айтилгани эмас эди. Унинг хушхабарчилик кампаниялари вақтида одамлар жуда кўп аралашлиги унга бирор-бир мавзуда батафсил тўхтаб ваъз қилишига қўймас эди. Аммо Бранхам Чодирида Билли соғлом таълимотни синчиклаб, тушунтириш мақсадида иложи борича чуқурроқ ваъз қилиши учун ўз руҳида эркинлик ҳис этар эди. Унинг Жефферсонвиллидаги кўпчилик ваъзлари магнитофон ленталарига ёзиб олинар эди. У ушбу ёзиб олинган ваъзлардан юз бериши мумкин бўлган, узоқ келгусида бўладиган таъсирини англай олган эди. Ҳар ҳафта борган сари кўпроқ одамлар бу ёзилган ваъзларни сўрашар эдилар. Улардан кўплари бу ваъзларни узоқ вақтлар олиб юришар ва бир неча марталаб уларни тинглардилар.

1956 йил 27 майда Билли Жефферсонвиллида Кадес-барна ҳақида ваъз қилди — Ваъда Этилган Ерга ўн икки айғоқчи кетган пайтда, Исроилликлар қароргоҳи бўлган Синай даштидаги ўша воҳа ҳақида гапирди. Айғоқчилар турли хабарлар билан қайтган пайтда, Исроилликлар қарор қабул қилиши керак эди: олдинга боришлари ва ўша ерни олишга уруниб кўришлари керакми, ёки бўлмаса, яхшиси орқага, чўлга қайтиб ва ўрнашиш учун бошқа жой излаши керакми? Ҳақиқатдан ҳам, Канъон[389] ерини босиб олиш йўлида кўплаб даҳшатли тўсиқлар турганди, бироқ бу ерни Худо ваъда қилган эди. Энг муҳим масала руҳий характерда эди: улар Мусога ишонишсинми ёки йўқми? Нима бўлганда ҳам, шу ерни Худо ваъда берди, деб уларга Мусо айтганди ахир. Ўша Исроилликлардан кўплари Мусога ишонмасликка қарор қилдиларки, бунинг оқибатида улар даштда, токи битта қолмай ўлмагунича, қирқ йил дарбадар юришди. Охир оқибат, айнан уларнинг болалари Канъондаги Ваъда Этилган Ерни эгаллашди. Билли Америкадаги Христиан черкови ҳам худди шу аҳволда, деди. Унинг фикрича, 1956 йилда Америка ўзининг Кадеш-барнасига келиб манзил топди. Унинг олдида қарор қабул қилиш турганди.

[389] Канъон — аввалига канъонликлар яшаган Ўрта Ер денгизи қирғоқлари бўйлаб (тор маънода) чўзилган паст текислик шундай номланган эди. Бу манзил бутун Канъон юртини бир қисмини ташкил этиб, у ерда тоғли мамлакат ҳам кириб кетади. (Саҳро 13:30; Ёшуа 11:3 қаранг). Кейинчалик Канъон деган ном(кенг маънода) Иордан дарёсидан ғарбга бутун Канъон ерига ва Иордандан жанубдаги Галаад мамлакати қаршисидаги ерларга ишлатила бошланди. Рубим ва Гад қабиласи Галаад ерига жойлашди, қолган қабилалар бўлса Канъон ерига бордилар. (Саҳрода 32:29 ва бошқаларни таққосланг; Ёшуа 22:9,32). Шундай қилиб, Канъон деб Ўрта Ер денгизи ва Иордан орасидаги Ливандан Миср оқимигача бўлган мамлакат номлана бошланди. (Саҳрода 33:51; 34:1 ва ҳоказо; 35:10,14). (Тарж.)

1956 йил 3 июнда Билли "Қўзининг Ҳаёт Китоби" деган ваъзини айтди. Жефферсонвиллида туриб, у имон билан шифоланиш кампаниялари вақтидагидан кўра

олдиндан белгиланиш, тақдир қилиниш ҳақида анча эркин гапира олди. Библияга асосланиб у, қачон бўлмасин қутқариладиганларнинг исмлари Қўзининг Ҳаёт Китобида дунё яратилишидан бурун ёзилганини исботлади.[390]

[390] Ваҳий китоби 13:8; 17:8.

17 июнда Билли "Ваҳий — символлар китоби" деган ваъзини ўқиди. У Ваҳий китобининг 5-чи бобини маъносини айтиб берди. У ерда Худо еттита муҳр билан муҳрланган ёпиқ китобни қўлида ушлаб, самодаги тахтида ўтирар эди; ва на осмонда, на ер юзида, на ер остида китобни ола оладиган ва унинг еттита сирини очадиган бирор кимса топилмади. Кейин Худонинг Қўзиси олдинга чиқди. Айнан У лойиқ эди, шу учун ҳам у еттита муҳрни очди. Дониёр пайғамбар мана шу китобни кўрган ва у охирги вақтгача муҳрланган бўлади, деган эди. Кейин Билли Ваҳий китобининг 10-чи бобида — ўша, осмондан тушаётган бошида камалаги бор Фаришта ҳақида тўхталди. Бу Фаришта ўнг оёғини денгиз устига, чап оёғини ер юзига қўйди ва абадул-абад барҳаёт бўлган Парвардигор ҳақи қасам ичиб, еттитинчи фаришта карнай чалиб овоз берадиган Худонинг сирли мурод-мақсади буткул амалга ошади, дейди.

Билли Ваҳий Китобининг 1-чи бобидан ўқиди: *"Бу Китоб Исо Масиҳнинг ваҳийсидир. Худо тез орада юз бериши муқаррар бўлган ҳодисотни Ўз қулларига кўрсатиши учун Исо Масиҳга ушбу ваҳийни берди. У Ўз Фариштасини юбориб, қули Юҳаннога буни билдирди..."*

— Фаришта? У қандай қилиб буни кўрсатмоқчи бўлади? Худо Исо Масиҳнинг Ваҳийсини Ўз қули, пайғамбарига берди ва буни Фариштаси орқали кўрсатди. Омин! Буни сиз кўряпсиз деб умид қиламан.

У ўқишда давом этди: *"Юҳанно Худонинг Каломи ва Исо Масиҳнинг шаҳодати, яъни кўрган нарсаларининг ҳаммаси ҳақида гувоҳлик берди. Бу башоратни ўқиётган ва тинглаётган ҳамда бу ёзилганларга амал қилувчилар бахтиёрдир. Чунки вақт яқин".*

— Қулоқ солинглар, қачон вақт яқин бўлади? Қачонки Исо Масиҳнинг Ваҳийси Масиҳни Танасига очиқ бўлади, ва Масиҳ ўлик сингари эмас, балки худди тирикдай очиқ бўлади, ўтмишда ўшанда У нималар қилган бўлса, айнан яна шундай қилиб, Ўз Черковида яшаётгандай очиқ бўлади: худди ўшандагидай хизмат, худди ўшандагидай Хушхабар, худди ўшандагидай тирилган Масиҳнинг аломати. Қачонки У Черковига Ўз фариштаси орқали очиқ бўлади, ўшанда вақт яқин бўлади. Ва ўша вақтдан бери, токи бизнинг кунларимизгача Исо Масиҳнинг сири ҳеч қачон охирги бир неча йилдагидек очиқ бўлмаган эди. Вақт умуман яқин!

1954 ЙИЛ КАЛИФОРНИЯДА ваъз қилаётиб Билли, 1956 йилда Лос-Анжелесда, Азуса кўчасидаги миссияда бошланган уйғонишга 50 йил тўлади, деди. Қайсики у черков учун Руҳнинг инъомларини айниқса ўзга тилларда гапириш, тилларнинг таъбири ва башоратгўйлик инъомларини тиклади. Бу уйғониш тез орада бутун дунёга тарқалди ва XX аср эллигинчилар ҳаракатини бошлаб берди. 1954 йилда Билли Азуса кўчасида уйғониш бошланиши кунини 50 йиллигини байрам қилса ва съез ўтказса ажаб иш бўлар эди, деб таклиф қилди. Бу фикр эллигинчилар хизматчиларига ёқиб тушди ва улар юбилей съездини 1956 йилнинг 16-22 сентябрига — яъни, Муқаддас Руҳ 1906 йилда Азуса кўчасидаги миссияга биринчи бўлиб тушган айнан ўша ҳафтани ўзига режалаштирдилар.

1956 йил сентябрида Билли поездда Жефферсонвиллидан Лос-Анжелесга Азуса кўчасидаги уйғонишни байрам қилиш муносабати билан бўладиган съездда қатнашиш учун жўнаб кетди. Жадвал бўйича унга шу ҳафтада икки марта ваъз қилиши керак эди. Биринчи оқшомдаёқ у ваъз қилганида, 5000 га яқин одам Фаришта Маъбадини тўлдирди. Тўлиқ Инжилчи Тадбиркорлар Жамияти президенти Димас Шакарьян Биллини тингловчиларга таништирди. Шакарьян ўз сўзида Азуса кўчасидаги уйғонишнинг меросини қуйидаги сўзлар билан усталик билан ифодалади: "Элликчилар — бу деноминация эмас; бу бошдан кечириш тажрибаси".

Билли бу мавзуда ўзининг "Азуса кўчасидагиЮбилей" деган ваъзида анча батафсилроқ тўхталди. У "эллигинчи" сўзи 50-чи кун деганини, "юбилей" деган сўз эса – 50-чи йил дегани, деб тушунтирди. Ибронийлар учун Эллигинчи байрами Мусо Қонунида

белгиланган байрамларнинг бирига тааллуқли, Христианлар учун бўлса Эллигинчи Исо тирилганидан кейинги 50-чи кун билан — ўша, Христианлар черкови учун Муқаддас Руҳ берилган кун билан боғлиқ, алоқадордир. Худди "Эллигинчи" каби "юбилей" сўзи ҳам Мусо давридан бери маълум, ва у ҳақиқатдан ҳам Мусо Қонунининг Низомларидан бири ҳисобланади. Худо Исроилликларга ҳар 50 йилда ором йилига риоя қилишларини буюрди. Юбилей йили вақтида ерни экмасдан, ишлов бермасдан қолдириш керак эди, мусодара қилиб олинган мулклар олдинги эгасига қайтарилар, қулларни эса озодликка қўйворишар эди.[391] Мусонинг қонунларида қулларни озод қилиш хусусида баъзи бир қизиқ шартлар бор эди. Агар озод қилиш йили келганида, қуллардан кимдир ўз жанобиникида қолишни истаса, у бундай қила олар эди. Бундай ҳолатда бу қулнинг қулоғини у бутун умр қул бўлиб қолганини белгиси сифатида, бигиз билан тешишар эди.[392] Оқибат натижасида, ҳар бир қул юбилей йили вақтида ўзининг қарорини қабул қилар эди.

[391] Левитлар 25:8-13

[392] Чиқиш 21:2-6

"Юбилей"ни ўзининг контексти сифатида фойдаланаётиб, Билли гуноҳнинг қуллигида бўлиб турган ҳар бир эркак, аёл ва бола олдида худди у ўша сайлов олдида қўйди. У деди:

— Бу ажойиб тимсолки, уни бугунга ҳам ишлатса бўлади, қачонки ҳар бир одам танлаши керак: ё Худонинг муҳрини қабул қилиши керак, ёки ҳайвон тамғасини. Павел деди: "Имон — эшитишдан, эшитиш эса — Масиҳ Каломини ваъз этишдан ҳосил бўлади.[393] Қачонки инсон, у озод бўла олиши мумкинлиги ҳақида эшитади ва у ўзини гуноҳдан озод бўлишини рад қилади, унда у Худодан ўзгача муҳрланади, ва ҳайвоннинг тамғасини олади. Қачонки эркаклару-аёллар Раббий Исо Масиҳнинг ажойиб Хушхабарини эшитади, қайсики уларга уларни Муқаддас Руҳга чўмилиши лозимлигини айтади, шунда улар танлаши керак бўлади. Агар сиз буни қабул қилсангиз, унда сиз Масиҳда озодликка эга бўласиз. Агарда сиз буни рад этасиз, унда сизга тамға қўйилади ва сиз Масиҳдан ташқарида муҳрланасиз. Шунинг учун сизни Сўзга бўлган муносабатингиз жуда ҳам муҳим.

[393] Римликларга 10:17

Билли Азуса кўчасидаги миссияда 1906 йили йиғилган эркаклар ва аёллар ҳақида сўзлади. Булар оддий одамлар эдилар. Улар Худо олдида ўзларини бўйсундирдилар, итоат қилдилар ва токи барча дунёвий нарсалар уларни олдида қуриб ва эътиборсиз нарсага айланмагунича, Худонинг Сўзи уларни жонларида олов бўлиб алангаланмагунича, соатлаб ибодатда бўлиб турдилар. Билли, агарда 1956 йилда Христианлар худди шундай қилганларида эди, улар ҳам худди ўша натижаларга эришар эди, деди.

Унинг ваъзларидан юзлаб одамларда олдинга чиқишга ва Худодан уларни Муқаддас Руҳга чўмдиришини сўрашга кучли хохиш уйғонди. Шунга қарамай, уни қилган ваъзлари ҳаммага ҳам ёқавермади. Қачонки у черковдаги гуноҳ уйғонишга тўсқинлик қилишини айтганида, баъзи одамларга қаттиқ тегиб кетди. Хизмат тугагач бир аёл бошқасига шундай деди: "Бу хусусда Бранхам хато қилади. Биз америкалик эканмиз, чекишга ва шорт кийишга, агар буни хохласак, бунга бизни ҳаққимиз бор. Агарда мен эшикка яқин ўтирган бўлардим, мен у ёқдан чопалаб чиққан бўлар эдим". Ўша аёлнинг суҳбатдоши Биллининг таниши эди ва у унга бундай танқидий мулоҳазани айтиб берди.

Кейинги оқшом Билли "Қўзи ва кабутар" деган ваъз қилди. Қачонки Яхё Чўмдирувчи ўзига қараб келаётган Исони кўрганида, шундай деди: *"Мана, дунёнинг гуноҳини Ўзига олувчи Худонинг Қўзиси!"* Исо сувга чўмдирилганидан кейин, Яхё шундай деди: *"Мен Илоҳий Руҳнинг осмондан кабутардай учиб келиб, Унинг устига қўнганини кўрдим".*[394] Билли кабутар ва қўзи дунёдаги яратилганлар орасидаги энг бўйсунганидир, деб кўрсатди. Нима учун Худо буларни Ўзини акс эттириш учун тимсол сифатида фойдаланди? Чунки Худонинг Ўғли доимо Ўз Отасига итоаткор эди. Масиҳ яшашга ҳаққи бор эди, аммо Худонинг Қўзиси бўлганидан У, барча Унга ишонганлар абадий яшаши учун Ўзини Гўлготада қурбонлик қилиб, Ўзининг инсоний ҳақ-ҳуқуқларидан итоаткорона воз кечди. Исо бизга намуна бўлди. У Отанинг иродасига қандай бўйсунган бўлса, бизлар ҳам шундай қилишимиз лозим. Бунинг устига, Исо Ўз халқини қўйларга ўхшатди. У Ўзини Яхши Чўпон деб атади, Қайсики

Ўзининг адашган қўйларини қидиради.[395] Қўй уни юнгини олаётганга ўз ихтиёри билан юнгини беради. Худди шундай Христианлар ҳам яхши ҳаёт йўлида Яхши Чўпон ортидан бориш учун, гуноҳ қилишга бўлган ўз ҳуқуқларидан бажонидил воз кечишлари керак.

[394] Юҳанно 1:29-36

[395] Юҳанно 10:11-14

1956 йилнинг охирги кварталида, ўзининг одатдаги муҳаббат, иноят, имон ва Илоҳий шифоланиш мавзуларидаги таълимот ваъзларидан ташқари, Билли гуноҳ ва Худо ҳукми каби баъзи бир анча кучли ваъзларини қилди. Жефферсонвиллида "Девордаги қўл ёзма" деган ваъз қилди. Бу ваъз зиёфат вақтидаги майхўрлик қилган Белшазарнинг ва кўплаб америкаликларнинг Худо Сўзига муносабати ўртасида тенглик ишорасини қўйди. (Дониёр девордаги ўша ғайритабиий қўл ёзмани қуйидагича тушунтириб берди: "Сен тарозида тортилдинг ва ҳукмронлик қилишга номуносиб бўлиб чиқдинг").[396]

[396] Дониёр китоби 5:25-27

Кейинроқ Билли "Қизариб қолган пайғамбар" деган ваъзини қилди. Унда у Исроилдаги бутун ҳамма гуноҳ ва йўлдан озишларни кўриб, Ездрани уялгани ҳақида гапирди. Билли Ездра даври билан 1956 йил ўртасида параллель ўтказиб, гапирди:

— Бу мавзуда гапириш унчалик ҳам осон эмас. Мен кўплаб улар ҳақида гапириш осон бўлган нарсаларни танлашим мумкин эди, аммо, биродарлар, агар кимдир бу гуноҳкор, бузуқ кунларда турмаса ва огоҳлантиришни бақириб билдирмаса, унда нима бўладийкин? Ахир кимдир буларни барчаси ҳақида гапириши керак-ку. Эҳтимол, Ездра ўз даврида бундай қилишни истамагандир, аммо у барибир шуни қилди.

Бундай мавзуларда Билли биргина Жефферсонвиллида ваъз қилмади. Борган сари кўпроқ ва кўпроқ ўз хушхабарчилик ваъзларида у гуноҳга қарши гапирди ва Христиан учун дунёвий модадан қочишни ва Худо олдида тоза, муқаддас ҳаёт билан яшаш зарурлигини таъкидлаб, уларни муқаддасликка чақирди. Билли эски черков мадҳиясидан ушбу сўзларни тез-тез цитата келтирар эди:

Биз тўсқинларни пасайтирдик. Биз тўсқинларни пасайтирдик,
Гуноҳ билан бизлар муроса қилдик;
Биз тўсқинларни пасайтирдик, қўйлар чиқди,
Аммо қандай қилиб энди эчкилар кирди?

Кейин у бу саволга жавоб берди:

— Эчкилар кирди,чунки сиз тўсиқларни пасайтирдингизлар. Сизлар гуноҳ билан муроса қилдингизлар, унга ён бердингиз.

1956 йил 5 октябрида Билли Чикагода "Бўялиб олган Изабел" деган ваъз қилди. Аёл қандай иш тутмаслигини кўрсатиш учун, Ахабнинг ахлоқсиз хотини Изабел ҳақида ҳикояни ишлатди.[397] У Изабелнинг бузуқилиги билан ҳозирги замонда Америкадаги аёлларнинг ахлоқий тушкунлиги ўртасида параллель ўтказди. Бу ахлоқий пас кетиш ҳатто Христиан черковларига ҳам кириб борди. Билли шорт ва шим киядиган, сочларини кесадиган, косметикани ишлатадиган ва тамаки чекадиган аёлларга қарши ваъз қилди. У, аёллар эрларига оилада улардан устунлик эмас, балки уларга бўйсунишлари керак деб ўргатди. У деди:

[397] 3Шоҳлар 21:1-24; 4Шоҳлар 9:30-37.

— Агар менда Муқаддас Руҳ бор, унда сиз яхшиси бу орқали Ҳукм куни келгунигача тузалинг. Ва ўз пасторингизга бирор-бир бошқача дейишига қўйиб берманг, чунки бу Худонинг Каломида, "РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ".

— Эсингизда бўлсин, қачонки шунга ўхшаш гуноҳлар одамлар орасида бўлиб ўтади экан, Худода ҳар доим бунга қарши турадиган ва уларга бу тўғрисида гапирадиган бир кимсаси бор. Изабел даврида Худода Тишбалик Илёс бор эди ва тортинмай нетмай шоҳ Ахабга келди ва деди: "Ахаб, сен адашяпсан. Худо бу барча бўлмағурликлар учун сени жавоб беришга мажбур қилади". Изабел бўлса нима қилди? У Илёсни, у унга нима тўғри ва нима нотўғрилигини айтгани учун ёмон кўриб қолди. Албатта! Агар одамларга ҳақиқатни

гапирсанг, улар такрор-такрор тавба қилиш ўрнига, сени ёмон кўрадилар. Улар пушаймон қилишлари ва Худога, У уларга ҳақиқатни таниб олишларига йўл қўяётгани учун миннатдор бўлишлари даркор. Рост.

Биллининг танқидига биргина фақат аёл нишон эмас эди. У деди:

— Мен сизлар учун уялиб кетаман, ўз хотинларингизга шундай қилишга қўйган Христиан бўш-биродарлар. Бу сиз қанақа лойдан олинганингизни кўрсатади. Сизларга Худо раҳм-шафқат қилсин, агар сизда уйингизни тартибга олишга етарлича мардлик бўлмаса.

Одамларда бу ҳақида нотўғри фикрлар пайдо бўлмаслиги учун, Билли нимани кўзда тутганини тушунтирди.

— Илтимос, мени тушунинглар. Сизни рафиқангиз оёқартгич эмас; у сизнинг севгилингиз. Сизга у билан яхшилаб ўтириб ва бу ҳамма нарсалар тўғрисида гаплашиб олишингиз керак бўлади; у билан мулоҳаза қилиб кўринг, бирга ибодат қилинг ва Библия ўқинг. Агар кўпроқ эркак-христианлар шундай қилганларида эди, унда бу гуноҳлар черковда бўлмас эди.

Билли бундай қаттиқ сўзлар билан кўп одамларни хафа қилганини билар эди. Гарчи у одамлар бу нарсани севги билан айтилган шамали танқид каби қабул қилар деб умид қилган бўлсада, унга ҳамма ҳам худди шундай кўрмаслиги маълум эди. 1956 йилнинг ўтиб бораётган охирги кунларида, 1957 йилдаги орзуларидан завқланиб, Билли секретарига шундай деди: “Кокс ака, мен гуноҳга қарши ваъз қилишга юрагимда қаттиқ жазм қилдим. Мен сўзсиз одамларга фақат ҳақиқатни айтаман, Худо эса уни керакли томонга йўналтиради”.

1957 ЙИЛНИНГ 20 ЯНВАРИ, якшанба куни унинг Канададаги эски қадрдонларидан бири уйига кирганида, Билли ўзининг “Христианликкка тақлид қилиш” деган ваъзларининг қайдларига охирги штрихлар қўшаётиб, ўз кабинетида ўтирган эди. У уни охирги марта кўрганидан бери, дўсти қанчалик кўп кексайганини Билли сезмасдан қололмади, бу эса, ўз навбатида уни ўзини ҳам қанчалар қариганини эслатди. 1947 йилда бу канадалик хизматчини худди Индиананинг қора тупроғидек қоп-қора мўйлови бўлар эди. Энди-чи, уни эллик ёшида, мўйлови қарийб оқариб бўлган эди. Билли қирқ саккизда, ва унинг қачонлардир қалин, қоп-қора ва жингалак сочлари ҳам — сийраклашди ва худди шундай оқарди.

Уни ўртоғи деди:

— Бранхам ака, икки йил муқаддам Раббий менга Қўшма Штатлар бўйлаб хизматлар ўтказишга чақирган деб ўйлаган эдим, ва мен бир неча вақт хушхабарчи бўлиб меҳнат қилдим. Бутун мамлакат бўйлаб сафар қилиб, асосан икки тоифа черковларни пайқадим: биринчилари совуқ, формал ва бефарқдирлар, бошқалари эса озод ва фанатик эдилар. Икки ойлар олдин Штатлардаги бир черков мендан уларга пастор бўлишимни илтимос қилди. Уларни роялни данғитлаганларида ва стулларни ағдаришганларида менда шубҳа пайдо бўлди. Мен ваъз қилганимда улар тинчгина ўтиришди, шу учун мен уларни юрагига етиб борарман деб умид қилдим. Ваъзимни сўнгида: “Келинглар, Раббийга сиғинамиз ва ҳаётимизни Унга бағийлаймиз”, — дедим. Худди шу пайт қандайдир ёшроқ бир телба одам кафедрага югуриб келди ва: “Омин, ваъзхон, сен бир қарада мени қўлимга! Эрталабдан бери мени қўлимдан мой томчилаб турибди, аллилуйя! Агар ҳозир одамлар менга келсалар, мен бу мойдан шифоланишлари учун бераман”, — деди. Мен жавоб бериб: “Ўғлим, ўзингга жой топда, ўтир”, — дедим. Бранхам ака, биласанми, шундан кейин нима бўлди? Черковни оқсоқоллари келишди ва *менга* жой топишни ва ўтиришни буюрдилар.

Канадалик юзини қўллари билан бекитиб ва йиғлаб юборди.

Билли дўстининг елкасига тегиб, уни диққатини ўзига қаратди.

— Буни қанақа эканини биламан. Мен қаерга бормайин, мен ҳамма жойда бу икки гуруҳни кўраман: бир томонда интеллектуал черков, эмоционал, ҳис-туйғуга тўлиб-тошганлари эса бошқа томонда. Ва баъзида ҳар қайси томон шунчалик бир-бирига қарши бўладики, иккисига ҳам Хушхабар ҳақиқати билан келишни йўлини топишни ўзи қийин бўлади.

— Бранхам ака, сени ўзинг сафарлардаги хушхабарчи экансан, сен қандай қилиб бу иккала қарама-қаршилик орасида ўз хизматингни мувофиқлаштира олаяпсан?

— Бу фақат Илоҳий иноят.

— Нимаям дейман, Канадага қайтаман ва бу ёвуз руҳлардан кетишга уриниб кўраман.

Бундан бироз ўтиб, Биллининг секретари Род Кокс, унинг кириш эшигини қоқди, чунки уни черковга этишга тайёр бўлган эди. Бранхам Чодирига бораётиб, Билли ўйлаб қолди: "Раббим, менинг Канададан келган дўстим ҳақ. Ўша кундан бери, мен черковимга бурчактош қўйган кунимдан буён бу узоқ, оғир кураш; ўша икки қарама-қарши томонлар мени ўз томонларига тортяптилар, мен бўлсам бу вақтда ҳақиқий Хушхабарни етказишга ҳаракат қилиб, йўлнинг ўртасида турибман. Ўтган йили одамларни барқарор қилиш учун, уларни Сўзга бароварлаш учун ва Христианлар ўзларининг барча фарқ ва тафовутларини унутиб ва ўзаро бирликка келишишлари учун мен бор кучимни сарфладим. Ўтган йилда мен таълимотни ваъз қилиш учун шундай кечиктириб бўлмасликни ҳис қилдимки, гўё бу йилда, Америка ўз қарорини қабул қилиши лозим эди. Аммо мана шу лаҳзада бирор-бир ўзгариш бўлгани эҳтимолдан узоқ, даргумон. Раббим, бу америкалик черковлар хусусида энди нима бўлади? Улар билан нима бўлади экан?"

— *Сени бу билан нима ишинг бор? Сен Мени ортимдан юр,* — деган овоз кучайтиргичнинг баритондай аниқ овозини Билли эшитди.

Род Кокс светофорнинг қизил чироғи сабаб тормозлай бошлади ва бурилишни кўрсатувчи чироғини ёқди. Билли бўлса фикран 1933 йилги ўша эрталабга қайтди. Ўшанда у Бранхам Чодирига бурчак тоши қўйган эди. Унга бинони қуриб битирганини ваҳийда кўрсатиб, Фаришта унга: *"Бу сенинг чодиринг эмас"*, — дея уни лол қилиб қўйган эди. Кейин Фаришта уни боғга олиб ўтди. Боши узра булутсиз кўм-кўк осмон турган эди. *"Бу сенинг чодиринг"*, — деди Фаришта. Боғда фақат икки қатор дарахтлар бор эди: бир томондан олмалар бор эди, бошқа томондан эса — олхўрилар эди. Ҳар бир қаторнинг охирида биттадан челак турган эди. Фаришта деди: *"Сен бу иккита челакка ўтқазишинг лозим"*. Ваҳийда Билли олмадан бир шоҳча олдида, уни битта челакка ўтқазди; ундан кейин олхўридан шохча синдириб олди ва уни бошқа челакка ўтқазди. Иккала бир зумда ўсган дарахтларда мевалар пишди. Осмондан овоз гапирди. *"Сен яхши иш тутдинг. Қўлларингни чўз ва ҳосилни йиғ"*.кучайиб кетган шамол дарахтларни шундай тебратдики, шохлардан мевалар узилди. Биллининг бир қўлига олма тушди, бошқасига бўлса — олхўри. Овоз айтди: *"Қачон бу ваҳийдан чиқасан, 2-Тимофей 4ни ўқи"*. Ўша ваҳий зоҳир бўлганидан бери, Билли бу бобни тез-тез ўқиди:

> *Худо Каломини ваъз қил, ҳозир бунинг вақтими, вақти эмасми, доим гапиришга тайёр бўл. Бутун сабр-тоқат билан таълим бериб, одамларни мулзам қил, уларга таъна-ю насиҳат қил.*
>
> *Чунки шундай вақт келадики, одамлар соғлом таълимотга чидаш бермайдилар, натижада ўз орзуларига мос муаллимлар тўплайдилар. Бу муаллимлар ўшандай одамларнинг қулоқларига ёқадиган сўзлар айтадилар.*
>
> *Улар қулоқларини Ҳақиқат Каломидан беркитиб, афсоналарга буриладилар.*
>
> *Аммо сен ҳамма нарсада ҳушёр тур, азобларга сабр-тоқат қил, Инжил воизлигини бажо келтир, хизматингни сидқидилдан ижро этгин.*

1933 йилда ўша ваҳий Биллини ўйлантириб қўйган эди. Энди эса уни 1957 йилда қараб туриб, у уни маъносини тушунди. Ўша мовий осмон унинг дунё миқёсидаги хизматини билдирар эди. Худо уни 1946 йилди халқаро миқёсда хизмат қилишга чақирганида, у ҳеч қанақа Христиан деноминацияга қўшилмай, эркин хушхабарчи сифатида йўлга отланди. Бу унга ҳар қандай таклиф қилинган жойга боришига эркинлик берар эди. Ва эллигинчилар руҳий инъомларига жуда аҳамият берганлари ва уларни қабул қилганлари сабабдан, эллигинчилар черкови энг йирик спонсорларидан ва Биллининг тарафдорлари бўлганлигига ҳайрон бўлишга тўғри келмади. Ўша боғдаги икки қатор дарахтларга келсак, улар

эллигинчилар ҳаракати доирасидаги энг катта иккита фракцияни ифодалар эди: тринитарианлар ва ягоначилар. Гарчи бу иккала гуруҳда ҳам кўплаб умумийликлар бўлса-да, уларни Худолик тўғрисидаги бир-бирига зид фикрлар ажратиб турар эди. Оддий қилиб айтганда, ягоначилар гуруҳи Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ орасида ҳеч қандай фарқ йўқ деб тасдиқлаб, битта Худога ишонадилар. Тринитарианлар гуруҳи эса Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ учта алоҳида шахс бўлиб, улар биргаликда битта Худони ташкил қилади, деб ишонадилар.

Билли кўп йиллар давомида бу икки фракция орасида иккала гуруҳ билан ҳам мулоқот қилиш имконига эга бўлиш учун, уларни бирига ҳам тегиб кетмасликка уруниб, эҳтиёткорона ҳаракат қилди. Бироқ у Христианлик имонининг фундаментал таълимотларини ваъз қилишга кўпроқ урғу бера бошлаганидан бери, у энди бошқа Илоҳийлик мавзусини айланиб ўта олмади. Нима бўлганда ҳам, ахир Худонинг феъл-атвори ҳақиқатнинг бошланғич нуқтаси эди-да. Христианлар аввало Худони кимлигини билмай туриб, ўз Яратган Эгасига қандай яқинлаша оладилар?

Аслини олганда, Билли ягоначилар ҳам, тринитарианлар ҳам адашяптилар деди, ҳақиқат бўлса айни шу икки зиддиятчилар орасида эди. Ўз таълимотида у ҳақиқатдан ҳам Худо битта деб ўргатди. Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ — булар бир Худонинг учта алоҳида шахси эмас, балки умуман тескариси: бу битта Шахснинг Ўзини учта турли хизматда намоён қилиши. Эски Аҳдда Худо Ўзини Қудратли Ота каби намоён қилди. Янги Аҳдда Худо Ўз халқини сотиб олиш учун одам бўлди. Ниҳоят, Худо Муқаддас Руҳ кўринишида Ўз халқига жойлашди. Билли деди:

— О-о, эллигинчиларга керак нарса — яхши Библиявий дарс! Ўшанда сизларнинг орангизда бунчалар бемаъниликлар бўлиб ўтмасди. Исо Масиҳ Худонинг Ўғлидир. Унда Руҳ чексиз бор эди. Худо Ўз Ўғлида қисман бўлмаган эди, балки тўла-тўкис Худо Ўз Ўғли, Исо Масиҳда эди.[398] Худо Ким бўлса, Ҳаммасини, У Масиҳда қўйди ва Масиҳ Ким бўлган бўлса, ҳаммасини, У Черковга қўйди. Аммо, сиз, эллигинчилар, буни инкор этишда давом этаяпсизлар. Тушуняпсизми? Исо айтди: *“Агар мен Отамнинг ишларини қилмаётган бўлсам, Менга ишонмай қўя қолинглар. Агар Унинг ишларини қилаётган бўлсам-у, сизлар ишонмаётган бўлсангизлар, ақалли Менинг ишларимга ишонинглар. Отам Менда ва Мен Отамда эканимизни англаб, имонингизни комил қилинглар”.*[399]

[398] Колосияликларга 2:9
[399] Юҳанно 10:37-38

1957 йил 3 февралда Билли Индиана штатига, Эвансвиллидаги Тўлиқ Инжилчи Тадбиркорларнинг съездига борди. Бир кунлик конференция вақтида Индианадаги Худо Ассамблеяси черковлари пресвитери, доктор Рой Уид Биллининг кўплаб тушунчалар хусусида, кўринишидан, Илоҳийлик туфайлидан, сувда чўмдирилиш, Муқаддас Руҳга чўмдирилганлик исботи ва Христианларнинг хулқи, айниқса черковдаги хизматлар вақтидаги юриш-туриш тартиби туфайлидан уни позициясини бутун халқ олдида қаттиқ танқид қилди.

— Бранхам ака айтишича, у ушбу масалалар хусусида йўлнинг ўртасидан юришга ҳаракат қилар экан. Бу аҳволда узоққа кетолмайсан. Ахир йўлнинг ўртасидан юраётган одамни машина урадику.

Қачонки Биллига пресвитерни саволларига жавоб қайтариш имконини берганларида, у деди:

— Доктор Уид, биз юраётган ушбу йўл, бир томонга ҳаракатланадиган йўл. Сиз ё Худо билан олдинга бораверасиз, ё у томондами, бу томондами, йўл четида йиқилиб қолаверасиз. Шу кунларда бизларда бўлиб ўтаётган шу бемаъни сафсаталарни ҳам, бу барча фанатизмни ҳам бизга кераги йўқ. Осмону-фалак ҳақиқий Муқаддас Руҳ билан тўлиб кетган, шу учун Уни ўрнини босадиган қандайдир бошқасини кераги йўқ. Осмон Шоҳлигига қанақадир ҳиссиётлар ҳисобидан чиқишга уринишда нима маъно бор, қачонки Худо Каломида бундай қилиб бўлмайди дейилган? Черковга қўшилиш ёки бирор-бир гуруҳга бирлашиш орқали, сиз у ёқдан – бу ёққа сакрашингиз зарур ёки қўлларингиздан мой оқиши ёки юзингиздан қон томиши керак ва шу орқали бўлади дегувчи черковларга қўшилиб ёки

бирор-бир гуруҳга бирлашиб, ҳақиқатни ўрнига бошқа бир нарсани қабул қилишни нима кераги бор? Бу барча бемаъни гаплар дўзахдан чиқаяпти. Худонинг Сўзида бу нарса йўқ. Агар сиз мен Худонинг пайғамбари эканлигимга ишонсангиз, мени сўзларимни чинакамига қабул қилинг ва бундай сафсатадан узоқроқ бўлинг.

Охирги вақтлар Билли фанатизмга қарши тез-тез ваъзлар қилди. Кўп йиллар мобайнида Христиан фанатизми ғарбий соҳилда "газак олди", лекин ҳозир АҚШнинг бошқа регионларига ҳам тарқала бошлагандай ва "юққандай" эди. Лос-Анжелосдан қандайдир бир воиз, у касаллар учун ибодат қилганида, уни қўлларидан қон пайдо бўляпти деб, бутун мамлакатни диққат-эътиборини ўзига тортди. У одам, бу қон Исо Масиҳнинг мойланган қони, деб айтар эди. Ажабланарлиси, бу ёлғонни кўриш учун минглаб одамлар тўпланди. Бундан Билли жирканди ва у бу Исонинг қони бўлиши мумкин эмас деб тасдиқлаб, бундай ёлғонни очиқчасига қоралади. Акс ҳолда, бу Исонинг жисмоний танаси ерга қайтди деганини билдирар эди, бунақа тушунча эса буткул бемаънилик эди. Аммо бу Исонинг қони эмас экан, бу буткул бўлмағур гап. Ёзувнинг ҳеч қаерида одам қонидан бир томчиси ҳам Илоҳий шифоланишга боғланмаган. Билли неча марталаб Христианларга, Худони Каломига тўғри келмайдиган мўъжиза ва аломатларни қабул қилгани учун танбеҳ берган эди. Христианнинг барча фикрлари, сўзлари ва ишлари Библияга мувофиқ бўлиши лозим.

1957 йилнинг 10 дан 17 февралигача Билли Миннесота штати, Миннеаполисда ваъз қилди. Жадвал бўйича унинг кейинги кампанияси Аризона штати, Фениксдаги Мэдисон Сквер Гарден биносида 26 февралда бошланиши керак эди. У Фениксга кетиш олдидан бир ҳафтани уйда ўтказди. Мана шу ҳафта давомида доим унга черковларига билдирмай кириб келган фанатизмдан ташвишга тушган хизматчилар қўнғироқ қилдилар. Улар, шубҳасиз, Биллидан ўзларига ёрдам сўрадилар. Мана шу кунларнинг бирисида икки соат ҳам ўтмай, унга ўттизта хизматчи қўнғироқ қилди. Улар бир нарсани гапиришар, фақат ҳар хил ифодалашар эдилар:

— Бранхам ака, ғарбий соҳилдан ўша фанатизм мамлакатнинг мен томон қисмини ҳам зарарлади. Фениксни ўз ҳолига қўйда бу ёққа кел. Менинг одамларим, шак-шубҳасиз, сенга қулоқ соладилар. Агар шундай қулоқ солишмаса, унда мен қўрқаман, нималар бўлиши мумкин.

— Биродар, ҳозир мен боролмайман, — жавоб қайтарди Билли. — Мен Фениксдаги акаларга у ёққа келаман деб ваъда берганман. Сен Худонинг эрисан ахир. Ўзингни кафедрангга тур, Худо Каломини ол ва Уни тўппа-тўғри ваъз қил. Исо деган: *"Менинг қўйларим Менинг овозимга қулоқ солади ва улар бегонага эргашмайдилар"*.[400]

[400] Юҳанно 10:27 ва Юҳанно 10:5 кўрсатилган тартибда.

Биллининг Фениксдаги кампанияси икки ҳафта давом этди. Бир кечқурунги йиғилишда у "Худо Ўз Сўзини бажаради" деган ваъзида фанатизмни тушунтириб берди. У ўз ваъзи учун Мусо ҳақидаги ҳикоядан лавҳа олди, қачонки у Исроил болаларини Мисрдан олиб чиққан эди. Чиқиш Китобининг 12:38 оятида: *"сон-саноқсиз бегона халқлар ҳам улар билан бирга чиқди"*, дейилганди. Ўша бегона халқлар Исроилликларга қўшилдилар. Улар Мусони Мисрда қилган ғайритабиий аломатларини яҳудийлар билан биргаликда кўрдилар, ва улар ҳам унинг ғайритабиий тасдиқланиши атрофида тўпландилар, аммо ўз юракларида ҳақиқий имонлиларга ўхшашга ҳаракат қилиб, уларни имонига кирмаган эдилар. Бизнинг кунларимизда ҳам худди шу нарса кузатилоқда.

Билли Лос-Анжелеслик ўша бир кўзли негр ҳақида гапирди. У Азусу кўчасидаги миссияда 1906 йилда Муқаддас Руҳга тўлган эди. У деди:

— Ўша вақтдан бери Худо Ўз машъаласини Ҳаворийлар Фаолиятида баён қилинган, худди шундай эллигинчилар кечинмасини олишни истаган одамларнинг қўлига тутқазди. Худо ўзга тилларда гапириш инъомини тиклади, ва сиз — эллигинчилар, уни қабул қилдингиз. Аммо ундан кейин нима бўлди экан? Сизлар Муқаддас Руҳни олганликнинг энг аввалги исботи ўзга тилларда сўзлаш дея таълимот туздингиз ва сизлар ўзга тилларда гапиришмасдан туриб, Муқаддас Руҳни ололмайди, ва барча, кимки ўзга тилларда гапирса, Муқаддас Руҳга эгадирлар, деб тасдиқлай бошладингиз. Қачонки сизлар бундай ақида қилгандингиз, Худо ўша машъалани сизни қўлларингиздан тортиб олди.

— Кейин сизлар, ягоначилар, Исо Исми ҳақи сувда чўмдира бошладингиз. Буни ҳаммаси жойида, чунки бу Библиядан. Бироқ, нима бўлдийкин? Сизлар уюшдингизлар ва шу ерда нуқта қўйдингиз, шу учун Худо Ўз машъаласини сизлардан ҳам қайтариб олди. Кейин Худо деноминацияларарo Илоҳий шифоланиш ҳаракатини бошлаб берди. Ва энди нима бўлди? Жуда ҳам кўп одамлар ўз хизматларини ғалати ҳис-туйғуларга асосладилар. Эллигинчилар ҳаракати бошдан-оёқ ҳиссиётларга юз тутдики, уларда ҳеч қанақа библиявий асос йўқ. Худода асос бўлиб Унинг Сўзи ҳисобланади.

— Эшитгин, биродар, сен аломат ёки қандайдир ҳис-туйғу орқали нажот олмайсан. Мен, гўё мен ўзимни қутқарилгандай ҳис қилганим учунимдан қутқарилмаганман. Мен қутқарилганман, чунки Худо ваъда берган ва мен Унинг шартларини қондирдим; ва Муқаддас Худо Каломига асосан, мен иблисни етти кун ҳафтада ва кечаю-кундуз енгаман, негаки, бу Худонинг Сўзи. Исо деди: *"Менинг сўзларимни тинглаган ва мени юборганга ишонган киши абадий ҳаётга эга бўлади. У ўлимдан ҳаётга ўтгани учун ҳукм қилинмайди"*.[401] Мана, нима деди, Шоҳаншоҳ. Бунга ишонасизми?

[401] Юҳанно 5:24

Ўзининг Жефферсонвиллидаги черковида Билли бу мавзуда анча қаттиқроқ гапирди. Иблис Муқаддас Руҳнинг ҳар қандай инъомига тақлид қилиши мумкин, деб ўргатди. Билли бунақа дейишини, албатта, Ёзувга асослади ва яна бунинг устига, у мажусийлар маданиятидан қанчалар кўп одамлар иблисга хос амалларни қилишадики, қайсики улар, Христианлар "Руҳнинг кечинмаларига тўлган" деб аташи мумкинларга параллел бўлишини кўрсатиб берди.[402] Агар руҳий инъомларнинг борлигини Муқаддас Руҳга тўлган ҳаётнинг исботи сифатида қўллаш мумкин бўлмаса, унда "ўзга тилларда сўзлаш" ҳам "Муқаддас Руҳга тўлганликнинг" исботи бўлиши мумкин эмас. Билли қуйидагиларни ваъзида айтди:

[402] Матто 7:21-23; 1-Коринфликларга 13:1-2; 2 Коринфликларга 11:13-15

— Агар сиз айтасиз: "О-о, аллилуйя! Мен ўзга тилларда гапирдим", бу худди, агар сиз гитарада тинқиллатганингиздаги нарсадан ортиқча нарса эмас. Гарчи сиз ўзга тилларда ҳам гапирдингиз, ҳайқирдингиз ҳам ва қаторлар орасидаги йўлаклардан у ёқдан – бу ёққа югуриб, гўё пиёз тозалагандай йиғладингиз ҳам, бу мутлақо ҳеч нарса эмас, агар сизнинг ҳаётингиз буни тасдиқламаса. Мана шундай, агар сиз шу нарсаларни қиласиз ва бунинг устига тегишли тарзда яшайсиз — омин, ҳаммаси жойида. Аммо бу нарсаларни, ўша ҳаёт билан яшамай ҳам қилиш мумкин. Демак, бу нарсалардан бирортаси ҳам Муқаддас Руҳнинг исботи эмасдир. Исо айтган: *"Уларни мевалaридан билиб оласиз"*, Илоҳий Руҳнинг самараси эса — муҳаббат, севинч, хотиржамлик, сабр-тоқат, лутфкорлик, хайрихохлик, садоқат, мулойимлик ва ибодир.[403]

[403] Матто 7:16-23; Галатияликларга 5:22-23

Биллининг бунга ўхшаш фикрларидан кўпчилик эллигинчилар туғёнга келдилар ва шокка тушдилар, ва унинг ҳомийларидан баъзилари иккилана бошладилар.

77 БОБ
МЕРОСНИ ТАҚСИМЛАНИШИ
1957

БЭНКС ВУДДА Уилльям Бранхам билан ҳамсоя бўлган уйни харид қилиши учун яхши сабаб бор эди. 1950 йил январида Бэнксни хотини Руби уни Бранхамнинг Кентукки штати, Луисвиллида ўтказаётган йиғилишига боришга кўндирди. Бэнкс бутун умр Иегова гувоҳлари ҳаракатида бўлган эди, шу учун Исо Масиҳ бизни кунларимизда одамларни шифолайди деган ғоянинг ўзи у учун бемаъниликдай эди. Ўша оқшом Луисвиллида Бэнкс Уилльям Бранхамни мутлақо нотаниш одамларнинг муаммоларини билиб, айтаётганлигига қараб, тилдан қолгандай ўтирар эди. У ўйлади: “Бу тўғрига ўхшайди, аммо мен қандай қилиб ўша одамлар чинданам шифоланаётганлигига аниқ амин бўламан?” Кейин у Уилльям Бранхамни полиомиелит сабабли ногирон бўлган бола учун ибодат қилаётганини кузатиб турди. Болакай ногиронлар аравачасидан турди-да, платформа зиналаридан чопиб кетди ва ўзининг шифолангани учун Исога миннатдор бўлиб, хитоб қила бошлади. Бу нарса Бэнксни юрагига чуқур тегди, чунки унинг ҳам ёшгина ўғли, Дэвид ҳам полиомиелитнинг қурбони эди. Бэнкс қандайдир реал нарсага дуч келганини ҳис қилди.

Бэнкс Вуд нима бўлганда ҳам бу одатдан ташқари хизмат ҳақида кўпроқ билишга қарор қилди, шу учун у хотини билан Бранхамнинг навбатдаги кампаниясига жўнади. У эса 1950 йил январ ойи охирида Техас штати, Хьюстонда ўтар экан. Улар, Уилльям Бранхам боши устида бўлган, Олов Устуни суратга олинган ўша оқшом, аудиторияда ўтирган эдилар.

1950 йил августида Уилльям Бранхам Огайо штати, Кливлендда икки ҳафталик кампания ўтказди. Бир кун кечқурун Бэнкс, Руби ва Дэвид Вуд улкан чодирга қараб оқаётган минглаб одамларга қўшилдилар. Ибодат йиғилиши вақтида Уилльям Бранхам ибодат навбатидан бошқа томонга бурилди-да, аудитория устидан қаради ва шундай деди:

— У ерда, энг охирида, бир эркак ўз оиласи билан ўтирибди. Сизнинг исмингиз Вуд... Бэнкс Вуд. Сиз шу шаҳардан эмассиз. Сиз Кентукки, Кресвуд яқинида яшайсиз. Эътиқодингиз бўйича сиз Иегова гувоҳларидансиз. Сиз билан фалаж оёғини тагига олиб, ўғилчангиз ўтирибди, сизнинг хотинингизда эса ўсма бор. РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Улар иккиси ҳам шифоландилар”.

Хушхабарчи яна ибодат навбатига бурилди. Бутунлай шокка тушиб қолганларидан, Бэнкс ва Руби бир неча сония нима қилишни билмай бир-бирларига бефарқ қараб турдилар. Кейин Руби ўзининг танасидан қандайдир совуқ бир нарса ўтганини сезди. У биқинига, ўсма турган ўша жойини пайпаслади.

— Бэнкс! — энтикиб, деди у. — Ушлаб кўр. Ғудда йўқ бўлди.

У унинг биқинидан ўша даҳшатли ўсмани қидира бошлади. У йўқ эди у ерда. Бэнкс ўғлига деди:

— Дэвид, тур!

Ҳатто ҳали бола отасининг буйруғига бўйсиниб, танаси тўлғанаётган бўлса-да, унинг чангак бўлиб кетган оёқлари тўғриланди, ва у икки бақувват, мутлақо соппа-соғ оёқларида турди. Дэвид Вуд бошқа энди ўтиргиси келмаганига ҳайрон бўлмаса ҳам бўлади. Бэнкс Вуднинг ўз ҳаётини Исо Масиҳга бағишлаганига ҳам ҳайрон бўлишга тўғри келмади. У Кентуккидаги уйи ва қурилиш бизнесини сотиб, ҳар ҳафта Бранхам Чодиридаги йиғилишларга қатнашиш учун у Индианага, Жефферсонвиллига кўчиб ўтди. Бэнкс Биллининг уйи ёнидан уй сотиб олишгач, икки қўшни қадрдон дўстлар бўлишди.

Қачонки Бэнкс Вуд Исо Масиҳни ўзининг Раббийси ва Қутқарувчиси деб қабул қилганида, уни ота-онаси, акалари ва сингиллари (уларнинг ҳаммаси Иегованинг мустаҳкам гувоҳлари эдилар) ундан воз кечишди. Бэнкс улар билан бир неча йиллар кўришмай кетди. Кейин, бир куни эрталаб, 1957 йил апрелида, уни эшигини акаси Лайл тақиллатди. Иккала ака-ука ошхона столи атрофида ўтирдилар ва суҳбатлаша бошлашди.

Ниҳоят, Лайл деди:

— Бэнкс, мен бу ёққа сени тўмтоқ каллангга эс киритай деб келдим. Сен бу қанақа фанатизмга чувалашиб қолдинг?

— Лайл, бу фанатизм эмас. Дэвидни оёғига қарагин-да.

— А, бу ҳаммаси бемаънилик. Отамиз бизларни ҳеч ким алдаб кетмасин деб, тарбия берган. У ҳар доим ўша ёвуз ваъзхонлардан огоҳлантирар эди. Мен сени чиндан ҳам шунақа сафсатага ёпишиб қолганингга ишонолмай турибман. Ва умуман, қанақа товламачи ўзи у, сен унга қулоқ соласан? Уни тили, албатта, бурро-бурро бўлса керак, сени уй қуришдан тўхтатиб, бутун мамлакат бўйлаб, жиловлангандай унинг изидан юришингга мажбур қилибди.

— Йўқ, у гапга чечан эмас. Аслида у тўппа-тўғрисини айтади. Аммо Худонинг Руҳи унда.

— Қани, агар мен қачон бўлмасин бу Бранхам деган нусха билан учрашиб қолсам, унда мен унга ҳамма ўйлаганларимни айтиб ташлайман.

— А у худди ҳозир шу ерда, ана у ерда майсазорини ўраяпти. Уни мен чақираман.

Эшикдан чиқиб, Бэнкс қўшнисини қўли билан имлади ва ўзиникига чақирди. Билли ошхонага кирганида, Бэнкс унга акасини таништирди. Билли уни қўлини қизғин тутди, бироқ Лайлнинг қўли шалвираган ва совуқ эди. Кейин улар бир пиёладан кофе ичиб, гаплашиб туришди.

Лайл Биллига шубҳаланиб тикилиб турди. Ҳозирги моментда у умуман воиздай кўринмас эди. У ишчи комбинизон кийиб олган, гарданига эса соябонли шляпаси суриб қўйилганди. Уни юзи, эҳтимол, бир-икки кун устара тегмаган соч-соқол билан қопланган эди. Сочлари тушиб қолган пешонасида тери ялтирар ва қўлтиғи тагида футболкасини ҳам нам қилган эди. Ҳозир Билли бутун дунёга машҳур хушхабарчидан кўра кўпроқ меҳнатсевар фермерга ўхшар эди. Лайл деди:

— Хўш демак, сиз ўша, Бэнксни далада шамол излашга чалғитган воизмисиз?

— Йўқ, сэр. Мен унинг фақат Масиҳдаги биродари холос. Аммо мен Хушхабарни ваъз қиламан.

Бэнкс Лайлга Биллининг имон билан шифоланиш вақтида у гувоҳ бўлган айрим мўъжизалари ҳақида айта бошлади. Лайл бу ҳаммасини қизиқсинмай, бўшашиб эшитиб турди, Бэнкснинг гувоҳликларини ўн минутча тинглаб, Билли деди:

— Мени ўйлашимча, сиз буни ҳеч қайсисига ишонмайсиз, мистер Вуд.

— Албатта, ишонмайман. Илоҳий шифоланиш деган нарсани ўзи йўқ. Бу бор-йўғи бўлмағур бемаъниликки, сиз мени укамни унга тортгансиз. Мана бу ваҳий деб айтадиганларингизга келсак...

Ҳали Лайл ўз фикрини айтар экан, Биллининг кўзи ўнгида ваҳий пайдо бўлди. У деди:

— Мистер Вуд, мен кўряпманки, сиз оқ сочли аёлга уйлангансиз, ва сизда икки оқиш сочли ўғлингиз бор; улар тахминан олти ва саккиз ёшда.

Лайл укасига айблангандай қаради.

— Сиз буни менга Бэнкс айтиб берган деб ўйлайсиз, — давом этди Билли. — Йўқ, у менга оиласи ва қариндошлари ҳақида ҳеч нима демаган. Аммо, агар бу сизни ишонтирмаган бўлса, унда, мумкин, мана бу ишонтирар. Сиз хотинингизга нисбатан хиёнат қилдингиз, ва бу сизларни айрилишга олиб келди. Кечадан олдинги кечқурун сиз қизғиш сочли аёлникида бўлдингиз. Сиз эшикни тақиллаганини эшитдингиз, ва уни очмоқчи бўлаётган эдингиз, аммо ўша аёл сизни қўймади. Хуллас, у сизни ўзини ётоқхонасига яширди, ўзи эса кириш эшигини очишга борди. Қачонки сиз эҳтиёт бўлиб дераза орқали қараганингизда, сиз эшикда турган қизил галстук таққан қора костюмли одамни кўрдингиз. Бу унинг жазманларидан бири эди, ва яхшиямки, сиз эшикни очгани бормагандингиз, чунки у қўлида пистолет ушлаб олган ва сизни бошингиздан отиб ташлаган бўларди.

— К-к-ким... к-к-ким буни сизга айтди? — тутила-тутила сўради Лайл.

— Қудратли Худо ҳозиргина бу қандай бўлиб ўтганини менга ваҳийда кўрсатди.

Бундан Лайлнинг боши айланиб қолди.

— Мистер Бранхам, сиз айтганларнинг бариси — ғирт ҳақиқат. Мен ўйлайман, яхшиси мен ўз ҳаётимни Ўша Қудратли Худога бағишласам бўлар эди, Қайсики сизга бу сирни очди.

Завқ-шавқдан ловуллаганча, Лайл оиласига ўзини имонга кирганини айтиш учун уйига қайтди. Бир ҳафта ҳам ўтмай уни синглиси Биллининг йиғилишларидан бирида бўлди ва у ҳам имонга келди. Бу уларни отасини хавотирлантирди, шу учун у оиласини тартибга келтириш учун, нима бўлганда ҳам, бу Бранхам билан шахсан учрашишга қарор қилди.

1957 йил 13 май, душанба куни Билли машинасини ўзини уйи йўлагига бурди ва ҳовлида турган ёши ўтганроқ одамни кўрди. Унга бориб, Билли ўзини таништирди.

— Хўш, сиз демак, мистер Бранхам, — хўмрайиб деди қария. — мен сиз тўғрингизда кўп эшитганман. Мени исмим Вуд... Жим Вуд. Бэнкс ва Лайл ўғилларимдан иккитаси. А сиз тасодифан билмайсизми, Бэнкс қаерда?

— Бэнкс ва Руби одатда кунинг бу вақтида озиқ-овқат харид қилиш учун кетадилар. Меникига кирсангиз, бир стакан муздай сув ичсангиз бўлмайдими?

Билли бир пасда ўзини ва мистер Вудни айрим бир умумий қизиқишлар бирлаштираётганлигини билиб олди. Ҳаммадан олдин улар Кентуккида қандай ўсганлари ва яшаганлари ҳақида гаплашдилар; ундан кейин улар бир-бирлари билан олмахон ови ва қуёш окуни ва краппилар[404] тутиш уларга қандай роҳат бағишлагани ҳақида ўртоқлашдилар. Дарров Иегова-Худо мавзусига ўтиш ўрнига, Билли Жим Вудга эртага у билан балиқ овига боришга таклиф қилди. Бундай сафар вақтида уларга дин ҳақида муҳокама қилиш учун вақтлари етиб ортади, деб ўйлади. Билли уларга Бэнкс ва Лайллар ҳам қўшилиши мумкин деди. Бундай таклиф Жим Вудга ёқиб кетди.

[404] Краппи (инглизчада crappie) — АҚШнинг марказий ва шарқий қисми бўйлаб кўлларда ва секин оқадиган дарёларда яшайдиган шимолий Америкадаги иссиқсевар балиқларнинг кичикроқ оиласига таълуқли балиқ. (Тарж.)

Ўша кеча ёмғир челаклаб қуйгандай ёғди. Эртаси эрталаб Бэнкс деди:

— Нима қилдик, бугун балиқ овига боришдан бир маъни йўқ. Дарёчалар лойқа бўлади, ва балиқлар умуман илинмайди.

— Шундай бўлса ҳам, биз бахтимизни синашимиз мумкин, — жавоб берди Билли.

Уни Канадада, Саскатундаги кейин кампанияси бошланишигача бир неча кун қолган эди, шу учун дам олиш унга жуда зарур эди.

Шундай қилиб, тўртовлари ўзларини балиқ тутиш жиҳозларини ва сафар анжомларини Бэнкснинг машинаси юкхонасига жойладилар. Бэнкс рулда ва отаси билан олдинга ўтирган, Билли ва Лайл бўлса — орқа ўринда эди. Уларнинг сафарини охирги пункти — 250 километрча шарқ томонга, Дейл Холлоу кўли яқинидаги жой эди. Билли Бўри Дарёси Плотинаси деб аталадиган жойдаги кўлда балиқ тутмоқчи бўлди. Бу жой у туғилган Кентукки штати, Берксвиллига яқин эди. Биллининг қариндошларидан айримлари шу жойларнинг эгалари бўлгани туфайли, ва уларнинг қайиқлари бўлганидан, у ўша ерда балиқ овлаб, қайиқлардан фойдалана олар эди.

Улар Кентукки штатига кира туриб, Огайо дарёсидан кесиб ўтаётган пайтларида, Билли ичида ибодат қилди: “Раббий, бу самимий қария фермерни юрагига етиб бориш учун менга қандайдир қилиб ёрдам бер”.

Тез орада у ваҳийга чўмаётганини ҳис қилди. Машина кўздан ғойиб бўлди ва у келажак уни олдида ўз сирларини очишини кузата туриб, у қандайдир тарзда вақтда олдинга ўтди. Ваҳий тугагач, Билли деди:

— Мистер Вуд, бу нарса, сиз билиб қўйишингиз учун, бу Хушхабар, мен ваъз қилиб юрган Хушхабар ҳақиқатдир: бугун биз ёнидан ўтиб кетаётган барча кўл ва дарёчалар токи биз белгилаган манзилга боргунимизча, уларнинг ҳаммаси лойқа бўлади. Бўри Дарё Плотинаси яқинидаги кўл тиниқ ва чиройли бўлади. Биз тахминан 3:30 гача балиқ тутиш билан шуғулланамиз, битта ҳам балиқ илинмайди. Кейин мен бирин-кетин лаққа балиқларни ушлй бошлайман. Бу кўлларда мен ҳеч қачон олдинлар битта ҳам лаққа балиқ ушлаган эмасман, аммо бугун мен уларни мунчоқдай ипга тизаман ва уларни умумий оғирлиги 12 килограммга яқин бўлади. Мистер Вуд, сиз худди шу хўракни ишлатиб, мени ёнгинамда балиқ овлайсиз, аммо сиз фақат биттагина ва Лайл ҳам биттагина балиқ ушлайсиз. Кейинги

куни эрталаб мен тангачали балиқ ушлайман. Бу қанақа балиқлигини яхшилаб билолмадим, аммо ўзининг тури ичида учун нисбатан йирик бўлади. Бу балиқ бизни шу овдаги ушлаган охирги балиғимиз бўлади. Биз кунинг қолган вақтида қармоқ ташлаймиз, аммо битта ҳам ушлаёлмаймиз. Бу РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ.

Жим Вуд ишонмаганидан оғзини озроқ қийшайтирганча, истеҳзоли иржайди. Кейин у Бэнксга қаради-да, кўзини қисиб қўйди. Аммо улар охирги тепаликка чиққанлари ва пастга — Бўри Дарёси Плотинасига қараганлари вақтида қария ҳайрон бўла бошлади. Плотина орқасидаги ҳавзанинг суви ҳеч нарса бўлмагандай кўм-кўк ва чиройли эди. Кўринишидан, плотина атрофларида ёмғир кучли бўлмаган эди.

Улар краппиларни қуёш окунлари, форель ва басс[405] балиқларини овлаш учун жўнадилар. Куннинг ярмида Билли хўрагини алмаштирди ва шу заҳоти лаққача ушлади. Бир неча соатдан кейин унинг ови бир неча лаққачалардан иборат бўлди, у уларни мунчоқдай ипга ўтказиб қўйди. Бу пайтда Жим ва Лайл фақат биттадан лаққача ушлади, Бэнкс бўлса битта ҳам ушлолмади. Ўша куни улар қармоқларини кечқурун соат 11ларда йиғиштирдилар. Гарчи уларнинг ҳар бирининг онгида эрталаб айтилган башорат “қайнаётган” бўлса-да, ҳеч ким бу ҳақида лом-мим демадиям.

[405] Басс (инглиз. Bass) — АҚШ ва Канадада кенг тарқалган, окунлар оиласидан балиқ тури. Одатдаги окундан фарқ қилиб, басснинг танаси йўл-йўл бўлмайди ва оғзи кенгроқ бўлади. (Тарж.)

Сешанба эрталаби қуёш ўзининг ёқимли нурлари билан чор атрофни ёритиб юборди. Қовурилган балиқ билан нонушта қилиб, балиқчилар қармоқлари ва ов жиҳозлари қутиларини олиб, кўлга қараб жўнашди (№9 Сурат). Улар қармоққа хўракни илдирган вақтида, Билли уларга эслатди:

— Олдимизда яна битта балиқ ушлаш турибди, ва у бу овимиздаги охиргиси бўлади.

Биринчи ташлаганидан сўнг Билли қизғиш қоринли тангачали балиқни илинтирди. У салкам ярим килограммдай келар ва ўша тур балиқларнинг йирик намунаси экан.

Улар балиқ тутишда давом этаверишди, аммо ҳеч ким ҳеч нарса ушламади. Биллининг ваҳийсини мутлақо хато бўлмаслигини билувчи Бэнкс, ҳар икки соатда балиқ овини тўхтатишни ва уйга қайтишни таклиф қилаверди. Аммо Жим Вуд қолишни истар эди. У яна битта балиқни ушлашга ва шу билан унинг ҳамма суҳбатдошлари адашаётганларини исбот қилишга қаттиқ жазм қилган эди. Муваффақият келтирар деб, бирор-бир комбинация топишга уриниб, қария овлаш усулини ва хўракни тез-тез алмаштириб, қирғоқда у ёқдан – бу ёққа ўтар эди. У бутун тушдан кейин, бутун оқшом ов қилди ва қармоғини ярим кечаси йиғиштирди. Бутун кун бўйи унда бир марта ҳам илинмади.

Чоршанба эрталаб саҳарда улар чодирларини ўрадилар ва барча сафар жабдуғларини йиғдилар. Билли уйига қайтиши керак эди, чунки пайшанбада уни Канада, Саскатунда сафари тайинланган эди. Ҳали улар нарсаларини маашинага тиқишар экан, Бэнкс отасидан сўради:

— Дада, сен энди, ҳозир бу ҳақида нима деб ўйлайсан?

— Хў-ў-ўш..., — деди у чўзиб, қўлидаги балиқчилик жиҳозлари бор қутисини айлантира туриб, — бу одам ҳали балиқни ушлашга улгурмай туриб, уни аллақачон кўради-ку... Дуруст-дуруст.

Худди шу ерда Билли олдида очиқ “эшик”ни кўриб қолди ва уни ёпилишига йўл қўймади.

— Бироқ, мистер Вуд, мен ҳамма вақт ҳам бундай қилолмайман. Худо менга бу ваҳийни сизни деб, сиз учун кўрсатди. Библияда айтилганки, агар одамлар у ёки бу одам пайғамбарми ёки йўқлигини билолмасалар, унда унинг башоратларини кузатсинлар, дейилган. Агар унинг башорати бажарилмаса, унда у пайғамбар эмас, ва сиз унга эътибор бермаслигингиз мумкин; аммо, агар у амалга ошса, унда сиз унга қулоқ солишингизга тўғри келади, чунки унда Раббий Сўзи[406] бор. Иегова гувоҳлари ҳаракатида мистер Расселлни[407] пайғамбар деб ҳисоблашларини биламан. Бироқ мистер Расселл Исо Масиҳ 1914 йилда қайтади, деб башорат қилди. Қачонки бундай бўлмагач, у бу “руҳий” келишидир, деди. Аммо, бу нотўғри, чунки Исо ерга Элликчилар кунида Муқаддас Руҳ кўринишида руҳий

қайтган эди. Ҳаворийларнинг Фаолияти Китоби ҳам айнан шундан иборат. Шундай қилиб, мистер Расселл ҳеч қандай пайғамбар эмас.

[406] Қонунлар 18:15-22

[407] Чарльз Тэйз Расселл (Charles Taze Russell, 1852-1916) — 1931 йилда "Иегова Гувоҳлари" деб маълум бўлган ташкилотни тузган, америкалик диний арбоб. У "Сионнинг соқчилар минораси ва Масиҳ Ҳозирлигининг жарчиси" деган журналини нашр қилди. Ундан кейин эса штаб-квартираси АҚШ, Нью-Йорк штати, Бруклинда жойлашган нотижорат диний ташкилот бўлган — "Сионнинг соқчилар минораси деган адабий-нашриёт жамияти"га асос солди. (Тарж.)

Билли Расселлнинг башорати ижобат бўлмаган бошқа учта воқеани эслатиб, шу руҳда гапини давом эттирди.

Жим Вуд ўйланқираб иягини ишқалади. Кейин қўлини бош бармоғи билан орқасидаги кўлни кўрсатди ва Ҳаворийлар 8:36 дан, ҳабашистонлик амалдорларнинг сўзларини келтирди:

— "Мана сув: менинг чўмилиб имон келтиришимга нима тўсқинлик қилади?"

Унга ҳеч нарса тўсқинлик қилмас эди, шу учун у нақ ўша ерни ўзида Раббий Исо Масиҳ Исми ҳақи сувга чўмилиб имон келтирди.

1957 ЙИЛНИНГ МАЙ ОЙИДА Уилльям Бранхам шимолга, Канаданинг Саскатунига сафар қилди. Бу унинг эллигинчи черковларнинг молиявий ёрдамисиз ўтказган биринчи йирик шифоланиш кампания эди. Бу сафар унга пресвитерианлар, англиканлар, баптистлар ва бошқа деноминация вакиллари ҳомийлик қилдилар. Саскатундаги элликчилар черковлари ҳамкорлик қилишдан узил-кесил бош тортдилар, аммо бу Худога тўсқинлик қилолмади. Биллининг ваъзини эшитиш учун муз оренани бир неча минг одам тўлдирди. Кампаниянинг биринчи оқшомидаёқ кўзи кўр аёл кўра бошлади; спастик фалаж бўлган болада бир онда пай ҳаракатлари координацияси нормаллашди; бошқа бир туғма кар-соқов бола бирданига "Ишон, фақат ишон" ашуланинг органчи чалаётган куйини эшитди. Бола қичқира бошлади, чунки фақат шундай қилиб у ўз Шифокори, Исо Масиҳни улуғлай олар эди.

Бир кечқурун ибодат навбатидан букри бола ўтди. Билли йигитчани қучоқлади ва у учун ибодат қилди. Кейин у шундай деди:

— Бугун уйга қайтганингда, сен онангдан кўкрагинг ва букри жойингни қўшиб боғлаб қўйишини сўра. Кейин у ўлчаб олиш учун ипни кессин. Агар эртага эрталаб бу букри жойинг уч дюмга камаймаса, унда мен ёлғончи пайғамбарман. Бу ипчани эртага кечқурун олиб кел ва одамларга кўрсат.

Кейинги оқшом шу бола олдинга чиқди ва ҳамма ўтирганларга бу ипчани кўрсатди, уни ёрдамида онаси кўкрагининг ҳажмини ўлчаган эди. Унинг букрилиги чинданам етти ярим сантиметрга камайди. Аммо бундан ҳам қойил қоладигани, ҳозир бу йигитча қўлларини боши устида кўтара олар эди, қайсики, букрилар одатда елка чўкмалари деформацияси сабабидан бундай қила олмасдилар.

Одамлар ибодат навбатига тизилишар экан, Билли деди:

— Ҳозир мен Ёзувнинг иккита жойини бир бутун қилиб боғлайман. Исо Натаньилга ўша йиғилишга келишигача у қаерда бўлганини айтганида, Натаньил нима деб жавоб берди? У шундай деди: "Устоз, Сен Худонинг Ўғлисан, Сен – Исроилнинг Подшоҳисан". Мана яҳудий одамда қанақа фикр бўлган, қачонки у юрак сирларини амалда фарқлаш аломатини кўрганида. Қачонки самариялик аёл юрак сирларини билганликни эшитганида, у шундай деди: "Ҳазрат, кўриб турибманки, Сен пайғамбарсан. Қутқарувчи Масиҳ келажагини биламан. У келганда, ҳамма нарсани бизга маълум қилади". Исо жавоб берди: "Сен билан гаплашаётган Мен Ўшаман". Ва бу аломатни кўриб, у қудуқни қолдирди ва шаҳарга бориб, одамларга: " Боринглар, мен қилган ҳамма ишларни айтиб берган Одамни кўринглар! У Масиҳ эмасмикин?" — деди.[408]

[408] Юҳанно 1:44-55; 4:5-29.

— Агар уларнинг кунларида Масиҳ аломати бундай бўлган бўлса, унда бугун ҳам Масиҳнинг аломати худди шундай. Энди бундан ўзингизнинг барча деноминацион "измлар"ингизни олиб ташланг ва Сўздаги бу ҳақидаги ҳақиқатга қаранг. Исо Масиҳ ўликлардан тирилди.

Биллининг бу сўзларидан кейин ёрдамчи ибодат навбатидан биринчи одамни олдинга олиб келди. Ваҳий пайдо бўлгач, Билли деди:

— *Бу аёл христианлигини биламан, чунки унда ёқимли руҳ бор. Леди, сиз — воизнинг рафиқасисиз, ва сиз кўкрагингиздаги ўсмадан азият чекасиз. Сиз бу шаҳардан эмас. Мен ғарбий соҳилни ва катта парки бор йирик шаҳарни кўряпман. Ванкувер, Британия Колумбияси — мана сиз қаердансиз?*

У бу тўғрилигини тасдиқлади. Билли аёлнинг елкасига қўл қўйди ва ибодат қила бошлади: "Қудратли Худованд, Раббий Исо Масиҳ Исми ҳақи, мен бу аёлни дуо қиламан ва Масиҳ Исми ҳақи уни шифоланишини сўрайман. Омин".

Навбатдаги киши эркак эди, у шундай деди:

— Мен пасторман, ва ҳозиргина сиз ибодат қилган у аёл, менинг хотиним. Сизни унга барча айтганларингиз мутлақо тўғри ва мен иккаламиз ҳам сиз билан нотаниш эканлигимизни тасдиқлай оламан.

— *Миннатдорман, биродар. Сени елкангга нимадир бўлган. Сен мотоциклда аварияга учрадинг ва сени елка бўғинингни тегишли тарзда ўз жойига солмадилар ҳам. Энди буни ҳаммаси якун топди.сен қувониб уйингга қайтишинг ва соппа-соғ бўлишинг мумкин. Худо сени дуо қилсин. Омин.*

Навбатда кейин турган аёлга Билли деди:

— *Бутун қалбингиз билан Исо Масиҳ Худонинг Ўғли эканига ва мен эса Уни пайғамбари, ёки Унинг хизматкори эканимга ишонинг. Хўш мана, агар аудиторияда ҳали мени товушим эшитарли бўлса, мен бу аёл нима сабабдандир асабийлашаётганини кўряпман. Мен уни кичикроқ хонада юраётганини... бу ваннахона... ва у ерда у йиқилди ва тахминан бир йил бурун кўкрагига шикаст етказди. У бу туфайли врачга бормади. У Худога ишонади. Бу ҳақиқат. Наҳотки шундай эмас, леди? Яхши. Раббий Исо Масиҳ Исми ҳақи жойингизга қайтинг ва саломат бўлинг.*

Бутун бино бўйлаб, қиров босган дарахтлар шохларини қуёш нурлари қиздирганида музчалар тушганидек, Христианлардан шубҳалар "кўчиб тушди". Билли навбатдаги кейинги аёлга шундай деди:

— Леди, мен сизни билмайман. Биз бир-биримизни танимаймиз.

Бирдан у аудиторияга бурилди ва Фаришта Нурини кузатиб, қарай бошлади.

— *Аудиторияда ўтирганлар орасида нимадир бўлди... қаердадир, кимдир имонга кирди.*

У диққат билан халққа қараб чиқди ва кейин қўли билан маълум бир томонни кўрсатди.

— *Бу ана у ерда ўтирган ва бошқа бир аёлни елкаси орқали қараб турган паст бўйли, қора сочли аёл. У бош оғриғидан азият чекади, ва у: "Раббим, у мени чақиришини кўнглига сол", — деб ибодат қилди. Сизни бошингизда кучли оғриқлар. Агар бу ҳақиқат бўлса, қўлингизни кўтаринг.*

У қўлини кўтарди.

— *Яхши. Ҳозир бунинг бариси тугади. Исо Исми ҳақи уйингизга қайтишингиз, хурсанд ва саломат бўлишингиз мумкин.*

Фаришта ҳали ўша жойдан кетмади. Кейинги ваҳий лоп этиб келди...

— *Сизни орқангизда ўтирган лэдида артрит ва у шифоланишни хохлайди. Шундай эмасми ахир, леди? Тўғри.*

Билли уни қувватини олаётган ваҳийлар босимидан гандираклаб кетди.

— Кўряпсизми, сиз қанчалик уринманг, сиз ҳаётингизни ҳеч ҳам яшира олмас эдингиз. Сизлардан ҳеч бирингиз яширолмайди. Омин. О-о, У ўликлардан тирилганига мен шундай хурсандман! Исо Масиҳ кеча, бугун ва абадий Ўшанинг Ўзидир!

У яна платформада, ёнида кутиб турган аёлга қаради.

— *Леди, сиз бу ерда ўзингиз учун турмаяпсиз. Сиз бу ерда, ақлий қолоқ ўғлингиз учун турибсиз. Аёл ҳайрон қолганидан, оғзи очилиб қолди. Кейин у унинг ўғли учун ибодат айтди.*

Навбатдаги аёл қари кампир бўлиб, у бурнида каттагина ўсмаси бор эди. Ваҳийда унинг ўтмиши очилди. Билли деди:

— Сизда ўсма биттадан кўп. Улар тушган эди, кейин эса яна пайдо бўлар эди, аммо энди бошқа жойларингизда. Ҳозир сизни кўкрагингизда ҳам битта ўсма бор. Сиз шу шаҳардан эмас. Сиз кунботардан келдингиз. Сиз Альберт провинцияси, Эдмонтонда яшайсиз. Сизни Перл Л-е-н-н-о-к-с деб чақирадилар. Мисс Перл Леннокс, агар сиз бутун юрагингиз билан ишонсангиз, соғайиб кетасиз.

Шундай қилиб бу бирин-кетин давом этаверди: одамдан-одамга, ваҳийдан-ваҳийга, оқшомдан-оқшомга — доимо хатосиз. Биллининг Саскатундаги охирги оқшомида, шу кампаниянинг биринчи кечки йиғилиши вақтида ҳали кўзи ожиз бўлган аёл, энди ўзи платформага кўтарилди ва Биллига ўзининг қўли билан гувоҳликлари ёзилган хатни топширди.

Саскатундаги кампаниясидан кейин Уилльям Бранхам навбатдаги давомли кампаниясини Индиана штати, Индианаполисда 1957 йилнинг 11-14 июнида ўтказди. У Индианаполисдан қайтган вақтида, уни ҳамма жойи чарчоқдан зирқирар эди. У ҳар оқшом ибодат хизмати вақтида кўрадиган 15-20 та ваҳийдан ташқари, у кундузи меҳмонхона номерида ўтказадиган алоҳида суҳбатлар вақтида ҳам 20 тадан 30 тагача ваҳийлар кўрар эди. Бу барча ваҳийлар унинг қувватининг кўп қисмини олар эди. Унинг 28 июнди Чикагода бошланадиган кампаниясига икки ҳафта қолганди. Шу учун у Бэнкс ва Лайл Вуддан балиқ овига бирга боришни хохлайдимикин деб сўради. Улар рози бўлишди.

Овдан бир кун олдин, кечқурун Бэнкс билан Билли чувалчанг қазиб олиш учун Бэнкснинг боғига келишди. Улар ҳали шу иш билан машғул экан, боққа ўн бир ёшар Ривқо чопиб келди — бироқ чувалчангга эмас. Уни пастки лаби қалтирар, худди ана ҳозир йиғламоқчидай.

— Дадажон, мен заҳарли нарса еган бечора мушукни топдим, ва у ҳозир шишиб кетиб, ўлаяпти. Майлими, уни ушлаб турсам, ҳали у ўлмаса?

Билли мушукларни ёқтирмас ва камдан-кам уларни уйга олиб келишга рухсат берар, аммо Ривқо ўша ғамгин, ялинганнамо кўзлари билан унга қараганида, у юмшади.

— Майли, агар у яқинда ўладиган экан, унда биз уни озроқ олиб қолсак бўлади деб ўйлайман. Менга кўрсатчи уни.

Ривқо чопалаб кетди ва бир зумда картон қуттида ётган бетоб мушук билан қайтди. Отасини ўлаётган ўша халтачали каламуш учун ибодат қилганида нима бўлганини эслаб, Ривқо деди:

— Дадажон, илтимос, шу мушукча учун ибодат қил.

Мушукка бир қарашдаёқ, Билли нима бўлишини тушунди. У Ривқога жониворни кечаси омборда қолдиришни буюрди. Эрталаб, барвақт Ривқо ўша ёққа мушугини аҳволини билиш учун югурди. Қутига қараб, у қувонганидан чийиллаб юборди. Мушук бир тўда мушукваччаларни эмирар эди.

Билли, Бэнксни машинасига сафар жабдуқларини юклар экан, омбордан икки яшар Иосиф қўлида энди туғилган мушукчани бўйнидан ушлаганча, зўрға кела бошлади.

— Иосиф, мушукчани бундай ушламаслик керак, — унга танбеҳ берди Билли.

Чўчиганидан Иосиф мушук боласини қаттиқ қисди, кейин эса уни ерга тушуриб юборди. Билли мулойимгина мушукчани қайтариб омборга этди ва уни онаси ёнига қўйди. Мушукча худди қаттиқ шикастлангандай миёвлади. Билли: “Бечорагина, у мушукча бўлганлигидан ҳеч нарса қилолмайди ҳам. Ишқилиб, яхши бўлиб кетар, деб умид қиламан”, — деб ўйлади.

Бэнкс, Лайл ва Билли Дэйл Холлоуга — ўтган ойда Жим Вуд билан бирга балиқ овлаган, Кентуккидаги худди ўша жойга жўнадилар. Бўри Дарёси Плотинасига етиб келиб, Билли ўзини қариндошларидан моторли қайиғини олди. Кўлга сузишлари билан, улар чувалчангларини суқдилар ва тез орада бир неча ўнлаб майда балиқчалар тутиб, уларни майда бўлакларга бўлдилар ва форелларни ушлаш учун ундан хўрак сифатида

фойдаландилар. Қармоқларини чуқурроқ жойга ташлаб, улар йирик балиқ илинишини кута бошладилар.

Балиқчиларни ўраб турган ям-яшил Аппалачи тоғларини енгил кўкиш туман қоплади. Кўлдан сув ўтлари, балиқлар ва моторли қайиқнинг икки тактли двигатели мойини ҳиди келиб турар эди. Қуёш нурлари Биллини кўйлагини қиздирар, салқин шабада эса уни юзига қараб эсаётганди. Қамишлар ва оқ нилфиялар орасида бир жуфт ўрдакни сўзаётганини кўриб, қоқи ўтнинг шамолда учиб юрадиган "парашютчаларига" ўхшаб, ўзидан чарчоғини учиб кетганини ҳис этди.

Кичикроқ қайиқ қирғоқ бўйлаб секин сузар экан, учала балиқчи бўлса бу орада Библия ҳақида сўзлашишарди. Улар Пётр, Ёқуб ва Юҳаннолар Исони Мусо ва Илёс билан суҳбатлашганини кўрган вақтлари ҳақида фикрлашдилар. Исонинг юзи қуёшдай порлади. Пётр бу кечинмаларини ёзганида, у шундай деди: *"Биз... Унинг салобатини ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Масиҳ Отаси Худодан ҳурмат ва шон-шараф қабул қилди. Улуғворлик тўкиб турадиган даргоҳи шарифдан Масиҳга бир садо келиб: "Бу Менинг севимли Ўғлимдир, Ундан мамнунман", — деди. Биз азиз тоғда У билан бирга бўлдик, осмондан келган бу садони ўзимиз ҳам эшитдик".*[409]

[409] 2-Пётр 1:16-18

— Биласанми, — деди Бэнкс, — менда қарийб шундай туйғу бор, чунки мен сен каби, Билли ака, муқаддас одам билан шунча вақт бўлиш имтиёзига эгаман.

— О-о, Бэнкс ака, бундай дема, — жавоб берди Билли. — Мен ҳеч қандай муқаддас одам эмас. Умуман муқаддас одам дегандай нарсани ўзи йўқ; бу одамда яшаётган муқаддас Худо, холос. Ва шундай муқаддас тоғ ҳам йўқ: бу фақат тоғда бўлиб турган муқаддас Худо холос. Менимча, Пётр ҳам айнан шу ҳақида гапирган.

Улар қандай қилиб муқаддас Худо Ўз халқида яшаши мумкинлиги ҳақида суҳбатлашишди. Бэнкс ўзига таниш бўлган, Худонинг Руҳи яшайдиган кекса аёл ҳақида эслади. Бэнкс ва Лайллар ҳали умуман ёш бола эдилар, бу хоним уларни тез-тез уйига таклиф қилар, у ерда уларни янги ёпилган нон билан меҳмон қилар ва уларга Исонинг муҳаббати ҳақида гапириб берар эди. Улар нонни олардилар-у, Исони бўлса қолдириб кетардилар. Бэнкс деди:

— Ҳозир бу хоним тўқсондан ошган бўлсалар керак. Биласанми, Лайл, у шу яқинда яшайди. Наҳотки унинг уйига кириш ва энди биз иккимиз ҳам Христианлармиз дейишимиз, ажойиб иш бўлмайди?

Қачонки Бэнкс бу сўзларни айтиши билан, Биллини гўё совуқ сув гирдоби томчилари билан уни устига қуйгандай, ўзини Худо Руҳи ўраб олганини ҳис қилди. Руҳланиши авжида Билли деди:

— *РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: "Тез орада сизлар Худонинг шуҳратини кўрасиз, чунки кичикроқ жонивор ўлимдан қайта тирилади".*

Ўзига келиб, у Бэнкс ва Лайлнинг унга ҳайрон бўлиб қараб турганини кўрди. Бэнкс деди:

— Билли ака, ҳақиқатдан ҳам сен нимани дединг, шуни кўзда тутиб айтдингми?

— А, мен нима дедим, — сўради Билли, чинданам ўзини нима деганини билмай туриб.

Бэнкс унга башорат сўзларини такрорлаганидан кейин, Билли уни ишонтирди:

— Бу қандай айтилган бўлса, аниқ шундай бўлади. Бўлиши зарур, чунки буни мен айтмадим, балки Муқаддас Руҳ.

— Нима деб ўйлайсан, бу қанақа жонивор бўлади? — Лайл сўради.

— Мен билмайман, аммо фаҳмлай билаяпман. Бугун эрталаб ўғилчам мушукчани жуда ҳам қаттиқ қисган эди. Биз йўлга чиққанимизда ҳали тирик эди, аммо, эҳтимол, у ўлади, ва ундан кейин биз уйга қайтгач, Худо уни тирилтиради.

Кунинг қолган давомида уларнинг ови бароридан келмади. Йирик балиқ фақат анча кеч тушгач ура бошлади, ва қачонки қармоққа туша бошлагач, айнан бир неча дақиқа ичида учала балиқчилардан ҳар бири биттадан форел ушлашди. Бу учала форелнинг умумий вазни 9 килограммни ташкил қилди. Бу вақтга келиб балиқчиларни хўраклари тугаб қолди.

Эрталаб қовурилган балиқ билан нонушта қилиб, улар кичикроқ қайиқларига ўтиришди, осиғлиқ моторни ёқдилар ва сув ҳавзаси бўйлаб аста-секин силжиб, йўл-йўлакай балиқ овлай бошлашди. Улар хўракни запас қилиб олиш учун қуёш окунчалари ва бошқа майда балиқчаларни тутиш учун жўнадилар, аммо аввалига ҳеч нима тутишолмадилар. Кейин Билли қайиқни тумшуғини кичикроқ қўлтиққа бурди. У тезликни камайтирганида, двигатель бир пишқирдида ва кейин ўчди. У қайиқни қирғоқ яқинларида ўз ҳолига қўйди ва ўзи бўлса шу вақт қармоққа чувалчанг ўтказди ва уни сувга ташлади. Тез орада балиқ хўракни ютганини пайқади. Бир тортиб, Билли қуёш окунини илдирди.

Бу қўлтиқчада ов қила туриб, уч оғайни Илоҳий қудрат ҳақида гаплашдилар. Улар Исо балиқчи Симонга: "Чуқурроқ сувларга сузиб бориб, ўлжа учун тўрларингизни ташланглар" — деб айтган пайтлар ҳақида мунозара юритдилар. Симон жавоб бериб: "Устоз, бизлар туни билан уриниб, ҳеч нарса тополмадик. Лекин Сени сўзинг бўйича тўрни ташлайман", — деди. Пётр кўлга тўрни ташлаши билан, тўр жуда кўп балиқ билан тўлиб кетганидан йиртила бошлади. У бошқа қайиқдаги ўртоқларига ёрдам беришлари учун ишора қилди. Ўртоқлари келиб, иккала қайиқни чўкар даражада тўлдириб олдилар.[410] Билли дедики, унинг фикрича, то Исо ўша сўзни айтмагунича кўлда ўша балиқлар бўлмаган эди. Билли ўша балиқларни Худо ҳақиқатдан ўша сонияда яратди, деб ишонар эди.

[410] Луқо 5:1-7

Сув устида ҳашоротлар учишар эди. Қуёш окунлари ва қолган тур балиқлар оч эди. Улар дам-бадам сув юзига сузиб чиқар ва пашшаларни тутишар эди. Қуёш окунлари кичкина бўлганидан, Билли кичкинагина №4 қармоқни ишлатди. Лайл бўлса, аксинча, №12 йирик қармоқни — яъни форелни ушлаш учун ҳам ишлатадиган айнан ўша қармоқдан фойдаланди. Аслида эса у овдан ҳам кўра кўпроқ Бэнкс ва Билли орасидаги суҳбатдан бохабар эди. Силкинганини сезиб, Лайл ипни ўраб тортди ва қуёш окунчаси уни "қармоқча"сини ҳаттоки қорнигача ютиб юборганига ҳайрон бўлди.

— Ё сиз бир қаранг-да! — охирида саккиз сантиметрли балиқча осилиб турган қармоқ ипини ушлаганича деди у. — Ҳатто қармоқ илгаги кўринмайди.

Окунчани бир қўлига олиб ва ипни бошқа қўлига ўраб, Лайл тортди. Узилаётган мушакларнинг чирс-чирси эшитилди, ва илмак ташқарига ошқозон, ичак-човоқ ва балиқчани бир қисм жабраси билан бирга чиқди. Ҳайрон қолганидан, ҳуштак чалиб юбориб, Лайл:

— Балиқча, ғазалингни ўқиб бўлдинг, — деди.

Кейин илмоқни бўшатиб, у балиқчани қайиқдан ташқарига отди. Қуёш окунчаси бир неча сония думи ва сузгичларини сузиб кетишга уриниб, титраб-қақшаб қимирлатди. Кейин у ёнбош бўлди ва ўлди. Унинг ҳаракатсиз ўлик танаси қайиқдан уч метр нарида сузар ва аста-секин майин шабада ва тўлқинлар таъсирида қирғоққа қараб борар эди.

— Лайл, буни олдини олса бўлар эди, — деди Билли. — Сен кичикроқ илмоқ ишлатишинг керак бўлади. Ундан кейин, балиқ чўқилашини сезишинг билан, силтаб торт, ва илмоқ балиқни чакагига суқилиб киради.

— А мен бир қишлоқи, балиқ овида ҳам унчалик тушунмайман, — деб жавоб берди Лайл, ўзининг №12 чи илмоғига бошқа чувалчанг ўтказа туриб. — Мен ҳар доим шундай балиқ овлайман.

Бэнкс ва Билли Илоҳий қудрат ҳақидаги суҳбатларини қайтадан тикладилар. Ярим соат ўтиб, Билли доим уни ўйлантириб келган Ёзув жойини унга эслатди. Бир куни эрталаб, оч қолганидан, Исо анжир дарахтидан мевасини ахтарди. Ҳеч қандай мева тополмай, У ўша дарахтни лаънатлади. Ўша куннинг ўзида, кечқурунида анжир дарахтининг ҳамма барглари сарғайиб кетди. Ўқувчилар ўша дарахт бунчалик тез қуриганига ҳайрон бўлишганида, Исо деди: *"Худога ишончингиз бўлсин. Сизларга гапим шуки, агар ким бу тоққа: "Кўтарилиб денгизга отил", деса-ю, ўз қалбида шубҳаланмай, айтгани бажо келишига қаттиқ ишонса, айтгани бўлади".*[411]

[411] Марк 11:12-33

Шу сўзларни айта туриб, Билли қайиқ яқинида чайқалиб турган ўша ўлган балиқчага қаради. Шамол уни нилуфарларга ҳайдаб борган ва у ёнбош бўлиб ўша ерда чайқалиб

турарди; унинг барча ички органлари яшил оғзидан чиқиб турар ва унга хос бўлган ҳаворанг жабраси энди оқариб бўлган эди.

Бирдан Билли ғалати шовқинни эшитиб қолди. Юқорига қараб, тоғ этагида олов каби ловуллаб турган Раббий Фариштасини кўриб қолди. Кейин у қандай шиддат билан дарахт учларидан учиб ўтиб, тўппа-тўғри қайиққа қараб, тоғдан учиб келди. Фаришта уни ёнига келганида, қуюннинг шовқини унинг ҳиссиётларига сингиб кетди. Фаришта буйруқ сингари шундай деди:

— Ўрнингдан тур!

Билли турди.

Лайл Бэнксдан сўради:

— У нима қилаяпти?

— Жим, — Бэнкс жавоб берди. — Ҳозир нимадир содир бўлади.

Фаришта Биллига деди:

— Ўша балиқчага айт, ва у тирилади.

Сув нилуфарлари орасида чайқалиб юрган, ўлган қуёш окунчасини қўли билан кўрсатиб, Билли деди:

— Балиқча, Исо Масиҳ сени ҳаётга қайтаради.

Фаришта шу заҳоти ғойиб бўлди. Учала балиқчининг кўз ўнгида қуёш окунчаси ичак-човоғини ичига тортди, тик ҳолатига қайтди ва ўзини тўдасига қўшилиш учун чуқурга сузиб кетди.

Лайл қайиққа чалқанча йиқилди ва тутила-тутила:

— Э-э... Билли ака... э-э..., сен нима дейсан...э-э... бу мен учун бўлдими, чунки мен-мен ўша балиқчага: “Ғазалингни ўқиб бўлдинг”, — дегандим? — деди.

— Йўқ, Лайл ака, Худо Ўзининг буюк Қудратини, биз ҳозир гаплашган ўша Ёзув жойини тасдиқлаш учун зоҳир қилди.

— Аммо, нима учун? — сўради Бэнкс. — Ахир сен ўзинг айтдинг, сени ибодатинг учун рўйхатингда, спастик фалаж бўлиб қолган болаларни ҳам қўшсак, минг-минглаб одамлар бор деб. Нима учун энди Худо Ўз Қудратини қандайдир балиқчани тирилтириш учун ишлатди?

— У Худо, ва У неки хохламасин, барчасини қилиши мумкин. Бу Ёзувга тўғри келади. Ўша куни Исо ўша анжирни лаънатлаш учун Ўз Қудратини ишлатган куни, Қуддусда бўлган барча моховлар ҳақида ўйлаб кўринг. Кўряпсизми? Бу, Худо ҳамма нарсадан манфаатдор, ҳамма нарсага эътиборлилигини кўрсатади, холос. Агар У бу балиқчани ҳаётга қайтариш учун шунчалар ғамхўрлик қилган бўлса, унда, У Абадий Ҳаётни Уни Ўз болаларига жо қилиб, айтади-да, албатта.

АВГУСТДА УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ яна шимолга — бу сафар Канаданинг Альберта провинциясига, Эдмонтон шаҳрида тўққиз кунлик шифоланиш кампаниясини ўтказиш учун учди. Одамлар жуда кўп келди-ю, аммо улар Биллини совуқ қаршиладилар. Учинчи оқшом у қандайдир камчилик борлигини сезди. Бу канадаликларнинг имони даштдаги ёнғиндай кўтарилиши керак эди. Бунинг ўрнига уларнинг муносабати абадий музликдай совуқ эди.

Ваъзини тугатиб, Билли деди:

— Сиз пульсланиб турган, мен билан зинадан тушадиган жой орасидаги ўша Нурни кўраяпсизми? У ҳозиргина пайдо бўлди. Мен, мана шу Нур Чиқиш Китобидаги Исроил болаларини бошқариб юрган Ўша Олов Устунини ўзи эканига аминман.[412] Кейинчалик ўша Олов Устуни тана бўлди ва Исо Масиҳ, Худо Ўғли кўринишида биз билан бирга яшади. Исо ерда бўлганида, У: “Мен Худодан келдим ва Худога бораман”, — деди.[413] У Худога қайтганида, мен ишонаман, У ўша Нур формасига қайтди. Павелни Дамашқ йўлида кўр қилган Нур, бу худди ўша Нурдир. Павел сўради: “Ё Раббий, Сен кимсан?”, Нур бўлса: *“Мен Исо...”*, деди.[414] Мен аминман, худди ўша Нур зиндонга ҳаворий Пётрга ўша кеча келган, зиндон эшикларини очган ва уни ўша ёқдан чиқарган эди.[415] Мен Қудратли Худо ер-осмон

Парвардигори эканига, ҳозир шу ерда орамизда турган Исо Масиҳ бўлса Унинг Ўғли эканига ҳақиқатдан ҳам ишонаман.

[412] Чиқиш 13:21
[413] Юҳанно 16:28
[414] Ҳаворийлар 9:3-5
[415] Ҳаворийлар 12:5-11

— *У паст бўйли, ана у ерда ўтирган аёлнинг ибодатига жавоб бераяпти.*

Билли қўли билан олдинги қаторларда ўтирган қора сочли аёлни кўрсатди.

— *Сиз асаб бузилишидан қийналасиз. Сизни ёнингизда ўтирган одам орқаси оғришидан қийналади. Сизлар эр-хотинсиз. Бу ҳаммаси тўғри бўлса қўлларингизни кўтаринг.*

Улар иккаласи ҳам қўл кўтаришди.

— *Сизларни ибодат карточкаларингиз борми? Йўқми? Сизларга уни кераги ҳам йўқ. Сиз иккингиз шифоландингиз. Исо Масиҳ сизларни соғайтирди. Омин.*

— *Уларни орқагинасида ўтирган одамда ўт пуфаги касаллиги. Сизни исмингиз Кларенс. Сиз Гранд-Прэри деб аталувчи шаҳардан келдингиз. Нотўғрими ёки? Сэр, сизнинг ўт пуфаги билан муаммонгизни куни битди. Уйингизга қайтишингиз ва саломат бўлишингиз мумкин. Омин.*

— Сиз: “Бранхам ака, сен у одамни исми билан айтдингми? — деб айтарсиз. Ахир Исо Масиҳ, ерда танада юрганида, Симонга, уни Симон дейишларини ва унинг отасини исми Иона эканини ва Симон бундан кейин Пётр деб аталишини айтмаганмиди?[416] Исо бугун ҳам ўшани ўзи.

[416] Юҳанно 1: 40-42

— *Мана ўша Нур аёл устига келди. У юқори қон босимидан қийналади. Уни миссис Фишбрук исми. Туринг. Сиз шу шаҳардан. Сиз 125-чи кўчада истиқомат қиласиз. Сизнинг уйингизни номери 13104. Агар бу ҳақиқат бўлса, қўлингизни кўтаринг. Жуда соз, миссис Фишбрук сиз соғайдингиз. Исо Масиҳ сизни соппа-соғ қилди.*

— Сизлар Унинг шу ерда Борлигига ишонасизми? Мен барча маслагидан қайтган ёки ҳозиргина Масиҳни қабул қилган эркак ва аёлларни, ҳали мойланиш шу ерда бўлган пайтда, мен сизларни устингиздан ибодат айтишим учун, олдинга ўтишларини истар эдим.

Органчи черков мадҳиясини чалди. Гарчи залда минглаб одамлар бўлса-да, улардан ҳеч ким олдинга чиқмади. Ниҳоят, Билли деди:

— Канадаликлар, сизга нима бўлди? Сизлар шунчалар Художўй бўлиб кетганингиздан, ораларингиздан Масиҳни сиқиб чиқардингизлар. Эскиликни ёқлашингиз, мутаассиб бўлишингиз яхши, аммо бунчалар расмиятчи бўлманг, бу Муқаддас Руҳни хафа қилади. Сизда ҳеч қанақа уйғониш бўлмайди.

Худди шу замон Билли ўша ердаги одамлар устидан сузаётган қора тўлқинни кўрди. У уларни огоҳлантирди:

— Агар мен Худони пайғамбари бўлсам, мен Унинг Исми ҳақи айтаман. Сизлар яхшиси Худо билан ярашинглар, чунки шундай вақт келадики, сизлар буни фарёд қилиб қидирасиз ва тополмайсиз. Бу РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ. Агар юрагингизда Илоҳий муҳаббат бўлмаса, сизлар гуноҳкорларсиз ва дўзахга қараб кетасиз. Бу РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ. Худди Ўша Худо, Қайсики руҳларни фарқлайди ва одамларга уларни ҳолатини очиб беради, тўппа-тўғри ҳозир гапиряпти. Мен Исо Масиҳ Исми ҳақи айтаяпман. Алтарга шошилинг ва ҳали Худо ҳозирча саҳифани варақламасидан, ва сизлар абадий айбдор бўлиб қолмаслигингиз учун, иложи борича тезроқ тавба қилинглар. МУҚАДДАС РУҲ ШУНДАЙ ДЕЙДИ, Қайсики ҳозир бизнинг орамизда турибди.

Билли ялинишда, одамларни кўндиришда давом этди. Олдинга ибодат учун бор-йўғи бир неча тавба қилувчи киши келди, холос. Бунақа натижалардан Биллининг қаттиқ кўнгли қолди.

— Дўстлар, бунақасини мен анча йиллардан бери кўрмаган эдим. Менга ҳеч қачон, ҳозир, бир-икки сония муқаддам бўлганидагидай, қачонки мен ўша қоронғи тўлқинни бинода силжиётганини кўрганимдай, ҳис-туйғуга эга бўлмаган эдим. Нимадир мени ажаблантирди. Худо буни тўғрилигини билади. Бу ерда нимадир пачава.

Эртасига тонгда уйғониб, Билли ўзини ҳали бери эзилгандай ҳис қилди. Гап нимада эди ўзи? Нима учун энди Эдмонтондаги Христианлар ораларидаги Исо Масиҳ Борлигини пайқамадилар ва ўша очиқлик олиб келаётган барча дуоларни қабул қилмадилар? Билли, бунда унинг айби бормиди, тушуниб етмас эди. Эҳтимол, у Хушхабарни уни кўрсатиш мумкин бўлган энг яхши усулда етказмагандир.

Тўшакда ўтирганча, у тумбочкасидан доктор Ч.И.Скоуфилд изоҳлари ёзилган Библиясини олди ва охирги варақларида ёзилган ўзининг қайдларини қарай бошлади. У яна 1952 йилда, Худо уни ўлдирувчи амёбалардан шифолаган худди ўша тонгда кўрган ваҳийси ҳақида ўқиб чиқди. У ҳавода муаллақ бир қўлни Наби Ясу Китобининг 1-чи боби, 2-дан 9-чи оятларгача кўрсатиб, Ёзувнинг бу жойлари Биллининг хизматига ҳам Наби Ясуга бўлганидай, шу даражада тегишли деган фикр берганини эслади.

У Библияни бекитди, аммо ҳали уни қўймади. Угт кафтлари орасида тикка ушлади, ва шу вақт фикрларга чўмди.

Тез орада у меҳмонхона номерига Раббий Фариштаси келганини ҳис қилди. Биллининг маъюслиги қўрқув билан алмашди. У кескин равишда қўлларини юрагига босди ва Худо ҳар он унга гапиришини кутиб, уларни ибодат учун қовуштирди. У Библиясини қўлидан қўйиши заҳоти, у очилиб кетди. Уни Библияси доимо ишлатилганидан анчагина эскирганди. Библия у тез-тез ўқийдиган юзлаб Ёзув жойларининг ҳар қандай жойида очилиши мумкин эди, аммо ҳозир унинг саҳифалари Наби Ясу Китобининг 1-чи бобида иккига ажралди. Билли қуйидагиларни ўқиди:

> ***Эй Ёшуа, бир умр ҳеч ким сенга бас кела олмайди. Мусо билан бўлганимдай, сен билан ҳам бирга бўламан. Сени тарк этмайман. Ҳеч қачон ташлаб кетмайман.***
>
> ***Дадил ва ботир бўл, Исроил халқининг ота-боболарига, сизларга мана шу юртни бераман, деб ваъда қилганман, улар бу ерни олиб, эга бўлишига сен бош бўласан...***
>
> ***Мана Мен амр қиламан, дадил ва ботир бўл, ваҳимага тушма, қўрқма, қаерга борсанг ҳам, Мен Эганг Худо сен билан бирга бўламан.***[417]

[417] *Исо Навин 1:5-6, 9*

Биллидан қўрқув кетди, маъюслик ғойиб бўлди ва унга ўзига ишонч қайтди.Худо унга Фаришта орқали гапирди ва уни ваҳийлар ёрдамида Ўз Руҳи билан етаклади. Ҳаттоки, агар уни ҳар бир деноминация рад этганида ҳам, бу нарса уни Худо у нима қилган бўлса шуни қилишига тайинлагани фактини ўзгартирмас эди. У олдинлар, унинг ягона топшириғи, бу уни Илоҳий шифоланишлар инъомини бутун дунё одамларига намоён қилиш, деб ўйлар эди. Кейин унга Худо унинг хизматини уч қисмини — ўша балиқ тутиш қармоғидаги учта “силташ”да кўрсатди. Биринчи иккита силташ — унинг шифоланишлар хизматини ифодалар, учинчи силтов эса умуман бошқача эди. Учинчи силтов орқали йирик ўлжа балиқ ушланади. Учинчи силтов Исо Масиҳ Келини ҳисобланган ўша одамларни чақириб олади ва Худо уларга беришни қасамёд қилган ўша ерни, улар учун мерос қилиб беради. Қаердадир буни эшитадиган, Ҳақиқатни таниб оладиган ва ўша ҳақиқатга асосан амал қиладиган одамлар бўлиши керак эди. Исо деди: *“Ҳақиқат сизларни озод қилади”.*[418]

[418] Юҳанно 8:32

Билли Скоуфилд изоҳлари бор Библиясини Ёшуа китобига варақлади ва “Тематик иловалардан қандай фойдаланиш керак”, — деган сарлавҳали саҳифани топди. Ручкани олиб, уни ҳошиясида қуйидагиларни ёзди:

> *Мен бир қанча вақт давомида Исо Навиннинг 1-чи бобини очаяпман. Шу эрталаб, 1957 йилнинг 7 августида мен бетоб ва асабий эдим; ва мен менга берилган ваҳийни кўриб чиқдим, уни бу китобнинг охиридаги варағига ёзиб қўйдим. Кейин мен Китобни очдим. У яна шу бобда очилди. Азиз Исо Масиҳ, менга Сени шон-шуҳратинг учун мард бўлишим учун ёрдам бер. Бранхам ака.*

Кейинги саҳифанинг юқори қисмида, Исо Навиннинг 1-чи боби ёзилган саҳифада, Билли ўқиб бўлмайдиган қилиб шуни ёзди:

Мен ваъда бераман, Худо ёрдами билан шу кундан бошлаб ва бундан буён мард бўлишга.

— *7 август 1957.* **(№10 Сурат)**

ОКТЯБРДА БИЛЛИ ЎЗИНИНГ одатдаги кузги ов сафарини Колорадо штати Серқоя тоғларида жойлашган Нотинч дарёси водийсида ташкил қилди. Афсуски, ўша пайтда улар таянч базаларига келган вақтларида, уларнинг гуруҳидаги ҳамма киши осиё гриппи билан касалланди. Йўтал ва юқори температура сабаб, уларни овқатланишга ҳам ҳоли йўқ бўлиб, ов ҳақида гапирмаса ҳам бўлар эди. Улар ҳатто ўз милтиқларини ғилофидан ҳам чиқаришмади, балки турдиларда орқага, уйларига қайтишди.

Билли яна бир бор таътилини ноябрда ўтказмоқчи бўлди. Бу сафар у сафарини Айдахо штатининг марказий қисмига, балиқ овига режалаштирди. Юкларини отларга юклаб, у отда узоқ Ўткир қирра тоғларига жўнади ва чодирини Қайтиб келмас дарёси ўтлоғига қурди. Бу жуда гўзал манзарали жой эди: чор атроф гранит ва сланец жинсларидан иборат баланд-баланд қоялар, тоғ оралиғидан эса қорақарағай, оққарағай ва сосналарнинг қалин чакалакзорлари чўзилиб кетган эди. **(№11 Сурат)** Биллини кўпроқ мана шунақа жойлар ёқар эди. Мана бу ерда у бемалол бўлиши ва ҳордиқ чиқариши мумкин. Ташқи дунё ҳеч қандай унга етиб келолмас... ҳеч бўлмаганда у шундай тасаввур қилган эди.

У лагерини қургани заҳот, дарёга жўнади. Гранит палахсасига туриб, хивичланган қармоғини ташлади ва ипини тортиб-тортиб қимирлатдики, у сув юзидан учаётган пашшанинг ҳаракатини эслатар эди. Шу йўсинда у камалаксимон форелнинг жиғига тегди, у эса хўракни ютди. Ўша куни Билли каттакон форелни ушлади.[419] **(№12 Сурат)** Кейинги куни у яна ўша ерда балиқ овлади. Бир неча соатдан кейин кичикроқ самолётнинг моторини шовқинини эшитди. Юқорига қараб, у дарё бўйлаб водий устидан учаётган “Piper Cub” деган самолётни кўрди. Билли самолёт уни устидан учаётган вақтда қўлини силкиди. Самолётдан яқин орадаги ўтлоққа кичикроқ предмет парашютчада ерга тушди. Ўша ёққа бориб Билли қараса, бу тунука қутти эканини ва ичида у учун хабар бор эканини билди. Ҳозиргина унинг укаси Говард вафот этган эди. Кейинги эрталаб Билли барча сафар жабдуқларини отларга юкладида, цивилизацияга қайтди.

[419] Бу балиқ ўша вақтгача бўлган камалаксимон форелнинг рекорд нусхаси бўлиб чиқди. Билли ундан тулум ясашни ва уни тахтага ўрнатиб беришини илтимос қилиб, таксидермистга олиб борди.

ГОВАРДНИНГ ДАФН МАРОСИМИДАН КЕЙИН Уиллям Бранхам Жефферсонвиллидан Калифорниянинг шимолидаги Лейкпорт шаҳрига, қисқагина кампания ўтказиш учун жўнади. Тўлиқ Инжилчи Тадбиркорлар Жамияти бу йиғилишларни ярмаркалар майдонидаги катта бинога ўтказишни ташкил қилди. Бир неча минглаб одамлар йиғма стулларда ўтирган эдилар. Оқшомларнинг бирида Билли Ёзув жойидан бир лавҳани ваъз қилдики, бу лавҳа охирги вақтларда унга тинчлик бермас эди.

Исо бунга жавобан айтди:

Худога ишончингиз бўлсин. Сизларга гапим шуки, агар ким бу тоққа: “Қўпарилиб денгизга отил”, деса-ю, ўз қалбида шубҳаланмай, айтгани бажо келишига қаттиқ ишонса, айтгани бўлади.

Бинобарин, сизларга айтаман: сиз ибодатда нимаики сўрасангиз, олишингизга ишонинглар ва эришасиз.[420]

[420] Марк 11:22-24

Марк 11:23 Биллини даъват қилди. Бу уни таъқиб қилиб юрди. Библиянинг ўша оятида нимадир яширилган эди — нимадир бир буюк нарса эдики, уни у унчалик тушунмас

эди. Аммо бу оқшом Лейкпортда у 24-оятга алоҳида урғу берди, қайсики бу оятда Исо Ўз издошларини улар ибодат вақтида имонлари бўлишини рағбатлантирган эди.

Биллининг ваъзи тугашига озроқ қолганида фотограф бир неча суратлар олди. Қачонки у ўзининг рангли плёнкасини проявка қилганида, биринчи сурат Уилльям Бранхамни, у кафедрада туриб ва ваъзи вақтида ишора қилаётганидаги ўнг томон профили намоён қилиб, нормал кўринар эди. Нилуфарларга тўла тўқилган сават кафедрадан ўнг томонда, баланд устуннинг юқори қисмига бириктирилган, якка микрофон ёнида безак сифатида турган эди. Биллининг орқароғида шифтдан электр қиздиргичнинг квадрат металл корпуси осилиб турган эди. Платформанинг узоқроғида иккита одам йиғма металл стулларга ўтиргандилар. Бу одамларнинг ёнида, баланддан тушиб ва полга тўшалиб, парда осиғлиқ турар эди; уни ё декорация сифатида, ё саҳнадан суриш қийин бўлган ниманидир бекитиб туриш учун фойдаланган эдилар. **(№13 Сурат)**

Кейинги суратда эса саҳна олов тиллари шуълаланиб тургани ва қаҳрабо рангли хира доғлар билан қопланган сюрреалистик (реалликдан узоқ) манзара каби кўзга ташланиб турар эди. Биллининг ўнг томонида баландлиги икки метр булут кўринишида Раббий Фариштаси турган эди. У хушхабарчи бинонинг чап қисмида ибодат навбатида тизилган одамлар ўртасида турар эди. (Билли ҳар доим одамларнинг ибодат навбатига шундай тизар эдики, бунда унга ўнг томондан келиб, улар бу Фариштанинг ҳузурида тўхташлари ва туришлар керак эди.) Бу суратда Фаришта ҳайрон қиладиган ягона тасвир эмас эди. Биллининг шундоққина орқасида Исонинг (юзи, соқоли ва бўйни) қўлларини чўзиб турган тасвири бор эди, қўлларидан олов тиллари — худди эчилар каби бориб келаётган ва ваъз қилаётган одамга эсаётган — аниқ еттита аланга тасмаси учар эди. Биллининг танаси, гўё ушбу ғайритабиий Оловнинг шуъласига қоплангандай эди. (Кейинроқ Билли бу суратга қараганида, у бу сурат унга пайғамбарлар томонидан айтилган Иезекиилнинг 1-боби ва Ваҳийнинг 4:5-даги ҳодисаларни эслатди, деди.) **(№14 Сурат)**

Бунақа атмосферада мўъжизаларнинг бўлмаслиги мумкин эмас эди, ва бу ўша оқшом Лейкпортдаги ўша навбатга кимдир етаклаб келган кўзи ожиз аёл учун ҳам ижобий воқеа бўлди. У Шимолий Америкалик индианка эди. Унинг кўзлари бутунлай оппоқ эди — гап унинг рангдор пардаси ёки кўз қорачиғи парда билан қоплангани ҳақида бермаяпти; рангдор парда умуман йўқ эди. Билли у билан, токи уни руҳи билан контактга эга бўлмаганича, озроқ гаплашди:

— Тўққиз йил муқаддам сиз миянгиздаги қон увиши сабабли вақтинча фалаж бўлгансиз. Сиз анчайин тузалдингиз, аммо ўша фалажлик оқибатида сизнинг кўзларингиз бошингизга кириб, киртайиб қолган, ва шундан бери сиз кўрмайсиз ва доимо, кечаю-кундуз тинчингизни йўқотиб, қийналаяпсиз.

Билли бу аёлга жуда бир бошқача қайғурди, чунки у унинг онасини эслатар эди, қайсики у ярим индианка бўлиб, героки уруғидан эди. У бу аёл учун Исо Исми ҳақи ибодат қилганида, кўришни Берувчи келди ва унга тегди. Қари аёлнинг кўзлари косасидан чиқди ва ўз жойида керакли тарзда жойлашди. У яна чор атрофни қандай бўлса, шундай кўра олар эди, гарчи у ҳозир қувонч ёшларидан хира кўринсада. Уни шу ерга олиб келган одамнинг ёрдамини рад этиб, қария инду аёлини ўзи платформадан тушиб кетди.

Бу мўъжизадан Биллининг орқасида, платформада ўтирган кекса лютерианинни имони алангаланди. У одамнинг хотини ошқозони ярасидан қон кетишидан қийналар эди, унинг оғриб туриши охирги тўрт йил мобайнида аста-секин кучайди. Энди унинг рафиқаси қаттиқ овқат ейолмас эди ва шунчалик қони камайиб кетганидан, унинг врачи унга қон қуймоқчи ва бир ҳафтадан кейин операция қилмоқчи эди. Кекса лютерианин: “Раббим, агар Сен Бранхам акага хотинимни муаммосини аниқлашига йўл берсанг ва агар бугун оқшом Сен уни шифоласанг, мен уни операцияси учун олиб қўйган 500 долларни оламанда, уларни Юкайя шаҳрида қурилаётган лютеранлар черковига элтиб бераман”, — деб тинчгина ибодат қилди.

Билли шу заҳотиёқ бурилди, шу лютерианинга қўли билан кўрсатди ва деди:

— Сиз сэр... сиз ҳозиргина, агар Худо хотинингизни шифоласа, сиз ҳадя сифатида уни операциясига деб қўйган ўша 500 долларни лютеран черкови қурилишига ёрдам бериш учун бераман, деб ибодат қилдингиз.

Ҳолсизликдан қариянинг юраги тўхтаб қолаёзди, аммо ҳар қалай у жавоб бера билди:

— Дўстларим, бу айни ҳақиқат.

— Худога сизнинг пулингиз керак эмас, — деди Билли, — бироқ У сизни имонингизни кўришни қатъий хохлайди. Сэр, сизни рафиқангиз шифоланди. Бу РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ!

Кейинги эрталаб бу одам ва унинг саксон яшар рафиқаси Христиан Тадбиркорлар нонуштасида иштирок этдилар. Билли уни ветчина билан қовурилган тухумни қанчалик иштаҳа билан еяётганини кузатиб турди, гўё у бор-йўғи қирқдан ошган ёшдагидек эди.

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ Калифорниядан уйига қайтиши билан, миссис Босворт Флоридадан қўнғироқ қилди ва эрини ўлим тўшагида ётганини хабар қилди. Билли унга зудлик билан боришини айтди. Меда нарсаларини чамадонларга жойлагани пайти Билли машинасини тайёрлади ва тез орада улар жануби-шарққа, Флоридага қараб елдилар. Улар касалхона палатасига кирганларида, Фред Босворт сийқа бошини ёстиқдан кўтарди ва орик қўлларини чўзди. Билли ўзини эски қадрдонини қучоқлади ва Елишай Илёсга айтган охирги сўзларини айтиб, хитоб қилди:

— Отам! Отам! Сиз Исроилнинг қудратли ҳимоячиси эдингиз! Исроилнинг жанг араваси ва отлиқ лашкари каби эдингиз-а! Қаёққа кетиб қолдингиз-а![421]

[421] 4-Шоҳлар 2:12

Фред Босворт пастгина овозда жавоб қайтарди:

— Ўғлим, ҳар доим ўз хизматингни эсда тут. Сен ҳақиқий Хушхабарни ваъз қилаяпсан

Креслога ўзини ташлай туриб, Билли дўстининг қўлини олди.

— Мен 48 даман ва мен шундай чарчадим. Эҳтимол, мен хизматим поёнига етаяпти.

— Ҳеч гап эмас! Сен ёшсан ва сенинг хизматинг келажакда қандай бўлса, шундай бўлиши учун ҳатто ҳали бошлангани ҳам йўқ. Фаолиятингда қол. Бу элликчи воизлар ўз фанатизмлари билан сувингни лойқалатишига йўл қўйма. Ўзингдаги бор бу Хушхабарни ваъз қилавер. Мен ишонаман, сен Раббимиз Худонинг ҳаворийси ва пайғамбарисан.

— Босворт ака, сен ҳали мен туғилгунимча ҳам Хушхабарни ваъз қилдинг. Бу барча йиллар ичида сени ҳаётингда энг буюк лаҳза қайси эди?

Фред Босворт сўз излаб чўнтак ковлаб ўтирмади.

— Энг буюк лаҳза ҳаётимда — мана тўппа-тўғри ҳозир. Тез орада мен, йиллар давомида Ким ҳақида воизлик қилган бўлсам, Кимни севсам, Ўша, анави эшикдан келади ва мен бу ёқдан Ўша билан чиқаман.

Биллида у Иброҳимга, Исҳоққа ва Ёқубга баробар одамга қараб тургандай фикр туғилди.

— Босворт ака, иккимиз ҳам бир нарсага ишонамиз. Худо иноятн билан мен охирги нафасимгача Хушхабарни ваъз қиламан. Мен ҳеч қачон Сўз билан келишувчиликка бормайман. Мен бор кучим билан Исо Масиҳга содиқ қоламан. Ажойиб бир кун келиб мен сен билан яхши ерда учрашаман, у ерда биз ҳар доим ёш, навқирон бўламиз.

Енгил жилмайиш Босвортни лабларига югурди.

— Бранхам ака, сен у ерда бўласан. Ташвиш тортма.

Икки ой ўтиб Фред Босворт беҳуш ҳолатга тушди. Кейин у кутилмаганда кўзларини очди ва тўшагига ўтириб олди. Ўнг қўлини чўзиб, у гўё ким биландир қўл қисаётгандай, қўлларини ҳавода силкий бошлади.

— Жим ака, мен сени ўлганингдан бери кўрмадим. Сен менинг Иллинойс, Жолиетдаги йиғилишим вақтида Раббийга имон келтирганларимдан бири эдинг. Жули опа, мен сени Виннипегдаги йиғилишим вақтида Раббийга келтирган эдим.

Икки соат давомида у одамлар билан (хонадами?) сўрашди. Қайсики улар унинг хизмати орқали Раббийга келишган ва ундан олдин қазо қилишган эдилар. Ниҳоят, у бошини

ёстиққа қўйди ва Исонинг бағрида ўтди. Фред Босворт 84 ёшга тўлди ва у Абадийлик томон йўлга тушди...

78 БОБ
УОТЕРЛУДАГИ КЎНГИЛ ҚОЛИШ
1958

ДЖИН НОРМАН 1950 йилнинг июнида Миннесота штати, Миннеаполисда биринчи марта Уилльям Бранхамнинг йиғилишида бўлди ва унинг ваъзини эшитди. Албатта, юрак сирларини фарқлаш ва мўъжизалардан у чуқур таассурот олган эди, бироқ энг бошданоқ унга Уилльям Бранхамнинг хизмати анча чуқурроқ маънога эгадай кўринди. Джим хотини Мэри билан Бранхамнинг Огайо штати, Кливленддаги кейинги кампаниясида бўлиш учун ишидан таътил олди.[422] Августда кливленд йиғилишлари тугаб кетгач, Джим уйига, Миннесотага қайтди ва "Шифоланишлар Овози" журналини олишга буюртма берди, у ерда Уилльям Бранхам йиғилишлари жадвали босилар ва уни кампаниялари натижалари хабар қилинар эди. Джим Уилльям Бранхам ваъзлари ёзилган магнитофон плёнкаларини ҳам Бранхам кампаниясининг Жефферсонвиллидаги офисига буюртма берди.

[422] Бу Девид Вуднинг чангак оёқлари тўғриланган ўша шифоланиш кампанияси эди.

1952 йилда Джим Норман оиласи билан Айова штати, Поркерсбергга кўчиб ўтди. У ўша пайтда бу плёнкалар тарқатишда мудирлик қилиб турган Фред Сотмандан Уилльям Бранхам ваъзлари ёзилган плёнкалар олишда давом этди. Хатлар ёзишиб, Джим Норман ва Фред Сотман дўстлашдилар. Фред Сотман Канаданинг Саскачеван провинциясидан эди, аслида туғилган жойи. 1956 йилда Сотман Саскачеваннинг Принц-Альберт шаҳрида Бранхам кампаниясини ташкил қилди. Джим Норман мана шу йиғилишларда иштирок этди. Кампания тамом бўлгач, Фред Сотман Уилльям Бранхам учун уч кунлик балиқ овини ташкил қилди ва бунга Джим Норманни ҳам таклиф қилди. Саскачеваннинг игна баргли ўрмонлари ва кўллари ораларида Билли ва Джим дўст бўлиб олишди.

Охир оқибат, Джим Норман оиласи Уилльям Бранхам Худонинг пайғамбари эканлигига амин бўлди. Джим Норман 1957 йилда Бранхамнинг Айова штати, Уотерлу кампаниясига ҳомийлик қилишга қарор қилди. Бу яқин муниципиал районда 100 000 дан ортиқ аҳоли бор эди. У ҳозирга пайтда Бранхам кампаниясининг администратори Ли Вейлга қўнғироқ қилди. Ли Вейл Билли билан гаплашиб олди, кейин эса Джим Норманга қўнғироқ қилди ва унга Биллини 1958 йилнинг 25 январи шанбадан 2 февраль якшанбагача бўладиган бўш вақтини айтди. Норман шу заҳотиёқ бу кампанияга ўтказиш учун молиявий ёрдам бериш мақсадида Уотерлудаги барча Христиан хизматчилар билан боғланди. Кейин у "Ипподром" деб номланган йирик аудиторияни ижарага олди ва ҳамма жойларда бўлиб ўтадиган йиғилишлар ҳақида эълонлар қила бошлади.

1958 йилнинг январини охирги ҳафтаси давомида Айова штатида қор бўрони қутурди, натижада барча йўллар музлади ва ҳайдовчилар учун жуда хавфли бўлди. Биринчи иккита йиғилишда Билли одамлар кам келишига қор бўрони айбдор эди: "Ипподром"ни ҳатто ярми ҳам одамлар билан тўлмади. Кейин, бир кун кечқурун, йиғилишга бораётиб йўлда бир ўрта мактаб ёнидан ўтди, ва у ерда баскетбол матчи ўтказилаётган эди. Тўхтаб турган машиналарга қараганда, бу мактабнинг спортзали лиммо-лим одамга тўлган эди. Шундагина Билли унинг йиғилишига келадиганларни совуқ об-ҳаво ва йўлларнинг музлаши тўхтатиб турмаётганлигини англади. Христианларга нисбатан қандайдир ўзгаришлар бўлган эди.

Ҳатто бу кампанияга келувчи бир неча минг одамлар орасида ҳам руҳий муносабатлари худди йўлакдаги муз каби совуқ эди. Уларнинг кайфиятлари бўлиб ўтган кўплаб мўъжизалардан ҳам исимади. Чоршанба оқшомида Билли ибодат учун навбат тузиб ўтирмади. Бунинг ўрнига у ҳеч қачон олдин қилмаган ишини қилди. У одамлардан бошларини эгишларини ва унинг орқасидан такрорлашларини илтимос қилди: "Қудратли

Худованд... Ер-осмоннинг Парвардигори... Абадий Ҳаёт Муаллифи... ҳар қандай яхши неъматлар Берувчи... раҳм-шафқат қил, Худойим... Мени имонсизлигим учун кечир... мен Хушхабарга ишонаман... Мен Сени шу ерда эканингга ишонаман... Сен менинг танамда ҳозир ўз сўзингни ижро этаётганингга ишонаман... Йўлларни, воситаларни оч... Мен ўз ишончсизлигимдан бўшайман... Мен Сенинг Руҳингни қабул қиламан... Хозир Сен мендалигингга ишонаман... Мени касалларим йўқолишига ишонаман... Сен ичимда экансан, қандай қилиб менинг танамда ўлим ва ҳаёт бўлиб туради?... Мен Сенга ишонаман... Ва ҳозир мен Сени шахсий Шифокоримдек қабул қиламан".қачонки аудиториядаги одамлар бу умумий эътиқодларини тугатганда, Билли улар учун ибодат қиладиган вақтда бошларини эгиб туришларини илтимос қилди. У шундай деди:

— Мен ҳозир бутун қалбим билан Муқаддас Руҳ сизларда иш якун бўлганини тасдиқлаши учун ибодат қиламан.

Билли қуйидаги ибодатини айтди: "О Худойим, менинг Отам, мен мана шу одамлар учун ибодат қилиш мақсадида Исо Исми ҳақи келдим, қайсики бу одамлар ҳозиргина ўз ноҳақликларини чин дилдан ва самимий тарзда эътироф этдилар. О дуоли Худованд, мана шу оқшом улар учун унутилмас бўлиб қолсин. Муқаддас Руҳ ҳар бир юракка кирсин ва таналаридан барча касалликларни йўқотсин. Энди мен иблисни яккама-якка жангга чақираман. Шайтон, сенга маълум, сен мағлуб бўлдинг. Сен ҳеч қандай қонуний ҳуқуққа эга эмассан. Исо Масиҳ, менинг Раббим гуноҳ ва касалликни олиш учун У Гўлготада ўлганида, сенда бўлган ҳар қандай ҳокимликдан сени маҳрум этди. Сен ёлғон-яширин, уйдирмадан бошқа нарса эмассан, ва биз сени фош қилдик. Сен биласан, Раббимиз дарахтга келганида, У дарахтни лаънатлади. Кейинги кунидаёқ у қуриб қолди. Ва Раббимиз Ўз шогирдларига шундай деди: "Худога ишонинглар. Сизларга гапим шуки, агар ким бу тоққа: "қўпарилиб денгизга отил", деса-ю, ўз қалбида шубҳаланмай, айтгани бажо келишига қаттиқ ишонса, сўраганига эришади". Шайтон, сен бу ҳақида Ёзувни биласан. Ва мен ҳозиргина бу одамларга, Худо уларда эканини ўргатдим. Агар уларда Худо бўлса, ва улар бу касалликка айтсалар ва "Мендан нари кет", десалар ва юракларида бунга шубҳаланишмаса, худди шу моментда ушбу касаллик кетиши лозим, чунки Масиҳ шундай деган. Негаки улар буни айтмаяпти. Буни улардаги, уларда яшаётган Ота айтаяпти. Уларнинг муҳтожлари бор. Шу учун Исо Масиҳ Исми ҳақи, улардан чиқиб кет. Мен мени мойлаган ва одамларга Исо шу ердалигини, Мактуб тўғри эканини исботлаган Фариштанинг Номаси бўйича Худонинг хизматкори. Шу учун Исо Масиҳ Исми ҳақи, улардан чиқиб кет. Мен сени лаънатлайман: ҳар бир касал одамни қолдир ва Раббий Исо Масиҳ Исми ҳақи, қоронғу ташқарига чиқ".

Мана шу ибодатдан кейин аудиторияда ғалати шовқин янгради, гўё органист бир вақтни ўзида ўнта ҳамоҳанг бўлмаган тонни аралаштиргандай бўлди. Аммо "Ипподром"да орган йўқ эди. Бирдан бинонинг бир четидан бошқа четига кучли шамол эсди, қайсики у шовқини билан бир тўда нова-нова[423] *қилинган метални жаранглатган қуюнни эслатди. "Ипподром" бўлса бетон блоклар ва ёғочдан қилинган эди. Барча эшиклар берк бўлганлигидан, бу шамол, шак-шубҳасиз бинонинг деворлари ичкарисида пайдо бўлган ва эса бошлаган эди. Билли унинг эсишини платформада ҳис қилди, унинг пиджагини этагини андак кўтариб, уни ёнидан эсди. Билли нафасини ростлашга улгурмай, бу кучли шамол ғойиб бўлди.*

[423] Гофрировка — махсус ишлов берилганидан кейин параллел тўлқинсимон бурмалар қаторларига эга бўлган (газета, қоғоз, металл ва ҳоказолар ҳақида). (Тарж.)

Шу ердаги одамлар бир неча сония олдин нима бўлганини тушунолмай қолгандай эдилар. Билли уларга Муқаддас Руҳ бино бўйлаб шамол кўринишида Ўз Сўзини тасдиқлаб ўтканини тушунтириб берди. Эллигинчи кунда Пётр ваъз қилганида ҳам шунга ўхшаш нимадир бўлган эди.[424] Одамлардан қанчаси бу шамолни эшитганларини ёки сезганликларини сўраб, Билли беш юз одамни, шулар қаторида Джим Норман ва Ли Вейлни ҳам қўл кўтарганларини кўрди. Шунга қарамай, ҳатто мана шу ғайриоддий ҳодисотдан кейин ҳам кейинги йиғилишлар вақтида одамларнинг имони етарлича юқори даражага кўтарилмади.

[424] Ҳаворийлар 2:2

Шанба эрталаб Билли билан маҳаллий пасторлар мулоқот қила билишлари ва бир-бирлари билан яқинроқ танишиш мақсадида хизматчилар учун нонушта ташкил қилди. Ҳамма нонушта қилиб бўлгач, Билли уларга қисқагина сўз билан мурожаат қилиш учун, ўрнидан турди. У ўз лавҳасини Павелнинг Агриппага гувоҳлигидан олди:

Ва мана, эй подшоҳим, кундуз куни йўлда кетаётганимда, қуёш нуридан ҳам ярқироқ бир нур осмондан порлаганини кўриб қолдим. Нур мени ва йўлдошларимни ёрқин ёғдуга чўмдирди.

Биз ҳаммамиз ерга йиқилгандан кейин, менга яҳудий тилида сўзлаётган бир овозни эшитдим: "Шоул, Шоул! Нега Мени қувғин қиляпсан?"

"Ё Раббий, Сен Ким бўласан?" — деб сўрасам, У: "Мен сен қувғин қилаётган Исоман", — деди.

"Қани, қаддингни ростлаб оёққа бос! Чунки сен Менинг хизматимда бўласан. Мени қандай кўрганинг ҳамда Мен қай тарзда сенга зоҳир бўлганим ҳақида гувоҳлик қилишинг учун сени тайинладим.

Сени ўз миллатинг ва бошқа халқлар қўлидан халос қиламан. Мажусийларнинг кўзларини очиб, уларни зулматдан нурга ва шайтоннинг ҳокимиятидан Худога қайтариш учун сени юбораман, токи улар Менга имон келтириб, гуноҳлари кечирилсин ва Худо азизларига насиб этадиган абадий меросга мойил бўлсинлар", — деди.

Бинобарин, эй подшоҳ Агриппа, мен кўкдан юборилган ушбу ваҳийга монелик қилмадим.[425]

[425] Ҳаворийлар 26:13-19

Ушбу воқеани прецедент[426] сифатида ишлатиб, Билли хизматкорлар билан ўзининг 1933 йилдаги Огайо дарёсида сувда чўмдирилиш маросими ҳақидаги гувоҳлигини бўлишди, ўшанда, ўша ғайритабиий нур пайдо бўлган эди ва Овоз шундай деган эди: *"Яҳё Чўмдирувчи Исо Масиҳнинг Биринчи Келишини хабар қилиш учун юборилганидай, сен ҳам Унинг Иккинчи Келишини хабар бериш учун юборилгансан"*. Кейин Билли 1946 йилда Фаришта уни олдида пайдо бўлгани ва унга, бутун дунё одамлари учун шифоланиш инъомини намойиш қилиш тақдир этилганини айтган ўша кеча ҳақида ҳикоя қилиб берди. Ўтган замонларда Павел айтганига ўхшаб, Билли тантанали суратда:

[426] Прецедент — ўзидан кейин содир бўладиган худди шу турдаги воқеаларга намуна, ўрнак бўла оладиган воқеа, ҳодиса.

— Мен ушбу самовий ваҳийга монелик қилмадим, — деб ҳаммага билдирди.

Ҳали Билли гапириб тураркан, хизматчилардан бири столдан стулини орқага сурди, пальтосини олди ва чиқиб кетди. Бошқа одам ундан ўрнак олди. Кейин "занжирли реакция" бошланиб кетди ва ўнта пасторнинг бариси ўз пальтоларини кийдиларда, изғирин совуққа чиқдилар. Джим Норман хижолат бўлганидан типирчилаб қолди. Унинг меҳмони ёнида чуқур сукунатга тушди.

— Бранхам ака, мен ўша ўнта пасторнинг қўполлиги учун узр сўрайман, — деди Джим.

Билли унга бурилиб:

— Джим, биродар, сен мени севасанми? — деди.

Бу саволдан ҳайрон бўлган Джим жавоб берди:

— Бранхам ака, сенга буни исботлашимни истайсанми?

— Джим ака, сени ўрнингда бўлганимда, мен бу ердан ғарбга кетган бўлардим. Бу жойлар энди маҳкум бўлгандир.

Билли Айова штати, Уотерлуда яна битта хизмат ўтказди. 1958 йил 2 февраль, якшанба куни у тингловчиларга "Ипподром" зали бўйлаб чоршанба кечқурунида эсган кучли ғайритабиий шамол ҳақида гапирди. Гарчи унинг умрида Худо унга қуюн кўринишида бир неча марталаб келган бўлса-да, унга фақат бир бор бошқа бир жойда чоршанба оқшомида бўлган қаттиқ шовқинга ўхшаган шовқинни эшитишига тўғри келган эди. Кейин Билли уларга ўзини Бэнкс ва Лайл Вуд билан биргаликдаги балиқ овини, қачонки Худонинг Руҳини

қудратли шамол кўринишида, шовқин билан ва катта тезликда тоғдан тушиб келиб, уни Худонинг Сўзини айтишга ва ўша ўлган балиқчани ҳаётга қайтаришга илҳомлантиргани ҳақида сўзлаб берди.

Билли аудиториясига деди:

— Мен хизматимда, ҳозиргидан анча устун бўладиган, кейинги стадияси яқинлашаётганига шак-шубҳасиз ишонаман. Шу ерда бирор киши борми, менинг хизматимни бошланишини эслайдиган, қачонки мен одамларга қўлидан ушлаганимда вируслар чақирадиган касалликлар титрашини ҳис қилар эдим. Раббий ҳали ўшанда, агар мен самимий бўлсам, бир кун келиб мен одамлар юрагидаги сирларини била олишим мумкинлигини ваъда берган эди. Бугун буни бўлиб ўтганини барча одамлар кўриши мумкин. Энди мен сизларга бундан ҳам буюкроқ бўладиган яна нимадир олдинда турганини айтаман.

Кейин у Луқонинг 17 боби, 26-30 оятларини ўқиди:

Нуҳ пайғамбар даврида қандай бўлган бўлса, Инсон Ўғли келадиган кунларда ҳам шундай бўлади.

Нуҳ кемага кирган кунига қадар едилар, ичдилар, уйландилар, турмушга чиқдилар. Ва тўфон келиб ҳаммани ҳалок қилди.

Лут кунларида ҳам шундай бўлди: еб-ичдилар, олди-сотди қилдилар, экин-текин ва бинокорлик билан машғул бўлдилар.

Лекин Лут Садўм шаҳридан чиққан куниёқ осмондан олов ва олтингугурт ёғилиб, ҳаммани ҳалок қилди.

Инсон Ўғли зоҳир бўлган кунда ҳам худди шундай бўлади.

Ёзувнинг бу жойларидан Билли учта муҳим сабоқ олди. Биринчидан, Лут Садўмдан *чиқди;* иккинчидан, Нуҳ кемага *кирди.* Бу икки одам ҳозирги одамларнинг эҳтиёжини символи эдики, қайсики бу одамлар дунёвий урф-одатлар системасидан *чиқишлари* ва Масиҳнинг хавфсизлигига *киришлари* керак эди. У ўзининг учинчи сабоғини ифода этиш учун Садўмни айни хароб қилиниши олдидан Иброҳимга (у Лутнинг амакиси эди) ғалати меҳмон келганини таъкидлаб, Лут даврига мурожаат қилди.[427]

[427] Ибтидо 18:1-15

Билли деди:

— Бир Инсон келди. Бу Фаришта эди, Инсон кўринишида намоён бўлган Қудратли Худодан бошқа ҳеч ким эмас. Иброҳим Уни Ҳазратим, ёки ё Раббим, *Илоҳим*[428] деб атади. У одам кийимига кийинган, Қудратли Иегова эди. Бу Одам чодирга орқасини қилиб ўтирди, ва Иброҳимга: "Келгуси йил шу вақтда Мен сенинг олдингга қайтиб келганимда, хотининг Соронинг бир ўғли бўлади", — деди.

[428] Илоҳим (ингл. *Elohim*) — *Эль* = "куч ёки Кучли", ва *Элоах* = "қасам ичмоқ, қасам билан ўзини боғлаш" сўзларидан ташкил топган Худонинг асосий исмларидан бири. *Илоҳим* исми Худонинг содиқлиги ҳақида гапиради. Муқаддас Китобда бу сўз "Худо" деб таржима қилинган; қаранг Ибтидо 1:1 ва б. (Тарж.)

— Соро тўқсон ёшда эди. У Одамни гапини эшитиб, у ич-ичидан кулиб юборди. Чодирга орқасини қилиб ўтирган Фаришта Иброҳимга: " Нима учун Соро кулди?" — деди.

— Бу яна қандай ақлий телепатия? Наҳотки бу ерда, Уолтерлудаги сиз одамларга, ўзингиз учун уят эмасми? Мана шу марҳаматли Фаришта ҳар оқшом бу бинога келаяпти ва ўша нарсаларни амалга ошираяпти. Бу нарса яна бир бор бу ерни олов ва вайронгарчилик ёқиши олдида бўлиб ўтади. *"Лут кунларида бўлганидай... Инсон Ўғли зоҳир бўлган кунда ҳам худди шундай бўлади".*[429] Лут кунларида Иброҳимга Фаришта Сорони юрагида нималар бўлаётганини, гарчи у Унинг орқасида ва чодирни ичида турган бўлса-да, била олган эди.

[429] Луқо 17:28-30

— Наҳотки сизлар ўша Руҳнинг феъл-атворини кўрмаяпсиз? Бу Масиҳ Руҳидан бошқа ҳеч нарса эмас эди. Кейинчалик, қачонки У Раббий Исо кўринишида бўлганида, У кимлигини исботлаш учун, У худди ўша аломатни амалга оширди. Худди Ўшанинг Ўзи бугун, бу дунёни олов ва вайронагарчилик йўқотиши олдидан ўша аломатни амалга ошириб, шу ерда турибди.

Ўшанда Билли Луқо 17:30 ни ўз ваъзига кириш учун муқаддима сифатида биринчи бор ошкора равишда ишлатди. Унинг умрини охирги йилларида бунга унинг асосий мавзуси бўлиш тақдир қилган эди.

Кейинги кун эрталабида Билли ва Билли Поль кийимларини Биллининг пикапига солдиларда, Жефферсонвиллига, ортга йўлга тушдилар. Қор бўрон тўхтади, ҳарорат озроқ кўтарилди. Айова штати қор тозаловчилари йўлларни тозаладилар ва туз сепдилар. Билли Поль бу кампаниядан ҳолдан тойган отаси ухлай олиши учун рулга ўтирди. Билли ҳаддан ташқари чарчаганига қарамай, барибир ухлай билмади. У қор босган ёвонлардан километрлар ўтаётганига қарамай, бемалол ўтирган эди.

Тез орада у ёнида ўша кўринмас Фариштанинг Борлигини ҳис қилди. Шу учун уни орқаси донг қотиб, қўллари увишиб қолди. Бирдан унинг пикапи кўринмай қолди. Билли ўзининг машинасини бошқариб бораётганини ва уйи подъездига уни бураётганини кўрди. У кўчада тўхташига мажбур эди, чунки уни подъездини катта-катта тошлар уюми тўсиб қўйган эди. Унинг участкаси бўйлаб кўчага параллел равишда геодезистлар[430] нинг ёғоч қозиқлари ердан чиқиб турар эди. Йўл грейдерлари ва скреперлар Эвинг Лейн кўчаси бўйлаб, у ёқдан – бу ёққа қатнар эди. Йўлнинг иккала бетидаги айрим дарахтлар чопилиб, уларнинг тўнкалари қўпарилиб олинган эди.

[430] *Геодезист* — Ернинг ўлчами, формасини ва ер юзидаги ўлчов усулларини, уни планда ва картада кўрсатиш учун ўрганадиган геодезия фани соҳасидаги мутахассис. (Тарж.)

Бульдозер кабинасида ёшроқ одам ўтирганча, Биллининг ҳовлисидаги ерни навбат билан руль тормозларини босиб, унинг натижасида унинг бир гусеницаси айланар, бошқаси бўлса турар, шу алфозда унинг ҳовлисида бориб келаётган эди; бульдозер геодезист қозиқчаларидан ташқарида, Биллининг ҳовлисини остин-устун қилаётган эди. Билли оёғи олдида ерга қоқиб қўйилган ёғоч қозиқчани кўриб қолди. Қозиқчани боши тўқ сариқ рангда бўяб қўйилганди.

Билли булдозерчига, у билан гаплашиб олиш учун келсин деб имо қилди. Йигит бульдозердан тушди ва подъезд йўлагидан келди. Билли сўради:

— Нима қилаяпсан? Бунчалар узоқ кирма. Сен мени бутун ҳовлимни ўйиб ташлайсанку.

Ёш бульдозерчи Биллини итариб юборди ва ачитиб, гап билан чақиб олди:

— Ваъзхонлар, сизларнинг ишларингиз равшан. Сизлар ахир одамларга нима қилишларини айтиб, буйруқ беришга одатлангансизлар.

Бу одамнинг тажовузкорлигига Билли ҳайрон бўлди.

— Мен сендан фақат нима учун бундай қилаяпсан, деб сўрадим. Сен ахир мени ҳовлимга жуда кўп кираяпсанку.

Йигит яна бир бор Биллини итариб юборди ва кейин уни юзига тушурмоқчи бўлди, аммо Биллининг аввалги боксёрлик реакцияси ишлаб кетди ва у бошини шунчалик тез орқага олганидан, бульдозерчининг қўли ўтиб кетди. Ўйлаб ўтирмай, Билли уни етарлича куч билан тушурди ва у ағдарилди. У ўрнидан турганида, Билли уни яна ерга йиқитди. Йигит яна турди ва Билли уни учинчи бор ағдарди.

Энди ўнг томондан, Биллининг орқасидан Раббий Фариштаси пайдо бўлди.

*— **Бундай қилма,** — деди Фаришта. **— Сен хизматчисан ахир.***

Билли ўзидан-ўзи уялиб кетди. Билли Христиан бўлишигача профессионал бокс билан шуғулланганидан бери, ҳеч кимни урмаган эди. Йигитни турғазиб, устини қоқди-да, унга.

— Мен сенга дарғазаб эмасман, аммо мен билан бундай гаплашиш мумкин эмаслигини билишингни истайман.

Фаришта деди:

— Бу нарсага эътибор берма.

— Буни қандай қилишим керак? — сўради Билли.

— Қачонки сен ҳовлинг олида ўша қозиқ қоқилганини кўрасан, ўшанда ғарбга жўнаб кет.

Ғарбга қайрилиб, Билли отларга тақилган усти ёпиқ аравани — биринчи бўлиб ўтган америкаликлар атаган айни ўша "чўл фойтунини" кўрди. Хотини извозчи ўтирадиган

жойни тўғрисида ўтирар, ва унинг бошида биринчи кўчиб келган аёллардагидек чепчиги бор эди. Биллининг болалари фургоннинг томи тагидан қараб, орқада ўтиришар эди. Билли аравага чиқди ва хотинини ёнида ўтирди. Тизгинни олиб: "Меда, мен кучим етгунича турдим", — деди у. Кейин у отларни ғарбга қайтарди ва жиловни силтади. У шундай қилганида, бирдан отлар ғойиб бўлди, ёпиқ арава эса автомобилга — унинг кўп ўринли фургон типидаги "Форди"га айланди.

Бирдан Билли ҳайдовчи ёнига ўтириб ва Айова штатининг қор босган далалари ўтиб бораётганига деразадан қараган ҳолда, ўз пикапида пайдо бўлди. Биринчи имкониятдаёқ у бу ваҳийни ваҳийлар китобчасига ёзиб қўйди. Келгусида у жуда муҳим нарса бўлади.

Джим Норман Биллининг ғарбга кўчиб кетиш тўғрисидаги маслаҳатига жуда жиддий эътибор берди. Олти ой ичида у уйини ва бизнесини сотди ва оиласи билан Аризона штати, Тусонга кўчиб кетди. Унинг кўчиши оқибатда Уилльям Бранхамнинг Ғарбга кўчиб кетишига ўз ролини ўйнайди.

79 БОБ
ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИКНИ ТАНИШНИ ТУШУНТИРИШ
1958

1958 ЙИЛНИНГ БАҲОРИ ва ёзида Уилльям Бранхам Теннесси штати Чаттануга шаҳридан Мэн штати Бангорагача имон билан шифоланиш кампанияларини ўтказди. Гарчи кўпчилик ваъзларида у ҳар доимгидай одамларни, улар шифоларини қабул қилишлари учун, имонини кучайтиришга эътиборини қаратган бўлса-да, у бошқа мавзуларга ҳам тўхталди. 1958 йилда у ҳеч бўлмаганда етти марта ушбу ваъзлари учун Ёзувнинг асосий жойи сифатида Матто 12:42 дан фойдаланиб, Шабо маликаси[431] ҳақида ваъз қилди: *"Жануб маликаси қиёмат кунида бу насл билан бирга кўтарилиб, уни махкум этади. Чунки у Сулаймоннинг ҳикматини тинглаш учун дунёнинг олис бурчагидан келган эди; Ва мана, Сулаймондан буюкроғи шу ердадир".* Исо, албатта Сулаймондан буюкроғи бўлган ўша шахс деб, Ўзи ҳақида гувоҳлик қилган эди. Билли ўша фактни, яъни Исо Масиҳ юрак сирларини фарқлаш, касалларни шифолаш ва бошқа мўъжизалар қилиб — У ерда қарийб 2000 йил муқаддам юрганида нималар қилган бўлса, ҳозир ҳам айнан шу ишларни қилиб, ҳар оқшом унинг йиғилишлари вақтида иштирок этгани фактини таъкидлаб ўтди.

[431] Шабо маликаси ёки Жануб маликаси — (яҳудий: Sheba, "Шабо") унинг исми Йўқтоннинг ўғилларидан бири (Ибтидо 10:28;
1-Пар 1:22), Шабо исмидан араб элати номидан келиб чиқади. Бу қабила Арабистоннинг жануби-ғарбида, Яман олдида яшайди (Ишайё 60:6; Аюб 6:19). Бу халқ энг буюк араб қабилаларидан бўлган ва финикияликлар қатори — ўша вақтдаги Осиё олди савдо халқларидан энг муҳими бўлган. Шу сабабдан бу халқнинг савдо предметлари сифатида олтин, қимматбаҳо тошлар ва фамиам – хушбўй тутатқилар ҳақида тез-тез тилга олинган. Мана шу Шабодан Сулаймонга уни донолигини эшитиш учун келди ва унга олтин, фил суяги ва кўплаб қимматбаҳо зийнат буюмларини олиб келди (3-Шоҳлар 10). (Тарж.)

Гарчи Билли шифоланиш кампаниялари ўтказавериб, банд бўлса-да, шунга қарамай, 1958 йил у Бранхам Чодирида ўндан ортиқ ваъзлар қилиш учун вақт топди. Сентябрнинг охирги дам олиш кунларида у бир неча ваъзлар қилдики, улар у шу пайтгача қилган бошқа ваъзларидан кўра кўпроқ келишмовчиликлар келтириб чиқарди. 27 сентябр, шанба оқшомида у "Биз нима учун деноминация эмас?" деган ваъзини ўқиди. Исо умуман ҳеч қандай мактабни бошламаган ва ҳеч қандай деноминация тузмаганини Билли таъкидлади. Христиан ташкилотлари эрамизнинг 325 йилидан ўз ибтидосини топган, қачонки рим императори Константин рим-католик черковини ташкил қилган эди. Ваҳий китобининг 17 бобида буюк фоҳиша, фоҳишалар онаси ҳақида гапирилади, қайсики у етти тепаликдан туриб бутун дунё устидан ҳукмронлик қилади. Етти тепаликда Римга асос солинган эди. Католик черкови, кимнинг "Штаб квартираси" Римда жойлашган бу тавсифларга мос келадиган ягона муассаса ҳисобланади. Бироқ рим-католик черкови ўз янглишишларида, хатоларида ягона эмас. Билли Библиянинг ўша жойлари — қаердаки бу черков фоҳишалар онасидир, деб айтилган жойларига урғу берди. Биринчи христиан ташкилоти онаси эди, ва бу онанинг қизлари бор эди. Ўша қизлар — бошқа христиан деноминациялари бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз оналарининг ташкилий системаси қатъийлигига у ёки бу кўринишда тақлид қилдилар.

Ҳар бир деноминациянинг асосий иллати, айби, ўз қарашлари-ю – фикрларидан оғишмаслиги бўлиб, улар туфайли қаршилик ва тўсиқлар пайдо бўлади. Бирор-бир гуруҳ ўзининг диний таълимотини, низомлари ва ишониш символларини ёзувини тузиши биланоқ, у Илоҳий Руҳнинг ваҳийсига совуқ муносабатда бўла бошлайди. Библия мукаммал, Библияни инсоний тушуниш – йўқ. Агар Худо бирор кишига анча чуқур тушунча берса, деноминацион таълимотга боғланган, чекланган одамлар буни қабул қила олмайди. Ҳар бир деноминация доирасидаги раҳбарлар иерархияси ваҳий руҳига қаршилик кўрсатади, чунки ҳар бир одам иерархия ҳамда ҳозир мавжуд бўлиб турган яхлит қулай вазиятда ўз ўрнини, ўз позициясини сақлашга ҳаракат қилади.

Кейинги куни Билли “Муқаддас Руҳга чўмдирилиш” деган ваъзини айтди. Унинг бу мавзуга муносабати унинг кўпчилик замондошларидан фарқ қилар эди. У Эфесликларга 1:4-6 ни ўқиди:

Ўз ҳузурида муқаддас ва бенуқсон бўлишимиз учун, У Масиҳ ҳақи бизга муҳаббат кўрсатиб, бизни дунё яратилишидан аввал танлади,

Бизни мурувватига сазовор бўлиб, Исо Масиҳ орқали Ўзига ўғил қилиб олишга азалдан қарор қилди,

Илоҳий меҳр-шафқатнинг донги чиқсин деб, Худо севимли Ўғлини юбориб, бизга иноят қилди.

Билли давом этди:

— Ким буни қилди? У буни қилди! У мени дунё яратилишидан аввал Унинг иноятн ҳузурида мақбул қилди. Мен умуман бу нарсага алоқам йўқ эди. Мен ичкиликбоз оиласида туғилган, гуноҳкор эдим. Болалигимда мен виски солинган бочкада ўтирганман ва шунга қарамай, Муқаддас Руҳ мени етти ёшдалигимда келди, ва: “Буни бир томчисини ҳам ичма, сигарета чекма ва тамаки чайнама ва қизлар билан ўйнашма”, — деди. Бу нима эди ўзи? Мен Унинг Хушхабарини ваъз қилишга ва Унинг қўйларини етаклашга юбориши Ота иродасининг марҳамати эди. Унинг улуғ Исми абадул-абад дуоли бўлсин! Мен машҳур бўламанми ёки йўқми, мени яхши кўрадиларми ёки йўқми, менга бу қанчаликка тушганда ҳам, мен шу Библия билан тураман.

— Агар методист ва баптистлар мени рад этишса — фалокат эмас. Унга нима лозим бўлса, мен шуни қилишни истайман. Ҳатто элликчилар мени, ўзга тилларда гапириш Муқаддас Руҳнинг энг муҳим, биринчи даражали исботи деган маълумотига ишонмаганлигим учун мени рад этиб қабул қилмайдилар. Ўз тилларда гапириш сизни Муқаддас Руҳга тўлдириши, шоҳ саройида яшашингиз сизни шоҳ қилишидан ортқ эмаслигига мен ишонаман.. Бундан подшоҳ бўлиб қолмайсан. У ерда бўла туриб, қул ҳам бўлиш мумкин. Тушуняпсизми? Муқаддас Руҳни Каломни ақлий тушуниш орқали эмас, бошдан кечириш йўли билан олишингизга ишонаманки, уни фақат сиз шахсан биласиз. Бу Муқаддас Руҳ эдими ёки йўқми, агар сиз шуни билишни истасангиз, ҳаётингизни ўзингиз эндиги кечишини кузатинг. Шундан келиб чиқиб, сизга қандай руҳ кирганини аниқлайсиз.

1958 йил 28 сентябри, якшанба оқшомида Билли қисқагина ваъзи — “Илон уруғи”ни ваъз қилди. Бу ваъз энг ибратли ваъзларидан бири бўлди ва шу билан бир вақтнинг ўзида мунозарали таълимотни ёйди. Ваъзига асос қилиб у Ибтидо китобининг 3-бобидан лавҳа олди:

Худованди Карим яратган барча дашт ҳайвонлари орасида энг айёри илон эди. Илон хотинга: Чиндан ҳам Худо, боғдаги ҳеч бир дарахтнинг мевасидан еманглар, деб айтдимикан? — деди.

Хотин илонга деди: Боғ дарахтлари мевасидан ея оламиз-у,

Худо фақат боғнинг ўртасидаги дарахтнинг мевасини еманглар, унга тегманглар, бўлмаса ўласизлар, деди.

Илон хотинга: Йўқ, ўлмайсизлар,

Чунки Худо биладики, ундан еган куниёқ кўзларингиз очилиб қолади ва Худо каби яхши ва ёмонни биладиган бўласизлар,— деди.

Хотин кўрсаки, дарахтнинг меваси емоққа яхши, кўзга ёқимли ҳамда дид-фаросат топишга фойдали экан. У дарахтнинг мевасини олиб еди, сўнг эрига ҳам берди, эри ҳам еди.

Шу онда икковининг кўзлари очилиб, ялонгоч эканларини пайқадилар. Анжир баргларини бир-бирларига тикиб, ўзлари учун ёпинчиқлар ясадилар.

Билли, энг бошида илон умуман судралиб юрувчи эмас эди, — аксинча: у сутэмизувчи эди, деб ўқитди. Библияда у ҳайвон дейилган. Илон одамдай туриб юрадиган ва унинг тана тузилиши худди одамникидай эди. Ақлий қобилияти бўйича у одамга шунчалар яқин эдики, у ҳатто гапира олар эди. *"Айёр"* сўзи "ҳаёт принциплари ҳақида ҳақиқий билимга эга" деганидир. Ибroний, яҳудий тилида *ҳийлакор, ақлли, устомон ва ялонғоч* деган сўзлар битта сўз ўзагидан ҳосил бўлган. Боғ ўртасидаги таъқиқланган мева, инсонга хос шаҳвоний билим эди. *Ўртаси* деган сўз *"ўртаси бўйлаб"* деган маънони билдиради. Қачонки Ҳаво ва Одам бу "мева"ни едилар, улар бирданига ялонғочликларини билиб қолдилар. Ҳақиқатда Адан боғида мана бундай бўлди: Ҳаво эрига ҳиёнат қилиб, у билан бирга бўлди ва ундан ҳомиладор бўлди. Кейин эса хотин нимани ўрганган бўлса, эрига кўрсатди ва шу заҳот ундан ҳам ҳомиладор бўлди. Тўққиз ойдан кейин у эгизаклар туғилди: Қобил, илон уруғидан, ва Ҳобил — Одам уруғидан эди.

Гарчи бундай тушунтириш Христианлик традициясидан бутунлай чекиниш бўлса-да, у Библиядан ва ҳатто соғлом фикрдан оғишмайди. Одамларнинг энг аввалги гуноҳлари бирданига афсона ва миф категориясидан олинган ва инсонийлик генетикасига маҳкам жойлаштирилган эди. Воқеаларнинг бундай изоҳлашга асосан, одамнинг гуноҳга ботиши-тушкунлиги, юзлаб бошқа олмалар орасидаги олмадан олиб, у олмадан ейиш каби шунчалар бир ихтиёрий нимадандир келиб чиқмаган эди; у хиёнат туфайли бўлди — бу хатти-ҳаракат, ҳодиса Худонинг кўз ўнгида ҳамма вақт гуноҳкор бўлган ва бўлади. Айнан шу учун Худо Ҳавога айтди: *"Сенинг ҳомиладорлик пайтидаги машаққатингни бағоят орттираман. Сен дард билан фарзандлар кўрасан..."*[432] Худо Ҳавога берган жазо бевосита унинг гуноҳига алоқадор эди. Билли деди:

[432] Ибтидо 3:16

— Агар аёл олма еб, ялонғочлигини англаган бўлса, унда олмалар тарқатиб бошлаш керак бўлади.

Худо илонни у одамларнинг бузилишида алоқадорлиги учун жазолаган вақтда, У деди: *"Бу қилган ишинг учун сен ҳамма чорва туёқлари ва ҳамма дашт ҳайвонларидан кўра лаънатисан. Умринг бўйи қорнинг билан юриб, тупроқ ейсан".*[433] Нима учун энди Худо илонни лаънатлаб туриб, чорва туёқлари ҳамда дашт ҳайвонларини айтиб ўтди? Худо илонни сигирлар, йўлбарслар ва маймунлар каби бошқа сутэмизувчилар турига киритди. Кейин У илонни оёқлари бўлган сутэмизувчидан, оёқсиз судралиб юрувчига ўзгартирди. Мана нима учун антропоглар[434] одам билан маймун орасидаги бу "етишмайдиган звено"ни ҳеч қачон топишолмайди. Дастлабки илон ўша "кетишмайдиган звено" ҳисобланади ҳам, аммо Худо бу тур ҳайвонни шунчалик тубдан ўзгартирдики, уни энди генетик равишда одамга боғлашни иложи йўқ. Шунга қарамай, бу ҳайвоннинг феъл-атвори бутунлай йўқ бўлиб кетмади.

[433] Ибтидо 3:14 (Синодал таржимада: "Бу қилган ишинг учун сен ҳамма чорва туёқлари ва ҳамма дашт ҳайвонлари олдида лаънатисан...") (Тарж.)

[434] Антрополог — одам эволюциясини келиб чиқишини, одам ирқи келиб чиқишини ҳамда одам жисмоний тузилиши вариациясини ўрганадиган (антропология) фани соҳасидаги мутахассис. (Тарж.)

Кейин Худо илонга деди: "Сен билан хотин орасига, сенинг зотинг билан унинг зоти орасига адоват соламан"[435]. Илонда жисмонан зот ёки зурриёт бор эди, ва у зурриёт Қобил ва унинг авлодлари эди. Қобилнинг феъл-атвори хусусиятларига фақат бир қаранг! У ҳам худди укаси Ҳобил каби шунчалик диндор эди. Уларнинг иккиси ҳам Худога сиғиниш учун қурбонгоҳ қуришди. Қобил, унда гуноҳ ҳақида ҳақиқий очиқлик йўқ бўлиб, у ўз қурбонгоҳига мевалар келтирди; Ҳобил бўлса, гуноҳнинг ҳақиқатдан ҳам келиб чиқиши ҳақида очиқликка эга бўлган ҳолда, у қурбонликка қон келтирди. Худо Ҳобилнинг эҳсонини қабул қилди, Қобилнинг тортиғини рад этди. Шу сабабдан Қобил шунчалик ғазабландики, ўз укасини ўлдирди. Одам ўлдириш Худога хос хусусият эмас, балки шайтонга хосдир. Айнан шу тарзда иблис Худонинг режасига ёвузликни олиб кирди. Ёвузлик генетик равишда инсон хулқ-атворига биринчи аёл генларига ҳайвонни, дастлабки, аввал бошдан илон генлари билан аралашиш орқали киритилган эди. Бунинг оқибатида, унинг авлодларидаги ҳайвонга хос феъл-атвор, аралашавериб ва Одамнинг генини сусайтиравериб, ва инсониятга маълум бўлган ҳасадни, ғазабни, иккиюзламачилик ва бошқа ҳар турли ёмон феъл-атворни

тарқатавериб, ҳамда ер юзини чексиз кулфатларга дучор қилиб, бутун ўтмиш тарих давомида кучайгандан-кучаяверди.
[435] Ибтида 3:15

Худо бу ҳаммасини маълум бир мурод-мақсадда бўлиб ўтишига йўл қўйди, деган фикрга Билли алоҳида урғу берди. Коинот пайдо бўлганига қадар, "Мен ҳар доим Бор бўлган Худоман" — бор эди.[436] "Худо" сиғиниш объекти деганини билдиргани сабабли, У ҳали Худо эмас эди, ўшанда эса бу буюк Зотга сиғиниш учун ҳеч қандай тирик зот йўқ эди. Масалан, У Қутқарувчи эди, бироқ У қутқара олиши учун ҳеч қандай йўқолган ва ҳалок бўлганни ўзи йўқ эди. Унинг феъл-атвори фақат яхшилик, эзгулик манбаи бўлгани туфайли, У бевосита ёвузликни яратолмас эди. Шу учун, қачонки У дунёни яратганида, У биргина эркак ва аёлни, гарчи У уларни йиқилишини, тубанлашишини билса-да, ўз йўлларини танлаш қобилиятини берди. Ўшанда У Ўзини Қутқарувчи каби ифодалай олар эди, ва У буни Исо Масиҳ қиёфасида амалга оширди. Билли нотиқликка хос риторик саволлар билан деди:
[436] Қачонки Худо Мусони Мисрга Исроилликларни қулликдан озод қилиш учун юборганида, У Ўзини "Мен Борман", яъни "Мен ҳар доим бор бўлган Худоман", — деб айтган эди. Чиқиш 3:14 (Тарж.)

— Ким биринчи пайдо бўлди: Қутқарувчими ёки гуноҳкорми? Қутқарувчи биринчм пайдо бўлди. Ким қудратлироқ: Қутқарувчими ёки гуноҳкорми? Агар Қутқарувчи гуноҳни йўқота билса, унда У кучлироқдир.

Ушбу ваъзини охирида Билли деди:

— Хизматчилар ва биродарлар, илтимос, мен буни бор кучим борича сизларга тушунтирмоқчи, уқтирмоқчи бўлаётганимга хафа бўлманглар. Бу ахир бизнинг черковимиз ва бизлар айнан шуни ёқлаймиз, ҳимоя қиламиз ва биз ҳаммасини албатта Калом бўйича ҳисоблашимиз ва шу билан одамларни ғафлатдан уйғотишимиз лозим. Ундан кейин, агар сиз қачондир қоидани бузсангиз, биз қайтамиз ва: "Сизлар яхшироқ хабардор эдингизлар. Мана бу бу ерда плёнкада", деймиз.

— Мен сизлар билан ҳали кўп нарсаларни ўртоқлашсам бўлади, ва биз яқинда бунгача етиб борамиз. Биз Раббий Исо Масиҳ Исми ҳақи чўмдирилишга ишонамиз. Биз Қутлуғ кечага ишонамиз. Биз Масиҳнинг Иккинчи Келишига, оддийгина руҳий келишига эмас, балки Раббий Исонинг шон-шуҳратидаги жисмонан танасини кўриниб, қайтадан келишига ишонамиз. Биз ўликларни, улар янги тана олганларида, жисмонан тирилишларига ишонамиз. Бизлар жонларнинг боқийлигига ишонамиз. Биз ишонамизки, Абадий Ҳаётнинг фақат битта формаси бор, қайсики сиз Исо Масиҳдан оласизлар; шу учун бизлар абадий жазоланишга ишонамиз. Биз олов ва олтингугуртга ёнадиган дўзахнинг ҳақиқатан мавжудлигига ишонамиз, аммо бизлар у ерда одамлар абадий азобланишига ишонмаймиз. Улар, эҳтимол, у ерда миллион йил қийналишар, мен билмайман, аммо улар у ерда абадий ёнолмайди. Агар шундай бўлганида эди, унда улар Абадий Ҳаётга эга бўлишлари керак эди. Шундай қилиб, кўряпсизки, ҳали яна кўплаб нарсаларни ўргатиш зарур, қайсиники бизлар кейинроқ кўриб чиқамиз. Сизларни Раббий дуо қилсин.

1958 ЙИЛ НОЯБРИДА Уилльям Бранхам йўл анжомларини кўп ўринли фургон типидаги автомобилига жойлаштирди-да, Калифорнияга жўнади. У билан Меда ва Иосиф ҳам кетди. Иосиф уч ярим яшар бўлганди. Майнер Арганбрайт (у Калифорнияда, Лос-Анжелос яқинидаги Ла-Кресента шаҳрида яшар эди) Биллини Лос-Анжелос районидаги бир неча черковларда биттадан кечқурунги йиғилишлар ўтказишини режалаштирган эди. Бироқ Арганбрайт уни жанубий Калифорнияда бўлишини кутмаганди. У Тўлиқ Инжилчи Тадбиркорлар Жамиятининг съездида қатнашиш учун Оклахома штати, Талса шаҳрига учиб келди. Билли дўсти билан Оклахомада, у билан ўша ердан бирга Калифорнияга жўнаши учун учрашиши керак эди.

Билли Талса шаҳрига шанба куни келди ва меҳмонхонада рўйхатдан ўтди. Сал кейин, ўша оқшом Майнер уни кечки банкет нонуштага таклиф қилди. Билли у ёққа жўнади, чунки у Орал Робертснинг ваъзини тинглашни истар эди. Нонуштадан олдин Робертс Исо ҳар бир имонлига беришни ваъда қилган фаровон ҳаёт ҳақида ваъз қилди. Исо балиқчиларга

тўрларини ташлашларини буюрган вақтда, улар шунчалик кўп балиқ ушлашдики, уларнинг тўрлари уларни ҳаммасини ушлаб туролмади.[437] Орал Робертс деди:

[437] Юҳанно 10:10 ва Луқо 5:1-11 га шу тартибда илова.

— Исо Масиҳда ҳамма учун ҳамма нарса мўл-кўл бўлади, — деди.

Нонуштадан кейин ТИТЖ президенти Димас Шакарьян шундай деди:

— Мен ўзимда Уилльям Бранхамдан шу оқшом якунловчи сўз билан чиқишини илтимос қилишга хохиш сезяпман.

Бу қилинган эълон Биллини сўз айтишга тайёр эмас пайтида бўлди. Нонушта олдидан Майнер уни бу одамларнинг кўпларига таништирганди. Билли уларнинг кўплари миллионер ва ҳатто кўплари мультимиллионер эканликларини билар эди. У нимани ҳам уларнинг ҳаётига яна қўша олади? Ўзининг оддий, камтар усули билан Хушхабарнинг алифбосини шундай ишонч билан ваъз қила бошладики, ўнлаб иштирокчилар ўз ҳаётларини Исо Масиҳга топширдилар. Кейин Димас Шакарьян Биллидан касаллар учун ибодат қилишини илтимос қилиб сўради. Бой одамларга ҳам қолган одамларда бўлганидек, турмуш ташвишлари ногоҳон бошларига тушади. Жорж Гарднер "Олдсмобил" маркали машинасини сотиб, бойиб кетди. Унинг севган машғулоти самолётда учиш эди ва бир куни у ҳалокатга учраб, оёғини синдирди ва тиззасига шикаст етказди, шу сабабдан қийинчилик билан юрадиган бўлиб қолди. Билли у учун Исо Масиҳ Исми ҳақи ибодат қилгач, Гарднер ўша бахтсиз ҳодисагача юрганидек яхши юра олди. Худди шу вақтда ўша ерда артритнинг оғир формасидаги аёл ўтирган эди; у стол устига энгашди ва унинг билаклари бўғинлари қаттиқ яллиғланиши сабабли, унинг танасига қисилган эди. У билаклари тўғриланаётганини ва касал қўллари нормал ҳолатга келганини ҳис қилди. У тиззасига чўкди-да, кафтларини қарсиллата бошлади ва Худони шундай қаттиқ олқишлай бошладики, чор атрофдаги одамлар буни сезмасдан қолмадилар. Мана шу оқшом бир неча миллионер одам ҳақиқий бойлик нимада эканини англади. Буюк хазина Исо Масиҳ Хушхабаридадир.

Билли бу банкетдан кетаётган эди, боёна кийинган аёл унинг қўлини қисди ва шундай деди:

— Бранхам ака, сизнинг ваъзингиз менга жуда таъсир қилди. Шу пайтгача мен ўзимни Христианкаман деб ўйлаб юрар эдим, аммо ҳозир менда нима етмаганини кўряпман. Шу бугундан бошлаб ва бундан кейин мен Раббий Исога хизмат қиламан.

— Миннатдорман, — жавоб берди Билли, бунақа сўзлардан ўзини жуда камтар тутиб.

Оклахома штати Талсадан Билли жанубий Калифорнияга жўнади. Ла-Кресентага келиб, у хотини билан меҳмонхонага эмас, балки Майнер Арганбрайтнинг уйига тўхтади. Ҳар оқшом Билли Лос-Анжелос атрофидаги турли черковларда ваъзлар қилди.

Шу оқшомларнинг бирида у пастор Смитникида, Фасги[438] Библия черковида ваъз қилди. "Фасги"нинг улкан зали одамлардан тўлиб тошган ва бир неча юз одам очиқ дераза орқали тинглаб, ташқарида туришганди. Биллининг ваъзи тугагач, пастор Смит йиғилиш билан биргаликда, Билли касаллар учун ибодат қилишидан озроқ дам олиши учун бир неча черков мадҳияларини куйлади. Шу оқшом иккита ҳодиса юз бердики, бунақаси Биллини ҳам бошидан ўтмаганди.

[438] Фасги — Эски Аҳддан айтиб ўтилган тоғлардан бирининг номи; Сонлар 21:29; Қонунлар 3:17 ва бошқалар. (Тарж.)

Залда бир неча минг одам куйлар, аммо Билли қаёқдандир юқоридан келаётган бошқа бир хорни куйлашини эшитди. Қизиққанидан, у хорда ким куйлаётганига қараш учун, зиналардан кўтарилди, у ерда ҳеч қанақа хор йўқ экан — аудиторияни тўлдириб турган одамлардан ашула янграмоқда эди. Билли эшитган овозлар эса, гўё бинонинг анча юқори қисмидан чиқаётгандай эди. Билли қулоқ солиб турди. Ҳа, у, шубҳасиз, иккита хорнинг ашуласини эшитаётган эди. Битта хорнинг овозлари унинг пастидан кўтарилаётган эди ва у скамейкада ўтирган бир неча минг одамларнинг ашуласига қўшилар эди; бу ҳам оҳангдош ва ҳам ҳамоҳанг бўлмаган эркак ва аёллар овозлари эди. Бошқа хорнинг овози эса баланд гумбазли шифтдан тараларди. Бу юз минглаб юқори тондаги овозларнинг садосини эслатар ва мутлақо ҳамоҳанг ашуладай янграр эди. Бундай куй ва ашуладан гўзалроғини Билли ҳаётида ҳеч қачон эшитмаганди.

Билли ҳаяжолнаниб, шод-хуррам бўлиб, зиналардан асосий платформага тушиб келди. Залдаги одамлар мадҳияни бир овоз билан “Омин” деганча тугатдилар. Шуни кетидан жимлик чўккан пайтида бир одам, залнинг охиридан ўзга тилда унга яқин сўз айтди. Гарчи Биллига олдин ҳеч қачон ўзга тилларни шарҳлашга тўғри келмаган бўлса-да, бирдан у ушбу айтилган сўзларни маъносини тушунди: “Пастор имон билан ибодат қилади”. Аммо у буни ҳаммага эшиттириб айтишни истамади. Бир неча сония ўша ғалати кўтаринкилик яна уни қоплади — бу сафар шундай кучли бўлдики, унга бу сўзларни айтиб қўймаслик учун чакагини қисишига тўғри келар эди. Бу унчалик ҳам муҳим эмасди. Ҳатто ўшани изоҳлашсиз ҳам пастор Смит касаллар учун ибодат қила бошлади. Билли қувонганича ўзини орқага олди ва пасторга имон билан ибодат қилишига қўйиб берди. Ўша оқшом “Фасги” черкови ичидан ҳам, ташқарисидан ҳам юзлаб одамлар Худодан дуолар олишди. Улардан бири Билли эди.

Бир куни эрталаб, ўша йиғилишдан бир неча кун кейин, Билли Арганбрайтнинг телефонини жаранглаганини эшитди. Ўша пайти Майнер хонада эмасди, шу учун гўшакни Билли кўтарди.

Эркак киши мексикаликлар шеваси билан деди:

— Салом, сенъор. Сиз айтолмайсизми, Бранхам ака шу ерда эмасми?

— Мени ўзим Бранхам ака.

— О-о, Худога шукур! Мен Дюпонста ака, гарчи шу ерда, Ла-Кресентада яшасамда, мен Мексикалик хушхабарчи бўламан. Мени тўрт ойлик ўғилчамни жағида рак бўлган. Жарроҳ уни кесиб олиб ташлашга уруниб кўрди, аммо ҳозир рак ўсмаси тилига ўтди. Энди Рикки ҳеч нарса ютолмайди. Менинг врачим ҳеч қандай умид йўқ деяпти. Бранхам ака, сиз сафарларингиз вақтида касалхонага касалларни кўришга бормаслигингизни ва улар учун ибодат қилмаслигингизни биламан, лекин менга раҳмингиз келиб ва фақат бу сафар шундай қилолмайсизми?

— Гўшакни қўймай туринг. Мен Арганбрайт акани, сиз унга касалхонани қандай топиб боришни айтишингиз учун чақириб келаман.

Сенъор Дюпонстани учратганда, мексикалик одамни териси ҳам ўзиникидай оқ эканини кўриб Билли ҳайрон бўлди. Уни хотини ҳам оқ танли эди, аммо ҳайрон бўлмаса ҳам бўлар эди, чунки у Финляндиялик мовий кўзли аёл эди. Эр-хотин Биллини, ўғиллари Рикки ётган касалхона палатасига этишди. Бу барча кўп йиллар давомида касаллар ва дардман одамлар учун ибодат қилиб, Биллига кўплаб юракни эзадиган ҳолатларни кўришига тўғри келган бўлса-да, бироқ бу боланинг аҳволи, у кўрган раҳмни келтирадиган манзаралардан бири эди. Агар йўргакни айтмаса, Рикки ялонғоч ҳолда орқаси билан ётган эди. Жарроҳ рак ўсмасини олиб ташламоқчи бўлган ўша жойда, томоғини бир ёғидан бошқа томонигача уни жағини пастги қисмида кўкимтир чандиқ букилиб турар эди. Қорайиб қолган тили шунчалик шишиб кетганидан, уни нафас йўлларини беркитиб қўйган ва шу учун Рикки энди томоғидаги тешикдан нафас олар эди. Уни бошқача янги нафас олиш йўли бўлган металл трубкадан ҳар нафас олганида, ундан пастгина ҳуштак чалинар эди. Ҳамшира уни томоғидаги тешики тиқилиб қолмаслиги учун, унинг сўлаги ва тўпигини мунтазам артиб қўяр эди. Врач уни трахеясига ўрнатилган металл трубкани юлиб ташламасин дея, уни қўлчаларига шина қўйган эди.

Сеъор Дюпонста кроватга эгилиб, Риккини қоринчасини сийпалаб:

— Дадасини ўғли, — деб қўйди.

Дадасини овозини таниб, Рикки шина қўйилган қўлчаларини кўтаришга уринди.

— Рикки, дадажонинг сен учун ибодат қилишга Бранхам акани олиб келди.

Биллини раҳми келганидан юраги эзилди. У шундай ўйлади: “Агар бу манзара мен учун шунчалик таъсирли, меҳр-шафқатни қўзғатадиган бўлса, унда ачиниш ва меҳр-шафқат манбаи бўлган Қудратли Худо буни кўриб Ўзини қандай ҳис қилар экан-а? Раббий Исо, агар шу ерда сен турганингда, Сен нима қилган бўлардинг?”

Шу онда қандайдир бир руҳий нарса бўлиб ўтди. Биллига аниқ овоз эшитилмади-ку, аммо ўзини бошида (ёки жонида) у Муқаддас Руҳнинг: ***“Сен Марк 11:23 ни ваъз қилдинг:***

“...агар ким бу тоққа айта...” Мен Черковга Менинг ҳуқуқимни бердим. Энди Мен сени буни билан нима қилишингни кутаман”, *— деганини эшитди.*

Риккини қўлчаларидан аста ушлаб, Билли деди: “Раббий Исо, Ўз қулингни ибодатини эшит. Мен имон билан, бу ёвуз иблис билан бу боланинг ҳаётини орасида Раббий Исо Масиҳ Қонини қўяман”. Нима учундир Биллининг фикрига бу сўзлардан ташқари ҳеч нарса келмади.

Ўшандан кейин Билли палатадан чиққач, уни ёнига Риккини отаси чопиб келди ва уни вестибюлда тўхтатди.

— Бранхам ака, Раббим юрагимга сенга ўн улуш сифатида пул беришимни кўнглимга солди, — дея мистер Дюпонста унга конверт узатди.

— О-о, биродар, йўқ! — бош ирғаб Билли жавоб берди. — Мен сени пулингни ололмайман. Уларни сен болангни шифолаш учун касалхона харажатларига ишлат.

— Бу бор-йўғи 50 доллар, ва уларни хизматчига бериш керак. Илтимос, буни ол.

— Майли, биз иккимиз ҳам сен билан хизматкор эканмиз, мен сендан бу пулни олдим, дейлик, энди бўлса мен уни оламан ва сенга қайтараман.

Сенъор Дюпонста истар-истамас пулни чўнтагига солиб қўйди.

Гарчи Билли Рикки Дюпонста учун бор-йўғи қиқагина ибодат қилган бўлса-да, бу бутунлай етарли эди. Билли касалхонадан кетганига бир неча сония ўтиб, Риккининг шишиб кетган тили одатдаги ўлчамига қайтди. Кейинги куни врач боланинг томоғидан трубкани олди ва ўша тешикни тикиб қўйди. Шу пайтни ўзида врач биопсия[439] ўтказдики, унинг натижалари Риккининг оғзида ҳеч қандай рак ҳужайралари қолмаганлигини тасдиқлади. Риккини отаси албатта, Биллига қўнғироқ қилди ва унга бу мўъжиза ҳақида айтиб берди. Бироқ сенъор Дюпонстага бу етарли эмасдек туюлди. У хотини билан Биллига шахсан миннатдорчилик билдириш учун Арганбрайтни уйига келди.

[439] Биопсия — ташхис қўйиш мақсадида микроскопик текширув ўтказиш учун тирик организм органи ёки тўқимаси қисмидан кесиб олиш. (Тарж.)

Бу мексикалик миссионер келган пайтида, Билли ўзининг “Форд” машинасига нарсаларини жойлаштириб, уйга қайтишга тайёрланаётган эди. Сенъор Дюпонста машинаси эшигини ланг очди-да, худди уетиб келгунича у кетиб қолади деб ўйлагандай, ўриндиқдан тез чиқди ва уйга қараб югурди. Бошидан шляпасини юлиб-олиб, у шундай деди:

— Бранхам ака, Рикки бугун касалхонадан уйга қайтди.

— Мен бундан шундай хурсандман, — жавоб берди Билли. — Худо шундай меҳрибон.

— Мана, Раббий мени юрагимга сенга беришни буюрган, ўша пул.

— Дюпонста ака, мен ахир сен билан пулни касалхона харажатларига ишлатишингни сўрагандим.

— Мен шундай қилдим ҳам... яъни мен ҳаракат қилдим.врач айтдики, у Риккини соғайишига умуман алоқадор эмаслиги сабаб, мен унга ҳеч нарса тўлашим керак эмас экан. У айтдики, бу табиат мўъжизаси, тушунтириб бўлмайдиган ҳодиса экан, холос. Бизда эса сен билан, умуман бошқача фикр. Шу учун, Бранхам ака, ол буни, илтимос, мени ўн улушим.

Мистер Дюпонста унга 50 доллар тутқазди.

Билли ўйлади: “О-о, Раббим мен бундай қилолмайман, мени буни олишга хохишим йўқ”. Кейин у, Исо ўша бева аёлни садақа қутисига[440] ўзидаги бор-йўғини ташлашига қўйишини эслади. Билли истар-истамас пулни олди.

[440] Луқо 21:1-4; Марк 12:41-44

Жефферсонвиллига қайтиб, у ўз йиғилишида Рикки Дюпонста билан бўлиб ўтган мўъжиза ҳақида гувоҳлик айтганида, шундай деди:

— Менда мана ҳозир бу одамни ўн улуши бор. Мен бу пулни нима қилишни аниқ билмайман, аммо мен буни Худонинг шон-шуҳрати учун хизмат қилаётган кимгадир беришимни биламан.

Кейин Билли давом этди:

— Соялар ётааяпти. Масиҳ пайдо бўлади. Мана нима учун аломатлар ва мўъжизалар. Черков (худди ўша улкан йўлдош, Ой каби) уфқдан, “Унинг нурларидан шифоланиб”[441]

уфқдан кўтарилиб тонг юлдузини акс эттиради. Агар У Ўз Борлиги аксида шифолар келтирса, унда қачон шахсан келса, У нималар қилар экан? Бу бизнинг чирийдиган баданимиз ўзгаради ва Унинг улуғвор танасидек бўлади.[442] Ҳали ўша кун келганигача, бизлар Унинг Болиги нури учун миннатдор бўламиз. Юлдузларга ўхшаб, мен шон-шуҳрат йўлаклари бўйлаб кўтариламан ва у ерда мен Унинг бу қоронғи соатда келишини олқишлаш учун кутиб, у ерда ўтираман.

[441] 2-Пётр 1:19 ва Малахия 4:2 келтирилган тартибда.
[442] Филиппияликларга 3:21.

80 БОБ
“ҲАЁТ БЎЛСИН”
1959

1959 ЙИЛ БАҲОРИДА, Уилльям Бранхам Чикагода навбатдаги имон билан шифоланиш кампаниясини ўтказган вақтида, унинг хизмати яна ўзгарди. Оқшомги йиғиишларнинг бирида у одамларни чақирди ва ўнг томондан ибодат учун навбатга тизилишларини сўради. Бир... икки... уч одам навбати билан унга келдилар, ва уларнинг ҳар бири ундаги инъомга талпиниб, ҳамда ваҳий сабабидан унинг бир қадар кучидан қолдириб, ваҳий пайдо бўлишига интилдилар. Навбат бўйича ўша оқшом тўртинчи бўлиб Биллига қора сочлари елкаларигача тушган аёл келди. У пиджак ва юбкадан иборат жигарранг аёллар костюмида кийинган бўлиб, қўлларида эса қизғиш одеялчага ўралган болача бор эди. Билли ўйлаб қолди: “Бу аёлни билсам керакка ўхшайди. У шундай таниш кўриняпти”. Чақалоқни юзига қараб, уни сўлғин ва рангпар бетларидан, уни жуда бетоб эканини аниқлади. Ундан кейин ваҳий бундан ҳам кўпроқ тафсилотларни очиб, зоҳир бўлди. Билли аёлга деди:

— Қизчангиз олти ойлик бўлган ва у бор-йўғи бир ярим килограмм келади. Сиз уни ҳеч озиқлантиролмаяпсиз. Сиз унга ейишга бераётган ҳамма нарсани у кейин ошқозонидан қайтариб юборяпти. Сиз у билан кўплаб врачларга бордингиз, аммо улардан ҳеч бири унга ҳеч қандай ёрдам беролмайди. Улар унинг касаллиги сабабини билишмайди. Болангиз ўлаётгани сизга маълум. Сиз Шведлар Аҳд Черковига борасиз, ва сизнинг пасторингиз сизга қизингизни менга, ибодат қилишим учун олиб келишингизни маслаҳат берди.

— Бу ҳақиқат, — шивирлади у лаблари титраганича.

Кейин ваҳийдаги вазият ўзгарди. Билли бу қизчани кулаётганини ва ўйнаётганини кўрди. У деди:

— Опа, РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Сенинг боланг шифоланди”.

Ёш она енгил тортганидан йиғлаганича, платформадан тушди.

Билли ўйлаб қолди: “Бу аёл билан ғалати бир нима боғлиққа ўхшайди”. Кейин у ҳаммасини эслади. Тўрт йил муқаддам у Аризона штати, Финикс атрофларидаги чўлда ибодат қилган пайтида, Худо унга ваҳийда худди шу эпизодни шу аёл билан кўрсатиб, шундай деган эди: *“Шу нарса бўлиб ўтишини кўрганингда, сени хизматинг ўзгаради”.* Бу жигарранг костюмдаги айнан ўша аёл эди, қайсики уни ўша ваҳийда кўрган эди. Бу у касаллар учун ибодат қилиши учун кўп куч ва қудрат олиши ҳақидаги аломати эди ҳам.

Биллига навбатдаги одам келганидан бошлаб, у ибодат хизмати вақтида кўрадиган ваҳийларини ҳар биридан озроқ босим ҳис этди. Гарчи ҳеч қачон ваҳийлар “оқими”ни бошқаришни уддалаёлмаган бўлса-да, у ваҳий зоҳир бўлиши учун кўпроқ имконият бўлиши учун керакли позицияни эгаллашни ўрганди. Энг аввало, у Раббий Фариштаси ёнида борлигини сезмагунича, тингловчиларга сўз билан мурожаат қилиб турди. Кейин у навбатда турган биринчи одам билан, токи унинг руҳи билан контактга кирмагунича гаплашди. Унинг кетидан албатта ваҳий келар эди. Биринчи ваҳийдан кейин кейинги ваҳийлар бемалол келаверар эди. Биллининг муаммоси, умуман фарқлаш Руҳига киришда эмас, балки у ёқдан чиқишда эди. Олдинлар ваҳий токи у бутунлай чарчаб қолгунича, уни ўзи билан “эргаштириб”, ҳар доим уни бошқарар эди. Айрим оқшомги йиғилишлардан кейин уни йўқотган кучини тиклаши учун унга бир неча соатлар керак бўлар, бошқа ҳолларда эса унга кунлар ва ҳатто ҳафталар кетар эди. Бугун кечқурундан бошлаб бу ҳаммаси ўзгарди. Энди у ваҳийга қандай кирса, ундан худди шундай осонгина чиқа олар эди. Бу қобилият унга қувватини эҳтиёт қилишига, сақлашига ва ибодат йиғилишини тугатишига қадар нечта одам учун ибодат қила билиши хусусида тушунарли қарор қабул қилишига йўл берар эди. Ваҳийлар ҳар доимгидек уни чарчатар, аммо олдинги йиллардагидек унча ҳоритмасди.

Бу Чикаго кампаниясидан кейин уйига қайтиб, Билли Линда Келли Смит ҳаёти хавф остида госпиталга ётқизилганлигини билди.[443] Келлилар оиласи авваллар Бранхам Черковига

қатнашишар эди, бироқ улар дунёвий ҳаёт тарзига қайтдилар ва йиллаб черковга келмай қўйдилар. Миссис Келли Биллига, у уни қизи учун ибодат қилишга келиб билармикин деб сўраш учун, қўнғироқ қилди.

[443] Уни умуман бошқача айтиб чақирардилар. (Информация манбалари ва изоҳларга қаранг.)

Касалхонага келиб, у Линда Смитни кислород палаткасида ётганини ва унинг атрофида ота-онаси ва бошқа бир неча оиласи аъзоларини турганини кўрди. Линда учинчи боласига бешинчи ой ҳомиладор эди, аммо, афсуски, унинг қорнидаги бола энди ўлган эди. Буларнинг ҳаммаси етмагандек, унинг врачи ўлик болани жарроҳлик йўли билан ололмас эди, чунки Линданинг қонида, одатда организмдан сийдик орқали чиқиб кетадиган модда қоладиган ҳолат — уремия авж олган эди. Бунақа мураккаб ҳолатда операция, шак-шубҳасиз уни ўлдирар эди, бироқ ўлик болани албатта олиш керак эди, акс ҳолда бу ҳам онаси учун ҳалокатли бўлар эди. Линданинг хатарли аҳволидан тузалишига умид йўқ эди. Билли кислород палаткаси қопқоғини кўтарди ва деди:

— Линда, бу Билли ака. Мени эслайсанми?

Унинг овози паст, ақли равшан ва тетик эди.

— Албатта, Билли ака, мен сени эслайман.

— Ўзингни қанчалик касал эканингни тушунасанми?

— Ҳа, шу учун ҳам онамдан сизни чақиртиришини сўрадим.

— Линда, унда сен билан Раббий орасидаги аҳвол қандай?

У пешонасини тириштирди ва унинг юзида ғам-ғусса кўринди.

— Билли ака, мен кетишга тайёр эмасман.

Унинг кроватига эгилиб ва Линдани кислород палаткаси остидан қўлини ушлаб туриб, Билли у билан бирга ибодат қилди. У Исога қилган гуноҳлари учун афсусланганини айтди ва Унга бундан кейин ҳар доим Уни севишга ва Унга хизмат қилишига ваъда берди. У пушаймонларини айтиб бўлгач, Билли Худога ибодат қилди ва Ундан уни Исо Исми ҳақи шифолашини сўради.

Кейинги куни эрталаб, уни қонини таҳлил қилгач, врач уремиядан из ҳам қолмаганига ҳайрон бўлди. Бундай мушкул аҳволдан кутилмаганда яхши томонга ўзгаришидан далда олган врач, кейинги куни операцияни режалаштирди. Агар сутка давомида Линданинг қонида ҳеч қандай токсикоз модда топилмаса, уни врачи ўлик болани хотиржамлик билан ололади. Унинг яқинлари бундай яхши янгиликни эшитиб, улардан кўплари ўз гуноҳлари учун тавба қилдилар ва Худога, қолган умрлари давомида Унга хизмат қилишда ваъда бердилар. Бу нарса Биллини жуда қувонтирди.

Ўша оқшом Линда ҳеч ҳам ухлай олмади. Ярим кечага яқин у онасига деди:

— Худо билан ярашганимдан мен шундай бахтиёрман. Она, мен уйга кетаман.

Миссис Келли қизини қўлларини сийпалади.

— Ҳа, Линда, эрта эрталаб доктор болани олади. Кейин бир-икки кун ўтиб, сен эргинангни, болагиналаримни олдига қайтасан ва сизлар Худо учун яшай оласизлар.

— Йўқ, она, сен тушунмадинг. Мен айтаётганим, осмондаги уйимга кетаман. Бу менинг йўлимни охири.

Бир неча дақиқадан сўнг Линда хотиржамгина жон берди.

Линда ўлгани ҳақидаги хабар Биллини ҳайратга қолдирди, ундан кейин эса ўйлантириб қўйди. Руҳи тушкун пайтида у деди: “Раббий Худо, Сен менга буни тушунтиришинг керак. Мен у учун ибодат қилганимдан кейин ва Сен уни уремиядан шифолаганингдан кейин ва кўпчилик унинг қариндошлари бундай мўъжизадан кейин Масиҳга қайтганларидан кейин..., ва ундан кейин Сен уни шундай олдинг? Мен, Сен менга буни тушунтиришинг керак деб ўйлайман”.

Билли олишни истаган тушунтириш унга унчалар ҳам тез келмади. Бир-икки кун лаби-лўнжи осилиб юриб, у мулоҳазасиз илтимосини унутди. Бироқ Худо уни унутмади. Тўрт ойча ўтиб, дарё қирғоғида ўтириб ва балиқ тутаётган вақтида Билли ваҳий кўрдики, унда буларни ҳаммаси нима учун шундай бўлгани сабаби кўрсатилган эди.

У Линдани оиласи билан дарё бўйида сайр қилаётганини кўрди. У дарё ёқасида тошдан тошга сакраб ва кейин тойиб кетиб, сувга йиқилганини кўрди. Ваҳийда уни оёғи ва

узун юбкаси қамишлар ва сув нилуфарларига ўралгани кўрсатилган эди. Қариндошлари уни ораларида йўқлигини, қарийб унга жуда кеч бўлганида билиб қолишди. Линдани эри сувдан олиб чиққан вақтида, унинг териси нафас ололмаганидан кўкариб кетган эди. Эри саросимада унга сунъий нафас берди ва у ўзига келди. Раббий Фариштаси Биллига деди: ***"Энди унинг оиласига бор ва шундай дегин: "Ўтган йили сайр вақтида, наҳотки Линда, сувга чўкмаганмиди? У ўшанда ўлиши керак эди; аммо у кетишга тайёр эмасди. Ҳали уни жони тайёр бўлмагунигача, Худога кутиб туришига тўғри келди". Мана нима учун буларни ҳаммаси бўлиб ўтди ва сен нима учун касалхонага у учун ибодат қилишга бординг".***

Ваҳий тамом бўлгач, Билли қармоғини бир томонга отиб, юзи билан ўтга йиқилди ва кўз ёш тўкиб, деди "Раббий Исо, мени кечир, бефаросат қулингни. Менга зинҳор-базинҳор: "Сен менга тушунтиришинг керак", — дейишим лозим эмас эди. Сен Ўз болаларингга ҳеч нимага қарздор эмассан. Бу бизлар ҳаммамиз Сенга қарздормиз".

Жефферсонвиллига қайтиб, Билли Бозорчи кўчасидаги Келлилар оиласининг уйига келди ва эшикни қоқди. Миссис Келли эшикни очиб, ундан:

— Билли ака, бу ёққа сени нима ташвиш олиб келди? — деб сўради.

— Келли опа, сенга бир савол бермоқчи эдим. Бу, Линда чинданам ўтган йили сайр пайтида чўкиб кетишига сал қолганмиди?

— Ҳа, Билли ака. У сойга йиқилди ва ҳеч ким буни пайқамабди. Кейин уни эри тортиб олди ва аниқроғи у "оғиздан оғизга" сунъий нафас бериб, уни ҳаётини қутқарди. Сен буни қандай билдинг?

— Раббий буни менга ваҳийда кўрсатди. Келли опа, Линда ўша сайр кунида кетиши керак эди, аммо Худо Ўз раҳм-шафқати бўйича, уни жони тайёр бўлмагунича, уни ҳаётини асради.

ГАРЧИ имон билан шифоланиш кампаниялари Уилльям Бранхамни энди унча чарчатиб қўймаса-да, 1959 йил мобайнида унинг елкасига бошқа муаммолар оғир юк бўлиб тушди. Шак-шубҳасиз, энг оғири, унинг АҚШ Солиқ бошқармаси билан кети кўринмайдиган кураши бўлди. Ҳукумат ҳали 1955 йилдан бошлаб Билли кампанияларини молиявий фаолиятини тафтиш қилишни бошлаган эди. Ўтган тўрт йил ичида солиқ идораси унинг бухгалтерия котибини ва молиявий ёзувларни бир неча марталаб текширишган, аммо улар уни пул маблағлари билан нотўғри муомалада бўлганига айблай ва уни камсита биладиган бирор-бир хатони топишолмади. Шу сабабли Солиқ идораси назоратчилари тактикаларини ўзгартирдилар. Улар "Уилльям Бранхам" деб ёзилган ҳар бир чек, ҳатто агар ўша пуллар бевосита Бранхам Чодирига ўтказиб юборилганида ҳам, Биллининг шахсий фойдаси ҳисобланади, дейишди. Одамлар унинг кампанияси учун хайрия пуллари берганларида, улар одатда чекка Уилльям Бранхам Кампаниясига эмас, балки Уилльям Бранхамга деб ёзишар эдилар. Солиқ Идораси вакиллари Биллига бу пулларнинг ҳар бир центидан фойдадан солиқ тўлаши керак бўлади, дейишди. Ўтган ўн йилни ҳисоб-китоб қилиб ва бу суммага фоизлар ва жаримани қўшиб, у Қўшма Штатлар ҳукуматидан 355 000 доллар қарз бўлганини хабар беришди.

Бир куни ҳукумат оқловчилари Биллидан уларнинг маҳкамасига суҳбатга яна бир келишини сўрашди. Буни ўйлашни ўзидан, у оғир тин олди, чунки бу учрашувлар натижасизга ўхшар эди. Оқловчилар унга тинмай ўша-ўша саволларни беришар, кейин эса уни жавобларини олиб, ундан у назарда тутган нарсадан умуман бошқа бир фикрни даъво қилишар эди. Бу "сўроқ қилишлар" Биллини ҳолдан тойдирар ва ихлосини қайтарар эди, аммо унда бошқа танлайдиган йўли бўлмаганидан, улар билан учрашишга рози бўлди.

Рой Роберсон у билан ўша ёққа жўнади. Роберсон Биллининг нафақат дўсти, балки Бранхам Чодири васийлар маслаҳати аъзоси ҳам эди. Узун столнинг бир томонида Солиқ бошқармасининг бир неча юристлари ўтиришди. Билли, Рой Роберсон ва мистер Орбисан (Биллининг адвокати) бошқа томондан ўтирдилар. Солиқ идораси адвокати сўради:

— Мистер Бранхам, бизда айрим сизнинг харажатларингиз хусусида ҳали ҳам бир неча саволларимиз бор. Биз Бранхам Черкови барча бекор қилинган чекларига эга эканмиз, бу пуллардан ҳар бир цент нима мақсадларда ишлатилгани бизга маълум. Шу пуллардан айримлари қонунан черков чиқимларига ишлатилгани бўлганмиди, деган бизнинг саволларимиз бор. Масалан, Канаданинг Альбертадаги йиғилишларни бири вақтида, сиз 3000 доллар хайр-эҳсон олдингиз. Кейинги якшанбада сиз буларни кейинги шаҳардаги черков учун бердингиз.

— Уларга черковларини биносини янги том билан ёпиши зарур эди.

— Хм-м-м. Мана бу ерда эса Нью-Олбанидаги аёллар учун бир неча чек бор: битта чек уни озиқ-овқат дўконидаги ҳисобига тўлов учун 300 доллар, буниси бўлса — квартирага тўлов учун. Сиз бу 500 доллар квартира учун тўловга жуда ҳам кўпдай туюлмаяптими?

— Бу саксон яшар бева ва у бўғин ревматизмидан қийналаётган иккала боласи билан яшайди. Унинг даромади жуда кам, ва уйнинг хўжайини уларни қишнинг ўртасида уйдан чиқазиб юбормоқчи эди. Мен унинг квартира қарзини ва ундан кейин июнь ойигача квартира ҳақини тўладим.

— Хм-м-м. Мана яна бир чек, бизда номаълум бўлиб турибди. Сиз бир одамга, у уй қуриши учун ёрдам деб, 1500 доллар бергансиз.

— Бу одамнинг олдинги уйи ёниб кетди. Сиз бўлсангиз нима қилган бўлардингиз, бешта боласи билан отани, улар билан декабрда чодирда яшаётганини кўрганингизда, қачонки ерни қор қоплаган ва ҳарорат нолдан паст бўлса? Сиз ўйлайсиз, мен иссиққина шинамгина уйда, қачонки ўша болачалар қалтирашини била туриб, ўтира оламанми, қачонки менда уларга ёрдан беришим учун етарли маблағга эга бўлсам?

— Хм-м-м. Васийлар сизни пул берганингини билишармиди?

— Йўқ, сэр, билишмас эди.

— Нима учун буни сиз уларга айтмадингиз?

— Чунки Исо шундай деган: “Сен садақа бераётганингда, чап қўлинг ўнг қўлинг нима қилаётганини билмасин”.[444] Худонинг қонунидан олий қонун йўқ. Васийлар билишларига зарурат йўқ эди, холос.

[444] Матто 6:3

— Биз, сиз уларга бу ҳақида айтишингиз керак эди, деб ҳисоблаймиз. Сизларнинг бухгалтерия ёзувларингизга асосан, кўп йиллар мобайнида сиз одамларга ўн минглаб доллар бергансиз, ва кўп ҳолларда сизнинг васийларингизга бу пуллар қандай мақсадлар учун ишлатилгани ҳақида ҳеч нарса маълум эмас.

— Сиз мени виждонсиз деб ҳисоблайсизми?

— Ҳеч ҳам, мистер Бранхам. Биз сизни виждонли, диёнатли деб ҳисоблаймиз. Бу сўзларни тагида, бизлар сизни даромаддан солиқ тўлаш мақсадида ўша пуллардан тегишлича муомала қилишни билмагансиз деб тушунамиз. Сиз ўша чекларга имзо чекканингиз пайтида, бу пуллар сиз уларни черков ҳисобига ўтказганингизгача у сизники бўлади, гарчи улар сизнинг ихтиёрингизда бир дақиқадан ҳам кўп бўлмаганида ҳам. Шунинг натижасида, сиз ўша пуллардан даромад солиғи тўлашингиз зарур.

— Албатта, ҳар бир чекнинг орқасида менинг имзом турибди. Мен Бранхам Черковининг хазиначиси ҳисобланаман ҳам.

— Чекларнинг кўпчилиги Бранхам Черкови номига эмас, балки Уилльям Бранхам номига ёзилган. Бизлар Бранхам Черковидан солиқ ундирмаймиз, чунки бу черков, черков эса даромад солиғидан озод қилинган. Бу пулларни черковнинг ҳисобига ўтказишдан олдин, улар сизнинг шахсий пулларингиз эди.

— Аммо, айнан Солиқ Бошқармаси агенти айтди-ку, менга ўша чекларга шу тарзда имзо чекишга рухсат берилган деб.

— Ўша одам энди ҳукумат билан бирга ишламайди.

— Худди шундай, Конституцияни ёзган ўша одамлар ҳам ҳозир ҳукуматда йўқлар. Конституция бўлса кучида қолаверадими?

Билли битта-ю – битта пунктни қайта-қайта далил келтиравериб чарчади. У деди:

— Мен ёш эдим, ўшанда хотиним касал бўлиб ўлди, мен тиббий харажатлар учун 1000 доллар қарз бўлиб қолдим. Мен тинмай ишладим ва ўша қарзларни бутунлай тўладим. Энди мен ёш эмасман, аммо агар мен пул қарздор бўлсам, уларни мен тўлайман. Мен пул берган ўша барча одамлар шу суммадан даромад солиғи тўлашга мажбур деган фикрни ўзидан, мен хафа бўлиб кетаман, мана, масалан, ўша саксон яшар бева аёл.

— О-о, сиз адашяпсиз, мистер Бранхам. Уларга бундай даромад солиғи тўлаши керак бўлмайди, чунки улар у пулларни эҳсон сифатида олганлар, ихтиёрий ҳадялардан солиқ ундирилмайди.

— Чинданми? Унда мен банкка қўйган ҳамма пуллар, менга ихтиёрий ҳадя сифатида берилган, шу учун мен ҳукуматга ҳеч нарса қарз эмасман. Бутун умримда мен ҳеч қачон хайр-эҳсон, садақа йиғган эмасман.

Ҳукумат юристлари бир-бирига ҳайрон бўлиб қараб олишди. Улардан бири сўради:

— А сиз, мистер Бранхам, буни исботлай оласизми?

— Агар сиз истасангиз, мен миллион одамдан сизнинг офисингизга буни ҳақиқатлигини тасдиқлайдиган мактуб йўллашларини сўрашим мумкин. Мен умримда ҳеч қачон, ҳеч кимдан пул сўрамаганман. Ибодат қилинган матоларни биз текин тарқатганмиз. Мен ҳатто кампаниямнинг бир неча маъмурларини бўшатиб юбордим, чунки улар хайр-эҳсон йиғмоқчи бўлган эди. Ҳар сафар одамлар менинг кампаниям учун пул берганларида, улар буни ўз ихтиёрлари билан қилганлар.

Бу маълумот оқловчиларни издан чиқарди. Бир неча дақиқа давомида улар дарғазаб бўлиб, ўзаро пичирлашиб олдилар, кейин эса ўша кунги йиғилишларини тугатдилар. Билли уларнинг махкамасидан ғалаба қилгандай бир ҳиссиёт билан чиқди.

Аммо Биллининг номига давлат айбномаси бутунлай тугаб қолмади. 1959 йил июлининг охирги ҳафтаси давомида Солиқ бошқармаси юристлари ўз махкамаларида Биллини кетма-кет беш кун сўроқ қилдилар. Жума куни эрталабки учрашувдан кейин Билли уйига чарчаб қайтди, ва уни боши такрор-такрор бир хил саволга жавоб беравергани дан, қаттиқ айланиб қолган эди. Унинг асаблари бу молиявий тафтишдан беҳад тортилган эди. У бу нарса унга йиғилишларини режалаштиролмагани оқибатида ҳам хафа эди ва у изтиробда қолганди, чунки шунчалик кўплаб касал одамлар ибодат қилишини сўрашар, уни эса улар учун ибодат қилишига вақти йўқ эди. Ҳеч бўлмаганда бугун тушдан кейин у бир неча касалларни бориб кўриши мумкин эди, чунки Солиқ бошқармаси юристлари унга у билан шу ҳафтада белгиланган учрашуви тугади дейишди. Билли бориши керак бўлган ўша касаллар рўйхатида биринчиси меҳмонхонада касал боласи билан уни кутаётган одам эди. У Жефферсонвиллигача 650 километр масофа ўтиб келган эди.

Меда Биллига, у еб олсин деб сэндвич тайёрлади.

— Бу эрталаб учрашувинг қандай ўтди, — сўради у.

— Азизам, ўша юристлар менга берадиган саволларидан бошим айланиб кетди. Бироз вақтдан кейин мени бошим бутунлай тушиб кетадигандай бўлади.

У тушлик қилишга стол ёнида ўтиришга улгурмай, телефон жиринглаб қолди. Меда телефон гўшагини кўтарди, кейин уни қўли билан бекитиб, пичирлади:

— Билли, бу адвокатимиз бизни. У Солиқ бошқармаси юристлари сен билан бугун яна учрашишмоқчи эканини айтди.

— О-о, йўқ, фақат шу бўлмасин! Мен бу сўроқларни яна бир кунига чидолмайман. Унга мени уйда йўқ деб айт.

Шу сўзлар билан Билли столдан туриб, орқа ҳовлига чиқиб кетди.

Меда пешонасини тириштирди, лекин эрини айтганидай қилди. У гўшакни осиб қўйган эди, Билли яна уйга кирди-да, столга ўтирди ва стаканига апельсин шарбати қуйди. Меда сўради:

— Бу мутлақо тўғри эдими?

— Албатта, — қилган ишини тушунтиришга уриниб, у жавоб берди. — Ахир сен ўшандай деган пайтингда, мен уйда йўқ эдим-ку.

— Лекин у қўнғироқ қилганида, сен шу ерда эдинг-ку.

— Азизам, буни қўй, эсингдан чиқар. Ҳаммаси жойида.

Аммо юраги тубида у бу нотўғрилигини билар эди.

Тушлик қилиб бўлиб, Билли мотелга жўнади, у ерда ўша одам касал боласи билан кутаётган эди. У бола учун ибодат қилишга ҳозирланаётган эдиям-ки, юрагини эзадиган бир ҳис уни мағлуб қилди. У ўйлади: “Мен иккиюзламачику ахир. Мен энди бу бола учун қандай ибодат қиламан, қачонки мен ҳозиргина алдадим ва хотинимни ҳам ёлғонлашига мажбур қилдим?” Билли деди:

— Жаноб, мен ҳозир болангиз учун ибодат қилишга лойиқ эмасман. Мен нотўғри иш қилдим ва мени юрагим ҳам мени айблаб турибди. Агар сиз озроқ сабр қилсангиз, болангиз учун сал кейинроқ ибодат қиламан. Мен ҳозирни ўзида ҳаммасини тартибга келтиришим лозим.

Энг аввало Билли уйига борди ва хотинидан кечирим сўради. Кейин у адвокатининг маҳкамасига жўнади.

Билли кабинетга кирганида, мистер Орбисон столи ортида иш устида эди.

— Мистер Бранхам?! — деди у қошларини чимириб. — Мен эса сизни уйда йўқдир деб ўйловдим.

— Мен бор-йўғи уйдан ҳовлига чиққандим.

Кейин у нотўғри қилган ишини тан олди ва адвокатидан кечирим сўради.

Мистер Орбисон ёзув столидан айланиб ўтди ва Биллини қўлини сиқди.

— Мистер Бранхам, мен ҳар доим сизга ишончим бўлган, ва ҳозир мен сизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ишонаман.

Биллининг юраги енгил тортди, аммо унга яна бир кечирим сўраши керак эди. Шанба эрталаб у Туннель Милл деган жойга жўнади, ва ўрмон чакалакзорларидан ўтиб, ўзининг яширин ғорига етиб келди. У ибодатда эрталаб соат еттидан, ҳаттоки тушдан кейингача жуда қаттиқ тавба қилиб, Худога илтижо қилди. Қуёш уфққа ёнбош бўлгани ҳам эди, Билли ғордан чиқди ва улкан қояга кўтарилди, у ёқдан у водийга қоронғуликни тушишини кузата олар эди. Ўрмонда жимжитлик ҳукм сурар, нам эди ва об-ҳаво шамолсиз эканидан, дарахтларда битта ҳам баргча қимир этмас эди. Билли боши узра қўлларини кўтариб, шу ажойиб дунёни яратгани учун Худони улуғлай бошлади. Ундан кейин қўлларини тушуриб, у деди: “Раббим, Сен Мусони қояни ёриғига яширдинг ва уни ёнидан ўтдингки, у Сени ортингдан кўрди[445]. Агар Сен мени қилган гуноҳим учун кечирган бўлсанг, унда, илтимос, мени қонунсизлигим йўқолганини билишим учун ва мен яна Сенинг касал фарзандларинг учун ибодат қилишим учун, илтимос, мени ёнимдан ўт”.

[445] Чиқиш 33:18-23 (Тарж.)

Билли бу ибодатини тугатиши билан, шу яқиндаги буталарда қуюн шитир-шитири эшитилди ва у сўқмоқ бўйлаб у турган қояга бора бошлади. Уни яқинида кучли шамол ўтдики, шу туфайли у, токи бу қуюн ўтиб бўлмагунича шляпасини ушлашга ва кўзларини юмиб олишга мажбур эди.

Билли яна икки қўлини кўтарди ва деди: “Раббим, мен Сени бутун қалбим билан севаман. Сен ибодатга жавоб берадиган Худо ва Сенга ким бутун юраги билан сўраса ва тавба қилсалар, Сен кечирадиган Худо бўлганингдан мен хурсандман”. Кейин у орқага, машинасига этадиган сўқмоқдан кетди; ундан кейин машинасида шосседан меҳмонхонага келди, у ерда у, ўлим ёқасидаги касал бола учун ишонч билан ибодат қилди. Меҳрибон Исо Масиҳ Исми ҳақи ва Унинг кучи туфайли бола шифоланди.

1959 ЙИЛ 8 ОКТЯБРИ, пайшанба куни Уилльям Бранхам, Бэнкс Вуд ва Фред Сотманн уч кунни Индиана штати, Сейлем ёнида, Жефферсонвиллидан 65 километрлар шимолда, олмахон овига бағишладилар. Улар ҳар эрталаб, бир неча олмахонни уйқусираб, эрталабга бирор нарса топиш учун ўтлар орасида юрганида, уларни ғафлатда қолдириш умидида, тонг отгунча ўрмонга етиб олиш учун соат тўртда туришарди. Ов ҳам ўзига яраша бўлди. Ов мавсумининг ўртаси эди ва овчилардан тўлиб кетганидан олмахонларнинг сони анча камайганди. Икки кун ўтган бўлса-да, уч овчида ҳаракатларини мевасини кўрсатишлари учун, ҳатто битта ҳам олмахони йўқ эди.

Шанба куни Билли тонг қоронғусида Фред ва Бэнксни ўрмоннинг бир участкасига этиб қўйди, ўзи бўлса йўл бўйлаб сал нарироққа, бошқа ўрмончага жўнади. Ов қилиш учун кун нобоп бўлди. Яхлама, шамол ва ернинг тортиши туфайли дарахтлар ялонғоч бўлган ва ер тирсиллайдиган барглардан ғарч-ғурч гилам билан қопланган эди. Бу тўсқинликдан ташқари, совуқ, кишини ич-ичига ўтиб кетадиган аччиқ шамол туфайли кўп олмахонлар иссиққина инига жойлашиб олиб, умуман кўринмас эди. Бутун ўрмонни бир неча соатлаб тинтиб, Билли битта ҳам момиқ малла дум кўрмади.

У тепаликни қиялаб бориб қуриган сойчага тушди, ундан кейин эса бу жарликнинг бошқа томонидаги баландликка кўтарилди. Тез орада у тепаликка чиққач, у ердан ёвонлар кўриниб турар, у ерда кукуруз ҳосилини йиғиштираётган бир неча фермер ишлаётган эди. Тепаликни ён бағри сикомор ва лжеакация билан қопланган эди. Бу ўрмонларда ёшлигидан ов қилавериб, Билли билардики, олмахонлар тиканли таналари ва шохлари борлигидан лжеакация дарахтларига яқин йўламас эди, ва шу билан бирга, уларга сикоморлар ҳам ёқмас эди, чунки бу дарахтларда уларга ейишига ярамайдиган платан уруғлари бўлар эди. Тепалик ён бағрида бир тўда ёнғоқ дарахтлари ўсган бўлиб, аммо уларда олмахонни жалб қиладиган барглари ҳам, ёнғоғи ҳам йўқ эди.

Гарчи Билли бу ерда отадиган нарсани ўзи йўқлигини билса-да, бироқ у чарчади ва дам олмаса бўлмас эди. Хуллас, у шамолдан панада, қуёш нурида ётиш учун, иккита сикомор орасига чўзилди. Дарахтлардан бири ўз шакли билан унга компасни эслатар эди, чунки унинг тўртта асосий шохлари тўппа-тўғри шимол, жанув, ғарб ва шарқни кўрсатиб турган эди. Орқаси билан шу "компас" дарахтга суяниб, Билли озгина мизғиб олсаммикин дея ўйлай бошлаган эди, аммо кўз юммасликка қарор қилди. Соат 9:30 бўлиб бўлган ва бир соатдан кейин у ўртоқларини олиб кетиши керак эди. Ухлаб, у, эҳтимол, вақтида уйғонолмасди.

Фермерларнинг меҳнатини кузата туриб, Билли Ёзувнинг, уни охирги икки йил фикрига тез-тез келадиган жойи ҳақида фикрлай бошлади. Исо деди: "Агар ким бу тоққа: "Қўпарилиб денгизга отил", деса-ю, ўз қалбида шубҳаланмай, айтгани бажо келишига қаттиқ ишонса, айтгани бўлади".[446]

[446] Марк 11:23

Библиянинг ушбу ояти Биллини ўйга солди. Нима учун Исо буни шу тарзда айтди? Исо ахир гапирмадику: *"Агар **Мен** тоққа айтсам:* "қўпарил ва...". Исо айтдики: "Агар **сен** тоққа айтсанг..."[447] Ибодат ҳақида бу ерда умуман сўз ҳам йўқ. Бу қандай бўлди? Бу Исо бевосита Ўзини шогирдларига қурбон бўлиши олдидан берган алоҳида бир ваъдамикан деб ўйлаб, тагига етолмади.

[447] Библиянинг инглизча таржимаси. (Тарж.)

"Менга маълум бўлишича, — ўйлади Билли, — черков учун куч-қудрат ҳақидаги барча ваъдалар Исо хочда қилган қурбонлиги билан ечиб юборилган эди, ва улар эллигинчилар кунида У черковга Ўз Муқаддас Руҳини берганида кучга кирган эди. Шундай қилиб, агар кимдир мендан Марк 11:23 тўғрисида сўраса, мен уларга худди У Ўз пайғамбарларига қурбон бўлишидан олдин алоҳида ваколат берганидек, Ўз шогирдларига қурбон бўлишидан олдин шундай қудрат берган, дейман".

Бирдан, қаердандир юқоридан, дарахт танасидаги шох-бутоқлардан Овоз унга гапирди:

— Сенингча қандай дейсан, келажакни башорат қилганларида, пайғамбарларни ўзлари гапирдилармикин? Наҳотки сен шу кунларда, пайғамбарлар Муқаддас Руҳдан шунчалик мойланганки, энди улар эмас, балки Худо улар орқали гапирди, деб ваъз қилмагандинг?

"Ҳа, Раббим, бу ҳақиқат", — ўйлади Билли.

Овоз давом этди:

— Бу ҳам худди шундай қурбонликка боғланган эди. Агар бирор бир киши ҳар қандай вақт Худога шу қадар батамом ишониб, эътимод қўйолсаки, шунда Худо уни овозини ишлатса, унда энди у одам гапирмайди, балки уни Худо ишлатади. Сен ибодат навбатлари вақтида қандай қилиб ўша ваҳийларни кўрасан? Сен ўйлайсан, сени шахсий донолигинг одамларга уларни ўтмишини ва келажакда уларга нималар бўлишини

айтадими? Сенингча, сени ваъз қилаётганингда, зийраклик, заковатни сени донолигинг сенга берадими? Сен нима деб ҳисоблайсан, қачонки битта Христианин ўзга тилда гапирганида, ва бошқаси бўлса уни изоҳлаганида нима рўй беради?

— Энди мен тушуняпман, — овозини чиқариб деди Билли. — Қачонки одамни Исо Масиҳнинг қурбонлик Қони буркаб олса, у Руҳга шу қадар бутунлай ишона оладики, энди бошқа у эмас, балки Худо гапиради. Бироқ бу қандай қилиб Марк 11:23 ни тушунтириб беради?

— Бу Ёзув жойи ҳам қолган ҳар қандай жой каби шунчалик ҳақиқатдир. Агар сен Муқаддас Руҳга қандайдир ибора айтишинг учун шу қадар тўлсанг, сен нима айтгин, рўёбга чиқади.

Тўсатдан Билли нимадир уни шундай бир қудрат билан қамраб олдики, у қўрқиб, ўрнидан туриб кетди.

— Ким буни гапирди? — тепалик бағрига қараганча, Билли қатъий сўради. — Мен ким билан гаплашаяпман?

Ҳеч ким овоз бермади. У фақат биргина қуруқ баргларни шитирлашини ва ҳосилини қишлоқ хўжалик машиналари билан йиғаётган фермерларни товушларини эшитди.

— Раббим, бу Сенми? Одатда Сен билан гаплашаётганимда мен ўша Нурни кўрар эдим, аммо бу ерда Нур йўқ.

Ўша Овоз умуман яқингинада яна гапирди. Билли уни кукуруз майдонларидаги ишлаётган фермерларнинг шовқинидан кўра аниқроқ эшитди. Овоз буйруқ оҳангда шундай деди:

— Айт, нима истасанг ва бу сенга берилади.

Билли ўйлади: "Бу ерда нима бўлаяпти ўзи? Мен нима, ақлдан озаяпманми энди? Мен фанатик бўлмоқчи эмасман ва қандайдир ҳаддимдан ҳам ошмоқчи эмасман". У бармоғини терисини қон чиққудек тишлади. "Мен ахир ухламаяпманку, шу учун бу туш эмас. Бу ваҳийга ҳам ўхшамайди. Одатда, кучли мойланиш келганида, шундан кейин ваҳий пайдо бўлади. Мен шу ерда озроқ кутайда, қарайгин қани, ваҳий пайдо бўладимикин".

Биллининг танаси ғалати тарзда увишиб қолди, шу учун у шу ергинада айланганча керишиб, юра бошлади. Тез орада унга кучли мойланиш асал каби "оқа" бошлади ва ўша Овоз яна буюрди:

— Айт, нима истасанг ва бу сенга берилади.

Билли титраб-қақшаб деди:

— Раббим, бу ўша, Сен менга келиши ҳақида гапирган, менинг хизматимдаги ўзгариш эмасми? Бир неча йил аввал ваҳийда Сен менга кўрсатган палаткадаги ўша уйча билан бу қандайдир боғлиқми?

Овоз жавоб берди:

— Мен қиладиган ишимни, Мен тасдиқлайман. Гапир, нима истайсан, ва у амалга ошади.

— Бу ерда касал одамлар йўқ. Мен нимани сўрасам бўлади?

— Сен ов қиляпсан ва худди Иброҳимга қўй зарур бўлганидек, сенга ҳам олмахонлар керак.

— Бу тўғри, мен ахир бир тўдасини олсам бўлармиди...

У тилини тийди ва фикран айтди: "Раббим, агар мен ниманидир нотўғри қилсам, илтимос, мени кечир; аммо, мен чинданам бу Сенми ёки йўқлигини билишни истайман".кейин у овозини чиқариб деди:

— Бугун мен учта ёш малла олмахон отаман.

— Улар қайси томондан пайдо бўладилар?

Билли чуқур тин олиб, ўйлади: "Модомики мен шу ергача келдимми, унда яхшиси ишни охиригача етказиш керак. Лекин мен бирор-бир ақлга тўғри келмайдиган нарсани ўйлаб топаман". Атрофга аланглаб, ўзидан эллик метрча нарида, танасида бир нечта қуруқ шохлари бўлган лжеакация дарахтини кўрди. У чакалакзорни четида, кукуруз йиғаётган фермерлардан сал узоқроғида турган эди. У ҳеч қачон ҳаётида олмахонни лжеакациянинг

тиконли шохлари орасида кўролмаслигини била туриб, Билли маълум бир нуқтани кўрсатди-да, шундай деди:

— Олмахон ўша ялонғоч шохда пайдо бўлсин, ва мен уни шу ердан отаман.

У кўрсатгич бармоғини тушуриши билан, мана — ўша ерда, ўша шохда олмахон унга қараб ўтирган эди. Билли қуролни елкасига қўйди ва яхшироқ нишонга олиш учун сикоморга суянди. Унинг 22-калибрли милтиғидан ўқ отилди ва олмахон ерга қулади. Билли ўша дарахтга келди ва ўлган жониворга қаради. Ўқ тўппа-тўғри кўзидан тешиб ўтган ва қон унинг жароҳатидан сарғайган қуруқ баргларга томар эди. Билли олмахонни кўтарди. У иссиққина эди. Бу биринчи ўлжасини ов халтасига сола туриб, у ўйлади: "Ваҳийда қон оқмайди, шу учун биламан, бу ҳақиқий олмахон. Мумкин, бу ғирт тасодиф туфайли шундай бўлгандир. Раббим, агар буни Сен қилган бўлсанг, шайтон ҳеч қандай баҳона қилолмаслиги ва бу тасодифан тўғри келди демаслиги учун, бу нарса яна такрорланишига йўл бер".

Ўша ғайритабиий мойланиш Биллига янгидан ғоят кучли қудрат билан келди. Ўрмонда аланглаб, у яна бир жойни, олмахонни ҳеч ҳам кўриш мумкин эмас жойни кўрди. Эллик метрча нарида лжеакация дарахти турар, уни танаси бутунлай заҳарли чирмовуққа ўралган эди. Олмахонлар заҳарли чирмовуқдан худди одамлар қўрққандек қўрқар эди. Билли ўша дарахтнинг маълум бир шохини қўли билан кўрсатиб, овозини чиқариб деди:

— Бошқа бир олмахон анави шохчада ўтирсин.

У бармоғини туширувдиямки — олмахон ўша ерда тайёр бўлди! Билли кўзларини ишқалаб яна қаради. Билли ҳали ўша ерда ўтирган эди. Милтиғини кўтарди, мўлжалга олиб, отди. Маллагина ҳайвонча шохдан ерга шалп этиб тушди. Ўша ерга келиб, Билли ботинкаси билан ўралиб кетган чирмовиқни суриб, ўлган олмахонни олди ва уни ов халтасига ташлади.

— Раббим, буни ***Сен*** *қилдинг! — қувониб деди у — Энди мен Марк 11:23 нимани англатишини тушундим шекилли. Раббим, Сен Ўз Сўзингни тасдиқлаганинг учун миннатдорман. Мен бошқаларга буни айтишни буни қачон айтоларканман?*

Кейин у орқасига йўлга қараб кетаётган эди, ўша Овоз унга яна гапирди:

— Лекин сен учта олмахон дединг-ку.

Билли тўхтади. Бу шундай эди: ***у ҳақиқатдан ҳам*** *учта деган эди. У эндиги олмахонни қаерда қўйсам экан дея, атрофга назар ташлади ва кейин ўйлади: "Мана шу сафар мен аниқ ҳақиқатдан ҳам бир нима қиламан". Майдоннинг четига қуёш нурларидан сарғайиб кетган эски тўнка кўриниб турар, уни биқинида битта силлиқ шох ҳали чиқиб турган эди. Билли овозини чиқариб деди:*

— Малла олмахон ана у чакалакзордан чиқсин, ўша эски шохга югуриб келсин, мана бу новдага тўхтасин ва мана у ердаги фермерга қарасин.

Ҳеч нарса бўлмади. У ўн минутча кутиб турди, олмахон бўлса пайдо бўлмадиям. Соат миллари 10:30га яқинлашди. Билл турди ва тўғриланди.

— Ота, Сен икки ёки уч шоҳиднинг ҳар қандай гувоҳлиги қатъий бўлади, дегансан[448]*. Мана, мени халтамда иккита шоҳидим бор, шу учун мен мамнунман. Шу икки олмахон учун Раббим Сендан миннатдорман. Энди мен Бэнкс ва Фредга боришим керак.*

[448] *Матто 18:16; 2-Коринфликларга 13:1.*

Халтасини елкасига ташлаб, у йўл томонга қараб бир неча қадам ташлади.

— Лекин, ахир сен буни айтиб қўйдинг, — *унга ўша Овоз эслатди.* ***— Ёзувда: "Агар сен юрагингда, сен айтган сўзинг бўйича бўлишига шубҳа қилмасанг, аммо ишонсанг, — нима десанг, сенга бўлади", — дейилган. Сен шубҳаланасанми?***

Билли ортига бурилди.

— Йўқ, Раббим, мен Сенинг Сўзингга шубҳаланмайман.

Шу ондаёқ лжеакация чакалакзорларидан олмахон сакраб чиқди, кукуруз ёвонига қараб чопди, эски тўнкага тирмашиб чиқди, ўша ягона шохга чиқди ва фермерларга қарай бошлади. Билли қуролини туширди, оптик мўлжаллагични крестчасини нишонга тўғрилади ва тепкини босди. Ўқ тўппа-тўғри олмахонни кўзига тегди.

Олмахонни ов халтасига сола туриб, Билли бошқа бир овозни унинг миясига пичирлаётганини эшитди: “Биласанми нима? Ҳозир ўрмон тўла олмахон. Бу ахир бор-йўғи тасодифан тўғри келган ҳодиса-ку”.

Билли жавоб берди: “Иблис, бу хусусда биз ҳали кўрамиз...” У тепаликка, ўша икки сикомор дарахтига қайтиб, қулайроқ жойлашиб олди ва кузата бошлади. У тушгача кутди ва кейин, ниҳоят, ошналарини олиш учун у ёқдан кетди. Шунча вақт ичида у бошқа бирор олмахонни қилт этганини кўрмадиям, ҳатто олмахон чириллашини эшитмадиям.

ГАРЧИ Индиана штатида олмахон ови мавсуми 1959 йил 13 октябрда ёпилган бўлса-да, Кентуккида ов мавсуми яна бир неча ҳафта очиқ эди. Ноябрнинг биринчи ҳафтаси Уилльям Бранхам, Бэнкс Вуд ва Тони Зейбллар Кентукки штати, Элкхорн-Ситига, Бэнкс Вуднинг қайнағаси Чарли Кокс билан бир неча кун ов қилиш учун жўнаб кетдилар.

Элкхорн — Кентуккининг шарқий қисмидаги, Аппалачи тоғлари ён бағридаги шаҳарча. Мана шу ўрмонли территорияда бутун дунёдаги овлаш ва балиқ тутиш учун энг яхши жойлар яшириниб ётган эди. Билли ҳам хизматидан чарчоғларини чиқариш учун бу ерга тез-тез келиб турар эди. Чарли ва Нелли Кокс ҳар доим уни хурсанд бўлиб, қишлоқ жойларидаги уйларига қабул қилар эдилар.

Ноябрнинг ўша ҳафтаси об-ҳаво овчилардан кўра кўпроқ олмахонларга қулай бўлди. Кун бўйи совуқ шамол эсди ва кўпчилик олмахонлар ўз уялари ва ковакларида қунишиб ўтирди. Ташқарига чиқишга жасорат қилган ҳар қандай олмахон овчилар юрганидан оёғи остидаги барглар шитир-шитиридан огоҳлантириш олишар эди. Икки кунлик овдан кейин уларни гуруҳидан Чарли бир неча олмахонни отган ягона киши бўлиб, бунинг устига, у сочма ўқдан фойдаланган эди. Билли ҳар домгидай ўзининг 22-калибрли милтиғига ишонар, бироқ ундан фойдаланишга тўғри келмайдиганга ўхшади.

Жума куни, 6 октябрда уни ишлари яхши юришмади. Куннинг иккинчи ярмида у тепаликлар орасидаги таниш водийга келди. Билли бу жойни “Ҳаваскор овчининг сойлиги” деб номлади, чунки у бир куни у ерда битта дарахтда ўтирган ўн олтита олмахонни кўрганди; у рухсат этилганичасини отди, қолганини бўлса қолдирди, ўшанда энг ҳақиқий ҳаваскорлар овини ўзи бўлган эди. Энди у тепаликда шарқ томондан, бу сойликни юқорисида турганди ва пастда ётган дарахт баргларига бирор ҳаёт белгисини қидириб қараб турар эди. Билли узоқ вақт кузатди, бироқ ҳеч қандай ҳаракат кўринмасди. Ўрмонни бошқа қисмидаги каби, бу дарахтларда ҳам олмахонлар йўқ эди. Бир жойда тураверib, Билли совуқдан қалтирар эди. Совуқ ҳаво уни бурни, юзи ва қулоқларини чимчиларди. Гарчи уни қўллари қўлқопда бўлса-да, у бармоқлари учида аччиқ совуқ сезди; ҳатто оёғи бармоқларини ҳам совуқ чимчиларди. Билли бугун ов қилиб бўлибман, деб қарор қилди, шу учун кейинги кун бахтини синамоқчи бўлди.

Кетиш учун бурилиб, у бор-йўғи бир неча қадам қўйгани ҳам эдики, у шер ўкирганига ўхшаган йўғон овозни эшитди. Овоз деди:

— Қанча олмахон керак сенга бугун?

Иягини қашиганича, Билли ўйлай бошлади: “Чарли менга ўша учта ўзи отган олмахонни уйимга олишимга қўяди, олтита олмахон бўлса, оилам учун бугун бир тушликка етади. Шу учун, агар мен яна учта олмахонни қўлга киритсам эдим...”

Бирдан ғайритабиий мойланиш шундай бир ҳаддан ташқари қудрат билан Биллига тушдики, унга йиқилиб кетмаслиги учун дарахтга суянишига тўғри келди. Худди ўша Овоз буйруқ оҳангида деди:

— Нима истайсан, шубҳа қилмай айт, ва сенга нима десанг, берилади.

Билли жавоб берди:

— Мен учта олмахон отаман.

— Улар қайси томондан пайдо бўлади?

— Биттаси ғарбдан, бошқаси жанубдан, учинчиси бўлса шимол томондан.

Билли ўрмонга қарай бошлади. Бир неча дақиқадан сўнг у жарликни нариги томонида, тепалик ён бағрида ниманидир ҳаракатланаётганини сезди. Милтиғини олиб, оптик

мўлжаллагич орқали кулранг олмахонни кўрди. У ҳеч бўлмаганда ундан тўқсон метрлар нарида бўлиб, қуролдан эллик метрдан отадиган киши учун бу узоқ масофадан отиш ҳисобланар эди. Билли ўқни учиш траекториясини тенглаштириш учун милтиқни оғзини салгина кўтарди. У тепкини босганди, олмахон беҳуш йиқилди.

"Битта бор энди. Унда яхшиси ҳозир жанубга қайрилиш керак, чунки кейинги олмахон айнан ўша томондан келиши керак".

Билли узоқ вақт ёғочда жанубга қараб ўтирди ва ўйлади: "Бу албатта бўлади, зеро мен буни мойланиш остида айтдим. Модомики, мен билан Муқаддас Руҳ гаплашган экан, унда бу аниқ мен айтгандай бўлиши керак".

Ўн беш минутдан кейин, у ўзи турган жойдан жанубда, букнинг тагида ўйноқилаб чопаётган олмахонни кўрди. Дарахтчага эллик метрлар бор эди, шу учун Биллига бу масофадан аниқ отиш учун кўп тиришишига тўғри келмади. Ўқ олмахонни нақ кўзига тегди. Йўқ отилгани акс-садосидан бошқа бир олмахон чакалакзордан чиқди, тепаликдан пастга қараб чопди ва ундан кейин Биллидан қирқ метрлар жануби-ғарбда тўхтади.

"А мана учинчи олмахон ҳам", — ўйлади у, милтиғини 45° градусга, то уни оғзи жануби-ғарбни кўрсатгунича бурди. У олмахонни қулоғини мўлжалга олди, чунки унга ёнбоши билан турди. Тепкини босиб, хато отганини кўрди. Ғафлатда қолганидан олмахон жойида бир сакради, ва ёғочнинг бошқа учига чопиб ўтди-да, ўша ерда ёнғоқ кемира бошлади.

"Мен жуда қалтираяпман шекилли, етарлича нишонга ололмаяпман, — Били ўйлади, — аммо бошқа олмахонни отганимда ҳам шундай совқатгандимку". Дарахтга суяниб ва яхшироқ нишонга олиб, у яна отди. Бу сафар ўқ олмахонни боши устидан ўн сантиметрлар баланддан ўтди ва орқасидаги дарахтга санчилди, пўстлоғдан майда тарашачалар ҳар томонга учди. Олмахон уч метрга чопди, ундан кейин эса у ҳар томонга асабий қараб, тўхтади.

"Мен оптик мўлжаллагични суриб қўйдим чоғимда", — ўйлади Билли, затворни шақиллатиб ва кейинги патронни жойлаб туриб. Билли иложини топса, олмахонни кўкрагига отмасликка ҳаракат қилар эди, чунки айни шу ерда энг кўп гўшт бор эди. У олмахонларни бошига, хусусан кўзига отишни афзал кўрар эди. Учинчи бор отишдан кейин ўқ ҳайвончанинг олдида ўттиз сантиметрларда ерга тегди ва баргларни сочиб юборди. Бу сафар ўтакаси ёрилган олмахон қалин бутазорда кўринмай кетди.

Билли бир дақиқага ҳайрон бўлиб турди. У шу йил отган бир юз ўн тўрт олмахондан у бор-йўғи бешта хато отган эди, бу ерда эса у нишонга уролмай, кетма-кет уч марта отди. Гап нимада ўзи? Кейин у нима учун бундай бўлганини тушунди. У кейинги олмахон шимол томондан пайдо бўлади, деганди. Худо унга, ундан жануби-ғарбдан келган олмахонни ўлдиришга йўл бермади холос.

Шимолга бурилиб, Билли ўн беш минутлар кутди, бироқ олмахон пайдо бўлмади. Бу орада қуёш ботдиям, ўрмон қоронғилашди. Соат тўртда у ўша отилган иккита олмахонни, уларни топиб олиш учун ҳали жуда қоронғи бўлмай туриб топишга қарор қилди. Иккита олмахонни отган ўша олдинги жойига қайтиб, Билли бугун энди учинчи олмахонни отиш учун жуда қоронғи бўлиб қолди деб, юришида давом этди. У ўн қадам ҳам ташламай, йўғон овоз баланд гапирганини эшитди:

— Қайт ва учинчи олмахонингни от. Ахир сен шундай бўлади дедингку.

У ўқ узган аввалги нуқтасига қайтиб, Билли деди:

— Раббим, мен ҳеч қанча Сенга шубҳаланмайман.

Худди шу пайт учинчи олмахони, ўзидан аниқ шимол томондан олтмиш метрча наридаги оқ эманга ўрмалаб чиқди. Бу пайтда аллақачон қоронғи тушиб бўлганидан, гарчи у оптик мўлжаллагич орқали дарахтда олмахонни ахтарса-да, у уни кўролмади. Ниҳоят, у баланддаги новдалар орасида бир қараса юмалоқ нарсани пайқади ва таваккал қилишга қарор қилди. Отгач, Билли дарахт пўстлоғини кичкина тирноқлари билан тирнагани товушини эшитди. Кейин нимадир ерга йиқилган эди, шундан барглар ҳар томонга тўзиди. Бир-икки ондан кейин олмахон дарахтдан олти метрча нарига, шарққа томон югурди.

Олмахон оқ эманда ўтирганида, у хато отган бўлса керак, шу учун у бошқа дарахтга чопиб ўтди. Ўша дарахт танасидаги олмахон тўхтаган жойда қора шарпани нишонга олиб туриб, Билли тепкини босди. Бу сафар ўқ нишонга аниқ тегди: олмахон ерга тошдай тап этиб тушди.

Барчасига ишонч ҳосил қилиш учун, Билли, энг аввало, оқ эман дарахти тагини текширди. У ерда — шундай бўлади деганида бўлган, ўша жойдан аниқ шимол томонда, унинг учинчи олмахони ётган эди. "Бу ажойиб! — ўйлади у. — Мен учта олмахон сўрадим, Раббим эса менга, ҳисобга тўҳри бўлсин деб, яна бирини берди". У бошқа дарахтга тўртинчи олмахонни оламан деб борса, у ерда у йўқ экан. "Қизиқ... Мен уни ўлдирганимни аниқ биламан", — Билли ўйлаб ҳайрон бўлди. У олмахон ахтариб, қуруқ баргларни титаверди, аммо уни тополмади. Кейин дарахт тагида, томирлар орасида у инни кўриб қолди. Тор тешикдан Билли қўлини суқолмади, шу учун у ерга таёқни тиқди. Инни ичида у қандайдир бир юмшоқ, дуртса дуртилиб қимирлайдиган майда нарсага дуч келди-ю, бироқ уни таёғи билан чиқаролмади. "Бу анив олмахон. Бугун мен уни ололмайман, шу учун эртага бу ёққа келишга ва уни чиқариб олишга тўғри келади".

Билли уяга кириш жойини тош билан ёпди-да, кейин машинасига қайтди, у ерда уни ошналари кутиб туришганди. Улар уни учта олмахон билан кўриб ҳайрон бўлишди, ўзлари битта ҳам отмаганди-да. Аммо, у ўша олмахонларни қанақа шароитда отганини айтиб берганида, бу уларни "ёппасига тамом қилди".

Ўша оқшом ҳамма ухлашга кетишдан олдин, Тони Зейбл умумий ибодат қилди. Ибодатида, бошқа илтимосларидан ташқари, Тони шундай деди: "Раббий Худованд, эртага Билли ака ўша олмахонни, бизлар у ҳақиқатни гапирганини била олишимиз учун, ўша уядан топишига йўл бер".

Бу сўзлар Биллини ларзага келтирди. Тони унинг черковида нозир эди, ахир. Тонининг хотини ўлим ёқасида ётганида, врачлар ҳам умид йўқ дейишганида, Билли ибодат қилди ва Худо мўжизавий бир тарзда уни шифолади. Қандай қилиб Тони унга шубҳалана оларкан?

Шанба эрталаби ўша ҳафтани ўтган кунлари каби ҳаво совуқ, нобоп эди. Столда нонушта қилиб ўтириб, Тони деди:

— Бугун бизда, ҳеч бўлмаганда битта олмахон бўлади, шундай эмасими, Билли ака?

— Тони ака, сен тушунмаяпсан холос. Мен мойланиш остида гапирганимда, мен "учта олмахон" дедим. У тўртинчини бу ерда ҳеч алоқаси йўқ.

— Шундаям у ўша ерда бўлади.

Ўша эрталаб улар тушда Жефферсонвиллига қайтмоқчи бўлганлари учун, соат тўққизгача ов қилишга қарор қилишди. Билли отса бўладиган бир юмалоқ кулранг юнглини излайвериб, икки соатини беҳуда ўтказди. Ниҳоят, у таслим бўлди. Унда машинага бориши пайти йўл-йўлакай "Ҳаваскор овчи сойлиги"да тўхташига етарликкина вақти қолди. У ўша сойликка яқинлашганида, уни миясида бир овоз гапирди: "Ўша олмахон ўша ерда бўлмаса-чи? Унда ўзингни нозиринг, сени ёлғон гапирган деб ҳисоблайди".

Бирдан Биллини яна ўша қудратли мойланиш чулғади. Бошқа Овоз деди:

— Ҳатто ҳозир у ўша ерда йўқ, уни топаман деб айт ва шундай бўлади.

Билли деди:

— Раббим, Марк 11:23 Сенинг Сўзингдир, шу учун мен Сени Сенинг Сўзинг бўйича қабул қиламан. Мен ўша олмахонни топаман.

Ўша дарахтга келиб, инни оғзидан тошни олиб ташлади ва тешикни ов пичоғи билан кенгайтирди. Билли инга қўлини суққанида, ўлик олмахон ўрнига илдизнинг қўпарилган бир бўлагини топди, у: "Ана холос! Биз соат тўққизда учрашишимиз керак-ку ахир, мен бўсам бу ерда, олмахон йўқ. Тони нима деб ўйлайдийкин? Қолганларчи, нима деб ўйлашади?" У дарахт тагидаги баргларни титиб, қайтадан қидиришга тушди, бироқ ҳаммаси бекорга эди. "Бир дақиқа! — ўйлади у. — Ахир мен ўша тўртинчи олмахонни топаман деганимда, ўша учта олмахонни пайдо бўлишига олиб келган худди ўша мойланиш остида эдимку, ахир. Агар бу

менинг янги хизматимни бошланишини тасдиқлаши керак бўлса, унда ўша тўртинчи олмахон қаердадир шу ерда бўлиши шарт. Хўш, қаерда экан у?”

— Пўстлоқни ўша бўлаги остига қара, — *Овоз гапирди.*

Билли оёғи билан пўстлоқни туртиб юборди. Уни остида биргина фақат барглар бор эди. “Бу ерда ғалати бир нима бўлаяпти”, — ўйлади у. Ўша жойга яхшироқ термулиб, у ранги ўчиб қолган барглар тагидан чиқиб турган бир тутам кулранг юнгни пайқади. У баргларни титди ва уни — тўртинчи олмахонни ўша ердан топди.

Индианада отган учта малла олмахонлар билан, ҳаммаси бўлиб еттита олмахон бўлди. Етти — Худонинг тугаллик сони.

Чоршанба эрталаб, 1059 йил 11 ноябрида Уилльям Бранхам, Бэнкс Вуд ва Дэвид Вудлар черковнинг қутлуғ кечаси хизмати учун вино олиш мақсадида Райтлар оиласининг фермасига жўнаб кетдилар. Жорж ва Мерл Райт бу винони ўз боғларида етиштирган узумдан қилган эди. Биллига унинг черкови аъзолари қутлуғ кеча хизмати вақтида ишлатадиган винони Муқаддас Руҳга тўлган одамлар тайёрлаган деган фикрнинг ўзи жуда ёққан эди.

Одатдагидек Райт оиласи меҳмонларни қувониб кутиб олишди ва уларни тушликка қолишига кўндирди. Эдит (Жорж ва Мерлнинг қизи) Биллидан биттами ёки иккитами қуённи, онаси гўштдан димлаши учун отиб беришини илтимос қилди. Эдитни илтимосини рад этишга Биллини ҳадди ҳам сиғмас эди. Уни бу қизга доим раҳми келар эди. У 37 ёшда эди ва умрининг кўп қисмини ногиронлар аравачасида ўтказган эди. У энг гўдаклигидан шол бўлиб қолган эди. Қизиғи шунда эдики, айнан Эдитнинг азоблари орқали Билли биринчи марта Райтлар оиласи билан танишган эди. 1935 йил октябрида у Бранхам Чодирида уйғониш йиғилишлари ўтказди. Бу уйғонишлар ҳақида эшитиб, Жорж Райт ногирон қизи билан, у учун ибодат қилишлари учун черковга келди. Эдит қаттиқ оғриқлардан кўп йиллар қийналганди. Биринчи марта Билли у учун ибодат қилган вақтида у шолдан шифоланмади, аммо ўша оғриқлар йўқ бўлиб кетди ва энди бошқа пайдо бўлмади. Бундай Илоҳий марҳаматнинг текканини Билли жуда қадрлади. Шунга қарамай, уни Эдитнинг бутунлай озод бўлмагани доим ўйлантирар эди, айниқса, ундан ҳам ёмон аҳволдаги кўплаб одамларни шифолаганини кўрганида. Ўша ўтган ҳамма йиллар мобайнида кўп соатларини рўза ва ибодатда Эдитни шифоланишини Худодан ваҳийда кўрсатишини сўраб юрди, аммо ваҳийни мажбуран чақиришни иложи йўқ, холос. Уни қилиб биладиган бор-йўқ иши — бу сўраш ва илтижо қилиш, Худо мустақил эканини билиб ва Унинг буюк иродаси ва мақсади кўпинча ҳақир, арзимас инсоний тушуниш қобилияти чегараларидан чиқадиган соҳаларда яширин эди.

Шелби (Жорж ва Мерл Райтларнинг ўғли) Бэнксга 22-калибрли милтиғини вақтинча бериб турди (Билли ўзи билан қуролини олиб келди) ва Бэнкс Билли билан икковлашиб қуён овига жўнашди. Ёмғирдан дарак бериб, кулранг булутлар қалинлашаверди, аммо жала фақат икки овчи ўлжа билан қайтиши билан бошланиб кетди. Ҳали Билли қуёнларини терисини шилиб, ичак-чавоғини боғда ишлатиладиган асбоб-ускуналар сақланадиган сарой орқасида ўтиб тозалар экан, у йўлдан аста-секин юриб, Райтларнинг уйига яқинлашаётган тракторнинг пишқириғини эшитди. Тез орада Хэтти Моузер ўзининг икки ўғли билан эскигина икки цлиндрли тракторида ҳовлига кириб келди. Хэтти бу ёқдан бир ярим километр нарида яшар эди. Биллини ота-онасиникида меҳмонда эканини эшитиб, у ишини чала қолдириб, мулоқотдан баҳрамад бўлиш учун, уларникига келди.

Хэтти келганига Билли қувониб кетди, чунки унда унга бермоқчи бўлган бир нимаси бор эди чўнтагида. Яқинда у Бранхам Чодири қурилиши фондига ҳадя сифатида 20 доллар келтириб берди. Уни қандай камбағаллигини билиб, Билли унга пулини қайтармоқчи эди. Уни эсига ўша кун, 1940 йилдаги ўша кун эсига келди, қачонки у Хэтти Райт ва Уолтер Моузерни никоҳлаган эди. Уолт 1955 йили трактор ағдарилиб, уни босиб қолганида ўлганди. Хэтти бева қолди ва шундан бери бир ўзи икки боласини вояга етказаётганди. Ўзининг тепалик ён бағридаги кичкинагина фермасида тирикчилик қилиш учун у қўли-қўлига тегмай ишлар эди-ю, аммо иқтисод томондан жуда ҳам самарали эмас эди. Бир куни у Биллига, бир

йилда 200 доллар соф фойда олдим деди, шу учун Билли ўша 20 доллар Бранхам Чодиридан кўра кўпроқ унга керак эканлигини билар эди. У қўлини чўнтагига ўша пулни олиш учун тиққанида, уни нимадир тўхтатганини ҳис қилди. Муқаддас Руҳ унга яна Исо, бева аёл ўзининг охирги тангасини садақа қутисига ташлаганида, уни тўхтатмаганини эслатди. Билли ўша пулни, Худо Хэтти Моузер Ўзини вақтида ва Ўзига хос тарзда тақдирлашига ишониб, чўнтагида қолдирди.

Райтларнинг ошхонаси столига тушликка тўққиз киши ўтирди: Бэнкс ва Дэвид Вуд; Жорж, Мерл, Шелби ва Эдит; Орвилл ва Кой Моузерлар — Хэттининг ўсмир болалари; ва Билли. Хэтти ошхона устуни ёнидаги тўқилган стулда ўтирди. Кундузи соат бирга яқин Билли ўзининг сорго яхшилаб, қуюлган олча пирогини еб бўлди. Тарелкасини суриб қўйиб, у бир неча соат Илоҳий нарсалар ҳақида гапирди. Вақти-вақти билан шу ердагилардан баъзилари унга библиявий саволлар беришар, ва у уларга жавоб берар эди. У асосан ўзининг хизмати ҳақида сўзлаб берди: у қандай бошланди, ҳозир у қайси стадиядалигини, ва нимага қараб, эҳтимол, кетаётганини. 16:30 да Билли, ниҳоят, Марк 11:23 ни ва охирги бир неча ҳафтада бўлиб ўтган ғайритабиий воқеаларни кўриб чиқишга ўтди. Ҳаммасидан олдин, у Индианада учта малла олмахонни яратилишини тушунтириб берди, ундан кейин эса, қандай қилиб Кентуккида тўртта кулранг олмахон яратилгани ҳақида ҳикоя қилди.

Билли сўради:

— Нима бўлиши мумкин эди? Жорж ака, сен етмишдан ҳам ошгансан, ва сен бир умр олмахон овлагансан; Шелби ака, сен — зўр олмахон овчисисан; Бэнкс ака, сен ҳам. Сизлардан кимдир олмахонни сикоморда ёки лжеакация чакалакзорида кўрганмисизлар?

Улардан ҳеч қайсисига у ерда олмахон кўришига тўғри келмаганди.

— Мен ҳам ҳеч қачон уларни у ерда кўрмаган эдим, гарчи мен болалигимдан бери олмахон овлаган бўлсам ҳам. Мен бу ҳақида жуда кўп ўйлаб кўрдим ва мана менинг фикрим қанақа. Ибтидонинг 22-бобида Худо Иброҳимга ўғли Исҳоқ билан Морив тоғига боришни ва у ерда уни Раббийга қурбонлик қилишни буюрди. Иброҳим ўша буйруққа гарчи Худо, Исҳоқ унинг меросхўри булади деган бўлса-да, бўйсунди. Тоғ чўққисида Иброхим тошдан қурбонгох тиклади ва Исҳоқни энди қурбон қилмоқчи бўлган эди, Фаришта; “Энди Мен биламанки, сен Худодан қўрқасан ва ягонангни, ўз ўғлингни Мен учун аямадинг”, — дея, уни тўхтатди. Албатта, бу драма, Галготада Ўз Ўғли Исони қурбон қилган, Ота Худо ҳақидаги буюк тарихдан дарак берган эди. Иброҳимга Морив тоғида ҳали бери қурбонлик зарур эди. Атрофга қараб, бутага ўралиб қолган қўйни кўрди. Хўш, энди мен сизлардан баъзи бир нарсаларни сўрамоқчиман. Ўша қўй қаёқдан келиб қолди? Иброҳим ўша қурбонгоҳни қураётганида, у тоғ қоясининг ҳамма еридан тошларни йиғган эди, ва қўй ўшанда у ерда йўқ эди. У қандай қилиб, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, пайдо бўлади?

— Мана, менинг бу тўғрида фикрим қандай, — давом этди Билли ўзининг саволига жавоб бериб. — Худонинг атрибутларида, хос хусусиятларидан бири. Иегова-Иредир, маъноси “Худонинг Ўзи кўриб беради” дегани. Иброҳимга қурбонлик керак эди, шу учун Худо фақат ўша қўйни яратилиб, пайдо бўлишини айтди, холос. Бу ваҳий эмас эди. Бу реал воқелик эди. Иброҳим уни сўйди ва унинг қони қурбонгоҳга оқди.

— Бугун ҳам Худо ҳамишагидек Иегова-Ире. У менга Марк 11:23 даги Ўз ваъдасини тушунтиришга ҳаракат қилди. Мен буни ҳеч ҳам тушунолмаган эдим, шу учун У буни қандай амал қилишини тушунтирди, холос: аввал Индианада, кейин эса Кентуккида. Менга олмахонлар керак эди, шу учун У олмахонларни яратди. Улар ваҳийдан эмас эди. Мен уларни отдим ва кейин едим. Улар ҳақиқий олмахонлар эди. Агар У Иброҳим учун қўйни пайдо бўлсин деб билган бўлса, У мен учун олмахонни пайдо бўлсин деб айтиб билади, чунки У уларни Яратувчисидир.

Куннинг бутун иккинчи ярми давомида Хэтти Моузер ҳаммадан четда ўтирар ва жимгина тинглар эди. Билли ўзининг якунловчи фикрини айтиб бўлганидан кейин, Хэтти деди:

— Бранхам ака, бу энг чин ҳақиқат.

Бирдан Биллини туришга мажбур қилиб, бутун ошхонани Муқаддас Руҳ тўлдирди. У ўз танасини, ўрмонда ов вақтида ҳис этган худди ўша мойланиш билан "электрланган" эди. Кейин у худди ўша Овознинг:

— Хэттига айт, нима истаса, сўрасин, ва кейин буни бўлишини айт, *— деб аниқ айтганини эшитди.*

— Хэтти опа, — деди Билли, — сен Раббий кўзи олдида марҳаматга сазовор бўлдинг. Сен тўғри сўз айтганинг сабабли, Худо менга, сен нима истасанг сўрашингни айтишимни буюрди, ва У сенга беради.

Хэтти ҳайрон бўлиб ва анчайин саросимага қолиб, юзларига чанг солди.

— Бранхам ака, сен нимани кўзда тутяпсан?

— Осмонлар Худоси сенга Марк11:23ни ҳам, Унинг Ёзувидаги қолган ҳаммаси каби, шунчалик ҳақиқат эканини кўрсатмоқчи. Жонинг сени нималарни хохласа, сўра, ва У буни худди шу ерда, мана ҳозирни ўзида амалга оширади.

У атрофларига асабий қарай бошлади.

— Мен нимани сўрасам?

Билли таклиф қилди:

— Сен камбағалсан. Худодан ўзингга каттароқ ферма сотиб олиш учун ёки янги уй қуриш учун пул сўрашинг мумкин. Ота-онангга ёрдам бериш учун, бирор нима сўрашинг мумкин. Улар қариганлар. Худодан уларни ёшликларини қайтаришни сўрагин. Ёки синглинг Эдит хусусида қандай? У 37 йилдан бери ногирон. Уни шифоланиши ҳақида сўра ва у уни олади. Худодан нимани истасанг шуни сўра, ва агар бу нарса мана ҳозирни ўзида амалга ошмаса, бошқа ҳеч қачон менга ишонма.

Хэтти қараса, икки ўғли Орвилл ва Кой пиқирлаб кулишар ва ўғил болачалар каби ўйнашиб, бир-бирини турткилашарди. Бу нарса унга ҳақиқатдан ҳам нимани хохлашини эслатди.

— Бранхам ака, ҳаётимдаги энг буюк истагим — бу, икки ўғлимни нажот топишини кўриш.

Ҳеч қандай иккиланмай, Билли эълон қилди:

— Хэтти опа, Қудратли Худованд буйруғи бўйича, мен Сенга Исо Масиҳ Исми ҳақи болаларимнгни қутқарилишини бераман.

Исо Исмини эшитиб, иккала бола ҳам стулларидан иргиб турдилар ва ўз гуноҳларига пушаймон бўлиб, ва йиғлаб, оналари қўйнига чопдилар. Хэтти шундай қаттиқ қичқирдики, уни оғилдаги сигирлар — мумкин, ҳаттоки қўшниларнинг оғилидаги сигирлар эшита олар эди.

Ёмғир томларни астойдил тақиллатаверди. Хэттининг трактори кабинаси йўқлигидан, Шелби ўзининг машинасида опасини уйига этиб қўймоқчи бўлди. Хэтти уйига ўғиллари билан тракторда кетишни афзал кўрди. Ўша ҳафта қолган кунлари ўзини жуда соз ҳис этганидан, гўё у остидаги оёғини сезмади. Якшанба етиб келгач, Орвилл ва Кой Бранхам Чодирига келишди ва Раббий Исо Масиҳ Исми ҳақи имонга келдилар. (№15 Сурат)

Билли кафедрада турди ва ўз йиғилишига Худо қандай қилиб етти марта кетма-кет олмахонларни яратганини ва Райт оиласи фермасида нима бўлгани ҳақида айтиб берди. У ўз ваъзини қуйидаги сўзлар билан тугатди:

— Мен сизга ҳақиқатни айтганимни билишларингиз учун, Хэтти опа, илтимос, ўрнингдан тур. Мана ўша камтарин аёл, ана ким учун мўъжиза юз берган эди. Худо дунёнинг барча буюк одамлари ёнидан ўтиб, бу нарса биринчи бор камбағал, камтар аёл билан бўлишига йўл берди. У, бу аёл нима зарур, шуни сўрашини билганидан, уни танлади.

— Энди мен шу ерда ўзимни кичиккина черковимга, менинг камгина ибодатчиларимга бир нима демоқчиман, қайсики улар, мен бутун ер юзи бўйлаб сафарлар қилганимда; шунчалик содиқ эдилар ва мен учун ибодатлар қилишди. Мен ишонаман, навбатдаги бутун жаҳон ларзаси яқинлашаяпти. Мен сизга айтган бу нарсалар, ҳақиқатдир. Ҳукм кунида мен сизнинг олдингизда шу ҳикоя билан, бугун шу ерда турганим каби, шунчалик даражада очиқ тураман.

— Ишонаманки, сиз ҳаммангиз бу нима эканини тушуна биласиз; бу Муқаддас Руҳнинг мойланишининг кўплаб, чуқурроқ келишидир. Мен ҳар қандай одамга Раббий Исми ҳақи даъват қиламан: агар ўша Руҳ, У қандай менга тушган бўлса, сизга тушса, сиз нимани сўрайсиз, менга муҳим эмас, бу бажарилади. Ўша анча чуқур мойланишга қандай киришни — мен билмайман. Менга фақат бир нарса маълум, айнан Худо ва фақат Угина сизни у ҳолатга элтиши мумкин, шу учун жуда яхши, камтар ва Худога кучингиз етгунча яқин яшанг, холос. Унга шубҳа қилманг. Ҳаммаси сиз учун яхшиликка хизмат қилади, деб ишонинг, ва ҳаммаси жойида бўлади.

81 БОБ
ВАКТ ПАРДАСИ ОРТИДА
1960

1960 ЙИЛНИНГ 28 ФЕВРАЛИ ва 13 мартигача Уилльям Бранхам Аризона штатининг, Финиксида бўлди ва у ерда ўн тўртта ваъз қилди. Сешанба кечқурун, саккизинчи мартда, у "Руҳларни фарқлаш" деган ваъзини қилди. Ўзининг хизматига қаршилиги кўпаётганлар орасида у мотивларини ҳаммага тушинтиришни хохлади. У, Юҳанно Христианларга руҳларни, улар Худоданми, ёки йукми,[449] синашни буюрганини таъкидлади. Билли Христианларни, улар ҳар қандай хизматни руҳини, у ёки бу хизматчини мурод-мақсадига қараб туриб, билиб олсинлар деб, қизиқтирди. У нимага эришмокчи? У ўзига диққатни тортмоқчими ва шу тарзда ўзини улуғламокчими? У ўзини ташкилоти учун машхурлик яратмоққа уринаяптими? Фақат у ва унинг гуруҳи биринчи планда бўлиши учун, бошқаларни қисишни истамайдими? Агар шундай бўлса, унда бу нотўғри руҳ.

[449]1-Юҳанно 4:1-3

Исо Ўзини улуғламас, ҳамма шон-шухратни Ўз Отасига берар эди. Ҳақиқий хизматчи ҳамма вақт уз неъматини Масиҳни Танасини мустаҳкамлашга ишлатади ва шу йўсинда Худони кўкларга кўтариб мақтайди. Ҳақиқий хизматчи ҳеч қачон одамларни айиришга уринмайди; аксинча: у ҳар доим одамларни — деноминацияга эмас, балки Муқаддас Руҳ бирлигига — бирлаштиришга ҳаракат қилади. Ҳақиқий пайғамбар (янги аҳднинг пайғамбари – бу воиз) ҳар доим одамларга ўзини кўрсатмайди, балки Гўлготани кўрсатади.

Билли деди:

— Бошка одам билан, у сизнинг гуруҳингизга тегишли бўлмагани сабабли мулоқотингизни тўхтатманг. Уни руҳини фарқига боринг ва қаранг-чи, унда ҳам ўша мақсадмикин унинг юрагида, унда сизда бир-бирингиз билан мулоқот бор. Сизлар битта буюк Юмуш учун меҳнат қиласиз — бу Масиҳ Юмуши.

Мусо ҳақиқий пайғамбар эди, чунки унинг ягона мақсади Худо Шоҳлиги учун нимадир қилиш эди. У Мисрда эга бўлиши мумкин бўлган барча хазиналар-у шон-шухратдан, Худо халқини тақдирини ҳал қилишида ёрдам бериш учун барчасидан воз кечди. Мусони сохта пайғамбар Болом билан таққосланг. Боломда асл башоратгўйлик инъоми бор эди, бироқ у уни бойиб кетиш ва ўзини улуғланиши учун ишлатишни истади.

Билли деди:

— Агар сиз, ўзини улуғлаш учун, бирор нима қилиш учун уринаётган кучли инъомли одамни кўрсангиз, сизни шахсий руҳни фарқ қиладиганингиз, юрагингиз, бу нотўғри дейди.

— Қачонки инсон Худо руҳига мойланган, унда Худонинг фаолияти бўлади, ва у ҳеч қачон Худонинг фаолияти бизларни ҳайдаб юбориш учун бўлмайди. Худонинг хатти-ҳаракати — иши — бизларни жипслаштириш, зеро бизлар Исо Масиҳда бормиз, Худонинг мақсади ҳам — бизларни бирга йиғиш. Бир-бирингизни севинглар. Ҳақиқий Худо пайғамбари, ҳақиқий ўқитувчи Черковни, улар Худони билишлари, таниб била олишлари учун Черковни Руҳ бирлигига келтиришга уринади. Бизда, одамларда руҳни фарқлашимиз учун, бу Худо Руҳими ёки йўқми, кўриш учун руҳни фарқлаш, уни фарқига етадиганимиз бор.

Билли Финниксдан Талсга, Оклахома штатига жўнаб кетди. 26 март, шанбадан бошлаб у тўққиз кун мобайнида тўққизта ваъз қилди, 3 апрель, якшанба эрталаб Талсда "Она бургут уясини қўзғаганидек" – деган ваъзи билан тугатди. У бургутни қандай қилиб, ўз уясини ҳайвонларнинг терию-юнгчалари билан бургутчаларга юмшоқ ва қулай бўлиши учун ўрашини, сарамжомлашини айтди. Қачонки уларни учиш вақти етганида, она бургут инидан барча териларни отиб юборади ва ин тиконли ва ноқулай бўлиб қолади. Худди шу тарзда Худо ҳам баъзан Ўз болалари учун ҳаётни ноқулай қилади, чунки У уларни янги бир нимани ўрганишларини ва янада олий сферага кўтарилишларини хохлайди.

Якшанба куни Билли эски таниши, Талсда яшайдиган Орал Робертсдан хабардор бўлди. Робертс йиқилиб, оёғи лат еган эди, шу учун у Биллини уйига келиб, у учун ибодат қилишини истар эди. Робертснинг каттакон чиройли уйига келиб, Билли уни тўшакда ётган ҳолида кўрди. Уни тиззаси шунчалик шишиб кетганидан, уни у буколмасди. Билли Исога дўстини шифолашини сўраб ибодат қилар экан, бу вақтда Робертснинг қон томирлари лотинчадаги "V"га ўхшаб қолди, ва шиш ҳам кескин пасайди. Бир неча дақиқа ўтиб, Орал Робертс тўшагидан турди ва Биллини катта эшикка кузатди.

Хайрлашиш олдидан Робертс деди:

— Сен менинг янги маъмурий биномни кўргандирсан?

— Йўқ, Робертс ака. Эрталаб Томми Осборнни бориб кўрмоқчиман. Ундан кейин эса сени бинонгни кўришга келаман.

— Жуда соз. Бу сенда яхши таассурот қолдиради. Сен фақат унутмагин, сен мени ташкилотимни тузишимда жуда катта роль ўйнадинг. Мен энди хизматимни бошлаганимда, мени ёшлигимда сен илҳомлантирдинг.

Душанбада Билли Томми Осборннинг марказий маъмурий биноси, халқаро миссионерлик ташкилотига ташриф буюрди. Билли уларнинг эрталабки хизматчилар ибодати соатида нутқ сўзлади, қачонки офислар ходимлари ўзларининг ҳар кунги вазифаларига киришишлари олдидан биргаликда сиғиниш ва ибодат учун йиғилишган эди. Ундан кейин Томми Осборн Билли учун бутун иморат бўйлаб саёҳат уюштирди. Осборн кабинетининг деворларини бирида дунё харитаси осиғлиқ эди. Бу харитага суқиб қўйилган юзлаб тўғнағичлар Осборн Христиан миссионерларига молиявий ёрдам юборган жойларни кўрсатиб турар эди.

У деди:

— Бранхам ака, мен бор-йўғи сени шогирдларингдан бириман. Айнан сен мени шу ҳаммасини амалга оширишга жўнатгансан.

Кейин у Биллига эсдалик совға — Африкалик маҳаллий одам кўринишидаги, занжирлаб ва оғзида ёғоч кишан билан турган ҳайкалчани берди. **(№16 Сурат)** Осборн деди:

— Фақат ўйлаб кўрда бир, қанча минглаб одамларни биз бундан озод қилдик.

Ундан кейин Билли Орал Робертснинг янги маъмурий биносига жўнади, бино қарийб бир шаҳар кварталидек майдонни эгаллар ва бир неча миллион доллар турар эди. Мистер Фишер Биллининг экскурсоводи эди. Улар фойедаги шиша эшиклардан ўтдилар, қайсики у чет элдан келтирилган мармар билан қопланган эди. Бу вестибюль ойналар ва ҳайкалтарошлик санъати асарлари билан безатилган эди. Ҳатто шифт ҳам санъат асари эди: у альюмин симлари билан тўқилган нафис, мураккаб нақшлардан иборат эди. Бу мўъжизаларнинг бор-йўқ бошигина эди... кейин Билли овоз студиясига ўтди, у ерда Роберт ўзининг радио ва телекўрсатувларини чиқарар эди; босмахона станоги, унда унинг "Шифобахш сувлар" деган ойлик журнали босилар эди, кўплаб администраторлари, бухгалтерлари, секретарлари ва келиб тушган ва жўнатилган почтани тайёрлайдиган IBM фирмасининг юз минглаб электрон-ҳисоблаш машиналари билан тўлиб кетган эди. Билли билан Фишер саёҳатни тугатганлари ва фойега қайтганларида полициячи огоҳлантириб деди:

— Мистер Бранхам, бу ёқдан чиқишингиз қийин бўлади. Сизни эшик олдида элликтача одам кутиб турибди.

— Бошқа бирор-бир чиқадиган жой йўқми? — сўради Билли.

— Ҳа, — жавоб берди мистер Фишер. — Шу каридор бўйлаб "Чиқиш" деб ёзилган эшикка қайтинг. У сизни ходимлар машиналари тўхтайдиган жойга олиб чиқади. Машинангизни калитини беришингиз мумкин, мен бинони айланиб олдингизга келаман.

Шу берилган кўрсатмаларга қулоқ солиб, Билли тез орада бино ташқарисида унинг ташқи меъморчилик кўринишига лол қолиб ва битта шу одамни ҳамма эришганлари учун Худога шукур қилиб, турди. Билли Орал Робертсни бир кунлар у руҳлантирганини ўйлар экан,, хурсанд бўлди.

Кейин маятникнинг тескари томонга ҳаракатига ўхшаб, Биллининг ҳислари бошқа йўналишга "оғиб кетди". Уч кундан кейин у 51га киради. Узоқ аҳамиятга эга бўладиган

нимани амалга оширди у? 1933 йилдан бери у бевосита миллионлаб одамларга бутун дунё бўйлаб ваъз қилди, минглаб ваҳий кўрди, юз минглаб одамлар учун ибодат қилди ва юз минглаб шифо ва мўъжизалар гувоҳи бўлди. У ўзи томонидан нимани ўзи кўрсата олар эди? Қачонки у Томми Осборн ва Орал Робертс хизматини ўзини хизмати билан таққослаганида, бу ўқувчиларининг ютуқлари, уларнинг ўқитувчиси ютуқларига соясини солгандай эди гўё. Билли Осборн ва Робертсга ўзини маъмурий биносини кўрсатишдан тортинган бўлар эди: эскигина прицеп-уй, унда ярим ставкада ишлайдиган секретарь ишлатилган ёзув машинкада ёзиб, келган мактубларга жавоб берар эди. Биллининг молиявий аҳволига келсак, мана ҳозирда унинг банк ҳисобида 150 доллардан кўп пул йўқ эди.

"Азиз Худованд, — маъюс фикрлади у, — мен ўйлайманки, Сен бу биродарларимга ишониб билгандай, менга Сен пулларни ишонолмайсан ва жавобгарликни ишониб билмайсан".

Худди шу оннинг ўзида у бутун умри бўйи эшитган ҳар қандай товушдан ҳам аниқроқ гапирган Овозни эшитди:

— Мен Бўламан сенинг улушинг.

Биллининг "маятниги" ўзининг маъюс тебранишида қотиб, ярим ёй чизиб, ва яна ўзининг тинч ва қувонч ҳолатига қайтди. Билли деди:

— Миннатдорман Раббим. Сен менинг улушим, мен бахтиёрман.

Бу орада мистер Фишер бино бурчагидан машинада келди. Билли ўйлади: "Мени йўлим охирида, мен охирги ваъзимни қилиб ва охирги ибодатимни айтиб бўлсам, мумкин, бошқа томонда Худо менга Ўзини кичкина қисмини инъом қилади". Бу барча фикрларидан ҳам қувонарлиси эди.

Билли кейинги ўн кунда Кентукки штатида ваъз қилиши керак бўлган учта йиғилиш ҳақида ўйлаб, уйига жўнади. Унинг Кентуккилик дўстларидан учтаси уларнинг шаҳарларида биттадан йиғилиш ўтказишини сўраганида, Билли юрагида салгина қаршиликни сезди, гўё Муқаддас Руҳ унга "йўқ" деди; бироқ шунга қарамай у "ҳа" деди. Дўстларидан ҳар бири шу заҳоти миллий гвардиянинг ўқув манежининг маҳаллий биносини ижарага олди[450] ва бўладиган йиғилишларни реклама қила бошлади. Афсуски, Билли, Талсда вирусга чалинган бўлиши керак, чунки уйга қайтиши билан уни манглайи ва бурун олди бўшлиғи битди, томоғи эса қисилиб қолди. Кейинги куни Биллининг ҳарорати 40° градусгача кўтарилди, ва унда томоғида шундай қаттиқ шамолладики, у пичирлаб базўр гаплаша олар эди. Тўққиз кун давомида у фақат чийилдоқ товуш билан шивирлай билди. Билли дўстларига берган ваъдаси бажара олиши учун Худодан шифолашини сўраб, қизғин ибодат қилди, бироқ унинг Кентуккида белгиланган йиғилишларини санаси келди ва ўтиб кетди, Билли бўлса ҳали бери қаттиқ иситмадан тўшакка михланганича қолаверди.

[450] Миллий гвардия — ҳарбий кучларнинг резерви ҳисобланган АҚШнинг территориал қўшинлари.

Душанба эрталаби, 1960 йил, 11 апрели, у ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо шунчалик ҳолсизлигини сездики, яна ўрнига ўтириб қолди. Меда унга бир стакан апельсин шарбати ва қовурилган нонни мойлаганича олиб келди. У имо қилиб уни ёнига ўтиришини таклиф қилди ва кейин пичирлади:

— Меда, мен учун қизиқ, нима гап ўзи? Нимага энди Кентуккида йиғилишлар белгиланганди-ю, Худо бўлса мени бу ерда шундай касал ётишимга йўл берди? Баъзан мен ўзимга-ўзим, умуман, У мени чақирганмиди, деб савол бераман.

— Билли, сени шундай дейишинг уят эмасми ахир? — юмшоққина таъна қилди Меда. — Худо сен билан қандай иш тутаётганини билади. Тинчланиб ол холос, қулай ўтирвол ва нонушта қил, мен эса сенга тоза чойшаб олиб келаман.

Меда чиқиши билан, хона Биллининг кўзи ўнгидан ғойиб бўлди. У гўё миллий гвардия ўқув биноси ёнида автотураргоҳда тургандай эди. Осмондан қуёш нури шиддатли ялт этди, бу иморатни урди ва уни бўлаклаб бузиб юборди. Бўлаклар тўдасига учта аёл ва эркак қўлида мих қоқадиган "пистолетлари" билан келди. Эркак икки бўлак фанерни кўтарди, уларни бирга қисди ва деди:

— Бранхам ака, биз сенга бу ўқув манежини қайта қуришда ёрдам берамиз. Агар сен бу икки бўлакни мана бундай қиссанг, мен уни мих билан бириктираман.

— Яхши, — деди Билли, икки тахта фанерини ола туриб ва уларни бир-бирига бурчаклари билан босиб туриб.

***— Буни қилма! —** буйруқ оҳангида деди Раббий Фариштаси.*

Билли фанерни ерга ташлади. Фаришта давом этди:

— Улар ҳозирни ўзида Кентуккидаги ўша йигилишларни бошқа вақтга кўчириш учун сенга келяптилар. Улар ўзларида "РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ" бор деб, чин юракдан ишонадилар, аммо улар хато қиладилар. Бундай қилма.

Шу ерда ваҳий тугади. Тахминан бир соатдан кейин уни соғлигидан хабар олай деб, Биллини уйига Фред Сотман кирди. Хириллоқ товуш билан пичирлаб, Билли унга ҳозиргина кўрган ваҳийси ҳақида гапириб берди. Тез орада хонага Меда кирди ва:

— Билли сенга Кентуккидан меҳмонлар келишди, — деди.

— Учта аёл ва бир эркак, шундай эмасми? — Билли шивирлади.

— Ҳа.

— Улар, ўзларида мен учун "РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ" бор деяптилар, тўғрими?

— Улар худди шундай деяптилар ҳам.

Фред Сотманга у яқин келиши учун ишора қилди ва Билли шивирлаб деди:

— Фред ака, чиқиб уларга айт, мен бундай қилолмайман. Улар ажойиб инсонлар, аммо улар жуда ҳам адашяптилар.

Қачонки ташриф буюрганлар кетишгач, Билли яна ҳайрон бўла бошлади: "Нима учун энди бундай бўлаяпти? Нима учун мен шундай овозим бўғилиб, гапиролмайман? Нима учун Кентуккидаги дўстларим учун ваъз қилолмайман? Худо ахир айтдику менга, У мени хизматимни ўзгартириш ниятини, аммо мен энди нима қилишим кераклигини билмайман. Агар мен хато қилсам, унда нима бўлади? Мусо ўша қояни, унга айтиб буюриш ўрнига ургани учун хато қилди.[451] Элишай ўша болаларни, улар уни кал экани туфайли устидан кулганлари учун қарғаб хато қилди.[452] Мен, ўзига ортиқча ишонадиган таклифлар билан кетишни ва улар каби хато қилишни истамайман".

[451] Саҳрода 20:1-12

[452] 4-Шоҳлар 2:23-24

Меда Биллига навбатдаги стаканда апельсин шарбати келтирди ва уни кровати ёнидаги столчага қўйди.

Уни хонадан чиқишини нигоҳи билан кузатиб туриб, у деворда нур чақинини пайқади. Нималигини кўриш учун бошини буриб, Билли девордаги краска, токи бутун девор шаффоф бўлгунича, чаплашиб кетаётганини кўрди. Тез орада у осмонда муаллақ турган жуда катта ўлчамдаги Библияни кўрди. Бу улкан Библия қуёшнинг нурларини тўсиб қўйганидан, унинг натижасида қуёш нурлари унинг ортида ҳар томонга тарқалиб кетаётганди. Бу самовий Библиядан олтин хоч пайдо бўлди, хочдан эса Раббий Исо чиқди. У осмондан тушди, девордан ўтди ва Биллининг кровати устида ҳавода тўхтади. Бу самовий Библиядан чиқаётган нур Исони юзини ёритди ва Унинг соясини хонага туширди. Бу юз барча яхши феъл-атвор хусусиятларининг мукаммал мужассамлангани эди: севги ва раҳмдиллик, билим ва донолик, тинчлик ва адолат, ҳокимият ва қудрат.Раббийдан бу ҳамма сифатлар ва анча кўпроқ яна нимадир таралиб турар эди. Рассомлардан ҳеч ким ҳали холстда Унинг юзи ифодасини чуқур тасвирлашни уддалолмаган, аммо Биллига қачондир кўришига тўғри келгани, бу Генрих Гофман томонидан ёзилган "Масиҳ ўттиз уч ёшида" асаридир[453] **(№17 Сурат)**. *Олдинлар Билли Исони юзини ваҳийда кўрган, Унинг характерини бўлса у ҳар сафар Библияни ўқиб туриб, Уни ҳаёлига келтирар эди... бироқ, Исони шу ерда, ётоқхонасида кўриб ҳаяжонга тушди.*

[453] Генрих Гофман (1824-1911) — Бадавлат ёш йигит билан гаплашиб турган 33 ёшли Исо Масиҳ ифодаланган картинани чизган, немис рассоми. Бу картина учунМатто 19:16-30; Марк 10:17-30 ва Луқо 18:18-30 Хушхабарида ёзилган ҳикоя асос қилиб олинган.

Исо деди:

— Сен қачон янги хизматинг сенда тасдиқланади, деб кутаяпсан. Мен уни аллақачон тасдиқлаганман. Сен фақат уни қабул қилишинг керак.

Бирданига Билли ҳаммасини тушунди. Ахир у одамларга тез-тез гапирардику: "Исо сизларни аллақачон, қачонки У хочда ўлганида, қутқарган ва шифолаган, аммо бу сизларга ҳеч қандай фойда келтирмайди, агар сиз буни қабул қилмасангиз!" Худди шу принцип унинг янги хизматига ҳам тегишли эди. Библияда айтилган: Ишонмасдан эса Худонинг розилигини топмоқнинг имкони йўқ..."[454] Эҳтимол, у қилиши учун, Худо нимани хохлаётганидан у ҳаммасини ҳам тушунолмагандир, аммо у, Худо унга вақти етганда, кейин нима қилиши кераклигини кўрсатишига ишониб, имон билан яна бир қадам ташлаши учун етарлича хабардор эди.

[454] Ибронийларга 11:6

Иос яна деди:

— Сен билан жуда ҳам кўп одам юраяпти. Мен билан юришинг учун сенга бир ўзинг юришингга тўғри келади.

Билли бу фикрни ҳам тушунди. У ҳали ҳам бошқа одамларни таклифларига жуда ҳам мослашса керак, шунинг натижасида у Муқаддас Руҳга бўйсунишга уринганида, улар уни фақат саросимага солар эди. Унинг олдида уни янги хизмати турар эди: учинчи силташ умуман олисда эмасди. Билли учун бошқа одамларнинг фикрлари эътибор қилинмаслик ва уни етаклаётган Муқаддас Руҳнинг осойишта овозига бўйсуниши даври келди. Худо уни Кентуккидаги бекор қилинган учта йиғилиш асосидаги айнан шу сабоқни у ўзлаштиришини хохлар эди.

Қачонки ваҳий хиралашиб, якунига етаётган эди, Билли деди:

— Омин, Раббий!

Бу сўзлар уни оғзидан юқори тонда ва баланд эшитилди. Уни томоғида умуман бошқача ҳиссиёт бор эди. Бирдан унинг манглайи ва бурун олди бўшлиғи ҳам қуриди ва иситма йўқ бўлди.

Ўрнидан туриб, Билли қичқирди:

— Меда!

У ётоқхонага югуриб кирди.

— Билли, сени овозинг чиқаяпти!

— Ундан ҳам зўри! Мени қувватим тикланди. Раббий ҳозиргина мени шифолади.

Икки ҳафта ўтиб, 1960 йил 7 майида, шанба эрталаби Уилльям Бранхамнинг тушида Иосиф йўқолгани кирди. Беш яшар ўғилчасини олиб, Билли уни кўкрагига босганидан, Иосифнинг чаккаси унинг юзига тегди. Иосиф иситма қилаётган эди. Билли бирдан уйғонди; уни юраги будильник маятнигидай урар эди. Бу фақат туши эканини англаб, у енгил тортиб, тин олди. Кейин у бу туш бирор нимани билдирармикан деб, ўйланиб қолди. Эҳтимол, Иосиф бетоб бўлади...

Тўшагида ётиб ва бу тушини ўйлаб, Билли ётоғи деразасидан эътиборсиз қараб турди. Жалюзлар туширилган эди, аммо у ҳар қалай пластинкалар орасидан бирор нимани кўрса бўлар эди. Ҳовлида Индианага хос баҳор эрталаби турар эди: булутли, шамолли ва совуқ. Ташқаридан олисдаги итнинг ҳуриши эшитилди. Кейин Эвинг Лейн кўчаси бўйлаб, вақтинча ит ҳуришини эшиттирмай, юк машинаси гувиллаб ўтди.

У турмоқчи бўлар эди, у хонасида, полда ҳаракатланаётган кичикроқ жигари рангли сояни кўрди. Сояни олдида ҳеч нарса йўқ эди, нурни тўсиб қоладиган, шу учун уни борлигини ҳеч қандай тушунтириб бўлмас эди. Шунга қарамай у ўша ерда бор эди. Унинг қиёфаси гўё жуда ҳам танишдек кўринарди. Тўсатдан Билли, бу соя унга ўхшашлигини англади. Кейин у жигарранг сояни ортидан оқ соя пайдо бўлганини ва у уни олдинга туртиб қўяётганини кўрди. Бу оқ соя унга Раббий Исони эслатди.

Билли хотинига бу ваҳийни кўрсатиш учун, у турганмикин деб, ёнига қаради. Меда ҳали ҳам уйқуда эди. "Мен афсусдаман, Раббим, лекин мени ҳаётим шунақада ахир.. Мен қилган ҳамма яхши ишларимда Сен мени дуртиб туришингга тўғри келади. Агар Сен мени етакласанг эди фақат", — деб нафасини ростлади.

Шу заҳотиёқ оқ соя, гўё, жигарранг сояни олдида тургандай бўлди. Оқ соя орқага чўзилди ва жигарранг сояни қўлидан, худди уни етакламоқчидай ушлади. Оқ соянинг боши

кроватга бурилди ва бир он қотиб турди. Ваҳий хиралашаверар экан, Билли ўзи қачондир кўриш насиб этганлардан энг чиройли эркак кишини юзини бир фурсат кўриб қолди.

1960 йил, 8 май, кейинги эрталаб, якшанбада, Билли туш кўрди, унда у Ғарбда эди. Уни атрофида креозот буталари ва чўл ўтлари билан қопланган, қуриб кетган ерлар чўзилиб кетган эди.[455] *Бу тушда Билли хотини билан балиқ овидан уйига қайтаётган эди. У бир қўлида қармоқ ва бошқасида фореллар тизилган арқон ушлаб олган эди. У тиканли симдан қилинган деворни эшикчасини очиш учун тўхтади.*

[455] Кичкина буталар (бўйи 1 метргача) майда баргли ва сариқ гулчалари билан, АҚШнинг ғарбидаги чўл зонасида тарқалган. Баргларида ўсимлик мойи бор, баргларини ишқаласа креозот ҳидини эслатадиган ҳид ажралиб чиқади. Шу сабабли бундай бутазорни номи олинган, гарчи ундан креозот олинмаса ҳам. (Креозот — ёғоч қатрон ҳидли мойли суюқлик бўлиб, у япроқли турдаги ёғочдан қуруқ ҳайдаш йўли билан олинади ва техникада, тиббиётда ишлатилади.) (Тарж.)

— Бу ерда, Ғарбда осмон шундай тиниқ, — деди Билли. — Унда, бизда, Жефферсонвиллида кўринадиган мовий туман парда йўқ. Меда, биз аллақачон бу ерга кўчиб келишимиз керак эди.

— Ҳа, Билли, болаларимиз учун бизлар кўчишимиз керак эди.

Шу ерда Билли уйғонди. Соат эрталабки етти эди. “Охирги пайтларда менга бунча кўп тушлар кираяпти” — ўйлади у. — Қизиқ нима учун?” Билагига туриб, у хотинига қараб, сўради:

— Азизам, сен уйғондингми?

У қимирламади. Орқасига ташлаб, Билли ёстиқда силжиди, боши қарийб кроватнинг олд суянчиғига тегай деди. Кейин у қўлларини боши устига қўйди ва ўйлади: “Бу эрталаб ваъз қилиш менга тўғри келмаганига хурсандман. Турлича бўлиши учун Невилл акани ваъзини маза қилиб эшитиб ўтиришим яхши-да”.

Билли яна фикран тушига қайтиб ўтди. Тушида Ғарбнинг мана шундай қойил-мақом кўриниши кўрсатилган эдики, бу унга бу ер юзидаги ҳаётнинг у томонида нима бор экани ҳақида ўйлантирди. Ўлиш қандай бўлади? У бир зумда ўзининг теофаниясига кириши унга маълум эди,[456] аммо унга ўша самовий тана қанақа бўлишини аниқ билмас эди. Унда умуман ташқи кўриниш бўлармикин? Исо Ўзининг Минг йиллик Шоҳлигини ўрнатиш учун ерга қайтганида у чиримайдиган тана, бадан олишини билар эди. Агар у Масиҳнинг Иккинчи Келишига ўлсачи, унда нима бўлади? У шу пайтдаги кутиш вақтида, қандай кўринади? У бир руҳ бўладими (сузиб юрадиган булутчадай), дўстлари билан гаплашолмайдиган ва ёки уларни қўлларини қисолмайдиган? Бу унчалик ҳам жозибадор туюлмади.

[456] Теофания — руҳий, самовий бадан. (Тарж.)

“Умид қиламанки, мени бу орқали ўтишимга тўғри келмайди, — фикрлади Билли. — Мен Кўтарилишгача инсонлигимда қолишни афзал кўрар эдим. Қизиқ, мени яна қанча умрим қолгани экан? Ҳозир мен 51да, шу учун мени ердаги вақтимни ярми ўтди, ҳеч бўлмаганда, ёки ярмидан кўпи. Отам 52 ёшда эди, ўлди. Албатта, у ўлимигача ичди. Шунга қарамай, мен ундан узоқ яшайман, деб кафил бўлолмайман. Агар мен Худо учун кўпроқ иш қилмоқчи бўлсам, унда яхшиси мен шошилишим керак”.

Қаёқландандир, чексизлик сферасидан Овоз келди:

— Сен энди бошлаяпсан. Жангни давом эттир.

Бошини силкиб, Билли ўйлади:

“Эҳтимол, мен буни ҳаёл қилдим шекилли”.

У Овоз яна гапирди:

— Жангни давом эттир. Қани энди, олга бос.

“Мумкин, мен шундай дедим”, — Билли ўйлади, лаблари қимирламаслиги учун, оғзини қўли билан беркита туриб.

Овоз учинчи марта такрорлади:

— Сени мукофотинг келади. Фақат жангни давом эт. Агар, фақат сен билсанг эдинг, йўлинг охирида нима бўлишини...

Унинг қулоғига, эски черков мадҳиясини куйлаётган хорнинг пастгина овози эшитилди:

Уйни истайман, Исога қарашни шундай хохлайман,
Портда олқишловчи жарангни эшитадилар.

Бу қўрқувни қувади ва йўл равшанроқ бўлади;
Замон пардаси ортига рухсат бер, қарай.

Ўша Овоз сўради:

— Сен замон пардаси ортига қарашни хохлармидинг?

— Бу менга жуда қаттиқ ёрдам берган бўлар эди, — жавоб берди Билли.

Бундан кейин нима бўлгани, ҳеч қанақа таърифга сиғмайди. Бир онда Билли тўшагида ётар, кейинги бир зумда эса у тепалик ён бағрида турар эдики, у ердан ўтлар ўсиб ётган кенг текислик кўриниб турар эди. Ўша текисликдан унга қараб минглаб одамлар: "Бизнинг қадрдон биродаримиз!" — дея қичқириб, югуришар эдилар. У у ерда неча минг бўлганини бор-йўғи тахминлай олар эди, аммо унга қараб чопиб келаётган одамлар миллионлаб бўлиши мумкин эди. Булар ўз ёшликларининг энг гуллаган чоғларидаги, аниқроғи, йигирмалардан каттароқ ёшдаги эркаклар ва аёллар эдилар. Уларнинг кўзлари худди қоронғи тундаги юлдузлардек милтиллар, тишлари эса зумрад оппоқлида товланарди. Улар оёқ яланг чопишар, ва уларнинг оқ кийимлари ҳар қадамда ҳилпирар эди. Эркакларда қалин сочлари елкаларигача, аёлларда эса то белларигача тушиб турарди.

*Агар бу ваҳий бўлса, унда бу у ҳар қачонги кўрган ваҳийларидан фарқ қилар эди. У яланғоч оёқлари остида юмшоқ ўтни ва уни юзига эсаётган шабадани ҳис этди. Қанчалик ғалати бўлмасин, у ҳали ҳам олдингидай ўзидан олти метрлар нарида, ўзининг ҳозир турган жойига нисбатан 45° бурчак остида қиялаб турган, ўз ётоқхонасини кўриб турар эди. Мана, кровати устунчасида уни кўйлаги осиғлиқ, тўшакда эса хотини ухлаётган эди. Аммо энг кўп ҳайрон қоларлилиги шунда эдики, Билли хотини ёнида тўшакда ётган, шахсан ўзини танасини ҳам кўра олар эди. Унинг кўзлари юмуқ эди, гўё у ухлаётган эди... ёки ўлик эди. Қанақанги қизиқ ҳис Биллида бўлган эди, қачонки у ўзига ўзи ўша кроватда, ўзини бошқа одамлар қандай кўрсалар, у ҳам шундай кўриб турган эди. Ҳозир унинг танаси эллик ёшда, сочлари тўкилиб қолган пешонаси, сийраклашган оқ сочлари ва ажин тушган билан эди. Териси? Билли пастга ўз қўлларига қаради. Бу ерда (**"Бу ерда"** қаерда бўлмасин") унинг териси юмшоқ ва эластик кўринар эди. Қўлини кўтариб, у бармоқларини қалин жингалак сочларидан ўтказди.*

— Мен буни тушунмадим? — деди Билли. — Мумкин, менда юрак хуружи бўлиб ўтгандир ва мен ўлгандирман? Аммо бу барча, менга қараб чопаётган одамлар, кимлар?

Ўша Овоз унга деди:

— Наҳотки сен эслолмайсан, бу Библияда, "пайғамбарлар ўз халқи билан йиғилдилар"[457] — деб ёзилган-ку?

[457]Ибтидо 25:8; 35:39; 49:29 ва бошқалар.

— Ҳа, мен буни эслайман. Аммо, ахир Бранхамлар, албатта, бунчалар кўп эмас-ку.

— Улар — Бранхамлар эмас. Булар сенинг Раббийга имон келтирганларинг.

Биринчи бўлиб Биллига ёш чиройли аёл яқинлашди. Аёл уни қучди ва қувониб хитоб қилди:

— О-о, менинг қадрдон биродарим!

Аёлнинг қучоқлаши ҳам, ер юзида уни хотини қучоқлагани ҳис қилганидек махкам бўлса-да, аммо бу ерда у ўшандагидек ҳиссиётни ҳис қилмади.

Овоз деди:

— Наҳотки уни сен танимайсан?

— Йўқ, эсламадим.

— Уни сен Раббийга келтирганингда, у тўқсондан ўтган эди.

Бу ёш аёлни қўлини тутганча, уни юзига яхшилаб қараш учун, ундан Билли бир қўл чўзгулик узоқлашди. У аёл, у кўришига тўғри келган чиройли аёллардан бири эди-ю, аммо у у билан олдин қаерда кўришганини эслаёлмади. Биллига уни ажин босган кампирдек тасаввур қилиши мушкул эди. Аёл уни ҳозир кўриб турганидан шунчалар қувониши ажабланарли эмас эди..

Гарчи биринчи аёлни танимаса-да, кейингиси унга бўлиб чиқди. Бу Хоуп эди, унинг биринчи хотини.[458] У ўзларининг тўйлари кунидагидек нурга тўлган кўринар эди. Қачонки Хоуп Биллини қучоқлаганида, у: "Менинг азиз эрим", — деб айтмади. Бунинг ўрнига у:

— Менинг қадрдон биродарим! — деб хитоб қилди.

Ундан кейин Хоуп бурилди-да, ўша биринчи аёлни қучди. Улар иккаласи: “Менинг азиз опам!” — деб хитоб қила бошладилар.

Билли бағрида ўзидаги севгини Коинот каби кенгаётганини ҳис этди. У ерда ҳеч қанақа рашк йўқ эди. Бу Жой баркамолликка тўлиб тошган эди. Йўқ, бу мукамалликлан ҳам афзал эди; бу улуғвор эди. Йўқ, бу улуғворликдан ҳам олийроқ эди; бу... Билли бу таърифлаш учун мос сўз излади, аммо топаолмади. Луғатлардаги ҳар қандай буюк тушунча ҳам бу воқелик билан ҳеч қандай қиёслашга ярамас эди.

— Мен буни тушунмаяпман, — деди Билли

Ўша Овоз тушунтирди:

— Бу нарса, сенинг ваъдаларинг бўйича, Муқаддас Руҳ эди. Бу баркамол Севги. Ва Бусиз ҳеч нарса бу ёққа киролмайди.

Бу орада халқ Биллини ўраб олди. Ёш эркаклар уни кўтардилар ва елкаларида уни тепаликнинг энг баланд жойига олиб бордилар. Уни ўша ерда тушириб,орқага чекиндилар ва хитоб қила бошладилар: “Бизларнинг қадрдон биродаримиз!” Кўплаб халқ — юз минглаб ёш эркак ва аёллар бир овоздан:

— О-о, бизнинг қадрдон биродаримиз! — деб қичқирганларича, тепаликни ўраб олиб, бу хитобларга қўшилдилар.

Билли кафтини бу ҳаяжонланган одамларга қаратганча, уларни тинчлантириш учун кўтарди. Қачонки, ниҳоят, улар унинг гапини эшита билганларида, у деди:

— Мен бу ерда, юқорида бўлишим керак эмас. Ахир менда ҳеч қандай бир ўзгача ҳислатим йўқ-ку!

Ўша Овоз деди:

— Сен йўлбошчи бўлишга чақирилган эдинг.

Бу кўпчилик муқаддаслар қичқиришди:

— Агар сен Хушхабар билан бормаганингда, бу ерда бизлар бўлмасдик!

— “Бу ерда” дегани ўзи қаер? — сўради Билли. — Мен қаердаман?

Овоз жавоб берди:

— Бу жой Ёзувда “қурбонгоҳ поясидаги жонлар”,[459] —деб аталади.

[459] Ваҳий 6:9 (“Изоҳлар ва маълумотлар манбалари” бўлимига қаранг.)

— Агар мен вақт пардаси ортига ўтган бўлсам, унда мен Исони кўришни хохлайман.

— Ҳозир У озроқ юқорироқда. Сенинг халқинг бу ерда Уни яна келишини кутаяпти. У келган вақтда, У, энг аввало, сенга келади. Кейин сен ва сенинг халқинг, сен ваъз қилган Инжилга асосан ҳукм қилинасизлар.

— Ҳар бир йўлбошчига ҳукм олдида туришига тўғри келадими? Павелчи?

— Ҳа.

— Унда мен билан ҳаммаси жойида бўлади, чунки мен Павел нима деган бўлса, худди шуни ваъз қилдим. У Раббий Исо Масиҳ Исми ҳақи чўмдирган бўлса, мен ҳам худди шундай қилдим. У Муқаддас Руҳдан чўмилиш тўғрисида таълим берган, мен ҳам шундай қилдим. Павел нима ўргатган бўлса, мен ҳам шу барчасига ўргатдим.

— Биз шунда оғишмай турамиз! — халқ хитоб қилди. — Бизлар бутунлай ишонамиз. Сен бизларни Нажоткоримиз, Исо Масиҳга топширасан ва ундан кейин бизлар тоабад яшаш учун ерга қайтамиз.

Худди шу маҳал Билли орқасида туртқини сезди. Қайрилиб, ҳали ёш бола бўлган пайтларида миниб юрган отни кўрди.

— Принц! Сен шу ерда бўлишингни мен билар эдим.

Принц бошини Биллининг елкасига қўйди-да, кишнади. Кейин Билли кимнидир уни қўлини ялай бошлаганини сезди. Пастга қараб, ўзининг болалигидаги яхши кўрган дўсти — енотларни бирга ов қилган оддийгина итини кўрди.

— Фриц! Сени ҳам шу ерда бўлишингни билар эдим.

У Овоз деди:

— Сен кимни яхши кўрган бўлсанг ва сени яхши кўрган ҳаммани, Худо бу ерда сенга берди.

Биллини теварагида вазият хиралаша бошлади, унинг ётоқхонаси эса шу вақтни ўзида анча аниқ кўрина бошлади. Билли сўради:

— Мен мана шу қари танага қайтишим керакми?

— Ҳа. Сен жангни давом эттиришинг керак.

Кейинги бир нафасида Билли ўзини эски танасига қайтди, бироқ анча муҳим фарқ бор эди. Унинг ичида нимадир ўзгарди — бутун ўлим қўрқуви йўқолди. Энди у Павелни: *“ Биз биламизки, бу фоний уйимиз, бу кулбамиз хароб бўлгандан кейин, Худо бизга мангу бир уй, қўл билан қурилмаган осмондаги маконни беради”*[460] — деганида нимани назарда тутганини жуда аниқ билар эди. Билли ўрнига ўтирди ва кровати четидан оёқларини туширди.
460

— Меда, сен энди уйғондингми? — сўради у.

У ҳеч нима демади унга. Билли кровати ёнида тиз чўкди ва ибодат қила бошлади: “Азиз Худованд, менга Сенинг Каломинг учун ҳеч қачон келишувчиликка, ён беришга бормаслигим учун ёрдам бер. Менга худди Павел ваъз қилгандай, Уни ваъз қилишимга йўл бер. Менга муҳим эмас, қанақа кулфатлар келади, ёинки кимдир нималар қилади, Сенинг Сўзингга содиқ қолайгин ва ўша Жойга етиб борай”.

Кейинги якшанба эрталаб, ўз черкови билан ўзини чекинмаларини баҳам кўриб, Билли деди:

— Фараз қилинг, қаердадир коинотда баландлиги юз миллиард миль бўлган куб бор-у, ва бу баркамол севги бўлсин дейлик. Энди тасаввур қилингки, бу ёққа қараб у биз ҳозир қаердамиз, шу ерга етиб келгунича, ҳар қадамда у кичкираверса-кичкираверса. Бу нуқтача — бу ўша севги, ҳозир бизлар ҳис этиб турган севги, ва бу бор-йўғи унинг, У ерда бўлганнинг бор-йўғи соясидир. О-о, менинг қадрдон дўстларим, севиклиларим, менинг Хушхабарим хазиналари, азизларим, Худо учун туғилган болаларим, мени эшитинг, пасторингизни. Мен сизларга бу нарсани қандайдир тарзда тушунтиришни истар эдим, аммо сўз йўқ: мен уни тополмадим, уни ҳеч қаерда тополмайсан. Фақат мана шу охирги нафас ортида жуда яхши бир нима турибди. Сизлар нима қилсангиз ҳам, дўстлар, токи баркамол севгига эришмагунизча, қолган барчасини четга олиб қўйинг. Ҳар бир одамни, ҳоттоки душмандларингизни ҳам сева олишингиз учун, шундай аҳволга келинг.

— Ўша Жойда бир бор бўлишим, мени бошқа одам қилди. Мен ҳеч қачон, ҳеч қачон, энди ҳеч қачон ўша Бранхам ака бўлиб қололмайман, қандай эдим мен. Ё самолёт ҳалокатга учрайдими, ёки чақмоқ урадими, ёки бўлмаса жосус менга милтиқ ўқталадими — нима бўлмасин, уни аҳамияти йўқ. Худонинг иноятн бўйича мен жанг қилмоқчиман. Мен Хушхабарни барча одамларга, кимгаки ваъз қилиб билсам, улар у томондаги ажойиб Ерга кира билишлари учун, уларни Исо Масиҳни шахсий Қутқарувчиси каби қабул қилишларига қаттиқ ишонтириб, ваъз қилавераман.

Изоҳлар ва маълумотлар манбалари

Ушбу изоҳларда, ҳар бир бобдаги ҳикоя учун материал қаёқдан олган бўлса, ўша маълумот манбалари санаб ўтилади. Ушбу таржимаи ҳолдаги кўпчилик тафсилотлар Уилльям Бранхамнинг 1947-1965 йилларда ёзилган магнитофон тасмаларида ёзилган 1100дан кўпроқ ваъзларидаги шахсий гувоҳликларидан олинган. Ушбу изоҳларда бу ваъзлар йили, ойи ва кунига қараб, қачон у ёки бу ваъз қилингани навбат билан санаб чиқилади ва шу ерда саҳифа, параграф номери ёки шу ваъздан цитата кўрсатилади. Қачон ваъз қилингани санаси (йил, ой ва кун) қуйидаги тартибда ёзилади: ЙЙ-ООСС (Масалан: 62-0311, 1962 йил 11 мартни билдиради.). Саҳифа ва параграфлар (абзацлар) номерлари чизиқча билан ажратиб қўйилади; бу дегани, бу икки цифр оралиғидаги бутун материал тушунилади. Агар материал дастлаб *Айтилган Сўз Нашриётида (Spoken Word Publications),* ҳозир *Войс оф Год Рекордингс (Voice of God Recordings, Inc.)*да босилган китобдан олинган олинган бўлса, саҳифа ва параграф (абзац) номерлари санаб ўтилади. Агар материалда саҳифа ёки параграф номери кўрсатилмаган бўлса, унда цитата номери олдида “Е” бош ҳарфи турган бўлади ва ундан кейин цитата номери белгилаб қўйилади. Цитата номери, ўша материал “Мактубни

программавий таъминлаш комплектидан” олинган деганини англатади, уни эса *Voice of God Recordings* корпарацияси чиқарган (яъни, парграфларни бундай белгиланиши дастлаб *Eagle Computing* компьютер нашриёти томонидан қилинган). Уилльям Бранхамнинг тасмага ёзилган барча ваъзлари “Мактубни программавий таъминлаш комплекти” деб аталувчи компьютер қидирув программасида турибди. Агар сизда комьютер бор бўлса, бу ушбу таржимаи ҳолдаги фактларнинг тўғрилигини текширишнинг ва ўрганишни давом эттиришнинг осонгина усули бўлади. Бу қидирув программасига инглиз тилида топиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: *Voice of God Recordings, Inc*, P.O. Box 950, Jeffersonville, Indiana 47131, USA. Ушбу программани рус тилида топиш учун қуйидаги манзил бўйича ёзинг: Denis Petsevitch, a/k 24, Kekava, Rigas rajons, LV-2123, LATVIJA (ёки электрон почта бўйича: denis@latnet.lv).

* * *

68 боб. Ўқитувчилик хизматини бошланиши

Уилльям Бранхам ваъзлари орқали унинг биринчи етти йиллик хизмати давомида беш юз минг одам нажот топдилар. Мактубнинг ваъзларини манбалари: 53 0326, 8; 53 0506, E3; 54 1024, 266; 54 1231, E58.

Уилльям Бранхамнинг гувоҳликлари ва ундан кейинги бўлган юрак сирларини фарқлашлар қисқартирилган кўринишда унинг “Менга Фаришта қандай келгани” деган ваъзидан олинди, 55-0117.

Жигарранг косюм ва юбкадаги аёлнинг касал боласини қўлида ушлаб тургани ҳақидаги ваҳий, Биллининг хизматидаги ўзгаришни кўрсатади. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-1115, E11; 57-0309e, E52; 59-0406, E12-E20; 59-0612, E42-E50.

Ваъз қилаётган вақтида Уилльям Бранхам биринчи Одам ва Иккинчи Одам ҳақида ваҳий кўради. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-0223, E66-E69; 55-0224, E1.

Цитаталар бошланиши: “Бугун кечқурун қанча одам бинода ибодат карточкаларга эга?” Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-0225, E8.

Сан-Карлос Индеецлар Резервациясидаги бўлиб ўтган мўъжизалар. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-0227a, E3-E9, E20; 55-0403, 24-30.

Цитата боши: “Сизлардан баъзиларингиз мени, Одам гуноҳ қилмаган, деб айтдим деб ўйладингиз. Одам гуноҳ қилган...” мактуб ваъзларидан манбалар: 55-0227a, E12-E15.

69 боб: Жиддий огоҳлантириш

Лос-Анжелесдаги калхатлар ҳақидаги ваҳий. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-0311, E48-E53.

Уилльям Бранхамнинг ваъзини қисқартирилган варианти Калифорния штати, Лос-Анжелосда 1955 йил 11 мартда ваъз қилинган “Дажжол муҳри” ваъзидан олинган. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-0311, E23-E57.

Элликчи одам ҳақидаги воқеа, қайсики у Лютеранка хотинидан тиришиб жинни қувган эди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-0101, 29-3.

Аёлда учта турлича рангдаги жин бор деган, чувалашиб қолган ваъзхон ҳақида Уилльям Бранхам эшитди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-0101, 29-8.

Мойланиш таъсирида бўлиб, Уилльям Бранхам, ибодат навбатидаги одамни Христиан эканлигини, унинг ёқимли руҳи бўйича билиб олди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 51-0505, E58 ва E60; 51-0506e, E31; ва кўплаб бошқа жойлар. Бу цитаталарни сиз “ёқимли” ёки “руҳ” деган топишга имкон берадиган сўзларни Мактубнинг қидирув программасига киритиб, топишингиз мумкин.

Уилльям Бранхам қора “булутчалар” кўринишидаги ёвуз руҳларни кўради. Мактуб ваъзларидан манбалар: 54-0216, E60.

У ўз жонига қасд қилдирувчи иблисни қора туманликда кўрди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 53-1108e, E51-E52.

У ўлим ёқасидаги одамларнинг бошини қоронғи “булутча” ёки соя ўраб турганини кўрди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-0401, E79; ва кўплаб бошқа жойлар. Бу цитаталарни “соя” ва “ўлим” деган сўзларни Мактубнинг қидирув программасига очқич сўзларни киритиб, топишингиз мумкин.

Касал одамлар орасидаги қоронғи полоса, бир-бирига ўхшаш жинлар бир-бирини ёрдамга чақиришини билдиради. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-0807e, E62-E63; 61-0412, E121; ва бошқа кўплаб жойлар. Бу цитаталарни “қоронғи” ва ,”полоса” сўзларини Мактубнинг қидирув программасига киритиб, топишингиз мумкин.

Уилльям Бранхам шифоланган одамлар атрофида нурни кўрди. Мактуб ваъзларидан манбалар:50-0827e, E38; 53-0511, E34; 54-0314, E82; 55-0220e, E80; 56-0414, E67; ва кўплаб бошқа жойлар. Бу цитаталарни “атрофида нур” деган очқич иборани киритиб топишингиз мумкин.

У имонни аудитория устида оппоқ сутдай туманлик кўринишида кўрди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 50-0405, E63; 51-0505, E73; 53-0829, E77; ва кўплаб бошқа жойлар. Бу цитаталарни “сутдай оппоқ” деган очқич сўзнини киритиб топишингиз мумкин.

Ўзида еттита жин бор ва кейин иккитага камайди деб ўйлаган аёл ҳақидаги ҳикоя. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-0224, E13.

“Сен абадийликни қаерда ўтказасан?” деган ёзувчани ўқиган одам ҳақидаги ҳикоя. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-0311, E26-E31; 58-0316a, E68-E71.

70 боб: Ҳақиқий ва ёлғон новда.

Иосиф Бранхам туғилиши билан боғлиқ воқеалар. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-0522, 2-15; 55-1006e, E4-E5; 56-0212, E22-E23; 57-0127a, E7-E9; 57-0728, E8-E14; 58-0127, E2; 58-0316e, E15-E16; ва 65-1126, 239-287.

Майнер Арганбрайт Уилльям Бранхамни ўзи билан Швейцарияга боришни илтимос қилди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-1120, E3; 56-0200, E2.

Уилльям Бранхам ваъз қилиш учун мойланиш, ваҳийни қабул қилиш мойланишидан фарқ қилади, деди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 50-0716, E9; 54-0228e, E11; 55-0606, E1; 56-0225, E23; 58-0208, E7; 63-0627, 27.

Уилльям Бранхам ваъзи унинг “Ҳақиқий ва сохта новда” деган 1955 йил 7 июнда айтилган ваъзидан қисқартирилган кўринишида олинди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-0607.

Уиллард Коллинз Уилльям Бранхамнинг Жоржия штати, Мейконедаги имон билан шифоланишлар кампанияси вақтидаги ўз шахсий таассуротлари, кечинмалари ҳақида ҳикоя қилади. Манба: *“Фақат ишон!”* журнали, 2-бўлим. №1 12-16 бетлар.

71 боб: Швецариядаги зиддият.

Швецариядаги ушбу кампания ҳақидаги айрим тафсилотлар доктор Гуггенбулнинг 1955 йил ноябрда босилган *“Имон Хабарчиси”* журналидаги гувоҳликларидан олинди.

Уилльям Бранхам Африка бўйлаб кетаётган инглиз отлиғини кузатиб турган немис бургути ҳақида ваҳий кўрди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 62-1223, 6.

Уилльям Бранхамнинг Цюрихда душанба ва сешанба кунлари ўтказган йиғилишларида ёзиб олинган магнит тасмаларидан кўчирилган цитаталар. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-0620 ва 55-0621.

Билли Грэхам ва Уилльям Бранхам Цюрихда танқид қилиндилар. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-1003, E16-E17; 55-0911, 4; 57-0114, E26.

Уилльям Бранхам ўзининг Цюрихдаги кампанияси вақтида 50 000 киши тавба қилиб, Исога келганларини кўрди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 57-0303e, E45; 55-0806, E7.

Уилльям Бранхам Руҳ томонидан Цюрих кўли соҳилига, у ерда одатдан ташқари илтимоси бўлган, Россиялик қари одам билан учрашиш учун этилади. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-0731, 7-19.

72 боб: “Халтачали” талваса

АҚШнинг 400 та йирик шаҳарчаларидан вакиллар Уилльям Бранхамдан уларни жойларида имон билан шифоланиш кампаниялари ўтказишини сўради. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-0607, Е3; 55-0621, Е11; 55-0807е, Е4.

Ўпкаси яллиғланган бола ва ногиронлар аравачасидаги қари одам ҳақидаги ваҳий ва кейин уларни шифоланиши. Уларнинг иккиси ҳам Колорадо штатининг Денвердан эдилар. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-0816, Е21-Е28.

Уилльям Бранхамнинг жуда қаттиқ жарохатланган, болалари бор бўлган халтачали каламуш учун ибодат қилади. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-0731, 194-213; 55-0807е, Е40-Е45; 55-1006е, Е48-Е58; 56-0121, Е102-Е108; 56-0726, Е50-Е60; ва кўплаб бошқа жойлар. Ушбу цитаталарни Мактубнинг қидирув программасига “халтачали каламуш” ёки “опоссум” деган очқич сўзларини киритиш билан ҳам топишингиз мумкин.

Цитаталар: “Агар Худо шундай ғамхўр экан, У ҳеч нарсани билмайдиган халтачали каламушга раҳми келди, ўйлаб кўринг, У Ўзининг ўғиллари ва қизлари муҳтожликда бўлганида нақадар ғамхўрдир”. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-0121, Е108; қуйидаги тартибда таҳрир қилинди ва бирлаштирилди: “Шайтоннинг кучи чегараланган, Худонинг қудрати эса чексиздир”. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-1006е, Е58. Иккала фикр ҳам Уилльям Бранхам она-опоссум шифолангаи воқеасини айтиб берганидан кейин айтилган эди.

73 боб: Швейцарияда Фаришта суратга олинди

Уилльям Бранхамнинг ўзини немислардаги кампанияси ва 1955 йилдаги иккинчи Швейцария кампанияси ҳақидаги тавсифлари. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-0911, 7-68 (бу унинг уйига қайтганидан сўнг дастлабки гувоҳлиги эди); 55-1003, Е17-Е21; 55-1120, Е85; 56-0108, Е25; 56-0122, Е15-Е21; 56-0224, Е8-Е11; 56-1209а, Е14; 56-1215, Е45; 57-0602; Е69-Е71; 57-0623, Е41; 60-0709, Е20-Е21. Бошқа манбалар: Фред Босвортнинг *“Имон Хабарчиси” журналидаги ҳисоботи;* 1955 йил ноябрь номери (22 бўлим №11); *“Фақат ишон!”*журнали, 2-қисм №3, 6—нашр, 14-16 бетлар. (Ушбу мақолада Уилльям Бранхамнинг 1955 йилда немисларда бўлган кампаниясидан суратлар эълон қилинган.)

Немис қизчаси шифолангани пайтида унинг танасидан соя ажралиб чиққанини ва ўша ерда бўлган одамлар бошлари устида силжий бошлаганини Уилльям Бранхам ваҳийда кўрди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-0129, Е61-Е63.

“Яқинда Америкада бир аёл менга: “Бранхам ака, сен Исо билан жуда кўп мақтанасан”, — деди”, деган сўзлар билан бошланадиган цитата. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-0826, Е8-Е11 (Таҳририят).

74 боб: Фаришта балиқ овини ўргатади

1955 йил 11 ноябрда Калифорния штати, Сан-Фернандода қилган “Қаерда, менимча, элликчилар муваффақиятсизликка учрадилар?” — деган ваъзидан Уилльям Бранхамнинг қисқартирилган формадаги ваъзи. “Олов Устуни янгидан олдинда боради...” сўзи билан бошланадиган цитата ушбу ваъзда бор. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-1111, Е37.

Агарда Уилльям Бранхам унга шахсан таклиф қилган пулларнинг юздан бир қисмини олганида эди, у мультимиллионер бўлган бўлар эди. Бироқ у ўз хизматидан шахсий фойда олишдан доимо бош тортган. Мактуб ваъзларидан манбалар: 55-0120, Е13; 56-0429, Е4; 57-0106, Е3.

Уилльям Бранхам тақлидчилар тўғрисида ўйланади, қайсики уларни кўришига тўғри келган эди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 53-0612, Е11-Е16.

Уиллям Бранхамнинг сирли равишда йиғилишни бекор қилиниши тўғрисидаги, унинг беҳудага болалар ботинкасини боғичламоқ бўлгани ҳақидаги, унинг балиқ овлаш сабоғи ва йирик чодир ёки кафедрал собордаги сирли хона ҳақидаги ваҳийси. Бу эпизодлар, ҳамда шу ваҳий билан боғлиқ воқеалар учта жойда муфассал ҳикоя қилинади. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-0101, стр. 2-7; 56-0219, Е7-Е25; 56-0403, Е16-17; 56-0408а, 12-19 саҳифалар.

Мана шу ваҳийдан кейин у биринчи, иккинчи ва учинчи, айниқса учинчи силташни айтиб ўтади.

“Христиан-дўстлар, қачонки мен бу дунёни тарк этаман, бу сир менинг юрагимда қолаверади...” деган сўзлар билан бошланадиган цитата. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-0408a, 18-6 (Таҳририят).

75 боб: Мексикада сирлилик ва мўъжизалар

Уилльям Бранхамнинг ярим тунгача хотинига ваъз қилади ва ушбу ҳикоя кетиданоқ келадиган цитаталар. . Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-0101, 10-1 дан 10-5 гача (Таҳририят).

“Одамлар нима учун бундайин безовталар?” деб номланган ваъз, дастлаб “Ички парда” номи билан босилган эди. Уилльям Бранхам уни 1956 йил 1 январрда Индиана штати, Жефферсонвиллида ваъз қилган эди. Айнан мана шу ваъзидан у чодир ва ўз хизматининг учта силтови ҳақидаги ваҳий тўғрисида биринчи бор айтиб берган.

“Шунга қарамай, эркаклар ва аёллар тартибли умр кечиришлари мумкин...” деган сўзлар билан бошланадиган цитата. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-0101, 17-19 ва 26.

Уилльям Бранхамнинг биринчи Мексика кампанияси вақтидан олдин ва сирли равишда бекор қилинган эди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-0408a, 19-4 дан 20-4 гача; 56-0403, E16-E20.

Эслатма: Уилльям Бранхамга Мексикага келишда ёрдам берган генерал Нарциссо Медина Эстрада деган одам эди. Бу информация *“ШифоланишОвози”* журналининг 1956 йил сентябрь сони 6-бетидан олинди. Бироқ “Мактубни Программавий Таъминлаш Комплекти”да (Message Software Package) унинг исми “Медина” ўрнига “Генерал Вальдина” деб ёзилган. Бу плёнкаларни эшитиш ва транскрибирования (товушларни талаффузи бўйича аниқ ифодалаш) вақтида йўл қўйилган самимий хато.

Уилльям Бранхамга ўлик балиқлар ҳақида ваҳий кўрсатилди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-0408a, 20-5.

Мексика кампаниясининг биринчи оқшомида бўлиб ўтган мўъжизалар. Манбалар: Менга Мексикадан Хуан Олгуин Санчес Уилльяма Бранхамнинг 1956 йилдаги Мексика кампанияси ҳақида шу йиғилишларда иштирок этган, ўз кўзи билан кўрган шоҳидларнинг гувоҳликларини қўшиб, кўплаб маълумотлар жўнатди.

Кекса мексикаликнинг кўзини очилиши ва ўлик боласи тирилган ёш мексикалик она ҳақида мўъжиза. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-0218b, E8; 56-0617, 36-39; 56-0726, 39-41; 57-0519e, E28-E32; 57-0610, E16-E19; 57-0126e, E30-E32; 59-0424e, E11-E16; ва кўплаб бошқа жойларда.

Мексика газетасининг католик репортёри Уилльям Бранхамдан интервью олди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 58-0928e, 31-5 дан 32-1 гача; 62-0422, 6-3 дан 8-2 гача; 62-0624, E50-E52.

76 боб: Америка Исроилга ўхшаб, Кадес-Варнида турибди.

Уилльям Бранхам Америка учун 1956 йил ўз қарорини қабул қилиш йили деб тасдиқлайди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-0115, E59-E60; 56-0212, E12; 56-0304, E12; 56-0408a, 22-1 дан 22-6 гача; 60-1113, 30-6; 61-0211, E55; 61-0312, E74; 62-0708, 165.

1956 йил 15 январь, якшанба куни, Жефферсонвиллида қилган “Замонлар туташган жойида” деган ваъзидан қисқартирилган кўринишида ваъзи келтирилади. Ушбу ваъздан қисқартмалар таҳрирланган эди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-0115, E4, E5, E7, E37, E38, E52; цитаталр, эҳтимол, бошқача кетма-кетликда келтирилгандир.

“Кўпчиликда, ўзини Христиан дегувчиларда, ҳамма вақт қийинчиликлар бўлади...” деган сўзлар билан бошланадиган цитата. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-0121, E20-E21.

“Худо тез орада юз бериши муқаррар бўлган ҳодисотни Ўз қулларига кўрсатиши учун Исо Масиҳга ушбу ваҳийни берди...” деган сўзлар билан бошланадиган цитата. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-0617, 74-78.

Бу ажойиб ўхшатиш, тимсолдирки, қайсики уни бугунга ҳам қўлласа бўлади...” деган сўзлар билан бошланадиган цитата. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-0916, E7.

“Бу мавзуда гапириш унча ҳам осон эмас...” деган сўзлар билан бошланадиган цитата. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-1125, E5 (Таҳририят).

“Агар менда Муқаддас Руҳ, унда сизларга, яхшиси, Ҳукм куни келгунича тузалишингиз керак...” деган сўзлар билан бошланадиган цитата. Мактуб ваъзларидан манбалар: 56-1005, E23, E27 и E29 (Таҳририят).

“Кокс ака, мен ўз юрагимда гуноҳга қарши ваъз қилишга қатъий ниятим бор...” деган сўзлар билан бошланадиган цитата. Мактуб ваъзларидан манбалар: 57-0120m, E5.

Уилльям Бранхамнинг Канадалик хизматчи билан суҳбати ва унинг черковга бориши вақтида, йўл-бўйлаб ғайритабиий чекинмаси, қачонки ўшанда овоз: *“Сени бунга нима ишинг бор? Сен Менинг ортимдан юр”* — деган эди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 57-0120m, E7-E14.

Уилльям Бранхам Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ битта Худонинг учта хизматидир, деб ваъз қилади. Мактуб ваъзларидан манбалар: 57-0309b, E31-E32; 57-0821, 18-118; 57-0901e, 141-124; 57-1002, 288-484. Эслатма: Бу Уилльям Бранхамнинг 1957 йилдаги фикрларидан баъзилари. Кейинги йилларда у бу мавзуда кўпроқ гапирди.

Уилльям Бранхамнинг доктор Рой Уид билан суҳбати. Мактуб ваъзларидан манбалар: 57-0120m, E2; 57-0306, E24-E25; 57-0324, E28.

Уилльям Бранхам фанатизмга қарши, хусусан, ўзини қўлида Исо Масиҳнинг ҳақиқий қони пайдо бўди, деб эълон қилган одамга қарши ваъз қилади. Мактуб ваъзларидан манбалар: 57-0306 E19-E34; 57-0407m, E38; 57-0414, E40-E42.

Уилльям Бранхам салкам икки соат ичида унга ўттиз одам қўнғироқ қилганлари ҳақида айтиб берди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 57-0306, E31.

Уилльям Бранхамнинг сўзларини унинг “Худо Ўз Сўзини амалга оширади: 1-қисм”, деган ваъзидан келтириш. Мактуб ваъзларидан манбалар: 57-0306, E19-E34 (Таҳририят).

«Агар сиз айтсангиз: «О-о, аллилуйя! Мен ўзга тилларда гапирдим», бу дегани, агар сиз гитарани тинқирлатганингиздан ортиқ эмас…», деган сўзлар билан бошланган цитата. Мактуб ваъзларидан манбалар: 57-0901m, 94-42дан 95-44гача.

77 боб: Мероснинг тақсимланиши

Элликчилар черковлари 1957 йилда Канаданинг Саскатун провинциясида Уилльям Бранхам кампаниясига ҳомийлик қилишмади. Мактуб ваъзларидан манбалар: 57-0602, E61.

Канада, Саскатунда ибодат навбати. Мактуб ваъзларидан манбалар: 57-0516, E50-E59; 57-0602, E61-E62 (Таҳририят).

Вудлар оиласига тегишли ҳикояни Уилльям Бранхам тез-тез яхлитликда боғлаган экан, мен ҳам уларнинг барчасини биргаликда санаб ўтаман: Руби Вуднинг ўсмадан ва Дэвид Вуднинг полиомиелитдан шифоланиши; Лайл ҳақидаги ваҳий ва ундан кейин унинг Худога имон келтириши ҳақида; балиқ ови ҳақида, ўша вақтда Жим Вуд имонга келган эди; ва ниҳоят, Лайл Вуд ўлдирган балиқчанинг тирилиши ҳақида. Мактуб ваъзларидан манбалар: 57-0623, E44-E63; 57-1215, E17-E25; 58-0202, E3-E6; 59-1115, E21-E24; 59-1123, E18-E29; 61-0415b, E16-E22; 62-0624, E10-E17; 65-1127e, 11-22.

Канада, Эдмонтонда, 1957 йилда ибодат навбатидан парчалар. Уилльям Бранхамнинг ўша ерда бўлган одамларнинг устидаги қора тўлқинни кўриши, ва унинг одамларга, улар тавба қилишсин деб қатъий мурожаати. Мактуб ваъзларидан манбалар: 57-0806, E48-E52 ва E58-E60 (Таҳририят).

Уилльям Бранхам Эдмонтон кампанияси ўтаётган вақтида ўзининг Скоуфильд изоҳлари билан Библияси ҳошиясида ёзиб қўйди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 60-0911m, 7. Бошқа манбалар: унинг Скоуфильд изоҳларилик Библиясининг ушбу иккита саҳифасининг фотонусхаси. Уилльям Бранхам ҳақидаги *«Замонлар қумларидаги излар»,* деган биографик китобига киритилган.

Уилльям Бранхамнинг 1957 йил кузида таътил ўтказишига ҳаракати аввал грипп сабабли, кейин эса укаси Говарднинг ўлими туфайли барбод бўлди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 57-1211, Е4-Е5.

Калифорния штати, Лейкпортдаги кампания. Уилльям Бранхам ваъзи пайтида олинган сурат, суратда Фаришта ва нилуфарлар фонида олов тиллари кўриниб турибди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 58-1130, Е61-Е62; 61-0101, 162-164. Бошқа манбалар: икала фотосуратнинг репродукцияси.

Уилльям Бранхам барча руҳларни ўз назорати остига олади. Мактуб ваъзларидан манбалар: 54-0900, Е31; 55-0221, Е71; 55-0604, Е65; 55-0607, Е81; 56-0415, Е70; 56-1206, Е101; 64-0207, 135; ва бошқа жойларда. Мен буни бу ерда ишлатишим шу учунки, нима учун биринчи сурат нормаль кўринган-у, иккинчи суратда бўлса ғайритабиий кўриниш бўлганини сабабини кўрсатиш учундир. Уилльям Бранхамнинг ваъзи билан ва ўша хизматнинг ибодат хизмати қисми орасида қандайдир ғайритабиий ва анчайин реал нарса юз берди. Ҳамиша шундай содир бўлди.

Кўзи ожиз Шимолий Америкалик индианканинг кўзини очилиши ва Лютеран-аёлнинг ошқозон ярасидан қон кетишидан шифоланиши. Мактуб ваъзларидан манбалар: 57-1212, Е55-Е59.

Уилльям Бранхам Фред Босвортни унинг ўлими олдидан бориб кўради. Мактуб ваъзларидан манбалар: 58-0125, Е7-Е8; 59-0510, Е18-Е19; 60-0518, 220-227.

78 боб: Уотерлудаги хафагарчилик

Джим Норманнинг Айово штати, Уотерлудаги йиғилишлар ўтказишда қатнашгани тафсилотлари, *"Фақат ишон!"* деган журналнинг 5-қисми, №1, 11-бетида босилган, унинг шахсий гувоҳликларидан олинган.

Айова, Уотерлудаги Уилльям Бранхамнинг ибодатларидан қисқартирилиб олинган парчалар ва унинг кетидан зал бўйлаб эсган шамол кўринишида Муқаддас Руҳнинг намоён бўлиши. Мактуб ваъзларидан манбалар: 58-0128, 24-27 бетлар.

Ўзининг Уотерлудаги охирги ваъзи вақтида Уилльям Бранхам Луқо 17:30 ҳақида, ўша Ёзув жойини, Худо Иброҳимга келган кун билан боғлаб ва Соронинг юрагидаги сирни очганлигини ҳақида гапирди. Уилльям Бранхам Ёзувнинг ушбу жойлари ва ўзининг хизмати ўртасида параллел ўтказади. Мактуб ваъзларидан манбалар: 58-0202, Е10-Е37 (Таҳририят). Эслатма: у ўша ваъзининг 37 параграфида маҳаллий баскетбол матчини далил қилиб келтиради.

Уилльям Бранхам ўзининг уйи олдида ерга қоқиб қўйилган ёғоч қозиқчалар ҳақида ваҳий кўрди; бу унинг Ғарбга кўчиб кетиши учун белги бўлади. Мактуб ваъзларидан манбалар: 62-1230е, 13-2 дан 13-9 гача ва 21-4 дан 22-1 гача; 65-0219, 22-6; 65-0725е, 120-125. Бошқа манбалар:Перри Гриннинг *«Пайғамбарнинг фаолияти»* китобидан, бу китобнинг русча вариантида 134-135 бетлар (инглизчадаги аслида: 128-129 бетлар).

79 боб: Яхши ва ёмонни билишни тушунтириш

Мен Уилльям Бранхамнинг «Нима учун биз деноминация эмас?» (58-0927) ва «Илон уруғи» (58-0928е) ваъзларидан бор-йўғи қисқагина баёнини сизларга келтирдим. «Ким буни қилди? У буни қилди! Дунё яралишидан олдин У мени Унинг марҳамати ҳузурида лойиқ қилди», деган сўзлар билан бошланадиган цитата. Мактуб ваъзларидан манбалар: 58-0928m, 158-160 (Таҳририят). «Хизматчилар ва биродарлар, марҳамат, мен сизларга бор-йўқ кучим билан буни тушунтирмоқчилигим туфайли хафа бўлиб ўтирманг», деган сўзлар билан бошланадиган цитата. Мактуб ваъзларидан манбалар: 58-0928е, 42-3дан 43-1гача.

Уилльям Бранхам Талсда Тўлиқ Инжилчи Тадбиркорлар Жамияти съезди вақтида миллионерларга ваъз қилди. (Т.И.Т.Ж.) Мактуб ваъзларидан манбалар: 58-1130, Е53-Е64.

Уилльям Бранхам Фаришталар хорининг куйини эшитади ва ўзга тилдаги сўзларни изоҳлайди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 58-1130, Е42-Е47. Шу мавзу билан боғлиқ бошқа цитата: 62-1123, Е110.

Рикки Дюпонстанинг шифоланиши мўъжизаси ҳақида. Мактуб ваъзларидан манбалар: 58-1130, Е65-Е74; 58-1221m, 10-33; 59-0406, Е22-Е32; 59-0409, Е2-Е3. Эслатма: 59-0406 (пар. 31) ваъзида Уилльям Бранхам Риккини фамилиясини ҳарфлаб айтади: "Д-ю-п-о-н-с-т-а" (Duponsta). Мактубнинг Прораммавий Таъминланиши Комплектида(Message Software Package) бу фамилия "ДеПомпа" (DePompa) деб, 59-0409 (пар. 2)номерли ваъзида ёзилган. Эҳтимол, Уилльям Бранхам бу фамилияни айтиш қийинлигидан айнан шундай дегандир. (Айтиб кўринг.)

«Менда ҳозир шу ерда ўша одамнинг ўн улуши бор», деган сўзлар билан бошланадиган, бу бобнинг охирги цитатаси. Мактуб ваъзларидан манбалар: 58-1130, Е73-Е74. Эслатма: Қачонки мен Уилльям Бранхам айтганларини таҳрирлайман, мен ортиқча сўзларни қолдириб ва баъзан ўқувчига ўқиганида тушунарлироқ бўлиши учун фикрларни қайта фразалаб, гапнинг тузилишини қисқартираман. Аммо мен ҳар доим маънони ўзгармаслигига эътибор қиламан. Айнан мана шу цитатада, мумкин, мен маънони ўзгартирдим, шу учун мен буни сиз билишингизни истайман. Мана, Уилльям Бранхамнинг аниқ айтган сўзлари: "Бу Унинг нурларида шифолар билан тонг юлдузларини акс этадиган ўша буюк йўлдош". Мен бу қуйидагича ёздим: "Черков (ўша буюк йўлдош, ой каби) уфқда "Унинг шифолаш нурлари" билан уфқдан кўтарилиб, Тонг юлдузини акс этади. Мен ўйлайман, бу контекстда худди ўша нарса тушунилади ҳам. Бироқ плёнкани эшитган пайтда, у гўё "тонг юлдузлари" дегандай туюлади (кўпчиликда); бу ерда у, эҳтимол, Масиҳ Келини аъзоларини назарда тутгандир, қайсики улар ўз теофанияларидан эшитадилар. Мен бу шундайлигига шубҳа қиламан, чунки бу контекстга (мувофиқ бўлмайди), (мос бўлмайди) тўғри келмайди. Агар сиз ушбу саволга қизиқсангиз, сиз шу плёнкани тинглашингиз ва ўз хулосангизни қилишингиз керак бўлади.

80 боб: «Ҳаёт бўлсин!»

Жигарранг юбка ва пиджакдаги аёл Уилльям Бранхамнинг хизматида ўзгариш бўлишини аломати бўлди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 57-0309е, Е52; 59-0406, Е12-Е19; 63-0714е, 23-27.

Уилльям Бранхам ёш онанинг ўлимини тушунтириб берадиган ваҳий кўрди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 63-0724, 135-152. Уилльям Бранхам бу одамларни исми-шарифларини айтганига эътибор беринг. Мен уларга бу китобни ёзишга қулай бўлиши учун ва ўқишни ва текстни тушуниш осон бўлиши учун, уларга ўйлаб исм қўйдим.

Ушбу парчаларда Уилльям Бранхам фаолиятини яхлит ҳолда солиқ идораси томонидан тафтиш қилишлари кўриб чиқилади ва ўша парчалардан иккитаси Уилльям Бранхамнинг Солиқ бошқармаси юристлари билан бевосита суҳбати ва бу учрашув билан боғлиқ тафсилотларига мансубдир. Мактуб ваъзларидан манбалар: 58-0720m, Е9-Е10; 58-0928m, 66-74; 59-0609 Е44; 59-0706, Е33-Е35; 59-0712, 59-73; 59-0810, Е4-Е9; 60-0304, Е48; 60-1211m, 75-83; 61-0112, 596-541; 62-1124е, Е12-Е19; 62-1223, 2-4; 62-1230m, 2-6; 62-1230е, 16-2; 63-0114, Е8-Е10; 63-0126, Е93; 63-0728, 6-1дан 6-3гача; 63-1128m, 35-37. Бошқа манбалар: *"Фақат ишон!"* журнали 3-қисм №1 ва 3-қисм №2.

Ушбу учта ҳикоя — Индиана штатида учта малла олмахоннинг яратилиши, Кентукки штатида тўртта кулранг олмахонни яратилиши ва Хэтти Моузер томонидан рост айтилган сўзлар, — ўша битта мавзуга тегишли бўлиб, шу туфайли Уилльям Бранхам уни кўпинча биргаликда айтиб берар эди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 59-1115, Е29-Е66 ва Е75-Е79; 59-1123, Е33-Е59; 65-1127е, 127-166; 64-0500, Е65-Е82. Бошқа манбалар: Хэтти Райт Моузернинг *«Фақат ишон!»* журнали, №2 2-қисмидаги гувоҳлиги ва Чарли Кокснинг*»Фақат ишон!»* журнали, №2 1-қисмида гувоҳлиги.

*"*Энди мен бу ерда ўзимнинг кичкинагина черковимга бир нима десоқчиман..." деган сўзлар билан бошланадиган цитата, Уилльям Бранхамнинг Индиана штати, Жефферсонвиллида 1959 йил 11 ноябрда айтган "Янги хизмат" деган ваъзидан олинган. Мактуб ваъзларидан манбалар: 59-1111, Е73 (Таҳририят).

81 боб: Вақт пардаси ортида

Уилльям Бранхам Орал Робертснинг шишиб кетган тиззаси учун ибодат қилади ва ундан кейин унинг маъмурий биноси бўйлаб экскурсия қилади. Мактуб ваъзларидан манбалар: 60-0417s, 31-33; 60-0611b, E10-12; 60-0804, E68-70; 61-0411, E6-E10; 62-0701, E8-E15; 62-0719b, E23-E26; 62-0725, E58-E62.

Уилльям Бранхамга Миллий гвардиянинг ўқув манежи биноси портлагани ҳақида ваҳий кўрсатилди. Ундан кейин у Исо ҳақида ваҳий кўрди ва ўша заҳотиёқ томоғи шамоллашидан ва юқори ҳароратдан шифоланди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 60-0417m, 138-160.

Уилльям Бранхам вақт пардаси ортида бўлди. Мактуб ваъзларидан манбалар: 60-0402, 19-2 дан 24-2 гача; 60-0611b, E87-E108; 60-0803, E27-E40; 61-0305, E17-E25; 63-0115, E8-E16; 63-0322, 376-5 {347} дан 384-5 {429}гача; 65-1128m, 21-36; 65-1205, 117-129.

Эслатма: Уиллям Бранхам олган вақт пардаси ортида тушунтирилган нарса хусусида, ўша Овоз деди: *«Бу жой, қайсики Ёзувда «қурбонгоҳ поясидаги жонлар» деб аталади».* У албатта, Ваҳий 6:9дан далил келтирган. Эътибор беринг, Овоз бу 6:9да айтилган *ўша одамлар гуруҳининг ўзи* деб айтмаганига. У, бу ҳам худди ўша *жой* деб айтди. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳам худди ўша ўлчов ўзга олам. «Тайёргарлик саноғи» деган ваъзида (1962 йил 25 ноябрида айтилган) Уилльям Бранхам еттита ўлчов бор деб ўргатади. У ҳозир олимлар аниқлаб қўйган тўртта ўлчовни айтиб ўтади: узунлик, кенглик, баландлик ва вақт. Бешинчи ўлчов Умидсизлар Дунёси деб аталиб, у ерда иблис ўз фаришталари билан манзил қилган ва ҳамда Исо Масиҳни билмай ўлиб кетган одамлар Ҳукм кунини кутадилар. Олтинчи ўлчов — бу жой Жаннат, Бахтиёрлар Дунёси бўлиб, бу ерда Масиҳда ўлганлар ўз теофанияларида (руҳий таналарида), овқатланишга, ичиш ва ухлашга муҳтож бўлмай, яшайдилар. Улар Масиҳнинг Иккинчи Келишини кутаяптилар, қайсики ўша кун келганида улар янги тана — улуғланган танани оладилар, ва буюк разолатдан кейин ер юзини тўлдириш учун қайтадилар. Еттинчи ўлчов — Худонинг Ўзини макони. Уилльям Бранхам буни 1963 йил 22 мартда «Бешинчи Муҳр»ни ваъз қилганида ҳам айтиб ўтади. Мактуб ваъзларидан манбалар: 62-0908, 19-22; 62-1125e, E19-E21; 63-0322, 389.

“Фараз қилинг, қаердадир коинотда баландлиги юз миллиард миль бўлган куб бор...” деган сўзлар билан бошланадиган цитата, Уилльям Бранхам 1960 йил 15 май куни Индиана штати, Жефферсонвиллида айтилган “Рад этилган шоҳ” деган ваъзидан олинган. Мактуб ваъзларидан манбалар: 60-0515m, 23-6дан 24-2гача (Таҳририят).

ҒАЙРИТАБИИЙЛИК:

Уилльям Бранхамнинг ҳаёти

Оуэн Жоргенсен

Биринчи китоб:

ЙИГИТ ВА УНИНГ ТОПТАЛИШИ

(1909 – 1932)

Уилльям Бранхам туғилганиданоқ фавқулодда ўта қобилиятли бола эди. Қашшоқликдан ва хўрликлардан қийналган бола жуда асабий бўлиб қолди. У билан доим ғалати, сирга тўла, руҳий ҳолатлар бўлиб турди... Лекин 14 ёшида қуролдан яраланиб икки оёғидан ажралиб қолишига озгина қолмагунга қадар, Худо ҳақида ўйлаб кўрмади.Қони кўлмак бўлиб, ўлим ёқасида ётганида, умидсиз, адойи-тамом бўлган сарсон-саргардон жонларнинг ер қаъридаги манзилига тўхтовсиз тушавериб, у дўзахнинг даҳшатли кўринишларини кўрди, туйди. У Худога раҳм-шафқат сўраб ялиниб ёлворди ва унга қандайдир мўъжиза билан иккинчи имконият берилдики, кейин у бу имкониятни зўрға сақлаб қолди.

Иккинчи китоб:

ЁШ ЙИГИТ ВА УНИНГ ОТАШИНЛИГИ.

(1933 – 1946)

Ёш пастор Уилльям Бранхам ўзининг сирли ҳаётини тушунишга бор кучи билан ҳаракат қилди. Нима учун у шаҳарда ваҳий кўрадиган ягона хизматчи? 1936 йилда Худо унга Хушхабарни чет элларда ваъз қилишга биринчи марта чақирганда, у Худонинг даъватини инкор қилди ва бу хатоси унга жуда қимматга тушди: унинг хотини ва қизи силдан ўлдилар. Ваҳийлар эса аввалгидек келаверди. Хизматчилар унга ваҳийлар шайтондан дейишди. Охири оташинлик уни ўрмоннинг одам қадами етмаган хилват жойларида Худони излашга мажбур қилди, у ерда у ғайритабиий мавжудот билан юзма-юз кўришди. Ўша Фаришта унга Худодан топшириқ – бу дунё одамларига Худодан шифолаш инъомларини келтиришни буюрди. Одамлар бу унга ҳақиқатдан ҳам Фаришта учрашганига ишонмаслигини айтганида, унга уни чақирилганлигини тасдиқловчи иккита ғайритабиий аломат берилади, деди У. Ўшанда уларнинг ишонишларига тўғри келади. *Ва улар ҳақиқатан ҳам ишондилар.*

Учинчи китоб:

ХУДОНИНГ ФАРЗАНДИ ВА УНИНГ ТОПШИРИҒИ.

(1946 – 1950)

Тез орада Фаришта Уилльям Бранхамга учрашиб, унинг тақдирида унга бу дунёнинг одамлари шифоланиши учун инъом келтириш белгиланганлигини айтгач, биринчи аломат — фақат вирусли касалланган одамнинг қўлига қўли теккандагина бўладиган тебраниш пайдо бўлди. У топшириқни олгач, икки ой ичида Уилльям Бранхамдаги ҳайратланарли инъом бутун мамлакат диққатини ўзига тортди. У қутқарилиши ва Исо Масиҳ номидан Худо шифолашини ваъз қилган мажлисларида минглаб одамлар тўпланди. Ғаройиботлар сони кўпаяверди. Дунё Исонинг жинларни қувиб ва ҳамма беморларни шифолаб Галилея бўйлаб юрган кунларидан бери бунга ўхшаш ҳеч нарсани кўрмаганди.

Шунга қарамай, айрим одамлар шундай камтар одамга чиндан ҳам Фаришта учраганмикан деб шубҳаланардилар. Кейин иккинчи аломат пайдо бўлди... ва уларнинг ишонишларига тўғри келди!

Тўртинчи китоб:

ХУШХАБАРЧИ ВА УНИНГ МАЪҚУЛЛАНИШИ

(1951 – 1954)

Уилльям Бранхам — ҳозирги замон тарихидаги парадокс. 1946 йилда унинг хизмати номаълумликдан ярим йилга қолмай, миллий масштабдаги эътиборни олишгача сакраш қилди, ва вақт ўтиши билан бутун дунёда имон билан шифоланиш уйғонишини алангалатди. У бу қаҳрамонликни улкан неъмат — ғайритабиий аломат туфайли амалга оширди, бу аломат эса одамларни бунга эътиборини қаратди. Тез орада бутун дунё бўйлаб Масиҳчилар буни пайқай бошладилар. 1951 – 1954 йиллар давомида Уилльям Бранхам ҳозиргача бутун тарихда энг йирик Масиҳчилар йиғилишини ўтказди: Бомбейдаги (Ҳиндистон) йиғилишларнинг бирида 300 000 га яқин одам иштирок этди. Унинг хизматига Америкада ва чет элларида эҳтиёж чексиздай эди. Аммо Уилльям Бранхам бутунлай қониқмаётган эди. Гўё нимадир нотўғридай эди. Буни нимадалигини у узоқ вақт билмади, аммо 1954 йил охирида у билди. Унинг хизмати ўзгариши керак эди.

Бешинчи китоб:

МУАЛЛИМ ВА УНИНГ РАБ ЭТИЛИШИ

(1955 – 1959)

Уилльям Бранхамнинг халқаро хизмати учта босқичдан иборат. Биринчидан, у қўлидаги ғайритабиий аломат воситасида касалларни аниқлар эди. Кейинроқ, ваҳий орқали фақатгина касалликларни эмас, ундан кўпроғини ҳам билишга қодир бўлди. 1946 ва 1954 йиллари мобайнида унинг ваъзлари орқали 500 000 дан ҳам кўп одам Исо Масиҳни ўзларининг шахсий Нажоткори деб қабул қилишди, унинг ибодати натижасида қанча миллион одам шифоланганини аниқлашни умуман иложи йўқ эди. Одамлар томонидан руҳнинг чуқурликлари ва юқориликларини қабул қилаётганларини тушуниб туриб, қайсики одамларга Худо Сўзи ва Руҳи томонидан берилаётган эди, Уилльям Бранхам Илоҳий Руҳ уни бундан каттароқ ниманидир қилишига чақираётганини ҳис қилди. Одамларни ҳар хил сабаблар туфайли уни йиғилишларига келишларини у билар эди. Баъзилар Исо Масиҳ Руҳи ўша ерда эканига ишони бкелишар эди. Бошқалар эса, худи ўтган замонларда Исо қандай қилиб касалларни шифолаганини ва вино, қон ва балиқларни кўпайтирганини кўриш учун келганлари каби, янгилик ва уйғониш учун келишар эди. аммо айнан Исонинг таълимоти дунё тарихи ривожини ўзгартириб юборди. Уилльям Бранхам, Худо унинг шифоланиш кампаниялари вақтида кўпроқ таълимотни ваъз қилишга чорлаяпти деб ўйлади. Христиан черковига унинг хизмати мустаҳкам ижобий ҳисса қўша олишига у ишонар эди. 1955 йилдан у нафақат Илоҳий шифоланиш ҳақида, балки Худо Каломининг бошқа жиҳатлари ҳақида ҳам ўргатди. Худо унга ваҳийда унинг хизматида янги этап — “учинчи силтов” ҳақида (Фаришта сўзлари бўйича) — қайсики, Худо у орқали олдин барча қилган ишларидан устун бўлади. Бу билан Уилльям Бранхам, албатта, анча одамларни хафа қилди.

Навбатдаги китоб:

Олтинчи китоб:

ПАЙҒАМБАР ВА УНИНГ ВАҲИЙСИ

(1960 – 1965)

Инглиз тилидаги китобларни қуйидаги манзил бўйича заказ қилиш мумкин:

Tucson Tabernacle
2555 North Stone Avenue
Tucson, Arizona 85705
USA

БЕШИНЧИ КИТОБ:

МУАЛЛИФ ВА УНИНГ РАД ЭТИЛИШИ

(1955 — 1960)



Уилльям Бранхамнинг халқаро хизмати учта босқичдан иборат. Биринчидан, у қўлидаги ғайритабиий аломат воситасида касалларни аниқлар эди. Кейинроқ, ваҳий орқали фақатгина касалликларни эмас, ундан кўпроғини ҳам билишга қодир бўлди. 1946 ва 1954 йиллари мобайнида унинг ваъзлари орқали 500 000 дан ҳам кўп одам Исо Масиҳни ўзларининг шахсий Нажоткори деб қабул қилишди, унинг ибодати натижасида қанча миллион одам шифоланганини аниқлашни умуман иложи йўқ эди. Худонинг Сўзи ва Руҳнинг одамларга бераётган руҳий теранлик ва юксакликларни қабул қилмаётганликларини тушуниб туриб, Уилльям Бранхам Худонинг Руҳи ундан бунданда ортиқроқ нимадир қилишга чорлаётганини ҳис этди. Одамларни ҳар хил сабаблар туфайли уни йиғилишларига келишларини у билар эди. Баъзилар Исо Масиҳ Руҳи ўша ерда эканига ишониб келишар эди. Бошқалар эса, худди ўтган замонларда Исо қандай қилиб касалларни шифолаганини ва вино, қон ва балиқларни кўпайтирганини кўриш учун келганлари каби, янгилик ва уйғониш учун келишар эди. аммо айнан Исонинг таълимоти дунё тарихи ривожини ўзгартириб юборди. Уилльям Бранхам, Худо унинг шифоланиш кампаниялари вақтида кўпроқ таълимотни ваъз қилишга чорлаяпти деб ўйлади. Христиан черковига унинг хизмати мустаҳкам ижобий ҳисса қўша олишига у ишонар эди. 1955 йилдан у нафақат Илоҳий шифоланиш ҳақида, балки Худо Каломининг бошқа жиҳатлари ҳақида ҳам ўргатди. Худо унга ваҳийда унинг хизматида янги этап — “учинчи силтов” ҳақида (Фаришта сўзлари бўйича) — қайсики, Худо у орқали олдин барча қилган ишларидан ҳам устун бўлди. Бу билан Уилльям Бранхам, албатта, анча одамларни хафа қилди.